

**Ilm kelajagimiz
ravnaqidir**

№-2 2022



**СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION**



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

Илм келажасгимиз равнақидир

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKHANDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION

Илмий мақолалар журнали

№-2 2022



ТАЪСИСЧИЛАР;
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ
МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Ҳар чорақда 1 марта чиқади.

**Jurnal 25-05-2020 yil. №11-079
raqami bilan ro'yxatga olingan.**

O'zbekiston Respublikasi OAK ning 2021 yil
12 dekabrda № 01-06/25-04 raqamli xati
asosida ro'yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat
ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVONNOMA N-11-079.

My.gov.uz. Yagona interaktiv. davlat
xizmatlari portali.
N 8102-325e-cd96-f50a-53b3-3119-7970

Hujjat yaratilgan sana: 2020-05-25.

Ariza raqami: 19051279.

НАШР ИНДЕКСИ 190-111.

ЖУРНАЛ «ADAD PLYUS» МЧЖ
матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўчаси 28-уй.
Босишга рухсат этилди: 13.05.2022.
Қоғоз бичими 60x84 1/8.
Босма табағи 16,5. Офсет босма.
Офсет қоғози. Адади 100.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 17.

Техник ходимлар:
**Мамаражабов Ғайрат
Умаров Икром**
Саҳифаловчи:
Қўшоқова Моҳигул

Таҳририят манзили: Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳри "Баркамол авлод" кўчаси 43 уй.
tursunovsafullo12@mail.ru
Тел: 876 223 07 66.
+99 891 577 90 50,
+99 894 200 49 55,
+99 891 229 22 29.

Бош муҳаррир:

Главный редактор:

Chief Editor:

**Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич
Тарих фанлари доктори, профессор
Термиз давлат университети**

Бош муҳаррир ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

**Қобулов Эшболта Атамуродович
Тарих фанлари доктори, профессор Термиз давлат
университети, Педагогика институти директори
Журналнинг илмий котиби:
Умуркулов Бекпўлат филология фанлари
доктори, Термиз давлат университети**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Марахимов Авазжон
Тўраев Назар
Сагдуллаев Анатолий
Муртазаева Раҳбархон
Абдуллаев Улуғбек
Ашуров Адхам
Дониёров Алишер
Мўминова Гавҳар
Эшов Баходир
Эргашева Юлдуз
Обломуродов Наим
Воҳидов Шодмон
Бўриев Очил
Давлатова Саодат
Ғофоров Шокир
Холиқова Раҳбархон
Худойқулов Абдулла
Пардаев Тошкенбой
Рахимов Ғанишер
Шомирзаев Махматмурод
Холмўминов Жуманазар
Холмўминов Хусан
Турсунов Нурулло
Турсунов Жавли
Тўхтаев Абдуғани
Хайитов Шодмон
Ирисқулов Олимжон
Саидов Илхом
Акчаев Фаррух
Якубова Диларам

ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:
Чориев Рўзимурод
Қосимов Асрориддин
Лақаев Саидахмад
Нормуродов Чори
Қодирова Дилбар
Раҳимов Баходир
Худойқулов Садриддин
Шайдуллаев Шопўлат
Юнусова Хуршида
Тўраев Хайит
Ўсаров Сирожиддин
Қулмаматов Дўстмамат
Бобожонова Дилором
Эшонқулов Абдужаббор
Алланов Қилич
Тилеуқулов Гаухар
Алиқулов Рустам
Ёдгоров Эшмўмин
Мирзаев Ибодулло
Панжиев Нормамат
Жабборова Шоира
Чориев Иргаш
Ҳотамов Очилди
Зокиров Ҳолмат
Норбошева Меҳри
Боқиев Анвар
Аҳмедова Гулчеҳра
Туропова Моҳидил

ВАТАН ТАРИХИ САҲИФАЛАРИДАН ЖОЙ ОЛГАН МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШИ

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси мудири,
тарих фанлари доктори, профессор

Аннотация. Россия империясининг Биринчи жаҳон урушидаги иштироки мамлакатда чуқур ижтимоий-иқтисодий инқирозни вужудга келтирди. Фронтдаги улкан мағлубиятлар ҳамда аҳоли турмушининг кескин пасайиши вазиятни янада кескинлаштирди. Совет ҳукумати халқни ўз томонига тўлиқ оғдириб олиш йўлини тутиб, камбағал табақаларни кўпроқ сиёсий ҳаётга жалб этишга киришди. 1921–1922 йилларда Сурхон воҳасида илк совет ва партия қўмиталари тузилиб, ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун бир қатор ишлар амалга оширилди.

Калит сўзлар: ватан тарихи, миллий озодлик, инқилоб, ҳокимият, камбағал табақа, аҳоли, ҳарбийлар, кўзғолон.

Аннотация. Участие Российской империи в Первой мировой войне создало в стране глубокий социально-экономический кризис. Положение усугублялось массовыми поражениями на фронте и резким падением жизненного уровня. Советская власть пошла по пути полного обращения народа на свою сторону и стала больше вовлекать бедноту в политическую жизнь. В 1921–1922 годах в Сурхандарьинском оазисе были сформированы первые советские и партийные комитеты, проведен ряд мероприятий по укреплению власти.

Ключевые слова: история Отечества, национальное освобождение, революция, власть, беднота, население, военные, восстание.

Abstract. The participation of the Russian Empire in the First World War created a deep socio-economic crisis in the country. The situation was exacerbated by massive defeats on the front and a sharp decline in living standards. The Soviet government took the path of completely turning the people to its side and began to involve the poor in more political life. In 1921–1922, the first Soviet and party committees were formed in the Surkhandarya oasis, and a number of measures were taken to strengthen the government.

Keywords: history of the homeland, national liberation, revolution, power, the poor, the population, the military, the uprising.

Россия империясининг Биринчи жаҳон урушидаги иштироки мамлакатда чуқур ижтимоий-иқтисодий инқирозни вужудга келтирди. Фронтдаги улкан мағлубиятлар ҳамда аҳоли турмушининг кескин пасайиши вазиятни янада кескинлаштирди. 1917 йил февраль ойида Петрограддаги халқ кўзғолонлари натижасида подшо ҳукумати ағдарилди. Николай II тахтдан воз кечди. Россияда 300 йилдан ошиқроқ муддат бошқарган Романовлар сулоласи бошқарувига чек қўйилди. Ҳокимият тепасига Муваққат ҳукумат чиқиб келди. Аммо Муваққат ҳукумат мамлакатдаги оғир вазиятни ўнглай олмади. Бундан фойдаланган большевиклар партияси 1917 йил 25-26 октябрда (янги сана билан 7-8 ноябрда) қурол кучи билан давлат тўнтаришини амалга оширди ва Россияда совет ҳокимияти ўрнатилди.

Бу даврда Термиз шаҳри икки қисмга бўлиниб бошқарилган. Унинг шарқий

ва жанубий қисмлари Паттакесар қишлоғи негизида вужудга келган бўлиб, Янги шаҳар дейилган. Шаҳарнинг шимолий ва ғарбий қисмлари рус ҳарбийларининг қўлида бўлиб, Тупроққўрғон номини олган эди. Ҳар иккови Паттакесар Термизи деб аталар эди. Петрограддаги давлат тўнтариши ҳақидаги хабарлар Термизга ҳам етиб келгач, рус большевиклари 31 октябрдан 1 ноябрга ўтар кечаси (янги сана билан 13-14 ноябрь) шаҳар бошқарувини ўз қўлларига олишди. 1917 йил 2–5 декабрида Термизда ишчи, солдат ва деҳқонлар съезди бўлиб ўтди ва унда ҳокимият Советлар қўлига ўтганлиги расман эълон қилинди [1.50].

Термизда ўз ҳокимиятини кучайтириш учун 1917 йил 28 ноябрда большевиклар илк қизил гвардия бўлинмаларини тузишди. 1918 йилнинг 2 феврилида Термиз шаҳрида Қизил армия қисмлари ташкил этилди. Шу билан бирга, Фавқулодда комиссия органлари ва инқилобий трибуналлари ҳам шакллантирилди. Бу органлар ўзгача фикрлайдиганлар, эркинлик ва демократияни бўғишнинг муҳим қуролига айланди [2.79-80].

1917–1918 йилларда Термиздаги совет ҳокимияти туб элларни бошқарувга умуман яқин йўлатмади. Жумладан, Термиз Советида бирорта ҳам туб аҳоли вакили йўқ эди [3.18]. Бундай бўлишига рус большевикларининг шовинистик қарашлари сабаб бўлди. Большевиклар мусулмон аҳолини менсимас, уларга нисбатан зўравонлик билан иш юритар эди. Термизда большевикларнинг Бухоро амирлиги аҳолиси билан тўқнашувлари тез-тез содир бўлиб турди.

1918 йил 2 мартида Туркистон ХКС раиси Ф.Колесовнинг Бухорога қарши юришидан кейин вазият кескин ўзгарди. 1918 йил мартида амирнинг буйруғи билан Когондан Термизгача бўлган темир йўллар буздирилиб, Тошкентдан узиб ташланди. Шаҳарда озиқ-овқат ва уй-рўзғор молларининг етишмовчилиги юзага келди. Саросимага тушиб қолган русий тилли аҳоли шаҳарни оммавий равишда тарк эта бошлади. 1918 йил ёзида шаҳарда тахминан 300-400 оила қолган бўлиб, уларнинг умумий сони минг кишидан кўпроқ эди.

Гарчи Бухоро амири 1917 ноябридан 1918 йил мартага қадар Термиздаги совет ҳокимиятига қарши уч марта ялпи сафарбарлик ўтказган бўлса-да, амалда ҳеч қандай тўқнашувлар содир бўлмади. Негаки, Янги Термиз қарийб 30 йил давомида амирлик аҳолисининг кучи билан қурилган, жанговор ҳаракатлар бундай стратегик пунктнинг вайрон бўлишига олиб келар эди. Қолаверса, Бухоронинг Афғонистон билан асосий савдоси Термиз орқали ўтар эди. Шуни ҳисобга олган амир Термизда қон тўкилмаслиги учун барча чораларни кўрди, русларга шаҳардан чиқиб кетишлари учун йўл очиб берди. Бундан ташқари, Янги Термиздаги бозор ва жомеъ масжиди ҳам ишлаб турди. Шаҳар бозорида руслар ўзлари учун керак бўлган маҳсулотларни олиб турар,бу эса, большевикларнинг асосий кучлари етиб келгунга қадар вақтдан ютиш имконини берди.

1920 йилнинг 2 сентябрида большевикларнингхужуми туфайли Бухоро амирлиги ағдарилди. Душман таъқиби остида Саййид Олимхон Бухоронинг шарқий бекликларига чекинди. Босқинчиларнинг зўравонлигига жавобан қаршилиқ ҳаракати бошланди. Сурхон воҳасида илк қаршилиқ ҳаракатини ташкил этган. Мирзо Абдулмўминбек, Миён Сафиюллоҳ Ўроқхон, Олимбек, Саид Аҳмадбек, Тўхтамишбек, Обид эшонхалфа, Жўра оқсоқол, Хўжамшукур ва Норқул тўқсабо, Мулла Абдурасул Ҳожи, Сайид Хатиб, Абдурасулбой, Усмон Ҳожи кабилар ягона миллий озодлик байроғи остида тўпланиб, юртни озод қилишни энг асосий бурч деб билдилар.

Хуллас, келгиндиларга қарши ялпи қаршилик ҳаракати бошланди. Амирнинг буйруғи билан Олимбек Бойсун ва Шерободдаги қўшинларга бош қилиб қўйилди. Ноябрь ойининг ўрталарига келиб, Шарқий Бухорода амир аскарлари сони 15 минг, кўнгилли – ғазовотчилар эса 30 минг кишини ташкил этди [4.18]. 1920 йилнинг 23 ноябрида Бойсунда Бўри тўқсабо қўмондонлигида 7000 киши, Деновда 1000 киши, Сариосиёда 3000 киши, Боғча қишлоғида Эшонбоши етакчилигида 600 киши, Сангардакда 140 киши, Дарбандда 100 кишидан кўпроқ қўшин йиғилди [5.60].

1920 йилнинг 4 декабрида Қизил армиянинг айғоқчилик хизмати берган хабарга кўра, Саййид Олимхон шимолий йўналишдаги Денов ва Сариосиёда 4740 киши, Бойсунда 19 октябрдан 23 ноябрга қадар 7000 киши, 5 та пулемёт ва 1 та тўп, Шерободда 27 ноябрь ҳолати бўйича 8000 киши, сўл соҳил бўйлаб туркман қишлоқлари – Хамнаб ва Бўсағада 5000 киши (шундан 600 киши қуролланган, 2 пулемёт билан), фронт орти ҳудудида: а) Душанбе – амир қароргоҳида 5000 киши, 2 тўп; б) Ҳисор – 5000 киши, жами 34740 жангчи, 7 пулемёт ва 2 тўпдан иборат йирик кучларни шакллантиришга муваффақ бўлди. Аммо бу рақамлар бироз бўрттирилган, қолаверса, шулардан бор-йўғи 4000–5000 киши қуролланган эди [6.433-434].

Туркфронт қўмондонининг буйруғига асосан 1920 йилнинг 27 ноябрида Ҳисор экспедицион отряди шакллантирила бошланди. Дивизия командири М.Марсов унинг қўмондони этиб тайинланди. Экспедиция таркибида: М.Е.Роганов раҳбарлигидаги икки отлик полки бўлган 1-отлик дивизия, В.Г.Дьяконовнинг 1-отлик батареяси, отряднинг командири этиб тайинланган В.М.Ионовнинг Туркистон отлик дивизияси, 1-Туркистон дивизиянинг 3-бригадаси 16-кавалерия полки, 1-Туркистон дивизиясининг 5- ва 6-кавалерия полки ва артдивизионнинг битта взводи бор эди. Юриш арафасида отряд 1500 жангчи, 22 та пулемёт ва 2 та тоғ тўпларидан иборат эди. Асосий умид Термиздаги кучларда бўлган.

Бу кучлар билан қизил аскарлар 1921 йилнинг январида Бойсун, Шеробод, Чироқчи, Китоб ва Яккабоғни эгаллаб олишади. 1921 йилнинг феврида Саййид Олимхоннинг қолган кучларини тор-мор этиб, Денов, Юрчи, Сариосиё, Сарижўй, Ҳисор, Душанбе каби шаҳарларни эгаллашди. Қизил аскарларнинг таъқиби остида СаййидОлимхон 1921 йилнинг 4 мартида Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур бўлди.

Бухоро амири юртни тарк этгач, озодлик ҳаракати сўниши ўрнига аксинча ловуллаб, аланга олиб кетди. Ҳозирги Тожикистон Республикаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудида кўплаб қўрбоши дасталари тузилди. Балжувонда Давлатмандбек, Кангуртда Ашурбек ва Мирза Солих, Кўлобда Ашур тўқсабо, Кўрғонтепада Тоғай Сари, Данғарада Абдуқаюм парвоначи, Лақайда Иброҳимбек, Дарвозда Эшон Султон, Қоратегинда Фузайл Махдум, Сариосиё ва Қоратоғда Абдурахмонбек, Боботоғда Ҳайитбек додхоҳ, Душанбеда Раҳмон додхоҳ, Бойсун ва Сурхонда Хуррамбек, Ҳисорда Али Мардонбек ва Темурбек, Ўрта Бухоро ва Қаршида Жўрахўжа, Каркида Қулмуҳаммадбек ва Абдурахмон ботир, Ғузорда Авлиёкул кўрбоши, Саройкамар ва Олатоғда Достонкул ва Тўқсанбой, Шаҳрисабз ва Яккабоғда Жаббор каби кўрбошилар йирик қўшилмаларга бош бўлдилар.

Тўғри, кўрбошиларнинг кўпчилиги амирнинг таниқли амалдорлари, ўз туманларининг беклари, йирик дин арбоблари ёки оддий камбағал деҳқонлар

бўлишган. Лекин шунга қарамасдан, улар босқинчиларга қарши курашга отланган юртдошларининг ҳаракатларини бир йўналишда бирлаштира олдилар. Улар ўзлари эгаллаб турган ҳудудларда ислом дини ва шариат асосида ўз бошқарув усулларини ўрнатдилар.

1921 йилнинг кузидан бошлаб озодлик ҳаракатига Туркиянинг собиқ бош вазири Анвар Пошо келиб қўшилди. У Иброҳимбек билан бирлашиб, Душанбе, Денов ва Сарисийё ҳудудларини душмандан озод этди ва Бойсунни қамал қилди. Аммо ана шундай масъулиятли дамларда Иброҳимбек ва Анвар Пошо ўз кучларини тўлиқ жипслаштира олмадилар. Совет давлати юрт севарларга қарши юз минг кишилик қўшинни ташлади.

Яққол устунликка эга бўлган қизил аскарлар Анвар Пошо ва Иброҳимбек қўшинларини мағлубиятга учратдилар. 1922 йилнинг 4 августида Қурбон ҳайити куни Анвар пошо Балжувондаги жангда ҳалок бўлди. Шунга қарамай, озодлик ҳаракати давом этаверди. Шеробод, Денов, Сарисийё, Бойсун, Юрчи, Жарқўрғон ва Боботоғ ҳудудларида Хуррамбек, Ҳайитбек, Мустафокулбек, Раҳмонбек, Салом калта, Соҳиб командир, Берди додхоҳ, Ўтанбек ва Аҳмадхон эшонлар Қизил армияга қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Бу кучлар Иброҳимбек томонидан бошқарилиб турилди.

Совет ҳукумати халқни ўз томонига тўлиқ оғдириб олиш йўлини тутиб, камбағал табақаларни кўпроқ сиёсий ҳаётга жалб этишга киришди. 1921–1922 йилларда Сурхон воҳасида илк совет ва партия қўмиталари тузилиб, ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун бир қатор ишлар амалга оширилди. Чунончи, 1921 йилнинг январь ойида Бойсунда инқилобий бошқарув қўмиталари ташкил этилиб, қўмита асосан ички душманларни тугатиш, совет ҳокимиятини тўлиқ ўрнатишни таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб олди. Советларнинг ВЧК [7.], ГПУ [8], ОГПУ [9] бўлинмалари воҳада жосуслик ҳаракатларини кучайтириб, маҳаллий аҳолини қамокқа олиш ва қириб ташлаш билан шуғулланди.

1922 йилда Шарқий Бухорода вазият оғирлашгач, БХСР МИК [10] қошида Шарқий Бухоро бўйича Фавқулодда Диктаторлик Комиссияси ташкил этилади. Комиссия таркибига Носир Ҳакимов (раис), Олимжон Оқчурин (раис ўринбосари) ва бошқалар кирди. Бундан кейин, миллий кучларга алоқадорликда гумон қилинган ҳар қандай киши, ҳатто қишлоқ ҳам аёвсиз жазоланди. Қизил аскарлар Ғамхўр, Кишти, Термиз, Вангозе, Полонзе, Бахчиғаза туманларида қирғин уюштиришди. Расмий маълумотларга кўра, фақат 1923 йил ноябридан 1925 йил бошига қадар Бухоро Республикаси ҳудудида миллий ҳаракат қатнашчиларидан 4961 киши ўлдирилди, 3307 киши асирликка олинди [11.102,104].

1923 йил 22 апрелда Бухоро Компартияси кўрсатмаси билан Шеробод вилоятида умумий партия йиғилиши бўлди. Бунда «БКП нинг яқин кунлардаги вазифалари тўғрисида»ги кўрсатмасига биноан партия аъзолари ичида ниқобланган савдогарлар, амир хизматчилари ва найрангбозларни йўқотиш масаласи муҳокама қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1923 йили қасаба уюшмасини тозалаш баҳонасида Шеробод вилоятидаги 5 та қасаба уюшманинг 996 аъзосидан 285 таси қамокқа олинди ва отиб ташланди. Бу билан туб аҳолининг кўзини кўрқитиш ва янги давлатнинг тартиб интизомини тан олдириш мажбурий равишда олиб борилди [12.229-230].

Большевиклар туб аҳолини бир-бирига қарши қайраб, ўз манфаатлари йўлида усталик билан фойдаландилар. Айниқса, Бойсундаги инқилобий қўмитада

ишлаган Ибодулла Ҳалимов, Мирзо Салим Дўстмуродов, Мирзо Ғулом Қодирӣ, Жалол Каримов, Қудрат Бобоев, Азим Аннақулов қабила бу сиёсатни амалга оширишда фаол иштирок этишди. Эшнӣёз Юнусов, Мулла Эрдонсингарилар мусулмон отрядларига бошчилик қилиб, миллий кучларни тор-мор этишда қатнашдилар.

Ана шундай кучлар ёрдамида большевиклар ўз рақибларини аста-секинлик билан енга бошладилар. Жумладан, Бойсундаги ўр уруғидан чиққан кўнгиллилар отряди 1926 йилда Юрчидаги 7 та кўр (тўда) ва 300 йигитдан иборат бўлган кучларни тор-мор этди. Сурхондарёнинг бошқа туманларида 13 кўрбоши, 52 йигит ўлдирилди, 7 кўрбоши ва 20 йигит қўлга олинди. 5 кўрбоши ва 18 йигит, шу жумладан, машҳур кўрбоши Мустафоқулбек таслим бўлди. Мусулмон отрядлари томонидан 31 та милтиқ, 18 та тўппонча, 9 та қилич, 2459 та ўқ ва 178 та от тортиб олинди.

Баъзи ҳолларда ихтиёрий равишда қуролини ташлаган кўрбошиларни халқ олдида кечирим сўрашга мажбур этишган. Чунончи, 1925 йил 29 апрелда йирик кўрбоши Холиёрбек (Раҳмонберди додхонинг ёрдамчиси) ўз йигитлари билан бирга таслим бўлган. 4 май, бозор куни Бойсунда бўлиб ўтган йирик митингда у ўзининг жиноятлари учун тавба қилиб, деҳқонлардан кечирим сўраган. Шу ерда унга тантанали равишда Қизил армияга ёрдам бериши ҳақида қасамёд қилдирилган [13.628].

Кучлар нисбатининг тенг эмаслиги, кўрбошиларнинг ягона марказдан туриб бошқарилмаслиги, озодлик ҳаракатининг стихияли ташкил этилганлиги туфайли воҳадаги миллий кучлар тор-мор этилди. Оқибатда кўплаб бегуноҳ одамлар қириб ташланди, уларнинг мулклари талон-тарож қилинди, ўлим исканжасидан омон қолганлар юртни ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятидаги миллий озодлик ҳаракатини 3 босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси: 1920 йил сентябрдан–1921 йил мартгача чегараланиб, бу давр ўлкада совет режимининг ўрнатилиши ва унга қарши илк озодлик ҳаракатининг бошланиши билан белгиланади. Иккинчиси: 1921 йил март ойидан–1926 йил июнигача бўлган ораликни ўз ичига олган бўлиб, қаршилик ҳаракатининг чўққисига чиққан давр саналади. Учунчиси: 1926–1931 йилларни ўз ичига олиб, миллий кучларнинг тўлиқ тор-мор этилиши ва ўлкада совет режимининг узил-кесил ўрнатилиши билан белгиланади. Қуйида юрт эрки учун курашган етакчилар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамиз. Бунда ҳар бир тарихий босқичдан келиб чиққан ҳолда маълумотлар берилади.

Абдулмўминбек Қулмўмин ўғли 1875 йилда Бойсун беклигидаги Хатак қишлоғида туғилган. Эндиликда бу қишлоқ Шеробод туманига қарайди. Отаси – Ўтапўлат ўғли Қулмўмин, онаси – Ҳайит ҳожи қизи Ўғилой бўлган. Ўз даврининг машҳур полвони ва чопағони. Ўзбекларнинг қатағон қабиласи, хаттак уруғидан бўлган. Бухородаги мадрасада таҳсил олган. 28 йил давомида аввал Бойсун, сўнгра Шеробод бегининг мирзаси лавозимида иш юритган. 1911 йилда қисқа муддатга Шеробод беги бўлган. Шу сабаб халқ ўртасида у Мирза Абдулмўминбек номи билан шуҳрат қозонган.

1918 йилда большевикларнинг Бухорога босқинидан сўнг Шерободда амир қўшинларининг жанговор тайёргарлик ишларига бошчилик қилган. Шеробод яқинидаги Майдон қишлоғида мерганлар ва газарлар [14] бўлинмаларини ташкил этган. 1920 йил 29 сентябрда қизил аскарлар Шерободни босиб олгач,

Абдулмўминбек миллий озодлик кучларини тўплаш бошлаган. Бу ишда унга машҳур диний раҳнамо, шерободлик Миён Сафиюллоҳ Ўроқхон, саркарда Олимбек, собик Шеробод беги Тўхтамиш, Денов беклигининг Мўминкул қишлоғидан бўлган Жўра оқсоқол, бойсунлик Хўжамшукур тўқсабо ва бошқалар ёрдам беришган. Жумладан, 1920 йилнинг октябрь ойи бошларида Миён Сафиюллоҳ Ўроқхон ташаббуси билан Хўжанқон қишлоғида чақирилган юрт оқсоқолларининг кенгашида босқинчиларга қарши Муқаддас уруш эълон қилинади. Мамлакат бўйлаб миллий озодлик ҳаракати бошланди. Жўра оқсоқол қишлоқма-қишлоқ кезиб, элни курашга чақирди. Натижада, 1920 йилнинг 17 октябрь куни уларнинг минг кишилиқ қўшини Шерободни озод қилди. Аммо миллий кучларнинг асосий қисми Бойсунга кетганидан фойдаланган большевиклар 10 ноябрь куни яна Шерободни эгаллаб олишди.

Шундай оғир вазиятда Абдулмўминбек Шерободни қайтариб олиш учун яна бир бор уриниб кўрди. 1920 йилнинг 27 ноябрида Шерободга ялпи ҳужум бошланди. Қутилмаган ҳужум душман аскарларини доводиратиб қўйди. Шерободда ўзларини хўжайиндек ҳис қилиб юрган истилочилар миллий қўшинлар сиқувига дош беролмай қочишга тушди.

Термиз гарнизони бошлиғи Малиновский томонидан Бухоро Халқ Совет Республикаси Инқилобий кўмитаси (Ревком) ва ички ишлар ноziри номига жўнатилган бир махфий ҳужжатда айтилишича, “Шеробод шаҳри атрофидаги бизнинг қисмлар (Шеробод гарнизони) га қарши душман турли милтиқлар билан қуролланган 7000 кишидан иборат кучни ташлади, улар орасида Денов, Юрчи ва Ҳисор шаҳарларининг аҳолиси бор эди. Душман кучларининг тазйиқи остида Шеробод гарнизони 27 ноябрда Шерободни ташлаб чиқди ва Ангор қишлоғига чекинди. Шеробод шаҳрида бўлган жанг қатнашчиларининг фикрига қараганда, амир қўшинларининг мутаассиблиги (аслида жасорати) шу даражага бориб етганки, улар бизнинг артиллерия ва пулемётдан тинмай ўт очишимизга қарамасдан, фақат олға ташланишарди” [15.60].

Шеробод озод этилгач, ватанпарварлар жануб томон кенг фронт бўйлаб ҳужумга ўтишди. 28 ноябрга қадар Ангордан шимолда жойлашган барча қишлоқлар душмандан тозаланди. Қизил аскарлар Ангордан 5 км шимолдаги Қорасув дарёси бўйида мустақамланиб олмоқчи бўлишди. Аммо бу ерда ҳам омадлари чопмади. Ватанпарварлар кучли қаршиликка қарамай, дарёдан кечиб, Ангорни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Душман шошилиш тарзда чекина бошлади.

Уларнинг чекиниши тартибсиз қочишга айланди. 1920 йилнинг 4 декабрида Бухорога юборилган навбатдаги ҳужжатда айтилишича, Қизил Армиянинг 8-полки батальонлари 27 ноябрда Шерободни ташлаб чиққач, аввал Ангор, сўнгра Термиз томонга қочди. Миллий кучлар душманни Термизга қадар таъқиб этиб, Шеробод беклигини озод этди [16.61].

Эришилган ғалабалар нафақат туб аҳолининг руҳиятини кўтарди, балки босқинчилар устидан ғалаба қозониш мумкинлигини ҳам кўрсатиб берди. Амир қўшинларининг фаоллигига жавобан Туркфронт кўмондонлиги Шарқий Бухорога йирик кучларни ташлади. 1920 йил 17 декабрда Термиз ва Қаршидан айни бир кунда йўлга чиққан Ҳисор экспедицияси кучлари Шеробод мудофаачиларини танг аҳволга солиб қўйди. Бир вақтнинг ўзида икки фронтда уруш олиб бориш иложсиз эди. Большевикларнинг расмий ҳужжатларида кўрсатилишича, Шерободдаги 8000 кишилиқ мужоҳидлар армиясида ҳар ўн кишига биттадан

милтиқ тўғри келарди, бунинг устига ҳар милтиққа 3–5 дона ўқ бор эди, холос. Қолаверса, уларнинг жуда катта қисми кўнгиллилардан ташкил топган ва жанговор тайёргарлиги паст эди.

Кучлар нисбати нотенг бўлишига қарамай, Абдулмўминбек Шерободни қизил босқинчилардан мардонавор Ҳимоя қилди ва 1921 йил 7 январда қўрғон дарвозаси учун бўлган тенгсиз олишувда ҳалок бўлди. Жасоратига қойил қолган қизил аскарлар уни Хўжанқонга олиб бориб, катта ҳурмат билан мусулмончилик қоидаларига асосан дафн этишди [17.114-130]. Ўша куни ҳалок бўлган Шеробод мудофаачилари халқ томонидан “шаҳиди аъло” номи билан аталганлар. Улар дафн этилган жой кейинчалик Галашайит номини олди. Миён Сафиюллоҳ ҳам кўп ўтмай вафот этди ва Хўжанқон қишлоғида дафн этилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993. – Б. 50.
2. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова. – Ташкент, 2000. – С. 66–67, 79–80.
3. Халияров Х., Бычков Д., Блинников А. Сурхандарьинская область. –Ташкент, 1974. – С.18.
4. Ҳайит Н, Усмон Т. Кураш йиллари. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – Б. 18.
5. Ражабов Қ. Бухорога Қизил армия босқини ва унга қарши кураш (1920–1924 йиллар). – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 60.
6. Тимошков С.П. Борьба с интервентами, белогвардейцами и басмачеством в Средней Азии//Шумов А.С., Андреев А.Р. Басмачество. – Москва: Эксмо-Алгоритм. 2005. – С.433–434.
7. Всероссийская чрезвычайная комиссия по борьбе с контрреволюцией и саботажем при Совете Народных Комиссаров РСФСР – РСФСР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги аксилинқилоб ва саботажга қарши кураш бўйича Бутунроссия фавқулодда комиссияси. 1917 йил 7 (20) декабрда ташкил этилган.
8. Государственное политическое управление при НКВД РСФСР – РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги қошидаги Давлат сиёсий бошқармаси. 1922 йил 6 февралда ВЧК ўрнида ташкил этилган.
9. Объединённое государственное политическое управление при СНК СССР – СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги бирлашган давлат сиёсий бошқармаси. 1923 йил 15 ноябрда ГПУ ўрнида ташкил этилган.
10. Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси.
11. Хошимов С., Иминов Ж., Тураходжаев С. Политические репрессии в Узбекистане в 20–30-х годах XX века // Наука и современность, 2016. – С. 102–104.
12. Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – С. 229–230.
13. Пограничные войска СССР. 1918-1928. Сборник материалов и документов. – Москва: Наука, 1973. – С. 628.
14. Газар – тутқич бермас, ғоят чакқон, илдам ҳаракатланадиган, ноёб ақлий ва жисмоний қобилиятларга эга, ўта махфий топшириқларни бажарадиган киши.
15. Ражабов Қ. Бухорога Қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Б. 60.
16. Ражабов Қ. Бухорога Қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Б. 61.
17. Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. Термиз: Сурхоннашр, 2018. – Б. 114–130.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОСИЁ ВА АФРИКА ДАВЛАТЛАР БИЛАН АДАБИЁТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНИШДАГИ ҲАМКОРЛИГИ (XX АСРНИНГ 50–80 ЙИЛЛАР)

Гавҳар Мўминова

Қарши давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси муdiri, профессор

Сарвар Ахмедов

Қарши давлат университети магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрнинг 50–80 йилларида маданий ҳаётнинг бир қисми бўлган адабиёт соҳасида Ўзбекистоннинг Осиё ва Африка давлатлар билан ўзаро маданий алоқалардаги ривожланиши, шунингдек, Ўзбекистон собиқ Иттифокнинг таркибида бўлган даврда маданий соҳадаги халқаро алоқаларда фаол иштирок этганлиги манбалар асосида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Халқаро алоқалар, маданий алоқалар, адабиёт, китоб фестивали, “Китоб-тинчлик ва тараққиёт хизматида”, ёзувчилар, шоирлар, дурдона асарлар, таржима адабиёт, ҳикоя, қисса, роман, насрий асарлар, шеърий асарлар.

Аннотация. В данной статье показано развитие культурных связей Узбекистана со странами Азии и Африки в области литературы, которая была частью культурной жизни в 50-е и 80-е годы XX века, а также активное участие Узбекистана в международных культурных связях в период бывший Советский Союз.

Ключевые слова: международные отношения, культурные связи, литература, книжный фестиваль, «Книги на службе мира и развития», писатели, поэты, шедевры, переводная литература, рассказы, романы, проза, поэзия.

Abstract. This article shows the development of Uzbekistan’s cultural relations with Asian and African countries in the field of literature, which was part of cultural life in the 50s and 80s of the twentieth century, as well as Uzbekistan’s active participation in international cultural relations during the former Soviet Union.

Keywords: International Relations, Cultural Relations, Literature, Book Festival, “Books in the Service of Peace and Development”, writers, poets, masterpieces, translated literature, stories, short stories, novels, prose, poetry.

Ўзбекистоннинг Осиё ва Африка давлатлар билан маданий алоқаларининг ривожланишида адабиёт соҳасидаги ҳамкорлик ўзига хос аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистон совет давлатининг таркибида бўлган даврда маданий соҳадаги халқаро алоқаларда фаол иштирок этган. Чунки, адабиёт соҳасидаги ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги тинчликни, дўстликни таъминлашга хизмат қилган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Адабий дўстлик – абадий дўстликдир” [3].

Ўзбекистон совет давлатининг таркибида бўлишига қарамасдан халқаро маданий муносабатларда адабиёт соҳасида бир қатор ижобий ишларни амалга оширган. Осиё ва Африка давлатлар билан маданий алоқалар улар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилган. Ўзбекистон ҳамда Осиё ва Африка мамлакатларда адабиёт ва санъат арбобларининг турли ижодий учрашувлари ўтказилган. Бундай тадбирларни ташкиллаштиришда совет даврида Ўзбекистон фаол иштирок этган. Республиканинг Осиё ва

Африка мамлакатларда билан маданий ҳамкорлигида айниқса, ўзбек адиблари асарларини нашр этиш муҳим ўрин эгаллаган [6].

XX асрнинг 50–60 йилларда Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Ҳ.Олимжон, Р.Бобожон каби ўзбек адибларининг юздан ортиқ мумтоз ва замонавий асарлари 40 та хорижий тилларга таржима қилинди. Шунингдек, Зулфия, А.Мухтор, Р.Файзий асарлари ҳинд ва урду тилларида нашр этилди [6].

Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасида амалга оширилган халқаро маданий алоқаларнинг ривожланишида Ўзбекистон ССР раҳбари Шароф Рашидовнинг хизмати катта бўлди. Унинг даврида Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатлари ривожланди, бир неча марта Ҳиндистонга ташриф буюрди, ҳинд делегациясини Тошкентда қабул қилди. Унинг фаол ёрдами билан 1955 йил охирида таниқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бошчилигидаги Ўзбекистон санъат намояндалари делегацияси Ҳиндистонда бўлди [8]. Бу учрашувлар икки халқ ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши ҳамда маданиятлар алмашинувида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Ҳиндистон билан бундай фаол муносабатлар Шароф Рашидовнинг ижодида ҳам ўз аксини топди. 1956 йили ҳинд халқининг озодлик учун курашига бағишланган “Кашмир кўшиғи” қиссаси нашрдан чиқди [8].

1977 йилда Ҳиндистон мустақиллигининг 30 йиллигига тайёргарлик муносабати билан ҳинд шоирларининг ўзбек ва ҳинд халқлари дўстлигига, Ўзбекистон ССР тарихи ва маданиятига бағишланган 60 та асардан иборат тўпламни ёш ҳиндшунослар томонидан тайёрланди ҳамда нашр этилди. Зулфия ва бошқа машҳур шоирлар – Рамз Бобожон, Мирмуҳсин ва бошқалар Ҳиндистонга атаб шеърлар ва достонлар яратишди [5].

Ўзбекистонда Совет–Ҳиндистон дўстлик жамияти фаолият юритган ҳамда мазкур жамиятнинг Ўзбекистон бўлими ижроия комитетига Ўзбекистон халқ шоираси, республика Ҳамза номли мукофоти, Жавоҳарлал Неру номли ва “Нилуфар” халқаро мукофотлари лауреати Зулфия Исроилова раиса сифатида бошчилик қилган. Давлатлар ўртасида олиб борилган мазкур маданий соҳадаги ҳамкорлик икки халқнинг яқинлашувига хизмат қилган [5].

1958–1979 йилларда Ўзбекистонда 30 дан ортиқ Афро-Осиё давлати ёзувчиларининг 200 дан ортиқ асарлари ўзбек тилига таржима қилинган ҳолда нашр этилган. Бундан ташқари, Осиё ва Африка мамлакатлар адабиёти намояндаларининг рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган кўплаб насрий ва назрий асарлари республика журнал ва газеталарида чоп этилган. Атоқли ўзбек ёзувчилари мумтоз ва замонавий илғор хорижий шарқ адабиётининг энг яхши асарларини таржима қилиш билан шуғулланганлар. Форс-тожик шеърляти ижодида инсонпарварлик туйғуси ривожига оид қатор илмий ишлар, Умар Хайём, Ҳофиз, Саъдий ҳақидаги монографиялар, эрон шоирлари шеърларининг ўзбек тилига таржималари учун профессор Шамухамедов Ш.Ш. Абдулқосим Фирдавсий номидаги халқаро мукофот билан тақдирланган [1].

XX асрнинг 50-йилларнинг охири–60 йилларнинг бошларида Ўзбекистон билан Вьетнам Республикаси ўртасида адабий алоқалар ривожланган. Ўзбек таржимонлари “Вьетнам эртаклари”, “Вьетнам шоирлари” ҳамда Вьетнам ёзувчиларининг “Вьетнам ҳикоялари” тўпламини, Нгуен Ван Бонгнинг “Буффало” қиссасини ўзбек тилига таржима қилган. Вьетнам халқининг АҚШ агрессиясига қарши кураши йилларида (1965–1975) 1961 йилда французлар қўлида ҳалок

бўлган Вьетнамнинг энг йирик ёзувчиси Нам Каонинг “Кутишда” қисса Нгуен Дин Тҳининг “Оловда” қиссаси, “Соҳиллар кулаб тушмоқда” романи, истеъдодли Жанубий Вьетнам ёзувчиси Буй Дук Айнинг “Ажралиш” романи, «Бемаъни аёл» ҳикоялар тўплами ва Дук Ланнинг «Ким Донгнинг жасорати» китоблари ўзбек тилига таржима қилинган. [1].

Вьетнам адабиёти асарларини ўзбек тилига таржима қилишда Ўзбекистоннинг таниқли шоирлари Шухрат, Э.Жабборов, С.Хасанов, В.Абдуллаев, У.Шамсимухамедов, М.Аҳмедов, С.Юсуповлар хизмат қилишган. 1958-1979 йилларда Ўзбекистонда Вьетнам ёзувчиларининг 12 та китоби ўзбек тилига таржима қилинган [1].

Ўзбекистон билан Афғонистон давлатлари ўртасида ҳам адабиёт соҳасида ҳамкорлик ривожланган. 1964 йилда Ҳиротда тожик адабиётининг буюк классиги Абдурахмон Жомий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиумда таниқли ўзбек шоири ва жамоат арбоби Ғафур Ғулом Шарқнинг икки буюк мутафаккирлари – Алишер Навоий ва Абдуррахмон Жомий дўстлиги ҳақида маъруза қилган [1].

1966 йилда ўзбек олимлари И.Мўминов, Т.Қори-Ниёзов, В.Зоҳидов, Х.Сулаймоновлар Афғонистон ҳукуматининг таклифига биноан Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллигига бағишланган юбилейга иштирок этишди [2]. Адабиёт соҳасидаги бу ҳамкорлик ўзбек ва афғон халқларининг бир-бири билан тинч - тотув яшаши, инсоният хавфсизлигини сақлаш, ўзаро фикр алмашиш, янги ғояларнинг вужудга келишига, жаҳон цивилизациясининг барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қилди.

Ўзбекистон билан Африка давлатлари ўртасида олиб борилган маданий алоқаларда Тунис давлати алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг натижаси ўлароқ Тунис Ёзувчилар уюшмаси Бош қотиби Мустафо ал-Форсийнинг сўзларига кўра, “яхши дўстлар, улар билан биз аллақачон расмий чегараларни кесиб ўтганмиз, самимий ва самимий меҳрга ўз ўрнини босган юзаки муносабатлар, унинг остида мустаҳкам пойдевор” мавжудлигини таъкидлаган. Атоқли тунислик ёзувчи, Осиё ва Африка ёзувчиларининг 7-йиллик конференцияси иштирокчиси Мустафо Комил Тошкент шаҳрини жуда яхши кўришини таъкидлаб, унинг фикрига кўра, бугун икки қитъадаги илғор кучлар ҳаракатида муҳим ўрин тутаётган Осиё ва Африка адибларининг ижодий ҳамжамияти шу ерда туғилиб, янада ривожланган. Тошкент, ёзувчи таъкидлаганидек, у учун ва ўз мамлакати пойтахти Туниснинг эгизаки сифатида азиз эканлигини алоҳида таъкидлаган [1].

Ўзбекистоннинг адабиёт соҳасида Осиё ва Африка давлатлари билан алоқаларининг ривожланишида 1974 йилда ташкил этилган “Прогресс” нашриётининг Тошкент филиали ўзбек ёзувчиларининг энг яхши асарларини Осиё ва Африка мамлакатларида кенг тарғиб қилиш борасида катта ишлар амалга оширганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, 1978–1982 йилларда нашр этилган пушту, дари ва форс тилларида жами 214 минг нусхага яқин 33 та китоб нашр этилган. Бу китоблар қаторида Ўзбекистон ёзувчи ва шоирларининг: Ҳ.Олимжоннинг “Лирика”, Ғ.Ғуломнинг “Ёвуз”, Х.Ғуломнинг “Нур”, Р.Файзийнинг “Ҳазрати инсон”, О.Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси”, М.Шевердиннинг “Енгилмас Санжар”, шунингдек, “Ўзбек халқ эртаклари” каби асарлар нашр этилган [2].

1983 йилда Москвада халқаро китоб кўرғазмаси очилди. “Китоб – тинчлик ва

тараққиёт хизматида” деган шиор остида уюштирилган бу кўргазмада Ўзбекистон ёзувчи ва шоирларининг 700 номдаги асарлари намойиш қилинди. Кўргазмада ўзбек ёзувчилари яратган ва инглиз, араб, форс, дари, ҳинд, урду тилларида нашр этилган асарлари ҳаммининг эътиборини ўзига жалб этди. Бу асарлар Афғонистон, Вьетнам, Жазоир, Ҳиндистон, Япония ва бошқа мамлакатларда таржима қилиниб нашрдан чиқарилди. [4].

Таржима бадий адабиёт ўзбек китобхонларини Осиё, Африка ва Лотин Америкаси илғор ёзувчилар ижоди билан яқиндан танишишга ёрдам берди. Ҳинд адабиёти дурдонаси Рабиндранат Тагорнинг саккиз жилдлик “Танланган асарлар”и, ҳиндистонлик Премчанд, покистонлик Фаиз Аҳмад Фаиз, афғон Сулаймон Лаек, мисрлик Юсуф Ас-Сибайнинг роман, қисса, шеър ва ҳикоялар тўпламлари, ўзбек тилида нашр этилган нигериялик ёзувчи Чинуа Ачеба, жазоирлик ёзувчи Асия Жаббор ва бошқа кўплаб ёзувчи ва шоирларнинг ўлмас асарлари давлат ва шахсий кутубхоналардан муносиб ўрин эгаллади.

XX асрнинг 80-йилларида ўзбек тилида фақат Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан Шарқ ёзувчиларининг 100 дан ортиқ асарлари, жумладан, эронлик Туаме Фарма Ғайбнинг “Беш овоз” асари нашр этилган. Бозорг Алавийнинг “Чамодан”, туркиялик Рашид Нури Гунтекинни “Яшил тун”, шунингдек, “Шарқ халқлари эртаклари” тўпламини, 1976 йилда мазкур нашриёт “Кўл бериб кўришиш” номи билан шеърий ва насрий тўпламни нашр этди. Мазкур тўпламга Осиё ва Африкадан 60 нафар га яқин ёзувчи ва шоирлар жумладан, жазоирлик Катэб Ясин, анголаллик шоир Агостинё Нето, кениялик Жеймс Нгути, ироклик шоир Муҳаммад Мехди ал-Жаваҳири, нигериялик Чинуа Ачеба каби ёзувчилар киритилган [2].

1981–1982 йиллар Ғ.Ғулом номидаги нашриётда афғон инқилобий шоири Сулаймон Лаекнинг “Тонг қўшиқлари” шеърий тўплами, унинг ватандоши Асадулла Ҳабибнинг “Ойдин” умумий номи билан ҳикоя ва ҳикоялари нашр этилди. Ҳинд адиби Б.Варманинг “Сарспазлар” ҳикоялар жамланмаси ва Шарқ адиблари ижодидан парчалар ушбу нашриётда чоп этилган “Қизиқарли ҳикоялар китоби” тўплами ҳам китобхонлар эътиборини тортди [2].

Ғофур Ғулом нашриёти 1983 йилда “Тирик хотира” номли тўпламни чоп этиб, йигирма бешта Афро-Осиё давлати: Япония, Мўғулистон, Вьетнам, Ҳиндистондан қирқ беш нафар ёзувчининг ижоди тақдим этилди. Ушбу тўпламдан ташқари 1983–1984 йиллар бошида Вьетнам ёзувчиларининг “Муҳаббат сатрлари”, япон ёзувчиларининг “Қора ёмғир” ҳикоялар тўплам ва романлари билан таништирди. Турк ёзувчиси Ф.Байкуртнинг “Ираажий қисмати”, шунингдек, замонавий афғон шоири Ғулом Дастигаир Панжширийнинг “Зиндан хабарчи” шеърлар китоби нашр этилди [2].

1983 йилда “Радуга” номини ўзгартирган “Прогресс” нашриётининг Тошкентдаги филиали ўзбек ёзувчиларининг ҳинд, урду, форс, дари ва араб тилларида 26 номдаги китобни нашр эттирди, уларнинг умумий тиражи 116 минг нусхадан ошди. Бу бўлим томонидан нашр этилган китоблар қаторида, масалан, ўзбек адиблардан: С.Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими”, А.Қаҳҳорнинг “Ҳикоялар”, Ш.Рашидовнинг “Бўрондан ҳам кучли” асарларини кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга нашриёт бўлими ўзбек китобхонларини чет эл ёзувчиларининг ҳиндистонлик Ж.Чандранинг “Ўз ер эгаси йўқ”, Б.Саҳнийнинг “Оталар уйи деразалари”, эронлик М.Дидеварнинг “Эртак ва мўъжиза” асарлари

билан таништирди [2].

Хулоса қилиб айтганда, совет даврида Ўзбекистоннинг адабиёт соҳасида олиб борган халқаро алоқалари давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожланишига, халқлар ўртасида тинчлик ғояларнинг шаклланишига хизмат қилди. Бу жараёнда Ўзбекистон Осиё ва Африка мамлакатлар ўртасида совет даврида амалга оширилган кенг қамровли маданий алоқаларнинг таркиби бўлган адабиёт соҳасидаги ҳамкорлик жараёнида қўлга киритилган ижобий тажрибалар ҳам ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Ш.М. Узбекистан в интернациональном содружестве СССР со странами. – Тошкент, 1984. – С. 25.
2. Бабаходжаев М.А. Советский Узбекистан и зарубежный восток. – Тошкент, 1984. – В. 32–34.
3. Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. // Халқ сўзи, 2018 йил, 162-сон.
4. Тўхтаҳўжаева И. Совет Ўзбекистонинг халқаро алоқалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – Б. 11.
5. Тўхтаҳўжаева И. Ўзбекистон жамоатчилигининг чет эллар билан алоқалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – Б. 33.
6. Холмуродов Р. Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан маданий алоқалари.// Ўзбекистон агитатор, 1967 йил, 19-сон. – Б. 25.
7. Черниёзов А. Ўзбекистоннинг чет мамлакатлари билан маданий ҳамкорлиги.// Ўзбекистон агитатор, 1967 йил, 12-сон. – Б. 94.
8. Эргашев Ш. Эрк эстар кўнгил. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 73.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ

Ҳасанов Акрам Мўминович
Қарши давлат университети
Ўзбекистон кафедраси мудири,
тарих фанлари доктори

Аннотация. Мазкур мақолада Амир Темур ва Темурийлар даврида шаҳарсозлик ривожини ва шаҳар маданияти ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Амир Темур, Темурийлар, илм-фан, шаҳар, чорсу, Шаҳрисабз (Кеш) Оқсарой, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон.

Аннотация. В данной статье рассматривается развитие градостроительства и городской культуры во времена Амира Темура и Темуридов.

Ключевые слова: Амир Темур, Темуриды, наука, город, Чорсу, Шаҳрисабз (Кеш), Оқсарой, Самарқанд, Бухара, Ташкент, Андижан.

Abstract: This article discusses the development of urban planning and urban culture during the times of Amir Temur and Temurids.

Key words: Amir Temur, Temurids, science, city, Chorsu, Shakhrisabz (Kesh), Oksara, Samarkand, Bukhara, Tashkent, Andijan.

Амир Темур ва темурийлар даври илм-фан ва маданиятнинг юксак ривожланганлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги даврда XIV–XV асрлардан етиб келган маданий ёдгорликлар-меъморчилик обидалари, фаннинг турли соҳаларига тегишли салмоқли ёзма мерос, нумизматик материаллар ва бошқа осори-атиқалар бунинг далилидир. Мазкур даврдаги улкан бунёдкорлик ишлари бевосита, шаҳарсозлик маданияти, илм-фан ривожининг натижаси саналади. Шу сабабдан ҳам темурийлар даври тарихи жаҳон миқёсида ўрганиб келинмоқда ҳамда ушбу даврдаги илм-фан ва маданият тараққиёти ўзига хос ренессанс сифатида ҳам тан олинган.

Амир Темур Самарқандни ўз пойтахти қилиб танлаб олиб 1371–1373 йилларда ҳозир маъмурий бинолар жойлашган тепалик (Тева кўрғон)да ўз аркини бунёд этади. Шаҳар деворлари, фасллари ва буржларини қайтадан тиклайди ва бутун умри давомида Самарқандни ободонлаштириш, кўчаларини равон этиш, маҳобатли иморатлар қуриш билан шуғулланади. Темур даврида Самарқанднинг Оҳанин, Феруза, Сўзангарон, Қаризгоҳ, Чорсу, Шайхзода номли олти дарвозаси бўлган. XV аср бошларига келиб шаҳар ғоят гўзал иморатлар, обод ва файзли майдонлари-ю ариқ ва ҳовузлари билан кишини лол ҳолдириб, “Самарқанди Фирдавсмонанд” деган таърифномани олган. Шаҳар ташқарисида эса Темурнинг Боғи Нақши Жаҳон (Чўпон-Ота ёнбағирларида), Боғи Баланд (ҳозирги шу номли маҳалла ўрнида), Боғи Шамол (ҳозирги шу номли даҳада), Боғи Беҳишт, Боғи Нав (қалъа ёнида), Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Бўллу, Боғи Зоғон, Боғи амирзодаи Шоҳрух, Боғи Давлатобод, Боғи Жаҳоннамо каби боғ ва чорбоғлари бўлган [9.45].

Амир Темур даврида Самарқанд маърифат ҳунармандчилиги ва савдо марказига айланади. Унинг давридан бошлаб шаҳарларнинг марказий қисми “арубъа” (араб тилида тўртлик) ёки “қитъа” деб аталувчи шаҳристондан ташкил топди. Бу шаҳристонларнинг тўрт дарвозасини кесиб ўтувчи икки катта кўча шаҳар марказида ўзаро кесишган ва бу жой “Чорсу” деб номланган. Амир Темур Самарқанд Чорсусида Сароймулкхонимга бағишлаб Кулоҳфурушлар гумбази деб номланган ёпиқ бозор қурдирган. Шундан сўнг бу анъана бошқа шаҳарларга тарқалган. Амир Темур ва темурийлар даврида рубъа (қитъа) шаҳристонлар Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент, Андижон, Ҳиротда мавжуд бўлган. Соҳибқирон шаҳарнинг Оҳанин дарвозасидан Чорсу дарвозасигача Регистон майдони орқали ўтадиган савдо расталари кўринишида кўча очишни буюради. Ушбу кўчани шаҳарсозликда тутган ўрни ҳақида бир неча манбаларда маълумотлар келтириб ўтилган.

Амир Темур арк (қалъа) ичида тўрт ошёнали Кўк Сарой қасрини, ичида Бўстон Сарой номли қаср бўлган чорбоғ, тураржой бинолари, аслаҳахона, маъмурий бинолар, ҳаммом, шифоҳона, хазина, зиндон ва бошқа иморатларни, жумладан Шайх Нуриддин Басир шарафига Қутби Чоҳардахум деб номланган мақбарани (Новадон ариғи ёнида) бунёд этди. Арк (қалъа, “шаҳри дарун” ва шаҳарнинг дсвор билан ўралган қолган қисми “ҳисор” деб аталадиган бўлади [9.45].

Самарқандга Амир Темур давлатига ташриф буюрган испан элчиси Клавихо Самарқанд шаҳрини шундай тасвирлайди: Текисликда жойлашган Самарқанд шаҳри катталиги бўйича Севилия (Италиянинг Андалусия вилоятидаги шаҳар) шаҳридан бир оз каттароқ бўлиб, ташқарисида кўпгина уйлар қад кўтарган, атрофи бир ярим, икки чақиримча келадиган боғ ва узумзорлар билан ўралган ва

шаҳар бу боғларнинг марказида турибди. Боғлар орасида кўчалар ва майдонлар бўлиб, кўпгина аҳоли бу ерда истиқомат қилади. Бу ерда нон, гўшт ва бошқа нарсалар ҳам сотилади. Хуллас, шаҳарнинг ичкарасидан кўра, шаҳарнинг ташқарисида кўпроқ аҳоли истиқомат қилади [2.141]. Шунингдек элчи Соҳибқирон бу шаҳарнинг шуҳратини кўтариб, қўлга киритган мамлакатларидан бу шаҳарга яшаш учун одамларни, айниқса, турли соҳа усталарини кўпроқ олиб келарди, дея маълумот беради [2.143]. Соҳибқирон ўз буюк давлатининг пойтахти Самарқандни дунёнинг энг гўзал шаҳрига айлантириш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилган. Машҳур араб муаррихи Ибн Арабшоҳ “Самарқанд дунё шаҳарларининг келинчаги эди”, дея эътироф этган. Муаррихнинг таъкидлашича, Амир Темур Самарқанд атрофидаги қишлоқларни Шарқ мамлакатларининг йирик шаҳарлари номи билан Миср, Бағдод, Шероз, Дамашқ, Султония деб атадики, бу билан ўз пойтахти мавқеини яна бир бор ошириб кўрсатган [4.8]. XIV асрнинг иккинчи ярми – XV аср бошларида Термиз Амир Темур давлатининг муҳим шаҳарларидан бири эди. Шаҳарнинг Амир Темур даврига оид тавсифи Руи Гонсалес де Клавихо “Кундалиг”ида ҳам мавжуд. Унда Термиз шаҳри девор билан ўралмаган, серсув ва атрофи кўплаб боғлардан иборат эканлиги, элчилар ҳар хил нарсалар билан савдо қилаётган гавжум майдон ва кўчалар орқали ўтганлигини тасвирлаб ўтган. Сайёҳ Темурбекнинг асли шаҳри Кешни ҳам тасвирлаб, қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: Кеш катта шаҳар. Шаҳарни боғ-роғлар, қишлоқлар ўраб турарди, атроф кенг адирликдан иборат, кўп аҳолили қишлоқлар, серсув каналлар, катта ариқлар кўриниб туради. ...Шаҳар атрофи бўйлаб чуқур хандақ қазилиб, дарвозаси олдида осма кўприк мавжуд эканлигини таърифлайди [2.110].

Тарихнавис Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида маълумот берилишича, Темур 1378 йилда Кеш шаҳрини қайта қуриб унга Шаҳрисабз (кўклам шаҳар) номини беради. Шаҳарнинг шимолда Китоб (ёки Арк), жанубда Чармгар, шарқда Кунчиқар ва ғарбда Қушхона номли тўрт дарвозаси бўлган. Бу тўрт дарвозани бирлаштирувчи икки кўча шаҳарни бир неча маҳаллани бирлаштирган тўрт даҳага бўлган. Кеш Марказида Чорсу жойлашган [9.48].

Тарихий маълумотларга кўра, Амир Темур 1365–1366 йилнинг қишини Қарши шаҳрида қишлаб, қалъа деворларини мустаҳкамлайди. М.Е.Массон археологик материалларни таҳлил қилиш асосида 1365–1366 йилларда Амир Темур мустаҳкамлаган қалъа, Кебекхон асос солган саройдир, – деган хулосага келган [5.49]. Амир Темур ўша йилги қишда Қарши мудофаа деворларини таъмирлаб, шаҳарда йирик масжид ҳам барпо этади [6.97]. Амир Темур шу йилнинг ўзидаёқ шаҳарни мудофаа девори билан ўратади ва бу иш шошилиш ҳолда тугатилади [7.179]. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ноёб туркий кўлөзма “Амир Темур таржимаи ҳоли”нинг Набижон Хатиф томонидан форсийдан туркийга ўгирилган таржимасида Соҳибқирон тилидан битилган Қарши қалъасининг қурилиши ҳақида қуйидагиларни ўқиш мумкин: “Мен шаҳар (Қарши) атрофида девор қуриш ва мустаҳкамлашга буюрдим: шаҳар ичида кўп чиройли бинолар қурдирдим... Мен ўз баҳодирларимни Қаршини мудофаа қилиш учун жойлаштирдим” [8:23].

Манбаларга кўра, Амир Темур даврида Моварауннаҳр шаҳарларида камида биттадан мадраса, мактаблар мавжуд бўлиб, уларда малакали мударрислар сабоқ беришган Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот шаҳарларида бундай мадрасалар кўплаб фаолият юритган.

Самарқанд, Шаҳрисабз ва Ҳирот шаҳарлари тузилиши шуни кўрсатадики, темурийлар даврида шаҳарларнинг бурж ва дарвозалари бўлиб, мустақкам мудофаа деворлари билан қуршаб олинган. Ҳар қайси шаҳар ўзининг арки ва ҳисоридан ташкил топиб, унинг марказий қисми, кўчалар кесишган жойида ёпиқ савдо гумбазлари – баъзан эса шунчаки очик чорраҳалар чорсулар воситасида ажралиб турган. Жума масжидлари шаҳар бозори билан ёндош жойлашиб бир марказни ташкил этса, бош мадраса олдидаги майдонлар шаҳарнинг иккинчи бир марказини ифодалаган. Ҳунармандлар, ҳунармандчилик касб-корига кўра, аҳолининг табақаларга бўлиниши маҳалла, даҳа сингари шаҳар қисмларини келтириб чиқарган. Бош кўчалар ҳунармандчилик ва савдо расталаридан иборат бўлган. Унчалик кенг-бўлмаган кўчалар майдон ва сарҳовузлар воситасида аҳоли юриш ва тўхташ жойларини ташкил этган.

Темурийлар даври шаҳарсозлигида Бухоро, Ҳирот, Марв ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тўртбурчак тарзда шаклланганлиги Ўрта Осиё кўп асрлик меъморий анъаналарининг давом эттирилганлигидан далолат бериб туради [9:46].

Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Шаҳрисабзда Регистон номли бош майдонлар тузилганлигини эътиборга олинса, бундай майдонлар бошқа катта шаҳарларга ҳам хос эди дея тахмин этиш мумкин.

Муаррихлардан Ҳофизу Абру ва Абдураззоқ Самарқандийлар Шоҳруҳ томонидан Марвнинг қайта бунёд этилганлигини талқин этишади. Бу даврга келиб шаҳар аввалги жойидан биров (бирор чақиримча) жануброқда, бурунги рабод ерларида қайтадан қад кўтаради. Тўртбурчак шаклидаги 630х695 метрли ҳажмдаги шаҳарининг 44 фасли (ярим минора)си бўлган. Шимолий шарқдаги Жума (эски Туркистон) дарвозасидан бошланувчи кўча шаҳарни қоқ иккига ажратган.

Шунингдек, Шоҳруҳ ва Навоийларнинг Ҳирот шаҳрининг кенгайтирилиши ва ободонлаштирилишидаги хизматлари ҳақида бир қатор тарихий манбаларда аниқ маълумотлар бериб ўтилган.

Қасрлардан машҳурлари сифатида Самарқанд аркидаги Кўк сарой, Шаҳрисабздаги Оқ сарой, Ҳиротдаги Боғи Шаҳр, Маврдаги Шоҳ саройларини мисол келтириш мумкин. Шуларнинг ичида унча-мунча сақланиб қолгани ва маълум даражада ўрганилгани бу Шаҳрисабздаги Оқ сарой ҳисобланади.

Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда қурилган карвонсаройлар ҳамда шаҳарлар ташқарисидаги рабодлар ҳақида кўплаб маълумотлар бор. Аммо уларнинг аксарияти бузилиб кетган. Лекин бу иморатларнинг кўпчилиги тўртбурчакли, олди пештоқли буржлар билан мустақкамланган кўринишга эга бўлган [9:49].

Юқоридаги фикрларни мухтасар қилиб, шуни айтиб ўтиш лозимки, тўрт бурчак кўринишидаги шаҳристоннинг шакли Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзгарган бўлсада, уларнинг марказида жойлашган “Чорсу” – бош савдо ўрни ва номи сақланиб қолган. Буни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Андижон, Наманган, Қўқон ва бошқа шаҳарлар чорсулари мисолида кўриш мумкин. Бундан ташқари, юқоридаги шаҳарларнинг деярли барчасида “Регистон” номли шаҳарнинг бош маъмурий-ижтимоий майдонлари ҳам мавжуд бўлган. Амир Темурнинг Самарқанд ва Тошкентни, Шаҳрисабз ва Қаршини, қолаверса, дунёнинг қанча-қанча йирик шаҳарларини нечоғлик обод этганини

ҳаммамиз нафақат ўқиб эшитганмиз, балки ана шу ободлик ишларида иштирок этган ва асрлар бўйи бунёдкорона меҳнати самараларидан баҳра олиб яшаган аждодларнинг фарзандларимиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедов М. Ўзбекистонда шаҳарсозлик санъатининг шаклланиши. Мозийдан садо, 2013. №4. – Б. 45.
2. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур Тарихи (1403-1406). – Т.: Ғ.Ғулом номли нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – Б. 141.
3. Термиз 2500. Муаллифлар жамоаси. – Т., 2001. – Б. 33.
4. Бўриев О. Азиз Авлиёларни эъзозлаган соҳибқирон. Соҳибқирон юлдузи журнали, 2015 йил. №4. – Б. 8.
5. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи. – С. 49.
6. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. – Т., 1997. – Б. 97.
7. Аҳмедов Б. Историко географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники. – Т.: Фан, 1985. – С.179.
8. Насриддинов Қ. Қарши Регистони. – Тошкент: Ислон университети. – Т., 2014. – Б. 23.
9. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т., 1995. – Б. 45–49.

ТИКЛАШ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДНИНГ ТИНЧЛИК ҲОЛАТИГА ЎТКАЗИЛИШИ

Пардаев Тошкентбой Ражабович

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси в.б профессори,

тарих фанлари доктори

Аннотация. Мақолада иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистонда иқтисодиётнинг тинч шароитида ишлаб чиқаришга ўтилиши ва бунда халқ оммасининг матонатли меҳнати ҳамда амалга оширган бунёдкорлик ишлари хусусида архив манбалари ҳамда тарихий асарларга таянилган ҳолда ҳолисона баҳо берилган.

Калит сўзлар: тиклаш, саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ, директив ҳужжат, режа, меҳнат, марказ, республика.

Аннотация. В статье дается объективная оценка перехода экономики Узбекистана к мирному производству после Второй мировой войны на основе архивных источников и исторических трудов о тяжелом труде и созидательном труде народа.

Ключевые слова: восстановление, промышленность, сельское хозяйство, народ, директивный документ, план, труд, центр, республика.

Abstract. The article gives an objective assessment of the transition of Uzbekistan's economy to peaceful production after the Second World War, based on archival sources and historical works on the hard work and creative work of the people.

Keywords: restoration, industry, agriculture, people, directive document, plan, labor, center, republic.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон фронтнинг йирик арсеналига айланди. Ўзбек халқи ўзининг фронт ва фронт ортидаги машаққатли меҳнати билан ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. “Гарчи бу ғалаба бизга ниҳоятда қимматга тушган, унда миллионлаб кишиларимиз қурбон бўлган, минглаб шаҳарлар районлар вайрон этилган бўлсада, кишиларнинг қувончи ичига сиғмасди. Моддий йўқотишлар астрономик рақамлар билан ўлчанарди. Одамларнинг оч-наҳорлиги, маиший, турар-жой, коммунал шарт-шароитларнинг оғирлиги, узоқ давом этган, ақл бовар қилмас жисмоний ва ақлий зўриқиш ҳар жабҳада билиниб турарди, маънавий ахлоқий жабҳага етказилган улкан зарарни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмасди” деб ёзади уруш ва меҳнат фахрийси Н.Муҳитдинов [1].

Ана шундай шароитда республика раҳбарияти ва халқининг олдида вайрон бўлган хўжаликни тиклаш, ишлаб чиқаришни тинчлик даври ҳолатига кўчириш, одамларнинг турмушини яхшилаш, карточка тизимини бекор қилиш, эркин савдони йўлга қўйиш пулнинг кадрини ошириш, моддий неъматлар етиштиришни кўпайтириш, турар-жойлар қурилишини кенгайтириш каби долзарб вазифалар турарди.

Маъмурий буйруқбозлик тизими тарафдорлари урушда қозонилган ғалабага ишни ташкил этишни қаттиқ марказлаштириш ва бошқарувнинг маъмурий тартиблари орқали эришилди, деб қарарди. Шу сабабдан ҳам бошқарувнинг буйруқбозлик тизимига қаттиқ амал қиларди. Бундай шароитда иттифоқдош республикалар ривожланишига эркинлик беришни ўйламаса ҳам бўларди. Иттифоқни бошқаришнинг бутун тизими Кремль деворлари ортида ҳал этиларди. Табиийки, бундай шароитда иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқлари ҳар томонлама чеклаб қўйилган эди. Қолаверса, иттифоқдош республикалар марказдан берилган буйруқлар ва кўрсатиладиган мурувватга кўз тикиб яшашга маҳкум этилган эди. Урушдан кейинги йиллар ҳаётининг мураккаб шарт-шароитлари Иттифоқ раҳбарияти олдида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт стратегия ва тактикасини ўзгартириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш заруриятини кўндаланг қилиб қўйди. Бу талаб ва эҳтиёжни халқ хўжалигини тинч давр шароитига мослаб қайта қуришнинг объектив омилларигина эмас, балки ўша йиллардаги жамиятнинг алоҳида маънавий руҳияти ҳам тақозо этарди. Шунга қарамасдан, урушдан кейинги йилларда ҳам давлат фаолияти партиянинг мустабид ҳукмронлиги билан белгиланди. Партиянинг амалиётдан узоқ буйруқ ва фармойиш беришга асосланган мустабид сиёсати энг аввало барча нарсани марказ манфаатидан келиб чиқиб ҳал қилди. Урушнинг оғир оқибатлари Ўзбекистонда ҳам ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган эди. Республика саноатини тинч даврга мослаб тиклаш жараёнида аҳолини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашга, хом ашёга, шунингдек, малакали ишчи ва муҳандис-техник ходимларга эҳтиёж жиддий тарзда сезиларди. Бундай мураккаб вазифани ҳал қилиш учун эса Ўзбекистоннинг табиий-географик ҳолати, миллий анъаналари, кадриятлари халқнинг турмуш тарзи ва истакларини инобатга олиш, хуллас, халқ манфаатларидан келиб чиқиб хўжалик ҳаётини йўлга қўйиш зарур эди. Бироқ Иттифоқ директив органлари бундай қилмади, аксинча Ўзбекистон иқтисодини тиклаш ва ривожлантиришда ҳам Марказ манфаатларидан келиб чиқиб режалар

ишлаб чиқилди.

Коммунистик партия ва Иттифоқ ҳукумати урушдан кейинги даврда иқтисодий қурилишнинг умумий стратегиясини СССР Олий Совети 1946 йил 18 мартда қабул қилган ва тасдиқлаган “СССР Халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришнинг 1946–1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режаси тўғрисидаги қонунда баён қилиб берган эди [2]. Ушбу директив ҳужжатдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда урушдан кейинги қурилишнинг асосий вазифалари халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг 1946–1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режасида белгилаб берилган эди [3].

Ушбу беш йиллик режа Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1946 йил 30 августда бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу режада 1946 йилда республика халқ хўжалигини қайта қуришни тугаллаш ва ишлаб чиқаришни 1948 йилда урушдан илгарги даражага етказиш кўзда тутилган эди [4]. Бу даврда Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқлари хом ашё етказиб беришга ихтисослаштирилди. Беш йиллик топшириқлар дастурида пахта етиштиришнинг урушдан олдинги даражасини тиклаш ва уни янада кўпайтириш вазифасига катта эътибор берилди. Пахтачиликка республика халқ хўжалигининг асосий тармоғи сифатида қаради. Шу сабабдан ҳам республика саноатини ривожлантиришда пахтачилик соҳасининг эҳтиёжлари инобатга олинди. 1945 йилнинг охирига келиб Ўзбекистондаги машинасозлик корхоналари қишлоқ хўжалиги ва ирригация эҳтиёжлари учун турли хил машина ва ускуналар ишлаб чиқаришга ўтказилди. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1946–1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режасида ҳам республикада саноат маҳсулотларини 52 фоизга кўпайтириш кўзда тутилган эди [5]. Бунда энг аввало пахтачиликни, хусусан пахта йиғим теримини комплекс механизациялашни тугаллаш каби вазифалар қўйилган эди. Жойлардаги мавжуд вазият ва имкониятларни инобатга олмасдан партокрatik тарзда кабинетларда ўтириб белгиланган бу кўрсаткичларга эришиб бўлмаслиги аниқ равшан эди. Амалда шундай бўлди ҳам ва режаларнинг аксарият қисми бажарилмай қолди. Бироқ ўзбекистонликлар хўжаликни тиклаш ва янада ривожлантириш йўлида тиним билмай астойдил меҳнат қилди. Ана шундай тинимсиз меҳнат ҳамда ўша пайтда республика раҳбариятининг алоҳида фидойилиги сабабли ҳам 1946-1950 йилларда республикада 150 дан ортиқ янги саноат корхоналари қуриб ишга туширилди [6]. Жумладан, қувватига кўра СССРда учинчи ўринда турувчи Фарход ГЭСининг биринчи ва иккинчи навбатлари шу даврда қурилиб ишга туширилди. Бундан ташқари 1-Оққовоқ, 1-Бўзсув, 2-Бўзсув каби гидроэлектро станциялари қурилди. 1946 йилда эса Ўзбек металлургия комбинатининг янги прокат цехи ишга туширилди. Айниқса, “Ташсельмаш”, “Ўзбексельмаш”, “Чирчиқсельмаш”, Самарқандаги “Красный двигатель” каби заводлар пахтачилик билан боғлиқ машиналарни ишлаб чиқаришни кенгайтди [7]. 1946 йилда Ўзбекистон машина ва трактор станциялари ва совхозлар давлатдан 846 та занжирли трактор, 1074 та юк автомашинаси ва 1240 та трактор плугларини олишди [8]. 1949 йилнинг апрелида эса пахта териш машинасининг “СХМ–48” русумли янги намунаси яратилди [9]. 1949 йилнинг охирига қадар республикада 600 та “СХМ–48” русумдаги пахта териш машиналари ишлаб чиқарилди. Бироқ ушбу пахта териш машиналари ҳали унчалик такомиллашмаган эди. Шунга қарамай пахта териш техникаси парки йил сайин кўпайиб борди. 1950 йилга келиб Ўзбекистондаги

колхоз, совхоз ва МТСларда 3,6 мингта пахта териш машинаси бор эди [10]. Шу даврда ёқилғи саноати ҳам бир қадар тикланди. Жумладан, Полвонтош ва Жанубий Оламушук, Мойли, Шаҳрихон, Какайди ва Лалмикор нефть конлари фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон нефтчилар тўртинчи беш йиллик режасини уч йилда, яъни 1948 йил 10 декабрда тўлиқ адо этдилар. Йилига 1241 тонна нефть қазиб олиниб амалдаги режа 106,2 фоизга бажарилди. 1948 йилда қазиб олинган нефтни 1940 йилдаги кўрсаткичлар билан таққослаганда шу давр оралиғида нефть қазиб олиш 1940 йилга нисбатан 9 баровар, 1945 йилга нисбатан 3 баравар кўпайди. 1950 йилга келиб 52 млн кубометр газ қазиб олинди. Шу йили газ қазиб олиш суръати 1946 йилга нисбатан 4 баравар ошди [11].

Бу даврда республикада енгил саноат ҳам бир қадар ўсди. Жумладан, Фарғона ва Қўқонда янги тўқимачилик комбинатлари, Тошкент трикотаж фабрикаси, Бухоро, Самарқанд ва Наманганда ип йиғириш фабрикалари қурилиб ишга туширилди [12]. Агар республика енгил саноат корхоналари 1941 йилда 107 млн метр ип газлама ишлаб чиқарилган бўлса, 1945 йилда 85 млн метр, 1950 йилда эса 161 млн метр ип газлама тайёрланди [13]. 1946–1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режани амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун 3 млрд 900 млн рубль миқдорда маблағ ажратилган бўлсада, шундан 1 млрд 266 миллиони республика ва маҳаллий эҳтиёжлар учун сарфланди [14]. Ажратилган маблағнинг каттагина қисми эса республиканинг марказга бўйсунувчи корхоналарини ривожланишига сарф этилди. Юқоридаги мисолдан ҳам марказ ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда республика иқтисодиётига маблағ ажратганлигини аниқлаб олиш қийин эмас. Бу даврда республика ҳукумати ва бошқарув идораларининг ҳуқуқлари чекланган эди. Марказнинг улкан режаларида эса Ўзбекистонга фақат хом ашё етказиб берувчи бир қўшимча манба деб қаралди. Худди шу нарса Ўзбекистон иқтисодиётини бир томонлама ривожланишига олиб келди. Натижада хом ашёни қайта ишловчи саноат корхоналари ниҳоятда кам қурилди. Бу эса ижтимоий дастурларни амалга оширишга жиддий тарзда халақит берарди. Бундай вазиятда Республика аҳолисини иш билан таъминлаш, одамларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш жуда қийин эди. Иттифоқ директив органлари Республика томонидан Халқ хўжалигини, шу жумладан саноатни тиклаш дастурларида биринчи галда пахтачиликка тегишли индустриал ишлаб чиқаришни ривожлантириш вазифалари белгилаб берилди. Бунда республика аҳолисининг миллий ва тарихий хусусиятлари ҳам, иқтисодий эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинмади.

Саноатни қайта қуриш ва тинч изга ўтказиш катта қийинчиликлар билан амалга оширилди. Бошқарувнинг марказлашган маъмурий буйруқбозлик усули асосида иқтисодиётни фармон ва буйруқлар билан бошқаришга зўр бериб ҳаракат қилинди. Хўжалик ҳисоби, кооперация ва ижара тизими, мулкчиликнинг турли хил шакллари, пайчилик ва бошқа шу каби жаҳон тажрибасидан ўтган усуллари тўлиқ инкор этилди.

Бироқ халқнинг тинимсиз меҳнати, алоҳида фидойилиги, қийинчиликлар ва етишмовчиликларни енгиб ўтишда асосий омил бўлди. Саноат корхоналарининг ишчилари, қишлоқ хўжалиги ходимлари, зиёлийлар, хуллас аҳолининг барча қатлам вакиллари тинимсиз меҳнат қилиб ўзига бириктирилган вазифаларни астойдил адо этдилар.

Бу даврда ҳали халқнинг қорни нонга тўймаган, усти кийимга ёлчимаган

бўлсада, тинч шароитда меҳнат қилишга иштиёқи баланд эди. Чунки уруш даврининг оғир йўқотишлари одамларни тинчликка, осуда меҳнатга бўлган интилишини анчагина кучайтирган эди. Ана шу руҳнинг мавжудлиги туфайли 1950 йилга келиб меҳнат мусобақаси Ўзбекистон саноатидаги барча ишчиларнинг 90,9 фоизини ўз ичига олган эди. Албатта, бу борада расмиятчиликка, мажбур этишга, маълум даражада кўзбўямачиликка ҳам йўл қўйилган. Бироқ мусобақани ташкил этишга мафкуравий тус берилган бўлишига қарамасдан, меҳнатни ташкил этишнинг хашар, ўзаро ёрдам, ташаббус кўрсатиш каби усулларнинг кенг қўлланилиши меҳнат унумдорлигини ошишида муҳим восита бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муҳитдинов Н.А. Кремлда ўтган йилларим. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 52.
2. Директивы КПСС и Советского правительства по хозяйственным вопросам 1917–1957 гг. Сборник документов. В 4-х том. Госполит-издат, 1957. – Ташкент. – С. 38.
3. История Узбекской ССР. Под редакцией академика АН УзССР. И.М. Муминова. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 432.
4. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том. II. 1938–1958. – Ташкент: Узбекистан, 1988. – С. 258.
5. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том. II. 1938–1958. – Ташкент: Узбекистан, 1988. – С. 372.
6. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. Юбилейный стат. ежегодник. – Ташкент, 1987. – С. 18.
7. Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти и ее фальсификаторы. – Ташкент, 1972. – С. 82.
8. Қизил Ўзбекистон. 1947, 7 февраль.
9. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет Сбор. Статматериалов. – Ташкент: Узбекистан. 1975. – С. 135.
10. Ризаев Р. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент: 1978. – С. 159.
11. Джуракулов А.Д. Развитие газовой промышленности Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан. 1976. – С.10.
12. Зиядуллаев С.К. Малюхин И. Социалистическая промышленность Советского Узбекистана. – Ташкент, 1949. – С 12.
13. Совет Ўзбекистони 40 йил мобайнида статистик тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон, 1964. – Б. 136.
14. Совет Ўзбекистонининг иқтисодий тарихи 1917–1965 йиллар. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 218.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА САНОАТНИНГ БИР ТОМОНЛАМА ТАРАҚҚИЁТИ: МУАММО ВА ЗИДДИЯТЛАР

Худойкулов Урал Каримович
*Ўзбекистон Миллий университети,
тарих фанлари номзоди, доцент.*

Аннотация. Ушбу мақолада совет ҳукумати даврида Ўзбекистонда саноатнинг бир томонлама ривожланиши ҳамда унинг зиддиятли томонлари архив ва статистик манбаларга таянилган ҳолатда ёритиб берилган.

Калит сўзлар: республика, саноат, бир томонлама ривожланиш, пахтачилик саноати, ижтимоий таъминот, тармоқ, корхона, ишчи-ходим.

Аннотация. В данной статье описывается одностороннее развитие промышленности Узбекистана в советское время, а также его противоречивые аспекты на основе архивных и статистических источников.

Ключевые слова: республика, промышленность, одностороннее развитие, хлопчатобумажная отрасль, социальная защита, сеть, предприятие, работник.

Abstract. This article describes the one-sided development of industry in Uzbekistan during the Soviet era, as well as its conflicting aspects, based on archival and statistical sources.

Keywords: republic, industry, one-sided development, cotton industry, social security, network, enterprise, worker.

Ўзбекистон иқтисодиёти совет ҳокимияти даврида фақат хом-ашё етказиб берувчи ҳудудга мослаштирилиб, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятлар бўлишига қарамасдан, фақат хом-ашёга бирламчи ишлов берувчи корхоналар қуришга эътибор берилди. Оқибатда миллий республикалар иқтисодиёти бир томонлама ривожланиб чуқур иқтисодий инқирозга тушиб қолди.

Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви халқ хўжалиги тизимида ҳалокатли таъсир қилиб, 1970 йилда Ўзбекистон саноат тармоқлари умумий ишлаб чиқаришининг 83.4 фоизи қишлоқ хўжалиги (асосан пахтачилик) билан бевосита боғлиқ бўлган. 1975 йилда бу кўрсаткич 78 фоизгача [1], 1980-йиллар ўрталарига келиб 75 фоиздан ортиқроқни ташкил этди [2]. Демак, Ўзбекистон саноатининг бир томонлама хусусияти узоқ йиллар сақланиб, жиддий ўзгаришлар содир қилинмади.

Шунингдек, бу даврда Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати ҳам ўзига хос тарзда олиб борилди. Юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш воситалари суст ривожланди. Масалан, “А” гуруҳ маҳсулотларининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 1959-1964 йилларда 10 фоизга тенг бўлган бўлса, истеъмол маҳсулотлари (“Б” гуруҳ) ўртача 4,7 фоизга ўсиб борди [3]. 1970–1985 йилларда ушбу тафовутга барҳам берилиб, “А” гуруҳ маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2.4 маротаба, “Б” гуруҳ маҳсулотларини ишлаб чиқариш 3 баробар ўсишига эришилди. [4]

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир томондан, ривожланган енгил ва озиқ-овқат саноатини вужудга келтириш борасида қилинган барча тадбирлар республикада ишлаб чиқариш воситаларини, яъни машина ва ускуналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун эмас, балки, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом

ашёси ва материалларини тайёрловчи соҳаларни тараққий этишга қаратилди. Шунинг учун меҳнат қуроллари, машина ва механизмлар асосан четдан келтирилди. Иккинчи томондан, шаклланиб борган ишлаб чиқариш халқ истеъмоли маҳсулотларини етказиб берувчи тармоқларнинг заифлигидан далолат берарди. Шу билан бирга, Ўзбекистон етарли хом-ашё ва меҳнат ресурсларига эга бўла туриб, аҳоли жон бошига истеъмол ишлаб чиқаришда Болтиқ бўйидан 4-5 баравар, Россиядан 2,5 баравар орқада эди [5]. Чунки республикада халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибида тайёр маҳсулотнинг улуши фақат 25 фоизни ташкил қиларди, холос [6].

Ўзбекистон иқтисодиёти СССР иқтисодий тизимидаги етакчи ўринларга эга бўлишига қарамай, юқоридаги маълумотлар унинг заиф ривожланганлигидан, бир томонлама хусусиятга эга эканлигидан ёрқин далолат беради. Ушбу хусусиятларни кам ривожланиши республика иқтисодиётига, шу жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарёда энгил ва озик-овқат саноати тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Умуман, ўрганилаётган даврда хўжасизлик, иқтисодий воситалардан фойдаланишда илмий ёндошувлардан фойдалана билмаслик ва бошқа барча шу каби хусусиятларга эга бўлган усуллар орқали давлатни бошқариш оқибатида маъмурий-буйруқбозлик тизими вужудга келган кўшиб ёзиш туфайли ишлаб чиқариш хажмларини сунъий равишда кўпайтириш қарор топди. Ушбу ҳолат ноқонуний бўлиб, даромадга салбий таъсир кўрсатсада, амалда эса ушбу ҳолат моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватланар эди. Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Хом ашё маҳсулотлари асосида тайёр маҳсулотлар қийматининг қайта ҳисоб-китоб қилинишининг кенгайиб бориши; маҳсулотлар сарф-ҳаражатининг ортиб бориши ва улар таннархининг қимматлашуви; майда-чуйда ўзгартиришлар киритиш орқали таннархи ошган ва сарф-ҳаражати кўпайган буюмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда уларга янги ном бериш эвазига арзон маҳсулотлардан воз кечилди.

Мамлакатда тоталитар тизимнинг мустаҳкамланиши, ғоявий-мафкуравий ёндошув асосида иқтисодиётнинг объектив қонуниятларининг инкор этилиши иқтисодиётни ривожланишига, шу жумладан ишлаб чиқаришни ўсишига салбий таъсир қилиб, уларнинг тангликка етакловчи омилларини зўрайиб боришига шароит туғдирди. Мулкка нисбатан давлат монополиясининг ўрнатилиши, цивилизациялашган товар-пул муносабатларидан фойдаланмаслик, унинг ўрнига бошқарувнинг маъмурий-тақсимлаш тизимининг ҳукмронлик қилиши халқнинг бунёдкорлик хусусиятларини ривожланишига тўсиқ бўлди.

Танглик ва тақсимлаш принциплари исканжасида оқилона ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида қанча ҳаракат қилинмасин, иқтисодиёт ўзини ўзи ривожлантириш ички имкониятларидан маҳрум бўлди. Натижада СССР халқ хўжалиги чуқур деформацион жараёнлар қаърига юз тутди.

Хуллас, катта сарф-ҳаражатни ва самарасиз совет иқтисодиётини таназзулдан сақлаб қолиш учун СССР раҳбарияти бу борада қандайдир ўзгаришлар содир қилишни англаб етган эди. Шунинг учун иқтисодиётни ислоҳ қилишга қаратилган амалий ишларга 1970–1990 йиллар ўртасида бир неча бор ҳаракат қилинди. КПССнинг XXIV съезди (1971 йил 30 март – 9 апрел)дан сўнг мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги вавлюнтаристик жараёнларга барҳам

берилди ҳамда 1970–1980 йилларда илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш, иқтисодни интенфикациялаш, иқтисодий қонуниятлардан самарали фойдаланиш вазифаси англаб етилди. Халқ хўжалигида ўтказилган ислохотлар иқтисодий тараққиётга асос солиб, мудом вақт давомида корхоналарни ривожланишига туртки берди, ижтимоий муаммолар, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш каби масалаларнинг ечимини топадиган ишлаб чиқариш бирлашмаларини вужудга келиши рағбатлантирилди [7].

Бироқ ўтказилган ислохотларнинг ўта чекланганлиги, унинг қисқа муддатга ва иккинчи даражали масалаларни ҳал қилишга қаратилганлиги ишлаб чиқаришни тубдан яхшилаш, унинг кўрсаткичларини тинимсиз ўсишига барқарор асос яратилмаслигига сабаб бўлди. Ушбу муаммога объектив қараганда, шуни айтиш мумкинки, мавжуд тузум, ундаги ҳукмрон доиралар жамият ҳаётини, унда кечган иқтисодий жараёнларга мафкуравий таъсирни кучайтириб юборганлиги бошланган ислохотларни муваффақиятсизликка учрашига олиб келди.

СССРда иқтисодий ислохотлар ва бу борада қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ижросини охирига етказилишига тўсиқ бўлаётган яна бир муҳим омил ҳам борки, уни инкор этиб бўлмайди. Яъни қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ижроси, хўжалик муаммоларини ечиш ваколати марказ ва жойлардаги партия органларига юклатилди, энг муҳими, бу жараён оммавий тус олди. Натижада партия раҳбариятининг барча поғоналарининг маъмурий бўлиниш кучая борди. Маъмурий бошқарув усулларининг раванқ топиши, бюрократик консерватизмнинг авж олиши ўз-ўзидан, ислохотлар жараёнига сунъий тўсиқ бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы её развития. – Т., 1977. – С. 151.
2. Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. – Т., 1988. – С. 16.
3. Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы его развития. – Т., 1967. – С.171.
4. Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. – Т., 1988. – С. 16.
5. Узбекистан в мировой экономике. – Т., 1993. – С. 53.
6. Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. – Т., 1988. – С. 22.
7. Валовой Д.В. Тайны овалного зала Кремля. – М., 1991. – С. 34–54; Политическая история России и СССР. – М., 1991. – С. 84.

Олий таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш - давр талаби

Васиева Дилором Ибрагимовна

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
тарих фанлари номзоди, доцент*

Аннотация. Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон олий таълим тизимини тубдан ислох қилишнинг устувор йўналишлари, ҳозирги кунда

мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш энг биринчи навбатда чуқур билимли, етук мутахассис кадрлар тайёрлашга боғлиқ эканлиги, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида рақобатбардош бўлган етук мутахассис кадрларни тайёрлаш, олий таълимда амалга оширилган ислохотлар натижасида юз берган ўзгаришлар, бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, олий таълимнинг қамров даражасини босқичма-босқич оширилиши масалалари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: узлуксиз таълим, олий таълим, ислохот, таълим, тарбия, ўрта махсус, таълим сифати, инсон омили, ахборот технологиялари, модернизация, молиявий мустақиллик, рақобатбардош, илмий-тадқиқот, маданият, мутахассис, нодавлат таълим, давлат ва жамият.

Аннотация. В данной статье рассматриваются приоритеты коренного реформирования системы высшего образования Узбекистана за годы независимости, современное социально-экономическое развитие страны зависит, прежде всего, от подготовки образованных, зрелых специалистов, подготовки конкурентоспособных специалистов в условиях рынка. экономика, реформы в высшей школе. Обсуждены произошедшие в результате изменения, принятие ряда нормативных документов в этой связи, постепенное повышение уровня охвата высшим образованием.

Ключевые слова: дополнительное образование, высшее образование, реформа, образование, воспитание, среднее специальное, качество образования, человеческий фактор, информационные технологии, модернизация, финансовая независимость, конкурентоспособность, исследования, культура, специалист, негосударственное образование, государство и общество.

Abstract. This article discusses the priorities of radical reform of the higher education system of Uzbekistan during the years of independence, the current socio-economic development of the country depends primarily on the training of well-educated, mature professionals, training of competitive professionals in a market economy, reforms in higher education. The changes that have taken place as a result, the adoption of a number of normative documents in this regard, the gradual increase in the level of coverage of higher education were discussed.

Keywords: continuing education, higher education, reform, education, upbringing, secondary special, quality of education, human factor, information technology, modernization, financial independence, competitiveness, research, culture, specialist, non-governmental education, state and society.

Шиддат билан ривожланаётган бугунги замонамизда ҳар бир мамлакат келажаги, хусусан, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билимли ёшларга боғлиқ. Шу боис, давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг илк кунларидан бошлаб инсон капиталини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичида сифат кўрсаткичини янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар эса педагоглар зиммасига ҳам залворли масъулият юкляпти. Таълимнинг қайси босқичида бўлмасин, унинг мазмунини ошириш ва сифатини таъминлаш замонавий педагогнинг асосий вазифасига айланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар, биринчи навбатда, демографик жараёнлар ва урбанизацияни, башарият тафаккури ҳамда халқимизнинг ўсаётган сиёсий дунёқараши, онги ва

маданияти, умумхалқ манфаати чуқур ўйланган ҳолда амалга оширилмоқда [1].

Таълим бу ҳар қандай мамлакатнинг энг асосий бўғини ҳисобланади. Айниқса, Олий таълим тизими бу мамлакатга кадрлар тайёрлашнинг илдизи ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш энг биринчи навбатда чуқур билимли, етук мутахассис кадрлар тайёрлашга боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бугунги кунда таълим тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Бозор иқтисодига ўтиш ҳамда демократик ва ҳуқуқий давлат тузиш сари амалга оширилаётган ҳаракатлар инсондан ўзининг умуммаданий дунёқарашини кенгайтиришни, умумий ва профессионал омилкорликни доимий равишда ошириб боришни талаб этади. Бугунги кунда мустақил фаолият юритиб, муаммоли шароитлардан чиқиб кета оладиган ва ўзида билимга доимий чанқоқликни сезадиган ҳар томонлама етук кадрларга ижтимоий буюртма сезиларли даражада ривожланмоқда. Бозор иқтисодига ўтиш ҳамда демократик ва ҳуқуқий давлат тузиш сари амалга оширилаётган ҳаракатлар инсондан ўзининг умуммаданий дунёқарашини кенгайтиришни, умумий ва профессионал омилкорликни доимий равишда ошириб боришни талаб этади. Зеро, Авлоний бобомиз таъкидлаганидек: “Таълим-тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”. Бу ёндашув ҳар қандай замон ва маконда ҳам тарбия масаласига долзарб вазифалардан бири сифатида қаралганини кўрсатади.

Таълим тизимида, жумладан, олий таълимда амалга оширилган ислохотлар натижасида юз берган ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан катта тарихий аҳамиятга эга. Амалга оширилган ислохотлар нафақат мамлакатимизда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди, хатто халқаро майдонда ҳам мамлакатимиз обрў-эътиборини янги босқичга олиб чиқди. Бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Маълумки, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли ҳамда 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли фармойиши бугунги олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим ислохотларининг маҳсули сифатида мамлакатимизда олий маълумот олмоқчи бўлган ҳар қандай фуқаро учун имкониятлар эшиги очилди. Аниқроқ айтганда, ёшидан қатъи назар, олий маълумотни кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклида олишга шароит яратилди. Яъни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ёши, миллати ва элатидан қатъи назар, ўзининг Конституцион

ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистонда бугунги кунда олий таълим муассасалари сони 159 тага етди. Шундан университетлар 28 та, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг 30 та филиалида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ундан ташқари нодавлат олий таълим муассасаларининг сони ҳам кенгайиб 24 тани ташкил этмоқда. Олий таълимнинг қамров даражасини босқичма-босқич ошириш, тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўқув юкламаларини мақбуллаштириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача 3,5 баробарга оширилиши олий таълим ислохотларининг дастлабки натижаларидир.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини янги босқичга кўтариш, таълим сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу, шубҳасиз, таълим тизимини ислох қилиш, миллий ва халқаро меҳнат бозори талаблари даражасида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшувчи, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилиш орқали таълим соҳасини янада такомиллаштириш борасида тизимли тадбирлар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар етказиб бериш борасида ўтказилган таҳлил натижалари, аввало, таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, соҳада илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, янги, шу жумладан, етакчи хорижий олий таълим муассасалари ташкил этилди, замонавий ўқув босқичлари жорий этилиб, талаб юқори бўлган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторидаги таълим йўналиши 329 тага, магистратура мутахассисликлари 582 тага етказилди, 2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалаврият таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги уч йилда 1,7 бараварга ошди [3].

Мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш бугунги кун олий таълим

тизимининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Айни шу вазифаларни амалга ошириш ва бу борада вужудга келадиган муаммо ва камчиликлар юзасидан фикр алмашилади, олий таълим тизими фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади [4].

Олий таълим ислохотларининг муҳим қирраларидан яна бири ёшларимизнинг бир вақтда бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш масаласи эди. Мамлакатимизда анча йиллардан буён фаолият юритаётган хорижий олий таълим масканларининг қабул жараёнига ҳавас билан қараб келар эдик. Зеро, бир вақтнинг ўзида мамлакатимиздаги ҳамма хорижий олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш мумкин эди. Бу ҳолат бизни ҳам ҳайратга солар, ҳам ҳавасимизни келтирган. Президентимиз айнан ана шу масалада “Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлайманки, уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилади”, – деб таъкидлаган эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай ёшларимиз шундай имкониятга эга бўлди [5].

Дунё тажрибасида таълим сифатини оширишга хизмат қиладиган энг асосий омиллардан бири таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳити ҳисобланади. Соғлом рақобат таълим сифати, маданиятини шакллантирувчи, ўзини ўзи ривожлантиришга муҳит яратувчи салмоқли кучдир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда олий таълим тизимига нодавлат ва хусусий секторнинг, шунингдек, кўплаб хорижий олий ўқув юртлари ва филиалларининг кириб келиши ижобий ҳолат бўлди. Бир жиҳатдан олий таълимнинг қамрови кенгайса, иккинчидан, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида ижобий маънодаги ўзаро рақобатни таъминлайди, тизимда бозор қонунлари ишлай бошлайди. Зеро, унинг натижаси муҳим ҳисобланади, чунки ҳар бир олий ўқув муассасаси сифатли кадрлар тайёрлаш учун курашади. Шиддат билан ривожланаётган бугунги мамлакатимизда рақобат ва бозор сифатсиз маҳсулотларни қабул қилмайди [6]. Натижада рақобатбардош маҳсулот яратиш ҳар бир олий таълим муассасасининг асосий мақсадига айланади, натижа кутилганидек юқори бўлади. Шуларнинг ўзиёқ таълимдаги ислохотлар чуқур ўйланган ҳолда олиб борилаётганини англатади.

Тизимдаги ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, олий таълим билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқадорлик интеграциясини вужудга келтириш бўлди. Зеро, ҳамкорликсиз юқори малакали, замон талабидаги кадрлар тайёрлаш мумкин эмас [7].

Жадал ривожланиб бораётган таълим тизими, илм-фан ва технологиялар мутлоқа бошқача мутахассисни тайёрлашни давлат ва жамият олдига вазифа қилиб қўймоқда. Бу эса дунё меҳнат бозорида рақобатбардош, интеллектуал салоҳияти ва профессионаллик даражаси юқори мутахассис-кадрни тайёрлашни, ва бу мутахассис касбий маҳоратидан ташқари хорижий тилларни ва замонавий компьютер технологияларини яхши ўзлаштирган бўлишини талаб қилади. Давлатимиз раҳбари томонидан мактабгача ва бошланғич таълимга ва умуман таълим тизимига эътиборнинг кучайтирилиши жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросидан, айниқса, таълим ва илм-фанга масъул-лардан, боғча мураббийсидан тортиб, мактабдаги муаллимлар, олий мактабдаги профессор-ўқитувчилардан ижтимоий онги, тафаккури юқори, ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш масаласига ўта жиддий ёндашишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2020, 1 октябрь. №207 (7709).
2. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020, 1313-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.08.2018, 1269-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019, 3887-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – www.uza.uz.
7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак, www.press-service.uz

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ФРОНТ ОРТИДАГИ МАРДОНАВОР МЕҲНАТЛАРИ

Ёрматов Фахриддин Жойловович

*Термиз давлат университетининг
Педагогика институти тиллар факультети декани,
тарих фанлари номзоди, доцент.*

Аннотация. Ушбу мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбек халқининг фронт ортидаги мардонавор меҳнатлари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Фронт, Ҳарбий корхоналар, Қўйтош ва Қоратепа, Сурхондарё вилояти, Хавдак, Учқизил, Какайди, Лалмикор.

Аннотация. Эта статья содержит информацию о героизме узбекского народа за фронтом во время Второй мировой войны.

Ключевые слова: Узбекистан, фронт, военные предприятия, Сурхандарьинская область, Койташ и Коратепа, Хавдак, Учқизил, Какайди, Лалмикор.

Abstract. This article contains information about the heroism of the Uzbek people behind the front during World War II.

Key words: Uzbekistan, front, military enterprises, Surkhandarya region, Koytash and Qoratapa, Khavdak, Uchqizil, Kakaydi, Lalmikor.

Жонажон халқимиз бу йил иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 76 йиллигини кенг нишонлади. Шубҳасиз бу ғалабага эришишда Ўзбекистонликларнинг ҳам муносиб улуши бор. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ, Ўзбекистонликларнинг бир қисми фронтга йўл олган бўлса, қолганлар фронт ортида мардонавор меҳнатлари билан буюк ғалабага ўз

ҳиссаларини кўшишди.

Энг охирги аниқ таҳлиллар ва ҳисоб-китобларга кўра жуда кўплаб ватандошларимиз фронтга борганлиги аниқланди. Биз буни муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган маърузасидан билиб олишимиз мумкин.

Ўзбекистондан 1 млн 951 минг киши урушга борган. 451 мингдан ортиқ юртдошларимизнинг номлари ва тақдири эса шунча йиллар давомида эътибордан четда қолган. 538 минг ўзбекистон фуқаролари урушда ҳалок бўлган бўлса, 158 минг ҳамюртларимиз бедарак кетган. Кулоқ қилинган ва бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортиқ юртдошларимиз ҳам урушда қатнашган. Фронт орқасида ҳам Ўзбекистонликлар буюк жасорат кўрсатдилар.

Айниқса, саноат корхоналарининг кўчириб келиниши ҳалқимизнинг бардошини яна бир синовдан ўтказди десак асло муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу ҳақда гапириб: “Ўша оловли йилларда Ўзбекистонда 7 ёшдан 70 ёшгача бутун ҳалқимиз “Ҳамма нарса - фронт учун, ҳамма нарса – ғалаба учун!” деб яшади, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилди” [1] деган эди.

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган саноат корхоналарини ҳоятда қисқа муддатда ишга туширилди. 1941 йил декабрда эвакуация қилинган корхоналарнинг қарийб 50 таси, 1942 йил 1 январда эса барчаси қайта қурилиб тўла қувват билан маҳсулот бера бошлади. Бу ҳарбий корхоналарни ишга туширишга шаҳарликлардан ташқари қарийб 500 минг колхозчи деҳқонлар жалб қилинди. Корхоналарни ҳарбий изга ўтказиш ҳарбий коммунистик усулда амалга оширилди. 1941 йил 26 июндан бошлаб мамлакатда ишчилар ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда мажбурий ишлаб бериш, катта ёшдагилар учун ҳафтада 6 кунлик иш жорий этилди, иш вақти 11 соатгача узайтирилди, таътилга чиқиш бекор қилинди.

Идора хизматчилари, уй бекалари, ўқувчилар ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Агар 1940 йилда саноат ишчилари орасида хотин-қизлар салмоғи 34% ни ташкил қилган бўлса, 1942 йилда бу кўрсаткич 63,5% га етди. 1941 йил декабрда Ўзбекистон саноат корхоналаридан 230 таси (биргина Тошкентда 63 корхона) ҳарбий изга кучирилиб, фронт учун қурол-яроғ ишлаб чиқаришга киришди.

1941 йил 10 октябрь ойида республикада жойлашган фабрика ва заводларда 45 фоиз, 1943 йилга келиб эса 63 фоиз хотин-қиз фронтга кетган оталари, эрлари, ака-укалари ўрнига мардонавор меҳнат қилдилар.

Мамлакатимиз аёллари ўзлаштириб олмаган бирор-бир касбни кўрсатиш амри маҳол эди ўша пайт. Ҳатто ҳалқ хўжалигининг кўмир ва металлургия саноати, темир йўл транспорти сингари ҳалқ хўжалиги тармоқларида ҳам хотин-қизлар эркаклар ўрнини эгаллашга мажбур бўлишган.

Ўзбекистон мамлакатнинг фавқулотда муҳим аслаҳоналаридан бирига айланиб, фронтга 2100 самолёт, 17342 авиамотор, 17100 миномёт, 22 миллион мина, 560 минг снаряд, умумий оғирлиги 172 минг тоннага тенг 2,3 миллион авиабомба, 1 миллион граната, 330 минг парашют, 5 та бронепоезд, ҳарбий эҳтиёж учун 100 минг километрдан зиёд турли симлар ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди.

Ўзбекистонда ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноатнинг ўсиши ва ривожланиши билан бирга хом ашё ва ёқилғи-энергетика базасини кенгайтириш вазифаси ҳам кескин бўлиб турди. Айниқса, рангли металлларга, нефт ва кўмирга

бўлган эҳтиёж кучайди. 1942 йилда Лангар молибден кони заминида молибден фабрикаси барпо этилди.

Қўйтош ва Қоратепа рангли металл конининг қуввати кескин оширилди. Олмалиқда мис ва бошқа рангли металлларнинг бой конлари топилди. Ангрэн кўмир кони республиканинг биринчи кўмир марказига айланди. 1942 йил бошларида Оқтепа ва 3-Оққовоқ ГЭСлари, шунингдек, Фарход ГЭС умумхалқ хашари билан бунёд этилиши республикада фронт эҳтиёжлари учун ишлаётган саноат корхоналарини электр энергияси билан таъминлашда муҳим рол ўйнади.

Ўзбекистонда уруш йилларида 280 та янги корхона барпо этилди. Республиканинг саноат потенциали 1945 йилга келиб 1940 йилдагига нисбатан деярли 2 баробар кўпайди, нефт қазиб олиш 4 баробардан зиёд, металл ишлаш тармоқлари маҳсулотлари 4,8 баробар, машинасозлик маҳсулотлари 13,4 баробар, кўмир қазиб чиқариш 30 баробардан кўпроқ, пўлат ва прокат эритиш 2 баробар, электр энергияси ишлаб чиқариш 2,42 марта ортди.

Бунинг натижасида Ўзбекистон уруш йилларида фронт учун 2100 та самолёт, 17342 та авиамотор, 2318 минг дона авиабомба, 17100 та миномёт, 4500 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи қурол, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн дона граната, дала радиостанциялари учун 3 млн радио лампа, 330 мингта парашют, 18 та ҳарбий-санитария ва ҳаммом кир ювиш поезда, 2200 та кўчма ошхона ва кўпгина ҳарбий анжомлар етказиб бериш имконига эга бўлди.

Республика енгил саноат комиссарлиги корхоналари 1941–1945 йиллар мобайнида жангчилар учун 7518,8 мингта гимнастёрка, 2636,7 мингта пахтали нимча, 2861,5 мингта армия этиги тайёрлаб берди. Ўзбекистон аҳолиси муҳтожлик ва руҳий қийинчиликларга қарамай 1941–1945 йилларда фронт учун 650 миллион сўм пул, 22 миллион сўмлик қимматбаҳо буюмлар, 56 кг қимматбаҳо металллар тўплаб бердилар [2].

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги уруш йиллари мамлакатга 4 миллион 806 минг тонна пахта, 541 минг тонна пилла, 1 миллион 283 минг тонна дон, 482 минг тонна картошка ва сабзавот, 159 минг тонна гўшт ва кўплаб бошқа турдаги маҳсулотлар етказиб берди. Аҳолига давлат заёми, пул-буюм лотореяси сотиш ҳисобига 4,2 миллиард сўм маблағ йиғилиб ғалаба манфаатлари йўлида фойдаланилади [3].

Республикамизнинг барча вилоятлари каби Сурхондарё вилояти меҳнаткашлари ҳам ўзига хос мардонавор меҳнати билан ғалаба учун катта ҳисса қўшдилар.

Сурхондарё вилояти аҳолиси фронт учун иссиқ кийим, мева, гўшт, буғдой ва бошқа маҳсулотларни йиғиб, етказиб турди. Фронтга 9 минг жуфт пўстин, 64 минг мўйнали нимча, 100 минг жуфт мўйнали жунли кўлқоп, 20 мингдан кўпроқ пийма, миллион рубл пул йиғиб юборганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Сурхондарё вилоятидан уруш даврида 210 минг тонна пахта, 15 минг тонна гўшт, 50 минг тонна гуруч, 1700 дона қоракўл тери, 360 тонна пилла топширилди. Шунингдек, 6 минг бош қорамол, 800 минг тоннадан ортиқ буғдой ва ёрма, 20 тонна мой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди. Шерободликларнинг сабъ-ҳаракатлари натижасида жангчилар учун 245 кг жун, 201 дона тери, 30 бош қўй ва эчки ҳамда 155 жуфт этик тўплаб топширилди [4].



Уруш даврида ҳамма саноатлар қайтадан қурилиб, фронтга йўналтирилган. Вилютнинг нефть бўйича етук мутахассислари ишлаб турган Хавдак, Учқизил нефть конларидан ташқари, янгидан топилган Какайди ва Лалмикор нефть конлари ўзлаштирилган. 1942 йилда нефть ишлаб чиқариш 1941 йилдаги билан таққосланса 25 фоиз, 1943 йилга келиб эса 57 фоиз кўпайган.

Сурхондарё вилояти республикада ишлаб чиқарилган нефтнинг 70 фоизини берган.

Уруш даврида Шарғунда кўмир қатламлари кони очилиб, кўмир қазиб чиқарилган. Сурхондарё саноати ва қишлоқ хўжалиги 1941–1945 йиллар қоқоқлашиб қолмай, режаларни юқори даражада бажарганлар.

Ўзбекистонликлардан жами 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз давлат мукофатлари билан тақдирланган бўлса, шундан 301 нафари совет иттифоқи қахрамони, 70 нафари эса учала даражадаги слава ордени билан мукофатланган. Бундай маълумотларни яна кўплаб мисоллар орқали келтиришимиз мумкин.

Хулоса шуки, Ўзбекистонликлар ҳам барча халқлар қаторида фронт ортида ўзининг мардонавор меҳнатлари, букилмас метин иродалари билан кечаю-кундуз меҳнат қилишиб, ғалаба учун ўзининг муносиб ҳиссаларини кўшишди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. 2019 йил 7 май.
2. Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – Б. 176.
3. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 138.
4. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазов Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 216.

XX АСР 20-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Инатов Мурот Ниятович

Ислом Каримов номидаги ТошДТУ

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши натижасида юзага келган ўзгаришлар, аҳолининг миллий таркиби, жинси, ёши, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртсидаги тафовутлар, вилоятлар бўйича аҳолининг тақсимланиши, уларнинг миллий таркиби, аҳолини рўйхатга олиш масалалари, унинг натижалари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: миллий давлат чегараланиши, демография, миллий таркиб, шаҳар аҳолиси, аҳоли ёши, аҳоли жинси, аҳолини рўйхатга олиш, вилоят, тожиклар, қозоқлар.

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые аспекты демографическое положение в Узбекистане 20-годы XX столетие после проведение национально-государственное размежевание в Средней Азии. В том числе изменение национальном состоянии население, пол, возраст, разница между городским и сельским населением, распределение население по областям и их национальный состав, проведение переписи население и его итоги.

Ключевые слова: национально государственная размежевание, демография, национальный состав, городское население, возраст население, пол население, перепись население, область, таджики, казахи.

Abstract. The article discusses some aspects of the demographic situation in Uzbekistan in the 20s of the XX century after the national-state demarcation in Central Asia. Including changes in the national status of the population, gender, age, the difference between the urban and rural populations, the distribution of the population by regions and their ethnic composition, the conduct of the population census and its results.

Key words: national-state demarcation, demography, ethnic composition, urban population, population age, population sex, population census, region, tajiks, kazakhs.

XX асрнинг 20–30-йиллари тарихимиздаги энг зиддиятли ва ўта мураккаб даврлардан саналади. Мамлакатимиз ҳудудларида совет тузумининг ўрнатилиши ва бу тузум томонидан юритилган сиёсат барча муаммоларнинг асоси ҳисобланади. Советлар томонидан ўлкада юзага келган миллий-озодлик ҳаракатининг тугатилиши, хусусий мулкка нисбатан юритилган тажовузкор сиёсат, мулдорлар синфининг тугатилиши, ўрта қатламга нисбатан қўлланилган таъқиблар ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий муҳитни ниҳоятда мураккаблашувига сабаб бўлди. Совет ҳукумати томонидан қабул қилинган ва гўёки “халқ манфаатлари”га қаратилган қарорлар, қонунлар аксарият ҳолларда қўпол равишда ёки мақсадли тарзда бузилди. Бу аҳоли орасида ҳақли норозиликларга сабаб бўлди.

1924 йилда большевиклар томонидан миллий-давлат чегараланишининг ўтказилиши ҳам советларнинг ўлкада юритаётган улуғ давлатчилик сиёсатининг намунаси эди. Бунинг натижасида тарихий илдизлари бир бўлган Ўрта Осиё халқларини бир-биридан ажратиб ташлади ва бўлиб ташлаб ҳукмронлик қил тамойилига амал қилган ҳолда бошқарувни ўз қўлларига олдилар. Миллий давлат

чегараланишининг ўтказилиши натижасида ташкил топган республикаларда миллий масалада бир қатор ўзгаришлар юз берди. Демографик вазият ҳам ўзгарди.

Совет тузуми даврида бу масалада вазият турли воситалар ёрдамида ҳал этилиб келган бўлинса, СССР давлатининг парчаланиши билан республикалардаги аҳоли орасида миграцион жараёнлар кучая бошлади. Маълум бир қисм аҳоли доимий яшаш жойларини ўзгартира бошлади.

Ўрганилаётган даврни тўлиқ тасаввур этиш учун аввало ўша давр тарихий-ижтимоий воқелигини тушуниб олиш катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу ҳолатда аҳолининг ёши ва жинси бандлиги, касбий ҳамда ижтимоий таркибини тавсифлайдиган кўрсаткичлар ҳамда аҳолининг ўсиши муаммоси алоҳида қизиқиш уйғотади. Шаклланиши, ривож ва моҳиятига кўра аҳолининг сифат жиҳатларини ифодалайдиган бу кўрсаткичлар, жуда кўп қирралари билан тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва демографик ўзига хосликлар билан боғлиқдир.

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши натижасида Туркистон Республикаси, Хоразм Халқ Совет Республикаси ва Бухоро Халқ Совет Республикаси таркибидан тузилган Ўзбекистонда дастлаб етти вилоят: Тошкент (Сирдарё), Фарғона, Самарқанд, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, ва Хоразм, ҳамда асосан қозоқлар яшайдиган Конимех райони бор эди. ЎзССР таркибига иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган Самарқанд ва Фарғона вилоятлари (Фарғона водийси ва Зарафшон варақ.х), Хоразм, Бухоро, Сирдарё вилоятлари кирди.

1926 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан районлаштириш деб юритилган маъмурий бўлиниш ислоҳоти ўтказилди. Районлаштириш Ўзбекистоннинг ички маъмурий ҳудудларини хўжалик юритишнинг яхлит типи – суғориш тизимларининг бирлиги асосида мувофиқлаштиришдан ташқари, иккинчи бир мақсад: бошқарувни соддалаштириш ҳамда аҳолига яқинлаштиришни назарда тутган эди. Шунга кўра, бошқарувнинг тўрт тизимли шакли: вилоят, уезд, волост, қишлоқ совети ўрнига, уч тизимли бўлиниш: округ, район, қишлоқ советлари жорий қилинди. Районлаштириш натижасида Ўзбекистонда пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган 10 та: бутун Ўрта Осиёнинг маркази бўлган Тошкент шаҳри билан Тошкент, аввалги Фарғона вилояти ўрнида Фарғона ва Андижон, Хўжанд, Бухоро, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм округлари ҳамда битта автоном қозоқ райони - Конимех ташкил этилди [1].

Ўзбекистон территорияси, Тожикистондан ташқари 183438 кварақ. км дан иборат эди. Аҳоли сони ва зичлигига кўра Ўзбекистон Ўрта Осиё республикалари ўртасида биринчи ўринни эгаллар эди.

1926 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, республикада 4 млн 621 минг киши қайд этилди. Бу 1917 йилга нисбатан атиги 135 минг кишига кўп эди. Бу даврда, яъни 1917–1926 йилларда аҳолининг ўртача ўсиш даражаси атиги 0,33% ни ёки йиллик ўртача кўпайиши 15 минг кишини ташкил қилди. XX асрда Ўзбекистоннинг янги демографик ривожини тадқиқ қилган олимлар: О.Отамирзаев, В.Генштке, Р.Муртозаевалар қайд этганларидек, ўша даврнинг мураккаб демографик вазияти асосида совет тузуми қурилишининг дастлабки йилларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол ётар эди. Маълумки, октябрь давлат тўнтариши шафқатсиз қарама-қаршиликлар, иқтисодий танназул, вайронгарчилик ва очликни келтириб чиқарди. Натижада кўплаб туб аҳоли ҳалок бўлди, жисмонан йўқ қилинди, кишилар ўз ватанларини тарк этдилар. Республикаларнинг туб аҳолиси сони камайиб кетди. Ўзбекистон

аҳолисининг сониди айрим ўсиш юз бериши мамлакатга Россия, Украина ва иттифоқнинг бошқа регионларидан европалик аҳолининг оқиб келиши билан изоҳланади. Узоқ муддатли кўчиб келишлар тўғрисида Ўзбекистонда аҳолининг яшаш давомийлиги бўйича 1926 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижалари ҳам гувоҳлик беради. Масалан, агар 1926 йилда Ўзбекистонда 383 мингдан зиёд киши ёки мамлакат умумий аҳолисининг 8,6% и туб жойлиларга мансуб бўлмаган бўлса, улардан умумий ҳисобга нисбатан 30% гина республикада 10 йилдан зиёдроқ яшаганларни ташкил этади, 34,6% эса Ўзбекистонга 1926 йил аҳоли рўйхати ўтказилишидан бир-икки йил аввал келиб қолишган. Шу фактнинг ўзиёқ мамлакатимизга кўчиб келувчилар оқими совет давлати сарҳадларида мустабид тузумни ўрнатишнинг дастлабки босқичида кескин ўсганлигини кўрсатади [2].

Бундан кейинги йилларда Ўзбекистонга кўчиб келиш Россияда авж олган очарчилик, оммавий қатағонлар ва таъқиб қилишлар туфайли жуда кучайиб кетди. Кўплаб йирик шаҳарларнинг маълумот столлари маълумотлари ва бошқа қатор тааллуқли кўрсаткичлардан фойдаланган “Ўзбекистон” китобининг муаллифлари С.И.Иванов ҳамда Ю.Н.Кривоноговлар шундай деб таъкидлайдилар: “Аниқ айтиш мумкинки, Ўзбекистон унга доимий ёки вақтинчалик яшаш учун, асосан катта шаҳарларга, кўчиб келган руслар ва СССРнинг Европа қисмидаги бошқа халқларнинг катта оқими ҳисобига ҳар йили аҳоли механик ўсишининг сезиларли даражасига эга.

Бу иммиграциянинг асосий оқимини Волга бўйи губерниялари: (Самара, Саратоварақ, Ульянов)дан Ўзбекистонга осонроқ пул топиш илинжида келган деҳқонлар ташкил қилади. Бундан ташқари ҳар йили Ўзбекистоннинг Фарғона ва Андижон вилоятларига пахта ҳамда бошқа дала ишларида ишлаш учун Хитой Туркистонидан бир неча минг қашғарликлар келади” [3].

Биз ўрганаётган давр охирида ишчи кучларининг етарли миқдорда мавжудлиги муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати Фарғона водийсига кўчиб келишларни чеклаб қўйди. Бу даврда туб жой аҳолининг табиий кўпайиши ҳам ўсиб борди. Булар барчаси йиғилиб аҳоли сонининг ўсиб боришини белгилади (1-жадвалга қаранг).

1 -жадвал

1925–1930 йилларда Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўсиши кўрсаткичи
(минг киши) [4]

Йиллар	Барча аҳоли
1925	4418
1926	4621
1927	4565
1928	4673
1929	4786
1930	4926

Жадвалдан шу нарса маълум бўладики, 1925–1930 йилларда Ўзбекистон аҳолиси ўсиш сурати кузатилади. Фақат 1927 йил бундан мустасно. Бу Фарғона

водийсига иш излаб эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбекистон аҳолисининг табиий ва механик ўсиб боришидаги ўзига хосликлар унинг миллий таркибида ҳам ўз ифодасини топди.

1926 йилда Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари шуни кўрсатадики, Республикада 65 дан зиёд миллатлар яшагани ҳолда, шу ерда туғилганлар уларнинг 91,4% ни, маҳаллий бўлмаганлар 8,6% ни ташкил қилган [5]. Республиканинг асосий халқи ўзбеклар умумий аҳолининг 75% га яқинидан иборат бўлган. Ўзбеклардан ташқари рўйхатга олишда ерли халқлардан тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, қурамаalar, уйғурлар, қипчоқ, араб, қорақалпоқ, туркман, туркийлар, Ўрта осийлик яҳудийлар, форслар, эронликлар, кошғарликлар ва бошқалар рўйхатдан ўтганлар [6]. Бу рўйхатдан кўриниб турибдики, аҳолининг бир қисми ўзларини халқ эмас, уруғ номлари билан кўрсатганлар.

ЎзССР МИК районлаштириш бўйича Комиссиясининг Ўзбекистон территориясида халқларнинг жойлашуви бўйича қайдлари ҳам катта аҳамиятга эга. Жумладан, унинг материалларида баъзи округларда Ўзбекларнинг сон миқдори ўзгариб тургани қайд этилади. Масалан, Хоразмда ўзбеклар округ умумий аҳолисининг 97,4% ини ташкил қилгани ҳолда, Хўжанд округида бу кўрсаткич 29,9% га тушиб кетган. Қашқадарё, Зарафшон, Бухоро ва Фарғона округларида ўзбекларнинг ялпи миқдори 80 дан 83% гача тебраниб турган. Миллий озчиликни ташкил қилган тожиклар ушбу 4 округда – 6 дан 9,5% гача, Бухорода араблар 5%, туркманлар 3,2%, Қашқадарёда туркманлар 4,1%, Зарафшонда 5,5% ни ташкил қилган. Руслар фақат Фарғонада сезиларли (-3,7% дан иборат) бўлган. Ўзбекларнинг тартиб жиҳатидан камайиб борувчи сонига бундан кейин Самарқанд, Сирдарё, Андижон округлари тўғри келади. Бу ерларда ўзбекларнинг фоизи 73 дан 75% гача етади. Бошқа халқлар вакилларида Самарқандда тожиклар 14,5%, руслар 4,5%; Сурхондарёда тожиклар 20,2%, туркманлар 3,8%; Андижонда қирғизлар 7,9%, қипчоқлар 5,2% ва уйғурлар 3%ни ташкил қилган. Фақатгина Хўжанд округида ўзбеклар кам бўлган 29,9%, тожиклар эса умумий аҳолининг 64,2% ташкил этган. Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, 1929 йил май ойида ҳукумат томонидан Хўжанд округини Тожикистон АССР таркибига ўтказиш масаласи кўриб чиқилиб, октябрда Тожикистон иттифоқдош республикага айлантирилиб, ЎзССР таркибидан чиқиб кетди. Тошкент округида ҳам нисбатан олганда ўзбекларнинг миқдори унча катта эмас: ўзбеклар 57%, руслар 16,30%, қозоқлар 13,9% ва қурамаalar 5,9% дан иборат бўлган. Шаҳарларда, асосан, ўзбеклар, тожиклар ва руслар истиқомат қилишган. Умуман, Ўзбекистонни районлаштириш материаллари республика аҳолисининг миллий жиҳатдан қуйидагича тақсим-ланишини кўрсатади (жамига нисбатан % хисобида).

Умуман Ўзбекистонда районлаштириш ҳужжатлари
Республика аҳолисининг миллий таркиби тўғрисида қуйидагича
маълумотларни беради [7].

Миллаталар	Шаҳарда	Қишлоқларда	Жами
Ўзбеклар	63,6	77,5	74,3
Тожиклар	13,7	7,7	9,1

Руслар	12,7	0,6	3,3
Қозоқлар	0,5	2,9	2,4
Қизғизлар	0,0	2,5	2,0
Араблар	0,1	1,5	1,2
Туркманлар	0,0	1,4	1,1
Қурамалар	0,0	1,0	0,8
Қипчоқлар	0,0	1,1	0,8
Қорақалпоқлар	0,0	0,7	0,5
Уйғурлар	0,0	0,6	0,5
Бошқалар	9,4	2,5	4,0
Жами:	100,0	100,0	100,0

Бу жадвалда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби динамикаси берилган бўлиб, унга кўра шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг асосий кўпчилиги ўзбеклар, тожиклар ташкил этади.

Руслар асосан шаҳарларда, қолган аҳоли миллий қатламлари асосан қишлоқларда истиқомат қилишган бўлиб, улар асосан туб жойли аҳоли.

Бизнинг тадқиқотимиз доирасида аҳоли жойлашувининг жинсий ва ёш жиҳатидан таркиби таснифи каби сифат кўрсаткичлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга, негаки аҳоли жинсий ёш таркибининг ўзига хосликлари бевосита мамлакат меҳнат омилларини шакллантириш жараёнларида ўз ифодасини топади.

Тарихан барча Ўрта Осиё Республикаларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам эркаклар сони аёлларга нисбатан зиёд бўлган: ўртача 1000 кишига 885 та аёл тўғри келган. Бу нисбатда шаҳар ва қишлоқ ўртасида бироз фарқ бор. Шаҳар аҳолиси учун 1000 эркакга 893 та, қишлоқда 1000 кишига 883 та аёл тўғри келган. Умуман олганда, Ўзбекистон аҳолисининг таркибида хотин-қизлар улуши камлигининг барқарорлиги бевосита улар орасида ўлимнинг кўплиги билан изоҳланади. Бунинг асосий сабабларидан бири туғилишнинг физиологик жиҳатдан ҳаддан зиёдлиги, тез-тез ва кўп фарзанд кўриш (10-15 бола) туфайли аёллар организмнинг табиий толиқишидадир.

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан аҳолининг ёш таркиби тақсимоотида неча фоиз аҳоли меҳнатга яроқли, ярим яроқли ёки яроқсиз эканлиги доимо бош масала бўлиб келган. Меҳнатга яроқлилик кўрсаткичи эса эркаклар учун 16 дан 60 ёшгача, аёллар учун 16 дан 55 ёшгача бўлган даврни камраб олади.

1927 йил 1 январига, яъни Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, Ўзбекистонда 2 млн 514 минг киши, бутун республика аҳолисининг 56% меҳнатга яроқли ёшда эди. Шаҳар аҳолиси учун бу кўрсаткич (умумга нисбатан) 56 % ни, қишлоқ аҳолиси учун 57% ни ташкил этарди. Кўриниб турибдики, аҳолининг меҳнатга яроқли ёшда бўлган қисми (%) фоизлари шаҳар учун ҳам, қишлоқ учун ҳам деярли бир хил [8]. Меҳнатга яроқли аҳоли ва меҳнат омилларининг юқори кўрсаткичи аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш муаммосини ўртага қўяди.

Умуман олганда, тадқиқ қилинаётган йилларда Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси кўпчилигини ташкил этадиган мамлакат бўлиб қолаверди.

1925–1930 йилларда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ аҳолиси
сонининг ўсиш кўрсаткичи (минг киши) [9]

Йиллар	Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси	Жами аҳоли
1925	955	3463	4418
1926	1012	3609	4621
1927	925	3640	4565
1928	968	3705	4673
1929	1015	3771	4786
1930	1077	3849	4926

Ушбу даврда Ўзбекистон демографик ҳолати учун ўзига хос хусусиятлардан бири қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг доимий ўсиб бориши бўлди. Истисно сифатида 1927 йилда шаҳар аҳолисининг умумий нисбатда камайиши кузатилади. Бироқ бу аҳоли умумий сонининг ялпи миқдорига таъсир қилмади. Шаҳар аҳолисининг кўпайиши 1926 йилда бўлганидек, 1930 йилда ҳам 21,9 % ни ташкил қилди. Эътиборга лойиқ томони шундаки, ўрганилаётган даврда шаҳар аҳолиси ўз машғулот турлари билан қишлоқ аҳолисидан кам фарқ қилган ва унинг меҳнат малакаси ҳам деярлик ўша даражада бўлган. Шаҳарлар деҳқончиликка қараганда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг кўпроқ ривожлангани билан фарқ қилган, холос. Қайд этиш керакки, Ўзбекистонда қатор-қатор шаҳарлар фақат ташқи кўринишидан эмас, балки аҳолисининг машғулотлари билан ҳам катта қишлоқлардан фарқланмаган. Улар номигагина шаҳар бўлиб, аҳолисининг асосий қисми ҳам қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари савдо ва маъмурий жиҳатдан ката аҳамиятга эга бўлса ҳам, уларнинг саноат марказлар сифатидаги мавқеи паст эди. Республикада аҳолиси 50 мингдан ошадиган шаҳарлар 5 тагина бўлиб, Тошкентда 321 минг, Самарқандда 104 минг, Наманганда 74 минг, Андижонда 73 минг ва Қўқонда 69 минг аҳоли яшарди. Самарқанд Ўзбекистон пойтахти сифатида, Тошкент Ўрта Осиё маркази сифатида катта маъмурий аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар ҳисобланар эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск II. Самарканд, 1926. – С. 1.
2. Ага-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Ташкент: Изд-во медицинской лит-ры, 1988. – С. 13–15.
3. Фролов С. И., Кривоногов Ю. Н. Узбекистан. Пособие по изучению экономики края. Узбекгосиздат, 1930. – С. 46.
4. Ага-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Ташкент: Изд-во медицинской лит-ры, 1988. – С. 134.
5. Всесоюзная перепись населения 1926 г. Т. 49. – Москва, 1927. – С. 97.
6. Мулладжанов И. Население Узбекской ССР. Справочник. – Ташкент, 1989.

– С. 19.

7. Материалы по районированию Узбекистана. Вып. I. Самарканд, 1926. – С. 8–9.

8. Фролов С.И., Кривоногов Ю.Н. Узбекистан. Пособие по изучению экономики края. Узбекгосиздат, 1930. – С. 34–35.

9. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент: Изд-во медицинской лит-ры, 1988. – С. 134.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА АҲОЛИГА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

Ботирова Ҳалима Эшмаматовна

ТҚҲММИ, МТУ

*Гуманитар фанлар кафедраси в.б. доцент,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)*

Аннотация. Ушбу мақолада мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон жанубий вилоятларида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: соғлиқни сақлаш, санитария-гигиена, тиббий хизматни яхшилаш, спортни ривожлантириш.

Аннотация. В данной статье анализируются реформы в системе здравоохранения южных регионов Узбекистана в первые годы независимости и их результаты.

Ключевые слова: здоровье, санитария, улучшение медицинского обслуживания, развитие спорта.

Abstract. This article analyzes the reforms in the health care system in the southern regions of Uzbekistan in the early years of independence and their results.

Keywords: health, sanitation, improvement of medical services, development of sports.

Мустақиллик йилларида қишлоқларда соғлиқни сақлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, истиқлолнинг илк йилларида турмуш даражасининг кескин тушиши аҳоли саломатлигини сақлашда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарган эди. Қишлоқларда тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражасининг пастлиги, маиший чиқиндиларни олиб кетиш йўлга қўйилмаслиги, оддий санитария-гигиена қоидаларига риоя этмаслик аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келди. Биргина Термиз туманида 1993 йилда 40 га яқин киши вабо касаллиги билан оғриганлиги, 29 киши вабо ташувчиси эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, 14 та ич терлама, 18 та паратиф касаллиги қайд этилди [1]. 1992–1993 йилларда Сурхондарё вилояти қишлоқларида ёш болаларнинг дифтерия (бўғма) касаллигидан нобуд бўлиш ҳолатлари тез-тез учраб турди. Афсусланарли томони, соғлиқни сақлаш тизимида маҳаллий бюджетлардан етарлича маблағ ажратилишига қарамасдан, уларнинг каттагина қисми ишлатилмасдан қолаверди. Фақат Қашқадарё вилоятининг ўзида 1995

йилнинг 9 ойида соғлиқни сақлаш учун ажратилган маблағнинг 66 миллион 400 минг сўми фойдаланилмади [2].

Соғлиқни сақлаш тизимидаги мана шундай ҳолатларни олдини олиш ва аҳолига малакали тиббий хизматни йўлга қўйишда 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги Президент фармони замонавий талабларга жавоб берадиган ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳолига малакали хизмат кўрсатадиган, жумладан, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича яхлит тизимни шакллантиришда муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий тиббий хизмат тизими ташкил қилинди. Ушбу хизмат қишлоқ врачлик пунктлари ва шаҳар оилавий поликлиникалар тармоғини қамраб олди.

Ушбу дастур аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини анча яхшилади. Қишлоқ врачлик пунктларининг кўпчилигига тиббий машиналар ажратилди. Қишлоқлар аҳолисини дифтерия касаллигидан сақлаш учун 1996 ва 2001 йилларда оммавий эмлаш тадбирлари ўтказилди. 2008 йилнинг ўзида республика бўйича 184 та болалар спорти иншооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти қурилди [3]. Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш тизимида 389 та тиббиёт муассасалари, 241 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та шаҳар врачлик пункти, 72 та даволаш профилактика муассасалари аҳолига тиббий хизмат кўрсатди.

Гарчи Республикамиз ҳукумати соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун кўп ишларни амалга оширган бўлсада, соҳадаги мавжуд нуқсон ва камчиликлар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Масалан, 2010–2012 йилларда Сурхондарё вилоятидаги 67 та тиббиёт муассаси капитал реконструкция ва қайта таъмирлашга муҳтож бўлиб, уларнинг аксариятидаги муҳандислик тармоқлари талабга жавоб бермас эди. Айниқса, Шеробод, Сариосиё ва Қизирик туманларида аҳолининг касалликка чалиниш даражаси вилоятдаги ўртача кўрсаткичлардан юқори экани, айрим шаҳар ва қишлоқларда мутахассис шифокорлар ва махсус тиббий транспорт воситалари етишмаслиги ташвишланарли ҳол бўлиб қолди [4].

Қашқадарё вилоятидаги тиббиёт муассасаларини молиялаштиришда камчиликлар бўлганлиги туфайли қишлоқ жойларига кам эътибор берилди. 2009 йилда мавжуд 678 та фельдшерлик-доялик пунктдан 84 фоизи, 177 та қишлоқ врачлик амбулаториясидан 60 фоизи, 43 та қишлоқ шифохонасидан деярли 80 фоизида шароит йўқ эди. 150 та шифо маскани телефон алоқаси билан уланмаган эди. Қамаш, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида эътиборсизлик туфайли тиббий муассасалар педиатр ва ички касалликлар шифокорлари билан 70–75 фоиз таъминланди, холос. Оқибатда, аҳоли ўртасида турли касалликлар йилдан йилга кўпайиб борди. Оналар ва болалар ўлими бўйича ҳам аҳвол ниҳоятда жиддий тус олди. Айниқса, Яккабоғ, Касби, Нишон, Деҳқонобод туманларида вазият оғир эди. Бу туманларда касалланиш ҳар 10 минг кишига 9–11 фоизни ташкил қилди [5].

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари соғлиқни сақлаш тизимидаги оғир аҳвол ташвиш уйғотмай қолмас эди. Бундай вазиятда Республика ҳукумати қатор амалий тадбирларни амалга оширди. Хусусан, 2012 йилда Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги тиббиёт бирлашмаси учун янги бино барпо этилиб, бу ерда 3 миллиард 450 миллион сўмлик маблағ эвазига қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Умумий майдони 6,5 гектарни эгаллаган шифохонада диагностика, лаборатория, шошилиш тиббий ёрдам, жарроҳлик бўлимлари, гинекология ва туғруқ мажмуаси, физиотерапия, терапия бўлинмаси иш бошлади. Терапия бўлинмасининг ўзида неврология, кардиология ва терапия бўлимлари бир вақтнинг ўзида 325 кишини қабул қилиш имконияти яратилди. Тиббиёт бирлашмасига 1 миллион АҚШ доллари миқдорида тиббий ускуналар ўрнатилди. Бундан ташқари, туманда яшовчи 240535 нафар кишига хизмат қилувчи 5 та қишлоқ участка шифохонаси, 16 та қишлоқ врачлик пункти, шунингдек, сил касалликларига қарши кураш диспансери, саломатлик маркази, хўжалик ҳисобидаги стоматология поликлиникаси, юқумли касалликлар шифохонаси, 14 та дорихона хизмати йўлга қўйилди. 2012 йили 47371 нафар туғиш ёшидаги хотин-қизлар саломатлик тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга саломатлигини тиклаши учун керакли тавсия ва йўлланмалар берилди [6].

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ва “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида 2015 йил май ойида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига “Саломатлик поёзи” жўнатилди. Тадбир давомида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли, жумладан, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, ижтимоий қўллаб-қувватланди. Узун ва Сариосиё туманларида етти юздан ортиқ киши тиббий кўриқдан ўтказилиб, касаллик аниқланган беморларга зарур тавсиялар берилди. Ўнга яқин ногиронлик аравачаси тарқатилди. Тадбир давомида ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли ва ногиронларга, тиббий-ижтимоий муассасаларга қиймати 845 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ногиронлик аравачалари, кийим-кечак, дори-дармон, тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари, ўқув қуролларидан иборат мурувват ёрдамлари кўрсатилди [7].

2018 йили Олий Мажлис депутатлари томонидан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида олиб борилган ўрганишлар давомида олис туманлардаги аҳоли ҳанузгача тиббиёт соҳасидаги туб ўзгаришларни, ислоҳотларнинг натижаларини амалда ўз ҳаётида ҳис қилмаганлиги аниқланди. Қишлоқларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими, туман марказий шифохоналарининг моддий-техник базаси ва малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси бугунги кун талабига ҳали жавоб бермаслиги маълум бўлди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларда ҳам камчиликлар кўп. 2018 йилнинг тўққиз ойида республика бўйича 108 та оналар ўлимини қайд этилган, ачинарли томони, бу борадаги энг юқори кўрсаткич Самарқанд (14 та) ва Сурхондарё вилоятларига (14 та) тўғри келди. 2018 йилда гепатит, ўпка сили билан касалланиш сони республика бўйича 20 фоизгача камайган бўлса-да, жанубий вилоятларда салбий кўрсаткичлар сақланиб қолаверди. Юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш учун Ўзбекистон Президентининг топшириғи билан 2018 йил охирига қадар Қашқадарё вилоятидаги 0–18 ёшгача бўлган болаларни вирусли гепатитнинг “А” турига қарши эмлаш учун 10 млрд сўм ажратиб берилди [8].

Республиканинг чекка туманларида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш учун ҳукуматимиз томонидан барча чоралар кўрилди. 2019 йилда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё филиалига Ислом тарақиёт банки кредитлари ҳисобидан 590,0 минг АҚШ долларга қийматга эга бўлган Гамма-терапевтик радиотерапия аппарати, вилоят силга қарши кураш диспансерига 64,0 минг АҚШ

доллар миқдорида Глобал жамғарма томонидан 2 турдаги замонавий лаборатория жиҳозлари келтирилди. Вилоят перинатал маркази ва Денов, Шеробод, Шўрчи, Бойсун ва Қумқўрғон туманлараро перинатал бўлимларига 1,0 млн долларлик 14 турдаги 105 та; Республикаси ихтисослаштирилган урология маркази Сурхондарё филиали ҳамда унинг Денов, Шеробод ва Қумқўрғон туманларидаги бўлимларига мобиль рентген, хирургик жамланма, УЗИ, операция столи каби тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Вилоятдаги 14 та туман шаҳар тиббиёт бирлашмалари 1,0 млн долларлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди [9].

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилган “Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011–2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан 2012 йилда қишлоқларда 4 мингдан ортиқ спорт майдончаларида болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши учун турли тадбирлар ўтказилди. Оммавий спорт тадбирларида 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этди. Шу билан бирга Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқларида жойлашган жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар ҳамда фермерлар томонидан болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш, уларни қайта жиҳозлаш бўйича ибратли ишлар қилинди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида жанубий вилоятлардаги қишлоқ ҳудудларда 2795 та спорт майдончаси ободонлаштирилди, 744 та майдонча тикланди, 279 таси эса янгидан ташкил этилди [10].

Мустақиллик йилларида асрлар синовидан ўтиб келаётган миллий курашни янада ривожлантириш, унинг жаҳондаги нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар қишлоқларда ҳам амалга оширилиб, кўплаб халқаро турнирлар ўтказилди. Шундан келиб чиқиб, қишлоқларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида “Маҳалламиз паҳлавонлари” республика мусобақалари ташкил этилди. Ушбу мусобақаларда қишлоқ ёшлари катта қизиқиш билан иштирок этишди. Буни 2011 йилги беллашувларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқ ёшларидан 130 мингдан зиёд ўғил-қизлари қатнашгани ва улар орасидан ўнлаб истеъдодли ёш полвонлар кашф этилгани ҳам яққол тасдиқлайди. Ўйиборлиси, 2011 йилда турнирни ташкил этган маҳаллалар сони 2010 йилдагига нисбатан 685 тага, иштирокчилар эса 32 минг нафарга кўпайди. Мусобақанинг барча босқичлари замонавий спорт мажмуаларида ўтказилаётгани эса унинг нуфузи янада ошишида муҳим омил бўлди [11].

Хулоса қилиб қайд этиш зарурки, мустақиллик йилларида жанубий вилоятларда спортни оммалаштириш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда маданият ва спорт ишлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш вазирликлари, хотин-қизлар қўмитаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Камолот” ЁИХ, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилган “Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи” номли спорт мусобақалари алоҳида ўрин эгаллади. Ушбу тадбирнинг вазифаси аҳоли орасида спортни ривожлантириш ҳамда касалликларга қарши профилактика ишларини анча юқори даражага кўтаришдир.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Тозалик соғлик гарови. “Учқизил тонги” газетаси, 1994 йил 19 март.
2. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 3-баённома, 19-хужжат, 2010 йил, 25 февраль. – Б. 26.
3. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 3-баённома, 15-хужжат, 2009 йил, 3 февраль. – Б. 6.
4. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 5-хужжат, 2007 йил, 6 январь. – Б. 6.
5. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 3-баённома, 15-хужжат, 2009 йил, 3 февраль. – Б. 6.
6. “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 31 июл №148.
7. https://kun.uz/news/2015/05/09/“salomatlik_poezdi”_surhondareda
8. <https://uzlidep.uz/news-of-party/3505>
9. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги расмий сайти: <http://www.surxondaryo.uz/page/view/65>
10. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 5-хужжат, 2013 йил, 8 февраль. – Б. 23.
11. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома, 3-хужжат, 2010 йил, 10 июнь. – Б. 36.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОСИЁ – ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН САВДО – ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ (ИНДОНЕЗИЯ, МАЛАЙЗИЯ ВА СИНГАПУР МИСОЛИДА)

Усаров Сирожиддин Рахматуллаевич

*Самарқанд давлат университети ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация. Мустақилликнинг илк йилларидан Ўзбекистоннинг Осиё – Тинч океани минтақасидаги Индонезия, Малайзия ва Сингапур давлатлари билан йўлга қўйган иқтисодий алоқалари, гарчи ўзаро асосий савдо шериклари даражасигача кўтарилиш имконини бермаган бўлсада, лекин барча томонлар учун муайян даражада аҳамият касб этган. Мақолада Ўзбекистоннинг кўрсатилган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалари тарихи илмий таҳлил этилган. Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик суръатларига таъсир этган факторлар асослаб ўтилган.

Калит сўзлар: Осиё – Тинч океани минтақаси, иқтисодиёт, экспорт-импорт, инқироз, савдо, товар айирбошлаш.

Аннотация. Экономических связей Узбекистана со странами АТР – с Индонезией, Малайзией и Сингапуром с первых лет независимости была значима для всех государств, хотя и не позволила подняться до уровня главных торговых партнёров. В статье проводится научный анализ истории торгово-экономических отношений Узбекистана с этими странами. Обоснованы факторы, повлиявшие на темпы взаимного торгово-экономического сотрудничества.

Ключевые слова: Азиатско – Тихоокеанский регион, экономика, экспорт-импорт, кризис, торговля, товарооборот.

Abstract. The history of economic relations of Uzbekistan with the countries of the Asia-Pacific region with Indonesia, Malaysia and Singapore from the first years of independence was significant for all states, although it did not allow it to rise to the level of the main trading partners. The article provides a scientific analysis of the history of trade and economic relations between Uzbekistan and these countries. The factors that influenced the pace of mutual trade and economic cooperation are substantiated.

Keywords: Asia-Pacific region, economy, export-import, crisis, trade, turnover.

Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон учун ташқи иқтисодий алоқаларни фаол йўлга қўйиш ҳаётини заруриятлардан бири бўлиб, муайян даражада мамлакатнинг эртанги кунини шу масаланинг ижобий якуни билан узвий боғлиқ эди. Жумладан, мамлакат аҳолисининг бирламчи эҳтиёжларини қондириш, иқтисодиётни қайта тиклаш, жаҳон тажрибасидан ўтган янги бозор муносабатларига асосланувчи иқтисодиётни жорий қилиш каби заруриятлар ташқи иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни ривожлантиришни тақозо қилган.

Бу босқичда республика янги муносабатлар шароитида Индонезия, Малайзия ва Сингапур билан ташқи савдо-иқтисодий алоқаларга киришган бўлишига қарамадан, минтақанинг аксарият давлатлари бозори Ўзбекистон учун бегона бўлмаган. XX аср 60 йилларидан Ўзбекистон маҳсулотлари мунтазам равишда Индонезияга юборила бошланган бўлса, биргина 1963 йилда 1 млн метрдан ортиқ ип-газлама юборган [1.18]. 80 йиллар иккинчи ярмида ҳам Индонезия ва бир қатор Осиё давлатлари Ўзбекистоннинг дори-дармонлари, ипак ва пахта маҳсулотлар, кимёвий ўғитлар, биллур, кенг халқ истеъмолчи молларини сотиб олишда давом этган [2.93].

Бироқ совет тоталитар бошқарув тизими шароитида бозор иқтисодиёти муносабатларининг жорий қилинмаганлиги, ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларнинг ўзгармаслиги, инновацион ёндашувларнинг татбиқ қилинмаслиги каби омиллар туфайли бу бозорлар бошқа рақобатчиларга бой бериб қўйилди. Бундай ҳолат айтилиши вақтда мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистоннинг ташқи савдосига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб, ташқи бозорга чекланган турдаги, асосан хом ашё кўринишидаги маҳсулотларни чиқаришга мажбур қилган. Бунинг эвазига четдан катта миқдорда халқ истеъмолчи маҳсулотларини (ҳам озиқ-овқат, ҳам ноозиқ-овқат) импорт қилинган. XX аср 90 йиллари бошларида республика аҳолиси учун зарур бўлган маҳсулотларнинг деярли 60% четдан келтирилганлиги [3.31] ўша пайтларда мамлакатнинг иқтисодий аҳолини кўрсатиб беради. Ташқи савдодаги шундай ҳолат Ўзбекистоннинг қатор давлатлар, шу жумладан Индонезия ва Малайзия билан олиб борилган ўзаро савдо алоқаларида ҳам кузатилган. Малайзиянинг “Пунам Крессент”, “Моника ва Ко Сдн.БХД”, “АБДА” каби фирмалари Ўзбекистондан пахта, пилла, пахта ип-газламалар, гиламлар ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиш эвазига халқ истеъмолчи маҳсулотларини етказиб берган [4.43]. Индонезиянинг “ПТ Прима Комексиндо” компанияси билан уч йиллик шартномага асосан компания ҳар йили қиймати 50 млн АҚШ доллари бўлган кенг халқ истеъмолчи маҳсулотларини келтириш ва аксинча йўналишда ўзбек пахтасини сотиб олиш мажбуриятини олади. Бундай вазият сўзсиз, тақдир этаётган томон учун манфаатли бўлган

тарзда савдо қилишга олиб келган.

Ушбу икки давлат савдо компаниялари билан тузилган шартномаларга мувофик 1992 йилда ўзаро товар айрибошлаш ҳажми Ўзбекистон–Индонезия ўртасида 39061,8 минг, Ўзбекистон–Малайзия ўртасида 162722 АҚШ доллариға тенг бўлган [4.44]. Биргина 1992-1995 йиллар давомида Индонезияға қиймати 84,3 млн АҚШ долларға тенг салкам 73 минг тонна пахта толаси экспорт қилинган [5.166]. Ўзбек пахтаси эвазига халқ истеъмоли маҳсулотлари келтиришининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон–Индонезия умумий савдо ҳажмиға ижобий таъсир кўрсатиб, 1993 йилда ўзаро савдо айланмаси 69,8 млн АҚШ долларини ташкил этди [5.169]. Шунинг ҳисобига Индонезия Республикаси шу йилларда Ўзбекистоннинг энг асосий савдо шерикларидан бириға айланган. Таъкидлаш ўринлики, ўша пайтда эришилган бу натижа ҳамкорликнинг кейинги йилларида кузатилмади.

Бу жараёнда яна бир ҳолатни эътиборға олиш керак. Ўша пайтда ўзаро савдо муносабатларида валюта масаласи ечими ушбу мамлакатларнинг банклари билан алоҳида битимлар тузиш орқали ҳал қилинган. Яъни савдо ҳамкорлари бўлган давлатлар банклари тузилган савдо шартномаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Жумладан, 1992 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Индонезиянинг “Банк Юниверсал” банки ўртасида икки йилға мўлжалланган банклараро келишув Индонезиянинг “ПТ Прима Комексиндо” компанияси билан имзоланган шартноманинг молиявий томонини қўллаб-қувватлаш мақсадида имзоланган эди. 1994 йилда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан “Рабо Дута Индонезия” банки ўртасида юқоридаги мазмунда банклараро келишув тузилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, чет эл фирмалари билан тузилган олди-сотди шартномаси шартларининг улар томонидан тўла бажарилмаслиги, Ўзбекистон томонидан хориж фирмалари олдидаги қарздорликнинг тезда бартараф этилмаганлиги, шартнома муддатининг қисқалиги янги муддатға савдо шартномалари имзоланмаслигиға олиб келиши амалда давлатлар ўртасидаги ўзаро савдо ҳажмининг кескин пасайиб кетишиға сабаб бўлди. Мисол учун, икки йил олдин Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари қаторида бўлган Индонезия билан ўзаро товар айрибошлаш ҳажми 1995 йилға келгандаёқ бир неча марта пасайиб кетди [2.135].

Ўзбекистоннинг Индонезия билан ўзаро савдоси пасайиб бориши жараёнида Малайзия ва Сингапур давлатлари билан йўлга қўйилган савдо алоқаларида аста-секинлик билан ўсиш кузатилганлигини кўрсатиб берди. Айниқса, бу жараён Ўзбекистон–Сингапур савдо муносабатларида яққол намоён бўлди. Чунки Сингапур йил сайин ўзбек пахтасини сотиб олишни кўпайтириб борди, ўзбек пахтасининг харидори саналмаган Малайзия билан савдо алоқалари бўлса асосан унинг экспорти ҳисобига ўсишға эришилган.

XX аср 90 йиллар охиридан кузатилган Ўзбекистоннинг Индонезия, Малайзия ва Сингапур билан ўзаро савдосидаги пасайиш XXI аср бошларигача сақланган. Бунға қуйидаги омиллар ўз таъсирини кўрсатган:

Биринчидан, XX аср охирларида Жануби Шарқий Осиё давлатлари иқтисодиётиға ва хусусан уларнинг ташқи савдо алоқалариға 1997 йил июлда минтақада бошланган молиявий инқироз жиддий салбий таъсирини ўтказган [6.46]. Бу инқироз айни вақтда Ўзбекистоннинг Индонезия ва Малайзия билан ўзаро савдо ҳажми кескин пасайиб кетишининг асосий сабаблардан бири

бўлди. Ҳатто шу даврда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Малайзия Ҳукумати ўртасида савдо Битими” (1997 йил октябрь) Малайзия билан, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Иқтисодий ва техник ҳамкорлик бўйича ўзбек-индонез Ҳукуматлараро комиссияси” ташкил этилиши ҳам Индонезия билан ўзаро савдо алоқаларининг ўсишига кўмак бермади. Инқироз жараёнида Ўзбекистон–Сингапур ташқи савдо айланмаси жиддий пасайиш кузатилмаганлиги аввало, инқироздан иқтисодиёти бакуват бўлган Сингапурнинг кам талафот кўрганлиги, иккинчидан, ўзаро савдода Ўзбекистон доимий ижобий сальдога эгаллиги билан изоҳлаш ўринли.

Иккинчидан, 1997 йилги минтақавий молиявий инқироз ортидан Индонезияда 1998 йил май ойида бошланган сиёсий намойишлар давлатни минтақанинг етакчилари даражасига олиб чиққан президент Сухартонинг 30 йиллик бошқаруви интиҳосига олиб келди. Натижада мамлакатда кузатилган бир неча йиллик давлат бошқарувдаги беқарорликлар Ўзбекистон–Индонезия савдосига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, энг асосийси, сиёсий ва инвестициявий муносабатлар бурмунча вақтга тўхтаб қолишига сабаб бўлди.

Учинчидан, ўз навбатида Ўзбекистонда ҳам 1997–2002 йилларда экспорт ва импорт ҳажмида пасайиш кузатилган. Бунга бир томондан жаҳон бозори конъюнктурасининг ўзгариши ва жаҳон миқёсида асосий экспорт товарлари нархининг пасайиши, иккинчи томондан ҳукуматнинг импорт ўрнини босиш ва миллий валюта бўлган сўмнинг алмашиш курсидаги қадрсизланишининг олдини олиш сиёсати сабаб бўлган [7.121-122].

Шундай қилиб, 1997–1999 йилларни қамраб олган “Осиё молиявий инқироzi” оқибатида тушиб кетган давлатлар ўртасида ўзаро савдо ҳажми аввалги даражага қайтиши учун бир неча йиллар керак бўлди. Жумладан, Индонезия билан фақат 2004 йилдан кейин савдо-иқтисодий ҳамкорлик инқирозгача бўлган даражага қайта бошлади. Ушбу йилда Ўзбекистонда Индонезия маҳсулотлари кўرғазмаси ташкил этилди, 2005 йилда эса-индонезиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистонга ташрифи уюштирилди. Молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида Ўзбекистоннинг Малайзия билан савдосида ҳам 2004 йилгача пасайиш даражаси сақланиб қолди.

Сингапур ва Ўзбекистон ўртасида 2002 йилда эришилган натижани ҳисобга олмаганда 2004 йилгача мавжуд олдинги йиллардаги даражани деярли сақлаб қолди ва 2005 йилдан кейин юқори динамикага чиқди. Икки давлат ўртасидаги товар айрибошлаш ҳажми 2003–2005 йилларда уч карра кўпайиб, 2005 йил ҳолатига кўра 76,1 млн АҚШ долларини ташкил этганлигини таъкидлаш ўринли [8.1-2].

2005 йилдан бошланган Ўзбекистоннинг Индонезия ва айниқса, Малайзия ва Сингапур билан савдо муносабатларидаги олдинги йиллардан сезиларли ўсишига Ўзбекистон томонининг ташаббуслари муҳим туртки бўлганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини берди. Республика Президентининг 2005 йилда Малайзияга (иккинчи), 2007 йилда Сингапурга амалга оширган давлат ташрифлари инвестициявий алоқалар қаторида ўзаро савдо суръатларининг кескин ошишига хизмат қилди.

Жумладан, Ўзбекистон–Малайзия ўртасида 2005 йил октябрда имзоланган “Савдо бўйича ҳамкорлик кўмитасини ташкил этиш тўғрисида ҳукуматлараро ўзаро Англашув Меморандуми” асосида ўзбек-малайзия кўшма савдо кўмитаси фаолиятининг йўлга қўйилиши давлатлар ўртасидаги умумий савдо айланмаси

ўсишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, 2004 йилдаги кўрсаткич 2006 йилда икки, 2010 йилга келганда салкам 6 баробар ошишига хизмат қилди. Сингапурга ташрифда эришилган битим ва у асосда белгиланган маҳсулотлар учун қулай савдо режимининг жорий қилганлиги ўзаро савдо ҳажмига ўсишига ижобий таъсир кўрсатган.

Афсуски, Ўзбекистоннинг Индонезия билан 2004 йилдан қайта бошланган ўзаро савдосидаги ўсиш 2007 йилда кескин пасайиб кетди [9.1]. Изланишлар ва маълумотлар давлатлар ўртасидаги савдонинг бу сафарги пасайишига Индонезия экспорти суръатлари камайиши сабаб бўлганлигини кўрсатади. Чунки, аксинча ҳолатда икки давлат ўртасидаги товар айрибошлашда Ўзбекистоннинг экспорти муттасил ўсиб, 2010 йилда 2006 йилга нисбатан деярли 6 баробар ошган. Индонезия экспортининг пасайиши бўлса Ўзбекистон учун таклиф этаётган маҳсулотларнинг бошқа давлатлардаги таклиф этилаётган турдошлари билан рақобатга бардошсизлиги билан изоҳлаш ўринли. Индонезия томони ушбу ҳолатни ҳукумат даражасида атрофлича ўрганиб чиқиб, 2008 йил майда икки давлат ҳукуматлари ўртасида “Савдо битими” имзоланганлигини ва у асосида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик масалаларида бир-бирига нисбатан қулай савдо режимини тақдим этишга келишиб олди [10.1]. Қолаверса, ўзаро ҳамкорликни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ва Индонезия Республикалари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро кўшма комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Аслида, Ўзбекистон томонидан Индонезия билан алоқаларни ривожлантириш мақсадида 1998 йилда “Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Индонезия ҳукуматлараро комиссияси” тузилган бўлиб, Жануби – Шарқий Осиёдаги молиявий инқироз ва Индонезиядаги сиёсий воқеалар сабаб унинг фаолиятидаги самарадорлик ўзаро муносабатларда сезилмади. Ўзбекистон–Индонезия ўртасидаги иқтисодий алоқаларини янада кенгайтириш, мавжуд имкониятлардан тўлиқроқ ва самарали фойдаланиш йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида 2008 йилда тузилган ҳукуматлараро комиссиянинг дастлабки йиғилиши 2009 йил 11–13 май кунлари Жакартада ўтказилди [10. 2]. Лекин ўзаро савдо ҳажмини ошириш бўйича кўрилган чоратadbирлар самарасини кўрсатишига 2008 йилда бошланган жаҳон иқтисодий инқирози тўсқинлик қилди.

Таҳлил этилаётган 2000 йиллар бошларида Ўзбекистон–Сингапур ўртасида ўзаро савдо муносабатлари секин-аста ўсиб борди. Чунончи, 2006 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айланмаси ўтган 2005 йилга солиштирганда 33% ортиб, 113,5 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, 2008 йилда бошланган жаҳон иқтисодий инқирози ХХ аср охирида кузатилган жараёнлар каби Ўзбекистоннинг Индонезия, Малайзия ва Сингапур билан савдо муносабатлари кўламига салбий таъсир кўрсатди. Бу айниқса, 2009 йилдаги Ўзбекистоннинг Малайзия ва Сингапур билан ўзаро ташқи савдо айланмасида яққол намоён бўлди. Инқироз нафақат давлатлар ўртасида товар айрибошлаш, балки ушбу мамлакатларнинг умумий ташқи савдоси пасайишига олиб келди. Жумладан, 2009 йилда Сингапурнинг импорти -10,6%, экспорти -7,7% пасайиб кетган бўлса [11.6], Индонезияда импорт (товарлар ва хизматларнинг) -13,1% камайди [12.4]. Малайзияда инқироз сабаб бошланган ЯИМнинг қисқариши фақатгина 2012 йилга келганда ижобий ўсишни қайд этди [13.27]. Шунга мувофиқ тарзда, Ўзбекистоннинг Малайзия билан 2009 йилдаги

савдоси 2008 йилга нисбатан -34,5%, Сингапур билан савдоси бўлса -41% га тушиб кетди. Инқироз айна вақтда Индонезия билан мавжуд савдо алоқаларини қайта кўпайтириш йўлидаги ҳаракатлар ва ташаббусларга салбий таъсир кўрсатди.

Ўтган аср охирида кузатилган минтақавий инқироздан фарқли равишда, бу сафарги жаҳон инқироzi оқибатларини ўзаро савдо алоқаларида томонлар тезда бартараф қилиб, 2010 йилга келганда Ўзбекистоннинг Малайзия билан инқирозгача бўлган даврдаги даражадан 1,5 баробар, Сингапур билан 1,13 баробар ошди. Ўзбекистоннинг Индонезия билан ўзаро савдоси 2011 йилга келиб инқирозгача бўлган даражани қайд қилди, шу йили ташқи савдо алоқалари 2006 йилдаги энг катта натижани яхшилашга эришди [9.2-3].

Ўзбекистоннинг Малайзия ва Сингапур давлатлари билан ўзаро савдосида жаҳон иқтисодий инқироzi салбий оқибатларининг нисбатан қисқа фурсатларда бартараф этилишини куйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш ўринли:

Биринчидан, инқироз йилларида, яъни 2009 йил октябрда ўзбек-малайзия савдо кўмитасининг Тошкентда ўтказилган иккинчи йиғилиши самараси нисбатан муҳим бўлди [14.15]. Сабаби, унда давлатлар ўртасидаги савдо алоқаларини чуқурлаштиришга оид масалалар қаторида, инқироз шароитида ўзаро савдо ҳажмини ошириш борасида аниқ таклифлар берилди. Буларнинг натижасида 2010 йилда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги ҳамкорликнинг шу давригача бўлган ўзаро савдо муносабатлари тарихида биринчи марта Ўзбекистон ижобий сальдони қайд этди. Афсуски, ўзбек-малайзия қўшма савдо кўмитасининг иккинчи йиғилиши унинг охириги йиғилиши бўлиб қолди.

Иккинчидан, ўзаро савдода Ўзбекистон доимий равишда ижобий сальдога эгаллиги Ўзбекистон–Сингапур савдо муносабатларида жаҳон инқироzi оқибатларидан нисбатан тез фурсатларда чиқиш имконини берди. Чунки жаҳон иқтисодиёти билан муносабатларда эҳтиёткор тадбирларнинг қўлланилиши ва давлат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолмаганлиги туфайли Ўзбекистон жаҳон иқтисодий инқирозидан камроқ талафот кўрганлиги республиканинг Сингапур билан савдосига жиддий салбий таъсирини ўтказмади.

Ўзбекистоннинг Индонезия, Малайзия ва Сингапур билан савдо муносабатларидаги тафовутли даражаларнинг кузатиб келинганлигининг энг асосий сабабларидан бирини уларнинг ташқи савдо таркиби билан боғлаш ўринли ҳисобланади. Бир минтақада жойлашган ва бир-бири билан қўшни бўлган учала давлатнинг экспорт маҳсулотлари номенклатурасида кўплаб ўхшаш маҳсулотларни учратиш мумкин, лекин импорт маҳсулотлари номенклатураси бир-биридан анча фарқ қилиши ушбу давлатларнинг Ўзбекистон билан ўзаро савдоси кўламига таъсир қилган. Жумладан, Ўзбекистон ташқи савдосидаги асосий маҳсулот бўлган пахта толаси Сингапур билан ўзаро савдонинг катта қисмини ташкил этади ва шаҳар-давлат ўзбек пахтасининг минтақадаги асосий харидоридан бири даражасига кўтарилган. Масалан, биргина 2010 йилда Сингапурга экспортининг 97% дан ортигини пахта толаси ташкил қилган [15.1].

Совет давридан Ўзбекистон пахтасининг асосий харидорларидан бири бўлган Индонезия то 2000 йилгача шундай мақомда қолди. Лекин кейинчалик пахта толаси сотиб олиш даражаси кескин тушиб кетди, 2004 йилни ҳисобга олмаганда, 2001 йилдан бошлаб 2010 йилгача пахта экспорти амалга ошмади. Фақат 2002 йилда тўқимачилик ватаси ва ундан тайёрланган маҳсулотлар Ўзбекистоннинг Индонезияга экспортида 44,4% билан етакчилик

қилди. Малайзия билан савдо-сотиқда пахта толасининг улуши 2006 йилда Ўзбекистон экспортининг 54% ташкил этган, қолган йилларда Ўзбекистон экспортида пахта толаси бўлмаган [16.1].

Пахта толасининг ўзаро савдода камайиб кетиши ортиқдан Ўзбекистоннинг Индонезияга экспортида бошқа турдаги маҳсулот ва хизматлар улушининг ошиши кузатилади Жумладан, 2003–2006 йилларда кўчмас мулк хизматлари, 2007 йилдан суғурта хизмати соҳаси экспортда етакчилик қилган [17].

Шундай қилиб, давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тарихи шуни кўрсатиб берадики, бу алоқалар муайян шарт-шароитлар (давлатлар ички сиёсатидаги ўзгаришлар, минтақавий ва жаҳон инқирозлари каби) таъсирида ўзгарувчанлик касб этган. Гарчи ўртадаги савдо кўлами Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо шериклари ҳисобланувчи давлатлар даражасига кўтарилмаган бўлсада, лекин муайян даражада иштирокчи давлатларнинг иқтисодий ривожидан ўз таъсирини кўрсатган. Умуман олганда, XXI аср бошларидан Ўзбекистоннинг Индонезия, Малайзия, Сингапур билан савдо-иқтисодий муносабатларида фаоллашув айна вақтда АСЕАН давлатлари билан ҳам кузатила бошланган. Жумладан, 2010 йил якунларига кўра республиканинг АСЕАН таркибидаги 8 давлат билан маҳсулот айрибошлаш ҳажми давлат умумий ташқи савдосининг 20% ташкил қилганлиги ҳам мазкур фаоллик натижасини намоён этади [18.5].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шукурова Ҳ. Совет Ўзбекистонининг халқаро алоқалари. – Тошкент, 1964.
2. Кучаров Ч.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Осиё давлатлари билан иқтисодий алоқалари (1985–1995 йиллар). Тарих фан. ном. учун Дисс. – Тошкент, 1997.
3. Гуломов Х.Г., Холлиев А.Г. Международные связи Республики Узбекистан с Великобританией и США (1991–2001 гг.). – Ташкент: Университет, 2002.
4. ЎзР МДА – Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ҳозирги Ўзбекистон Миллий Архиви) М-37 фонд, 1-рўйхат, 450-йиғма жилд.
5. ЎзР МДА М-37-фонд, 1-рўйхат, 1789-йиғма жилд.
6. Колосюк Н.А. Причины азиатского финансового кризиса // Известия Восточного института. 2003. Федеральное государственное автономное образовательное учреждение высшего образования «дальневосточный федеральный университет». ([Http://docplayer.ru/47184850-prichiny-aziatskogo-finansovogo-krizisa.html](http://docplayer.ru/47184850-prichiny-aziatskogo-finansovogo-krizisa.html)).
7. Расулов Н.Н., Отамуратов С.С. Развитие внешнеэкономических связей Республики Узбекистан // Экономическая вестник Ростовского государственного университета. Том 3. № 2. 2005.
8. Деловой партнер. – 2007. №4.
9. ЎзР ДСҚ ЖА – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси жорий архиви // 2000–2011 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Индонезия давлати ўртасидаги ташқи савдо айланмаси ҳақида маълумот.
10. Текущий архив Министерства внешне-экономический связей, инвестиции и торговли // Информация о торгово-экономическом сотрудничестве между Республикой Узбекистан и Республикой Индонезия. 07.01.2011.
11. Сингапур: социально экономические основы процветания // Бюллетень

о текущих тенденциях мировой экономики. Аналитический центр при Правительстве Российской Федерации. 2018. Выпуск № 36.

12. Индонезия – важный экспортер энергоресурсов // Бюллетень о текущих тенденциях мировой экономики. Аналитический центр при Правительстве Российской Федерации. 2017. Выпуск № 24.

13. Мелибаева Г.А., Магаметова Т.Т. Социально-экономическое развитие Малайзии на современном этапе // Иқтисод ва молия / Экономика и финансы. 2014. № 5.

14. OIC Today. // Business and Investment Magazine. – Kuala Lumpur. 2012.

15. ЎзР ДСҚ ЖА. // Ўзбекистон Республикасининг Сингапур давлати билан ташқи савдо таркиби ҳақида маълумот.

16. ЎзР ДСҚ ЖА. // Ўзбекистон Республикасининг Малайзия давлати билан ташқи савдо таркиби ҳақида маълумот.

17. ТА ГСК РУз // Экспорт отдельных видов товаров Республики Узбекистан с Индонезией за 2000–2005 гг.

18. Деловой партнер. – 2011. № 52.

ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ МУЗЕЙЛАРИНИНГ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРИ

Хосиятов Хуршид Отакулович

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, в.б. доцент.
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация. Мақолада Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида музей ишини йўлга қўйишда халқаро нуфузли ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Зараутсой, “Ислоҳ маданияти”, “фаришта аёл”, “Шарқ музейи”, “Дашт и Арт”, “Халқаро марказ”, Банорас университети, “Нумизматика”, “Археологический Клондайк”, “Маданий мерос”, Лувр музейи, Тиллабулоқ, Арабулоқ.

Аннотация. В статье освещается налаживание сотрудничества с международными организациями и зарубежными странами в создании музеев в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях.

Ключевые слова: Зараутсой, «Исламская культура», «Женщина-ангел», «Музей Востока», «Степь и искусство», «Международный центр», Университет Банорас, «Нумизматика», «Археологический Клондайк», «Культурное наследие», Лувр Музей, Тиллабулоқ, Арабулоқ.

Abstract. The article highlights the establishment of cooperation with international organizations and foreign countries in the foundation of museums in Kashkadarya and Surkhandarya regions.

Keywords: Zarautsoy, “Islamic culture”, “Angel woman”, “Museum of the East”, “Steppe and Art”, “International Center”, Banoras University, “Numismatics”, “Archaeological Klondike”, “Cultural Heritage”, Louvre Museum, Tillabuloq, Arabuloq.

Ўзбекистонда музейлар ишини ривожлантиришда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейларида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, халқаро ташкилотларни музейларга жалб этиш, хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда илмий экспедицияларда, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш, илмий анжуманлар уюштириш ишлари, шулар жумласидандир.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти музейлари илмий ходимлари доимий равишда халқаро анжуманларда иштирок этиб, ўзларининг тадқиқотлари натижаларини илмий маъруза шаклида эълон қилиб борди. Бу эса жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон маданий мероси ҳақида кенг тушунча ҳосил қилишга хизмат қилди. Масалан, Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи, Термиз давлат университети ва Халқаро халқ педагоглари ассосацияси ҳамкорликда 1995 йилнинг апрель ойида Зараутсойда “Жаҳон халқлари педагогикаси тараққиётида Зараутсой мактабининг аҳамияти” мавзусидаги Халқаро симпозиумни ташкил этди. Халқаро симпозиумда Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходимлари фаол иштирок этди [1]. Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг археология бўлими экспонатларидан Кушон даврига оид “фаришта аёл” номи билан машҳур бўлган аёл кишининг бош қисми Зараутсой халқаро симпозиумида намоиш этилди [2].

Ўзбекистонда турли давлатларнинг маданият кунларини ўтказиш анъанага айланган бўлиб, бу тадбирлар доирасида ҳам музейларнинг вакиллари иштирок этиб, ноёб экспонатларни намоиш қилди. Масалан, 1997 йил Ўзбекистонда ўтказилган Украина маданияти кунлари муносабати билан Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи халқ амалий санъати бўлимига украиналик меҳмонлар ташрифи давомида “Қашқадарё амалий санъати” мавзусида давра суҳбати уюштирилди [3].

2000 йили Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида “Қарши шаҳрининг тарихи ва этнографияси, зардуштийлик даҳмалари” мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. Халқаро анжуманда Исроил, Германия, Туркия, АҚШ, Франция, Афғонистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина ва бошқа давлатлардан келган олимлар иштирок этди. Анжуманда Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи ходимлари томонидан “Қашқадарё халқ амалий санъати ва этнографияси” деб номланган кўчма кўрғазма намоиш қилинди [4]. Бу тадбирлар ўз ўрнида жаҳонга ўзбек халқ амалий санъати намуналари ва урф-одатлари, расм-русумлари тарғиботида катта аҳамиятга эга бўлди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейлари Республиканинг бошқа шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий анжуманларда ҳам фаол иштирок этди. Масалан, 2000 йил ноябрда Самарқандда “Ўзбекистон музейлари бозор иқтисодиёти шароитида” мавзусида ўтказилган халқаро семинарда Қашқадарё ва Сурхондарё ўлкашунослик музейи вакиллари иштирок этди. Бу анжуманда Буюк Британия ва Россиядан келган музейшунос мутахассислар ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашди [5].

Музей ишини яхшилашда хорижий давлатларнинг мутахассислари билан илмий учрашувлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, Термиз Археология музейида 2002 йил 22 апрелда Япония археология экспедиция вакили К. Като, шу йилнинг 6 май куни россиялик археолог олим В.С.Соловьёв, Россиянинг “Шарқ музейи” катта илмий ходими археолог олим Т.Мкртчев билан илмий учрашувлар

ўтказилди [6]. Хорижлик мутахассислар учрашувда музей иши бўйича муҳим маълумотларни баён қилди.

2007 йил 7–11 майда республика музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш музей ходимларининг касбий маҳоратини ва малакасини ошириш, уларни замонавий билимлар ва янги иш шакллари билан таништириш мақсадида “Дашт и Арт” замонавий маданият марказининг “Музей экспозицияси замонавий тажриба ва имкониятлар” мавзусидаги илмий семинари Шаҳрисабз шаҳар моддий-маданият тарихи музейида ўтказилди [7]. Россиялик санъатшунос Готкина Светлана Александровна ушбу семинарда иштирок этиб, ўзининг музей иши бўйича тажрибалари билан иштирокчиларни таништирди [8].

Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти музейлари илмий ходимлари хорижий мамлакатларда музейшунослик бўйича ташкил этилган илмий анжуманларда ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Термиз Археология музейи катта илмий ходими Т.Аннаев 2008 йилнинг 28 сентябридан 10 октябригача Ҳиндистонда илмий сафарда бўлиб, Дехлидаги “Халқаро марказ” ва Банорас университетидида Кушонлар археологиясига бағишланган илмий семинарда иштирок этди. Шу музейнинг “Тош даври” бўлими катта илмий ходими Ш.Б.Шайдуллаев эса 2009 йили Ашхобод шаҳрида ўтказилган Халқаро конференцияда “Дехистан на парогераннеклассового общества” номли маърузаси билан қатнашди. Шу йилнинг 18 май – Халқаро музейлар кунидида Термиз Археология музейида франциялик профессор Жерар Фуссман “Кушон давлати тарихи ҳақида янги изланишлар” мавзуида маъруза қилди. Шунингдек, франциялик профессор Ж.Фуссманнинг амалий ёрдами билан нумизматика фондида сақланаётган турли даврларга мансуб тангаларнинг қайси даврга мансублилик даражаси ва ёзувларини аниқлаштириш ишларига ёрдам берди [9]. Бу каби тадбирлар музей ишини йўлга қўйишда хорижий давлатлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

2012 йил Ўзбекистон музейларининг илмий ходимлари кўплаб халқаро анжуманларда иштирок этган йил бўлди. Масалан, Термиз Археология музейи “Нумизматика” бўлимининг катта илмий ходими Ж.Мирзаев 2012 йил 1–5 октябрь кунлари Озарбайжон Республикасида бўлиб ўтган Евроосиё археологияси халқаро конференциясида “Евроосиё ҳудудида археологик тадқиқотларнинг истиқболлари ва археотуризм” мавзусидаги, шу йилнинг 22–23 мартада Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Германия давлатларининг ўзаро келишувига мувофиқ “Таълим ва фан – Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўприк” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда иштирок этди [10].

Хорижий мамлакатларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар якунида тақдимотлар қилиб борилди. Жумладан, 2011 йил 8 июнда Термиз Археология музейида Эски Термиз ҳудудида ўзбек археологлари билан биргаликда археологик қазув ишлари ўтказган Жанубий Кореялик қадимшунос олимлар томонидан шарқ мамлакатларидаги (Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой, Ўзбекистон ва Жанубий Корея) буддавийлик маданиятига мансуб ёдгорликларнинг тақдими ўтказилди [11]. Ушбу тақдимотга Ўзбекистон жанубидан топилган кўплаб буддавийлик маданияти намуналари киритилди.

Ўзбекистонда музейлар фаолиятини турли кўринишларда жаҳон миқёсида тарғиб этишга аҳамият қаратилди. Масалан, 2012 йилда Ўзбекистон Ҳаво йўллари авиакомпанияси йўловчилари учун нашр қилинадиган махсус журналда рус ва инглиз тилларида Термиз Археология музейи ҳақида “Археологический

Клондайк” номлимақола чоп этилди. Мақолада музей залларидаги 12 та экспонатларнинг суратлари ҳам чоп этилган. Ушбу журнал 25 минг нусхада чоп этилган бўлиб, 100 дан ортиқ мамлакатларга Ўзбекистон Ҳаво йўллари авиакомпанияси рейслари орқали тарқатилди [12]. Мақоланинг чоп этилиши кўплаб хорижий сайёҳларнинг воҳага жалб этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

UNESCO инсониятнинг маданий меросини асраб қолишга катта аҳамият бериб, бунда музейларнинг етакчи роль ўйнашини, давлатлараро ва маданиятлараро алоқаларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун катта имкониятлари борлигига эътиборни қаратади [13.348–349]. Ўзбекистон ҳозирги замон шароитида музейлар ишини ривожлантиришда UNESCO халқаро ташкилотининг кўмагига таяниб иш тутмоқда. Бу ташкилот Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейлари ишининг йўлга қўйилишида яқиндан ёрдам бериб келди. 1999 йил UNESCO ташкилотининг Андреано Бруно бошчилигидаги вакиллари Шаҳрисабзга ташриф буюриб, ўзбек халқининг моддий ва маънавий меросини асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун сақлаётганлиги халқаро ҳамжамият вакилларида катта таасурот қолдирди. UNESCO вакилларига Шаҳрисабз шаҳар тарихига доир ҳужжатлар ва манбаларни Амир Темур номидаги моддий-маданият тарихи музейи ходимлари тақдим қилди [14].

2000 йил декабрда Шаҳрисабз шаҳрининг UNESCO ташкилотининг “Маданий мерос” рўйхатига киритилиши, Шаҳрисабзнинг 2002 йил ноябрида 2700 йиллик юбилейини ўтказилиши музейлар фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди [15]. Мазкур музей ходимлари UNESCO нинг тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқдалар [16].

2018 йил 14 сентябр Термиз Археология музейида Франциянинг Эколь Нормаль Супермер университетининг Шарқ ва Ғарб археология ва филология лабораторияси археологид Сеголен де Понтбрианд ва Термиз Археология музейи илмий ходимлари билан ўзаро тажриба алмашишди. Шу йилнинг 25 сентябрида Термиз Археология музейига Париждаги Лувр музейининг “Ислом маданияти” бўлими бошлиғи Яник Линдтс, музей ходими Рокко Ранте келди. Лувр музейи ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ўртасида ўзаро илмий ҳамкорлик қилиш ва халқаро кўргазмалар ташкил этиш бўйича шартнома имзоланди. Лувр музейи илмий ходимларининг Термиз Археология музейига ташрифидан асосий мақсад 2020-2021 йилларда Лувр музейида Ўзбекистон тарихи ва Ислом даври археологиясига оид халқаро кўргазма ташкил этиш режалаштирилди. Ушбу кўргазмага Ўзбекистон музейларида экспозицияга қўйилган ва заҳира фондларида сақланаётган экспонатларни илмий тадқиқ этган ҳолда Лувр музейида ташкил этиладиган халқаро кўргазмага экспонатларни саралаш ишлари режалаштирилди. Режага мувофиқ Лувр музейи илмий ходимлари томонидан Термиз Археология музейидаги ноёб экспонатлар илмий тадқиқ этилди [17].

Германия давлатининг музей иши бўйича мутахассислари жанубий вилоятларнинг музейлари фаолиятини йўлга қўйишда яқиндан ёрдам берди. 2007 йилда Ўзбекистон-Германия археологик отряди Бандихон ёдгорликларидан кўплаб ноёб экспонатлар топиб, уларнинг барчаси, яъни 65 дана экспонат Термиз Археология музейига топширилди [18]. 2009 йил апрель-май ойларида Шеробод тумани Пошхурт қишлоғида Ўзбекистон-Германия кўшма экспедицияси археологик тадқиқотларни давом эттирди. Германиянинг Маннхейм шаҳрида чоп

этилган каталогда Термиз Археология музейида сақланаётган Кушон шахзодаси хайкали бош нусхаси чоп этилди. Шу йилнинг баҳорги мавсумида ўзбек-герман кўшма археология экспедициясининг Шеробод тумани Тиллабулоқ ва Арабулоқ ёдгорликларида ўтказилган археологик тадқиқотларида Термиз Археология музейи катта илмий ходими Ш.Б.Шайдуллаев илмий раҳбар сифатида, А.Бобоходжаев эса илмий ходим сифатида қатнашди. Тадқиқотлар мобайнида топилган 2225 дона диагностик экспонатлар Термиз Археология музейи заҳира фондига топширилди [19].

Ўзбекистондаги Германия элчихонасининг 1-котиби Новак, Маннхейм шаҳри музейи ходимлари Михаил Теленбах, Никола Кроземан ва Гунвор Линдструм иштирокидаги гуруҳ аъзолари билан Термиз Археология музейи маъмурияти “Буюк Александр ва Осиё маданияти” мавзусида амалий учрашувлар ва мулоқотлар олиб борди. Учрашув чоғида музейда халқаро кўргазмага танлаб олинган 67 та экспонат 2009 йил 2 ноябрдан 2010 йил 10 февралгача Германия Федератив Республикасининг Маннхейм шаҳри Реисс-Энгельхорн музейларида “Буюк Александр ва Осиё маданияти” халқаро кўргазмасида қатнашди [20].

Германия музейлари ходимлари қадимий Қарши шаҳар тарихига ҳам катта қизиқиш билан қаради. 2010 йилнинг 25 мартида Қарши шаҳрига Германия Республикасидан Инге Кноп хоним ташриф буюриб, шаҳардаги кўплаб тарихий обидалар ҳамда қадимий Ерқўрғон шаҳри бўйлаб саёҳат қилди ва Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи билан ҳамкорлик бўйича фикр-мулоҳазаларини баён қилди [21].

Хуллас, Ўзбекистон жанубий вилоятларида музей ишини йўлга қўйишда халқаро нуфузли ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши соҳа ривожидида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хорижий мамлакатларнинг мутахассислари Қашқадарё ва Сурхондарё музейлари илмий ходимлари билан ноёб экспонатларни излаб топиш, экспозицияга қўйилган ва заҳира фондларида сақланаётган экспонатларни илмий тадқиқ этиш, консервация ва музейификация қилиш, виртуал музей яратиш муаамолари ечимини топиш, объектга оид тарихий маълумотлар ва иншоотни техник жиҳатдан ўрганиш каби масалаларда ҳамкорлик қилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 21-варақ.
2. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 26-варақ.
3. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 541-иш, 5-варақ.
4. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 965-иш, 6-варақ.
5. Ўзбекистон музейлари // *Moziydan sado*, 2001. № 3 (11) Б. 8-11.
6. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1206-иш, 7-варақ.
7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 718-иш, 30-31-варақлар.
8. Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 718-иш, 43-варақ.
9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 6-варақ.
10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд,

1-рўйхат, 1738-иш, 4-варақ.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1577-иш, 11-варақ.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Термиз Археология музейининг 2018 йилдаги иш фаолияти тўғрисида ёзма ҳисоботи папкаси, 77-варақ.

13. Ходжаев Б. ЮНЕСКОнинг жаҳон тарихий-маданий меросини асраш соҳасида олиб бораётган фаолияти // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар мавзусидаги илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2013. – Б. 348–349.

14. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 849-иш, 17-варақ.

15. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1213-иш, 17-варақ.

16. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1098-иш, 9-варақ.

17. Сурхондарё вилояти Термиз археология музейи жорий архиви. Музейининг 2018 йилдаги иш фаолияти тўғрисидаги ёзма ҳисоботи папкаси, 14-варақ.

18. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 713-иш, 32-варақ.

19. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 52-64-варақлар.

20. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 8-9-варақлар.

21. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1457-иш, 2-варақ.

1950–1980 ЙИЛЛАРДАГИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК АРТЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

Эргашева Сайёра Абдусоатовна

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада Сурхондарё ҳунармандчилик артелларининг тарихи ва унинг хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Ўзбекистонда ҳунармандчиликни анъанавий миллий ўзанда ривожлантириш учун ижтимоий – маънавий асос ва минг йилликлар давомида шаклланган халқ ҳунармандчилиги тажрибаси мавжуд. XX аср бошларида ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бир қатор техника ва механизмлар қўлланила бошлади. Бу эса бадий буюмлар ишлаб чиқариш сифатига анча салбий таъсирини кўрсатди. 1950–1980 йилларга келиб кулолчилик, дўппидўзлик, сўзана, турли хил каштадўзлик маҳсулот турларининг ҳамда воҳа хусусиятига хос бўлган жиҳатларини йўқолиб кетиши олиб келди. Лекин шунга қарамай воҳа ҳунармандлари устоз-шогирд анъаналарига содиқ қолган ҳолда ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Термиз, Бойсун, Шеробод, Денов, Сариосиё, Музрабод, Шўрчи туманларида ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган ҳунармандлар ўзлари тайёрлаган маҳсулотлари

билан кўшни давлатларда ҳам ўз мижозларига эга бўлдилар.

Шу ўринда бундан бир неча йил аввал Бойсун тумани марказида ЮНЕСКО гранти асосида “Уста Иззатилло Эшонқулов кулолчилик маркази”, 2006 йилда фаолиятини бошлаган “Бойсун” миллий ҳунармандчилик марказ, шунингдек 2021–2022 йиллар давомида Термиз шаҳрида Саҳоват маҳалласида эса “Усто кулол Жўраев Фазлиддин” номли кулолчилик маркази, Бойсун тумани “Газа” маҳалласида устоз-шогирд анъаналари давом эттиришни ўзига мақсад қилиб олган 3-сулола вакили “Феруза” ҳунар маркази ташкил этилганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Уста Иззатилло авлодлардан авлодларга ўтиб яшаб келаётган Бойсун кулолчилик мактабининг кекса вакилларида бири ҳисобланади. У бу ҳунарни бир умр ардоқлаш билан бирга, шогирдларига ҳам, фарзандларига ҳам сидқидилдан ўргатиб келган. Термизлик уста Хайрулло Жўраев ва унинг авлоди эса асрлар оша ана шу ҳунармандчилик билан шуғулланиб, ризқ-насиба топган. Бу сулола вакиллари бир умр оддий лойдан ажиб санъат намуналарини, уй-рўзгор буюмларини ясаганлар.

1950–1960 йилларда ўз меҳнат фаолиятини ҳунармандчилик артелларида бошлаб ва ҳозирги кунга келиб ўз авлодларига сидқидилдан ўргатаётган ҳунармандлардан бири Марал момо Гаффорова ўзи 3-авлод вакили бўлиб, момоси 1887 йилда туғилган Абдувалиева Ободон 1-авлод, онаси 1927 йилда туғилган Ёздурдиева Аннабека эса 2-авлод вакили ҳисобланган. Ҳозирги кунда Марал момонинг гилам тўқиш сирларини невараси Ўдамуронова Ойжамол пухта ўрганган ҳолда Термиз тумани “Орол” маҳалласида гилам тўқиш корхонасини ташкил этиши ва туман хотин-қизларидан 45 нафарини иш билан таъминлаганлиги алоҳида қайд этиш лозим.

Калит сўзлар: Географик дитерминизм, БМТ, ЮНЕСКО, Туркия, Англия, табиий шароит, Термиз, Бойсун, Денов, Шеробод, Шўрчи, ҳунармандчилик, гиламдўзлик, кулолчилик, темирчилик, шойи тўқиш, артель, касаначилик.

Аннотация. В данной статье рассматривается история сурхандарьинских ремесленных кооперативов и их особенности. Узбекистан имеет социально-духовную основу для развития ремесел в традиционных национальных традициях и опыте народных промыслов, формировавшихся тысячелетиями. В начале XX века в производстве изделий кустарного промысла стали использовать ряд приемов и механизмов. Это оказало значительное негативное влияние на качество художественной продукции. К 1950-м и 1980-м годам гончарные изделия, вышивка, сюзана, различные виды вышивки, а также характеристики оазиса исчезли. Тем не менее ремесленники оазиса продолжали свою деятельность, оставаясь верными традициям учитель-ученик. Мастера, работающие в настоящее время в Термезском, Байсунском, Шерабадском, Денауском, Сарийском, Музрабадском, Шурчинском районах, завоевали своей продукцией покупателей в соседних странах.

В связи с этим, несколько лет назад в центре Байсунского района на основе гранта ЮНЕСКО «Центр керамики мастера Иззатилло Ешанкулова» создан центр народных ремесел «Бойсун», который начал свою работу в 2006 году, а в 2021–2022 годах в Термезе Саҳоват маҳалля «Мастер-гончар Джураев Фазлиддин» Следует отметить, что в маҳалле «Газа» Байсунского района был создан центр гончарного дела, профтехцентр 3-й династии «Феруза», целью которого является продолжение традиций учителей и учеников. Мастер Иззатилло – один из

старейших представителей байсунской школы керамики, которая передавалась из поколения в поколение. Он всю жизнь лелеял эту профессию и обучал ей своих учеников и детей. Термезский мастер Хайрулло Джураев и его потомки веками зарабатывали на жизнь этим ремеслом. Представители этой династии на всю жизнь мастерили из обычной глины замечательные произведения искусства, предметы быта.

Марал момо Гафорова, начавшая свою трудовую деятельность в 1950–60-х годах в кустарных кооперативах и сейчас обучающая своих потомков, является представителем 3-го поколения, считающегося представителем. Следует отметить, что внучка бабушки Марала Ойдамолова Мурадамова изучила секреты ковроткачества и организовала в махалле Арал Термезского района ковроткацкое предприятие, на котором работают 45 женщин. .

Ключевые слова: географический детерминизм, ООН, ЮНЕСКО, Турция, Англия, природные условия, Термез, Байсун, Денау, Шерабад, Шурчи, ремесла, ковроткачество, гончарное дело, кузнечное дело, шелкоткачество, артель, надомный труд.

Abstract. This article discusses the history of Surkhandarya handicraft cooperatives and their features. Uzbekistan has a socio-spiritual basis for the development of handicrafts in the traditional national tradition and the experience of folk crafts formed over thousands of years. In the early twentieth century, a number of techniques and mechanisms began to be used in the production of handicrafts. This has had a significant negative impact on the quality of art production. By the 1950s and 1980s, pottery, embroidery, suzana, various types of embroidery, as well as the characteristics of the oasis, had disappeared. Nevertheless, the artisans of the oasis continued their activities, remaining faithful to the traditions of teacher-student. Craftsmen currently working in Termez, Boysun, Sherabad, Denau, Sariosiya, Muzrabad, Shurchi districts have gained their customers in neighboring countries with their products.

In this regard, a few years ago in the center of Boysun district on the basis of a UNESCO grant “Master Izzatillo Eshankulov ceramics center”, “Boysun” national handicraft center, which began operating in 2006, and in 2021-2022 in Termez Sahovat mahalla “Master potter Juraev Fazliddin” It should be noted that the center of ceramics, “Feruza” vocational center of the 3rd dynasty, which aims to continue the traditions of teachers and students, was established in the “Gaza” mahalla of Boysun district. Master Izzatillo is one of the oldest representatives of the Boysun School of Ceramics, which has been passed down from generation to generation. He cherished the profession for a lifetime and taught it to his students and children. Khairullo Juraev, a master from Termez, and his descendants have been making a living from this craft for centuries. Representatives of this dynasty for a lifetime made wonderful works of art, household items from ordinary clay.

Maral momo Gafforova, who started her career in 1950–1960 in handicraft cooperatives and is still teaching her descendants, is a member of the 3rd generation. considered representative. It should be noted that Maral’s grandmother’s granddaughter Oydamolova Muradamova has studied the secrets of carpet weaving and established a carpet weaving enterprise in the Aral mahalla of Termez district, employing 45 women.

Keywords: Geographical determinism, UN, UNESCO, Turkey, England, natural conditions, Termez, Boysun, Denau, Sherabad, Shurchi, handicrafts, carpet weaving, pottery, blacksmithing, silk weaving, artel, home-based work.

Халқ хунармандчилиги ҳамма жойда бир текисда ривожланмай, дастлаб фаолият олиб бориш учун зарур бўлган табиий ресурсларнинг мавжудлигига қараб ҳам тараққий этган. Масалан, сифатли тупроқ бор жойда кулолчилик, жун ва тери кўп жойда тўқимачилик ва кўнчилик, дарё бўйларида кемасозлик ривожланган. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида жойлашган Сурхон воҳаси хунармандчилиги (қайиқсозлик, кулолчилик, темирчилик, бинокорлик) соҳалари табиий географик муҳит ва жамиятдаги ўзгаришлар таъсирида ривожланиб борган [1.].

Географик детерминизм назариясига кўра, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузилишини белгилайдиган омил географик муҳитдир [2.400]. Дарҳақиқат, табиий шароит ижтимоий тараққиётнинг боришини тезлаштириши, унга туртки бериши ва ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин у жамиятнинг қиёфаси, ижтимоий тизим хусусиятини бир тузумдан иккинчи тузумга ўтишини белгилаб берувчи куч бўла олмайди. Чунки жамиятнинг ўзгариши ва ривожланиши табиий шароитнинг ўзгаришига қараганда тезроқ содир бўлади [3.171]. Шунга қарамай, табиий географик муҳит хунармандчиликнинг ривожланишида дастлабки асосий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Воҳа хунармандчилигини шартли равишда уч тоифага бўлиш мумкин: биринчиси, сотиш учун хунармандчилик ишлаб чиқариш; иккинчиси, буюртма бериш учун маҳсулот ишлаб чиқариш; учинчиси, маиший хунармандчилик, яъни уй хўжалиги учун. Хунармандчилик турлари кўпроқ тоғ олди ва Сурхон ва Шерободнинг юқори ва ўрта оқимларида яхши ривожланган XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб Ҳисор, Шеробод, Денов, Термиз ва Бойсун вилоятлари воҳа хунармандчилигининг муҳим марказларига айланди. Бу даврда ҳар бир шаҳар ўз маҳсулотлари билан ажралиб турарди. Масалан: Ҳисор, Денов, Миршоди, Қоратоғ ва яқин атрофдаги қишлоқлар ипак материаллари билан машҳур бўлган. Сариосиё, Бойсун ва Денов шаҳарларида темирчи ва темир қуйиш шохобчалари кўп бўлган, Термиз ва Шеробод гиламдўзлиги билан машҳур бўлган. Шеробод, Денов, Бойсун ва Термиз шаҳарлари Қашқадарё воҳасининг Қарши, Шахрисабз, Китоб, Косон шаҳарлари каби кулолчилик марказлари ҳисобланган. Воҳанинг тоғли қишлоқлари аҳолиси доимий равишда жун, ёғоч, бўёқчилик ва тегирмон маҳсулотлари ишлаб чиқарганлар. Вилоятда жойлашган шаҳарлар нафақат маъмурий ва маданий марказлар ҳисобланган, балки хунармандчилик мактаблари пайдо бўлган жой ҳам бўлган. Ҳар бир хунармандчилик мактаби ўз маҳсулотлари учун ноёб шакллар ва безаклар билан ажралиб турарди. Албатта, XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, Россиядан келтирилган фабрика маҳсулотларининг пайдо бўлиши анъанавий хунармандчиликка бирмунча салбий таъсир кўрсатди, бироқ уларни халқ ҳаётидан бутунлай узиб қўя олмади. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан, импорт маҳсулотлари нархи юқори эди ва ҳар бир киши уларни сотиб олмади. Иккинчидан, ташқаридан олиб кириладиган маҳсулотлар ҳажми оз бўлиб, бутун аҳоли эҳтиёжини қондира олмас эди. Шу сабабли маҳаллий хунармандларнинг маҳсулотларига талаб ҳали катта эди. Собиқ Совет тузумининг дастлабки йилларида маҳаллий хунармандчилик тармоқлари ҳали халқ хўжалигида муҳим рол ўйнаган. 1928 йил бошларига келиб Сурхондарё вилоятида 1728 хунарманд устахоналар фаолият кўрсатган [5]. Бу даврга келиб вилоятдаги саноат корхоналари 2072 минг сўм, майда хунармандларнинг устахоналари эса 3884 минг сўм миқдоридан маҳсулот ишлаб чиқарган, бу халқ ҳаётида хунармандчиликнинг муҳим ўрнини кўрсатади [6]. Бу ҳолат иккинчи

Жаҳон урушининг охиригача давом этди. Собиқ Совет ҳукуматининг зўравонлик сиёсати аста-секин якка ҳунармандларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятини чеклаб қўйди ва уларни якка қўл меҳнати билан шуғулланишни тақиқлади. Бу сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида 1930 йилда Сурхондарё вилоятида уста ҳунармандлар 15 та ҳунарманд артелларига бирлашдилар [7]. “Қизил доска”, “Стаханов”, “Тельман” [8] “Куйбишев”, “Файзулла Хўжаев” [9] (Бойсун тумани), “Қизил офтоб,” “Қизил юлдуз”, “Қизил босқон”, “Иттифоқ” (Шеробод тумани) [10], “Янги турмуш”, “Қизил аскар” (Жарқўрғон тумани), “Кожевник,” “Хуршид”, “Красные женщины Востока”, “Ударник”, “Сталин” (Термиз шаҳар) шулар жумласидандир. 1935 йилда эса бу артеллар кўп тармоқли вилоят ҳунармандлар уюшмасига бирлашди [11].

Умуман, собиқ Советлар ҳукмронлиги даврида асрлар давомида гуллаб-яшнаган ва ривожланган халқ ҳунармандчилигига қақшатқич зарба берилди. Саноатга ҳурматсизлик, ҳунармандчилик асосларига барҳам бериш ҳунармандчилик устахоналарининг жамиятдаги мавқеи йўқола борди. Улар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ва асбоблар халқ ҳаётида кенг қўлланилган бўлиб, безак буюмлари саройлар, жамоат бинолари ва турар жойларни безаган. Бу иттифоқ ҳунармандларининг меҳнати туфайли урушдан олдин ва уруш даврида халқнинг кундалик буюмларга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Ҳунарманд артелларни бирлаштирган битта Термиз саноат комбинатида 37 турдаги товарлар ишлаб чиқарилган бўлиб, бу ҳунармандлар уюшмасининг халқнинг кундалик ҳаётида зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги муҳим ролини кўрсатади [12]. Худди шундай ҳунармандчилик марказлари нафақат Термизда, балки атрофда ҳам ташкил этилди. Масалан, Бойсунда ўзбек миллий тўнлари (чопонлари) тикилган, темирчилик, мисгарлик, кулолчилик, темир қуйиш, чарм ва бошқа ҳунармандчилик кенг ривожланган [13.298]. Шерободда кулолчилик, темирчилик, темирчилик, гиламчилик ҳунарлари, гилам тўқувчилик, мисгарлик [14.98], Денов заргарлик, мисгарлик, совун, қандолатчилик ҳунарлари ривожланган, ташкил этилган бу ҳунармандчиликка ихтисослашган артеллар ташкил этилди [15.48]. Лекин ҳунармандлар ўз маҳсулотларини тасарруф этишга, давлат томонидан сотишга ҳақли эмас эдилар [16.2] Бу ҳол ҳунармандларнинг ўз буюмларига қизиқишини йўқотишига ёрдам берди, бу эса уларнинг ижодий муносабатини ва ташаббусини бўғди. Ўша даврда маъмурий-буйруқбозлик иш шароитлари устунлик қилди, натижада ҳунарманд кооперативлар, албатта, давлат органларининг топшириқ ва кўрсатмаларини бажардилар. Собиқ Совет бошқарув органлари кооператив корхоналар ва ҳунармандлар артелларини таъминлашга эътибор бермадилар, уларни ўз тақдирларига қолдирдилар. Натижада артелларни янги машина ва ускуналар билан жиҳозлашнинг имкони бўлмади ва уларнинг моддий-техника базаси йилдан-йилга заифлашиб борди. Ҳунармандчиликнинг ҳар бир тури азалдан “Устоз–шогирд” анъаналари асосида ривожланиб, маҳорат авлоддан-авлодга ўтиб келган. Собиқ Совет тузуми бу ҳақиқатни ҳам ҳисобга олмади. Бу даврда Ҳунармандчилик Иттифоқида ҳунармандларнинг ўзлари устахоналарнинг эгаси бўлмаганликлари туфайли улар оғир шароитларда яшаганлар. Урушдан кейинги дастлабки йилларда уруш йилларининг қийин иқтисодий шароитлари ҳали ҳам сезилди. Шунинг учун аҳоли ҳунармандчилик билан шуғулланишга мажбур бўлган. Лекин якка ҳунармандларга зулм қилиниб, кооператив корхоналарга мажбуран бириктирилди. Аҳолининг кундалик талаб

зарур товарлар билан таъминланмаганлиги туфайли ҳунармандларнинг рўзгор буюмларига бўлган эҳтиёжи ҳали катта эди, чунки уй-рўзгор буюмлари, қишлоқ хўжалиги воситалари, кийим-кечак ва бошқа буюмлар ҳунармандлар томонидан тайёрланган. Лекин ҳунарманд артелларнинг, кооператив мулкларнинг мавжудлиги собиқ Совет ташкилотлари раҳбарларини қониқтирмади. Очиғини айтиш керак, собиқ Совет мустабид тузуми давлат мулкидан бошқа бирон-бир мулк турини тан олмади. Шу сабабли ХХ асрнинг 50-йилларида собиқ Совет маъмурий-буйруқбозлик органларининг хужумига қаратилган бу ҳунармандчилик кооперативларига қаратилган эди. 1956 йил 14 апрелда собиқ Совет Иттифоқи ҳукумати ҳунармандчилик кооперативларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жумладан, унда шундай дейилади: КПСС Марказий Комитети ва СССР Вазирлар Совети таъкидлайдики, ҳозирги вақтда саноат кооперациясининг кўпгина корхоналари ҳунармандчилик кооператив ишлаб чиқариши характерини йўқотиб, давлат саноати корхоналаридан тубдан фарқ қилади. Ушбу корхоналарни ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражаси ва уларни техник жиҳозлаш бошқарув шаклини ўзгартиришни ва корхоналарни янада малакали техник бошқаришни тақозо этади. Саноат кооперациясини қайта ташкил этиш, унинг энг қудратли ихтисослашган корхоналарини республика тегишли саноат вазирликлари ва меҳнаткашлар депутатлари вилоят ва шаҳар Советлари тасарруфига ўтказиш зарурлиги эътироф этилсин. Шу билан бирга, “асосан касаначиликдан фойдаланадиган артеллар, халқ бадий ҳунармандчилиги артеллари ва ишлаб чиқариш хусусиятига кўра давлат органлари тасарруфига ўтказиб бўлмайдиган бошқа артеллар”ни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб топилди [17.297-298]. Натижада ҳунарманд артеллар давлат мулкига айланиб, маҳаллий саноат вазирликлари ихтиёрига ўтказилди. Собиқ Совет ҳукуматининг яна бир хом сиёсатининг таъсири шундаки, у ҳунармандларнинг эркин фаолиятига тўсиқ қўйибгина қолмай, кўплаб ҳунармандчилик турларининг йўқолиб кетишига ҳам хисса қўшди. Бундай салбий муносабат таъсирида бўёқчилик, фелъетон, мис, чарм, гравюра, қандолатчилик ҳунарлари каби турлари йўқолиб кетди.

Кооператив корхоналарнинг, асосан, артелларнинг моллари 1940 йилда республика саноати умумий ҳажмининг 19% ни, 1958 йилда 8,5% ни, 1962 йилда эса атиги 3% ни ташкил этди. Ҳунармандчилик кооперативлари иқтисодиётда ҳам, халқнинг кундалик турмуш тарзида ҳам муҳим роль ўйнайди. Аммо мустабиднинг узоқни кўзлаб юритган сиёсати туфайли мустабид тузум асосиз равишда ҳунарманд кооперативлари тугатилди. Натижада аҳолининг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш қийин аҳволда қолди, маиший хизмат кўрсатиш ҳолати янада мураккаблашди.

Шундай қилиб, тадқиқ этилаётган йилларда бадий ҳунармандчилик тармоғи маълум даражада қайта тикланди. Жумладан, 1960-йилларда Бойсун тажриба шойи тўқиш фабрикаси, Шеробод керамика заводи ва бошқалар ташкил этилди. Бу корхоналар асосан бадий заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, ишлаб чиқариш имкониятлари ва ривожланиш истиқболлари янада чекланган эди. Маҳаллий бюджетдан молиялаштириш, иш ўринлари яратиш [18], бу корхоналарда янги цехлар ва ишлаб чиқариш цехлари очиш учун аҳамиятсиз маблағлар ажратилиб, улар маҳаллий саноат вазирликларига бўйсунар эди. Бу ҳол мазкур корхоналарнинг моддий-техник таъминоти даражасини қийин аҳволга олиб келди. Ҳеч ким ишлаб чиқарилаётган товарлар турларини кўпайтириш,

анъанавий халқ хунармандчилиги турларини тиклаш ҳақида ўйлашни истамади. Мавжуд хунармандчилик турлари уларнинг азалий анъаналаридан маҳрум бўлиб туюлди. Шу сабабли хунармандлар ишлаб чиқарган товарлар кўп асрлик анъаналарга мос келмай, давлат буюртмасига биноан ишлаб чиқарилган. Ижодий эркинлик, ижодий салоҳият, азалий анъаналар ва тажриба бўғилди.

Урушдан кейинги даврда ногиронлар кооперацияси корхоналари томонидан уруш ногиронларини иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада таъминлаш борасида фаол ишлар давом эттирилди. Ногиронлар ҳамкорлиги бир қисми бўлган савдо кооперациясини тугатишнинг бошланиши КПСС Марказий Комитети ва СССР Вазирлар Кенгашининг 1956 йил 14 апрелдаги “Саноат кооперациясини қайта ташкил этиш тўғрисида» ги қарорининг қабул қилиниши эди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши ногиронларнинг кооператив ҳаракатига қаттиқ зарба берди, чунки уларнинг хоҳишига қарамасдан, энг нуфузли ташкилоти йўқ қилинди. Ногиронлар кооператив иттифоқининг парчаланиши Совет давлатининг хатоларидан биридир [19.170]. Мулкчиликнинг ушбу шаклини ривожлантириш, уни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг самарали дастагига айлантириш имкониятидан фойдаланмади.

Хунармандчиликнинг айрим турлари ногиронлар жамиятлари ихтиёрига жойлаштирилди. Жумладан, кўр ва кар-соқовлар жамиятларида хунармандчиликнинг айрим турлари сақланиб қолган ва кўплаб турлари йўқолиб кетган. Меҳнат натижаларини тасарруф этишга мажбур бўлган хунармандлар эса давлат корхоналарида ишлашга мажбур эдилар. Бундай шароитда устоз-шогирд анъаналари тўхтаб қолди. Уста хунармандларнинг ишлаб чиқариш анъаналари унутилди. Хунармандчиликнинг кўпгина кадриятлари ривожига жиддий зарба берилди. Собиқ Совет ҳукуматининг босими шу даражага етдики, ҳатто гўдаклигимиздан бери бизга хизмат қилган бешик, бешик, ўтмишнинг қолдиғи сифатида баҳоланди [20]. Хунармандчиликнинг ноёб турларидан бири сифатида эътироф этиб келинаётган бешик ясаш билан шуғулланиб келган хунармандларни мажбурий тарзда артелларга ишга жалб этилиши натижасида ўз касбини эъзозлаб келган кишилар меҳнат фаолиятини давом эттиролмасдан ўз хоҳишлари билан ишдан кетиш ҳолатлари ҳам бўлган. Ўз хунарини якка тадбиркорлик кўринишида давом эттириш истагида бўлган кишиларга нисбатан ўз вақтида “чоралар” кўрилган. Масалан, “Жарқўрғон ҳақиқати” газетасининг 1956 йил 22 ноябрда “Қизил аскар” артели дурадгорлик цехи ишчиси уста Муҳаммади Файзуллаев артель ишини йиғиштириб қўйиб, уйда хусусий устахона ташкил қилиб, ҳафтасига 10 лаб бешик, 100 лаб тароқ ясаб сотиши...” ҳақидаги мақола босилиб чиқади [21.4] ва ушбу масалани кўриб чиқиш район ижроия комитетига юборилди [22.4] Аммо бундай сиёсат ва мафкура халқнинг бу ажойиб ихтироларини ҳаётдан олиб ташлай олмади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши билан бошқа фаолият соҳаларида ҳам, халқ хунармандчилиги соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, хунармандлар уюшмасини ташкил этиш, уларга берилаётган имконият ва эркинлик, турли мулкчилик шакллариغا кенг йўл очиш, уйда хунармандчилик ишлаб чиқаришга катта эътибор бериш, оилавий бизнесни ривожлантириш учун яратилган кенг имкониятлар, хунармандларнинг ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ташаббус” кўрик-танловида қатнашиши унутилган миллий кадриятларнинг тикланиши ва уларнинг янада такомиллашувига сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, Мустақиллик йилларида халқ хунармандчилиги, халқ маданий мероси, анъанавий миллий кадриятларни пухта сақлаш, хунармандларга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий маданият ва уни ривожлантириш, хунармандчиликни сақлаш ва муҳофаза қилиш табиий жараёнга айланди.

Воҳанинг Шўрчи туманида фаолият юритаётган хунарманд Ихлима Тошбоева Президентимизнинг Фармониغا мувофиқ, “Шухрат” медали билан мукофотланди. Ихлима Тошбоева тиккан кўнғирот салла, тиллақош, гулдўзи дўппи, бўйин тупак, девол сўзана, каштали болиш, жамалак, шарақай гилам, аёллар дўпписи ва тақинчоқлар довуғи халқаро ташкилотлар – БМТ, ЮНЕСКО томонидан эътироф этилди, Япония, Австралия ҳамда Швейцарияда ўтказилган кўргазмаларда намоёниш қилинди [23]. Ихлима опанинг 70 нафардан зиёд шогирдлари бор. Шулардан бири Роҳат Тангирбердиева бўлиб, у “Ташаббус” кўрик-танловининг республика босқичида фахрли ўринни қўлга киритган.

Шунингдек Термиз тумани “Орол” маҳалласи ҳузуридаги хунарманд Валлаева Дилафрўз раҳбарлигида “Остона Гилам” МЧЖ корхонаси ҳам тўқиган гиламларини Англия ва Туркия давлатларига экспорт қилмоқда [24].

Шу боис воҳага ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, бетакрор кашта ва сўзаналарни соатлаб томоша қилишади ҳамда эсдалик, зийнат учун сотиб олишади. Сабаби, ушбу бадиий хунармандчилик намуналарида Сурхон табиати, халқимиз урф-одатлари ўзига хос тарзда акс эттирилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Боден Жан. Метод легкого познания истории. – М.: Наука, 2000. – 412 с.; Шарль Луи Монтескье. О духе законов. – М.: Мысль, 1999. – 672 с.; Ratsel F. Anthropogeographie Stuttgart: Verlag von J. – Engelhorn, 1909. 400 p.
2. Бойсун тумани давлат архиви, 73-жамғарма, 1-рўйхат, 8-йиғма жилд, 253-варақ.
3. Бойсун туман Давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 23-йиғма жилд, 34-варақ.
4. Бойсун туман Давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 29-йиғма жилд, 76-варақ.
5. Босилган хабар изидан, Бешикчи, Жарқўрғон ҳақиқати, 1956 йил 27 декабрь, 4-бет.
6. Гринин Л.Е. Природный фактор в аспекте теории истории / Философия и общество. № 2, 2011. – С. 171.
7. Давлатова С.Т. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий хунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари); тарих фанлари бўйича фан доктори (DsC) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018.
8. Дала ёзувлар, Термиз тумани “Орол маҳалласи”, 2022 йил 2 март.
9. Жарқўрғон тумани давлат архиви. 5-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 126-варақ.
10. Маъмуров Д. Бешикчи, Жарқўрғон ҳақиқати, 1956 йил 22 ноябрь, 4-бет
11. Областнинг 1975 йилги маблағининг бажарилиши тўғрисида. Ленин байроғи газетаси, 1974 йил 31 декабрь, 2-бет.
12. Печалов Л.В. Ликвидация Всероссийской кооперации инвалидов - ошибка советской власти. Вопросы истории, № 12, 2011, декабрь. – С. 170.

13. Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. Т. 4. (1953–1961 годы). – М., 1968. – С. 297–298.
14. Сурхондарё вилояти архиви, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 133-йиғма жилд, 78-варақ.
15. Сурхондарё вилоят давлат архиви, фонд-18, 1-рўйхат, 120-йиғма жилд, 234-варақ
16. Сурхондарё вилояти архиви, 21-жамғарма, 1-рўйхат, 56-йиғма жилд, 44-варақ.
17. Сурхондарё вилояти архиви, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 133-йиғма жилд, 124-варақ.
18. Сурхондарё вилояти архиви, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 307-йиғма жилд, 56-варақ.
19. Сурхондарё вилояти давлат архиви 76-жамғарма, 1-рўйхат, 46-йиғма жилд, 68-варақ.
20. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 48-жамғарма, 1-рўйхат, 145-йиғма жилд, 34-варақ.
21. Турсунов С. Рашидов Қ., Бойсун. – Тошкент: Akademiknashr, 2011. – Б. 298.
22. Турсунов С.Н. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – Б. 98.
23. Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни социалистик асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1991–1941 йиллар). Термиз, 2001. Тарих фан. номзоди дарж. Дисс. – Б. 48.
24. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 12 март.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ БУЗИЛИШИ

Аннаева Зарифа Мусурманкуловна

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. ушбу мақолада Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида пахта якка ҳокимлиги даврида қишлоқ хўжалигини тартибсиз тарзда кимёлаштирилиши ва унинг экологик салбий оқибатлари ҳақида маълумот берилди.

Калит сўзлар: республика, директив режа, пахта якка ҳокимлиги, аҳоли саломатлиги, ирригация, мелиорация, ер шўраланиши, захарланиш.

Аннотация. В данной статье приведены сведения о неравномерной химизации сельского хозяйства в южных районах Узбекистана в период хлопковой монополии и ее негативных экологических последствиях.

Ключевые слова: республика, директивный план, хлопковая монополия, здравоохранение, орошение, мелиорация, засоление земель, отравление.

Abstract. This article provides information on the erratic chemicalization of agriculture in the southern regions of Uzbekistan during the cotton monopoly and its negative environmental consequences.

Keywords: republic, directive plan, cotton monopoly, public health, irrigation, land

reclamation, land salinization, poisoning.

Ўзбекистонда экологик мувозанатнинг бузилишида совет даврида амалга оширилган бюрократик сиёсатнинг ҳам таъсири бор. Бу ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак совет ҳукумати республика раҳбарияти олдига пахтадан мўл ҳосил олиш билан боғлиқ директив топшириқларни мунтазам бериб борди. Республика раҳбарияти эса Марказ олдидаги ишончини йўқотмаслик қолаверса Марказ газабига учрамаслик учун республикада пахта якка ҳокимлигини авж олдиришга мажбур бўлди. Бу ҳолатни республиканинг жанубий минтақалари мисолида ҳам яққол исботлаш мумкин.

Сурхондарё области аграр соҳасида ҳам пахта якка ҳокимлиги йил сайин ўсиб борди. Масалан, 1970 йилда областда 217,4 минг гектар ерда деҳқончилик қилинди, шундан 66,8 минг гектарида донли экинлар, 119,3 минг гектарида картошка ва полиз маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 1985 йилга келиб эса областда 273,7 минг гектар ерга экин экилди, шундан; 62 минг гектарини донли экинлар, 150,0 минг гектарини пахта 11,3 минг гектарини эса картошка ва полиз маҳсулотлари ташкил этди [1]. Лекин воҳа деҳқонларининг тинимсиз меҳнатининг эвазига областда нафақат пахтадан балки бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳам мўл ҳосил олинди.

Чунончи, 1970–1985 йилларда областда ялпи дон етиштириш 50,5 минг тоннадан 135,6 минг тоннага, полиз маҳсулотлари 45,1 минг тоннадан 70,6 минг тоннага, маккажўхори- 4,7 минг тоннадан 30,8 минг тоннага, сабзавот 35,4 минг тоннадан 202,7 минг тоннага, шולי-112 минг тоннада 29,3 минг тоннага ҳўл мева 25,5 минг тоннага, узум 20,8 минг тоннадан 77,2 минг тоннага ўсди [2]. Республика раҳбарияти пахта бўйича режани қисқартириш масаласини иттифоқ раҳбарияти олдига мунтазам равишда қўйиб келганига қарамасдан, марказнинг пахтага бўлган талаби йилдан йилга ориб борди, ушбу талабни қондириш ниҳоятда мушкул бўлиб, ҳаётий ҳақиқатдан анча йироқ эди. Ўша йилларда республикадаги бутун ташкилий ва сиёсий ишлар бевосита пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги давлат топшириқларини бажаришга қаратилди. Пахтадан мўл ҳосил олиш, унинг ҳосилдорлигини ошириш, марказдан туриб белгиланган улкан пахта топшириш режасини бажариш учун республика раҳбарияти қўлидан келган барча ишни қилди. Хусусан қишлоқ хўжалигини механизациялаш, кимёлаштириш, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонини қисқартириб бўлсада пахта майдонини кенгайтириш каби ишлар шулар жумласидан эди. Пахтадан мўл ҳосил олиш, қишлоқ хўжалик заракунандаларига қарши курашиш мақсадида далаларга меъеридан ортиқ даражада минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий перепаратлар қўлланила бошланди.

Биргина 1960 йилнинг ўзида Сурхондарё областида 1 гектар ерга 10 кг- дан зиёд заҳарли препарат қўлланилди. 1964 йили Қашқадарё областида эса 1 гектар ерга 14,3 кгдан заҳарли кимёвий моддалар сепилди. Ваҳоланки илмий асосланган меъёрларга кўра 1 гектар ерга сепиладиган кимёвий моддалар миқдори 1 килограмга яқин бўлиши лозим [3]. 1971 йилга келиб эса Қашқадарё областида ҳар бир гектар ерга 40-50 кг дан заҳарли кимёвий моддалар сепилди [4]. Оқибатда тупроқнинг таркиби жиддий тарзда бузилиб, сувда, ҳавода, тупроқда заҳарли моддалар миқдори йил сайин ортиб борди. Вазият шу даражага етдики ҳатто оналар сути таркибида ҳам заҳри қотил бўлган пецитицидлар мавжудлиги аниқланди. Қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалардан аёвсиз тарзда фойдаланиш

нафақат атмосферани ифлослантирди балки аҳоли саломатлигига ҳам жиддий зарар етказди. Шеробод туманининг Хитой қишлоғида яшовчи Ражаб бобо Пардаевнинг эслашича, 1978 йилда Шеробод тумани В.Қодиров номидаги совхоз ишчиларидан 2 нафар агроном, 4 нафар тракторчи ва 6 нафар сувчи ғўза майдонларига гексохлоран препаратини қўллаш жараёнида заҳарланган ва шундан 2 нафари вафот этган [5]. 1989 йилда эълон қилинган маълумотларга кўра Республикада туғилган ҳар минг боладан 40 таси, Сурхондарёда 60 таси, Қашқадарёда эса 65 таси вафот этаётганлиги ҳам бевосита минтақадаги экологик танглик билан боғлиқ эди. Қишлоқ хўжалигида заҳарли кимёвий моддаларни аёвсиз қўллаш болаларнинг нормал ўсишига ҳам жиддий зарар етказди. 1990 йилда Қашқадарё областининг Марказий болалар шифохонасида 12860 нафар боланинг 80 фоизи гипотрофия ёки улардан 13 нафари эса ушбу касалликнинг оғир шакли билан касалланганлиги қайд этилган [6].

Янги ерларни ўзлаштириш жараёнида йўл қўйилган айрим хатолар хусусан ўзлаштирилган ерларда дренаж ва коллектер тизимларининг сифатсиз бажарилишида, режа изидан қувиб, янги ерларни ўзлаштиришда шошмашошарлик билан палапартиш ҳаракат қилишлар оқибатида жанубий областларнинг айрим ҳудудларида ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, шўрланиш даражаси йилдан йилга ортиб борди.

Мисол учун 1987 йил Қашқадарё областида кучли шўрланган ерлар 51 минг гектарни, ўрта шўрланган ерлар 37 минг гектарни ташкил қиларди. Миришкор канали атрофидаги ерларда ниҳоятда оғир аҳвол рўй берди. Бу ерларда ер ости сувини чиқариб юбориш масаласи ҳал қилинмаганлиги учун ер ўта даражада захлаб кетди. Қолаверса қурилиш бошқармаси томонидан ўзлаштирилган ерлар сифатсиз тарзда топширилди. 1987 йилнинг 1 январига қадар бу ерларда қурилмаган коллекторлар 117 кмни, тугалланмаган ёпиқ дренажлар 754 кмни, чала қурилган суғориш тизимлари 84 кмни ташкил этарди. Қарши магистрал каналининг қурилиши охирига етказилмаганлиги туфайли Косон районида коллектор ва дюкерлар қурилмай қолди. Бой терак, Пўлати коллекторлари ишламади. Ҳар йили режадаги 12 минг километр коллекторларни тозалаш ўрнига 2-3 минг километр коллектор тозаланди [7].

Оқибатда ернинг ҳосилдорлиги пасайиб шўрланиш даражаси ошиб борди. 1987 йилда Қашқадарё областининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 2,5 млн гектар ер мавжуд бўлиб, шундан 2,2 млн гектар ер қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер 671 минг гектари ҳайдаладиган ерлар, 1,4 млн гектар ер эса яйловларни ташкил этарди. 1976 йилда областдаги суғориладиган ҳар бир гектар ердан 714 рубллик маҳсулот олинган бўлса, 1986 йилга келиб бу кўрсаткич 639 рублга тушиб қолди. 1976 йили ҳар бир гектардан 28,4 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, 1986 йилга келиб 14,3 центнерга тушиб қолди. Бунинг устига 35 минг гектар суғориладиган ер фойдаланилмасдан шўр босиб қолди [8].

Бироқ бевосита Марказнинг топшириғи асосида республикада пахта етиштириш суръатлари сунъий тарзда ошириб борилди. Натижада унинг ялпи ҳосили 1946-1985 йилларда 5,5 барабар ортди. Чигит экиладиган майдонлар эса 841 минг гектардан 1989,8 минг гектарга етди [9]. XX асрнинг 80-йилларнинг ўрталарига келиб республика қишлоқ хўжалигида пахта экиладиган майдонлар салмоғи жами экин майдонлар миқдорининг 75 фоиз жанубий областларда эса ундан ҳам ошиб кетди [10].

Ўзбекистон аҳлининг пахта якка ҳокимлигининг оғир асоратларидан тинкаси куриб, пахта етиштиришнинг барча имкониятлари тугаган ва режа-топшириқлари нореал тус олган бир шароитда марказ ҳар йили пахта етиштиришни доимий тарзда кўпайтириш юзасидан топшириқ бериб борди. Масалан, 1979 йилда Ўзбекистон давлатга 5 млн 850 минг тонна, 1981 йилда 6 млн тонна пахта топшириши лозим бўлгани ҳолда, 1982 йилда Брежнев 6 млн 300 минг тонна пахта топширишни таъминлаш вазифасини кўйди [11].

Бундай шароитда республика раҳбарияти аграр соҳада бирорта ўзгариш қилишга қодир эмас эди. Нима қилиб бўлса ҳам марказ томонидан пахта ҳосилини кўпайтириш юзасидан берилган топшириқларни бажаришга мажбур эди. Бу эса минтақада экологик муовазанатнинг бузилиши аҳоли саломатлигининг хавф остида қолиши билан боғлиқ аянчли ҳолатларга сабаб бўлаётган эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Узбекистан за годы одиннадцатой пятилетки (1981–1985 гг.) Статистический сборник. – Ташкент, 1986. – С. 143.
2. Турсунов С ва бошқалар Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 257.
3. Пардаев Т.Р. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва унинг экологик салбий оқибатлари тарихидан лавҳалар (1960–1970 йй). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 9.
4. Ленин байроғи 1972 йил 6 январь.
5. Пардаев Ражабдан 2018 йил 31 май куни ёзиб олинган маълумот.
6. Пардаев Т.Р. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва унинг экологик салбий оқибатлари тарихидан лавҳалар (1960–1970 йй). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 15.
7. Худойқулов М. Қарши чўли. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 273–274.
8. Қашқадарё ҳақиқати газетаси. 1987 йил 15 сентябрь.
9. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. – С. 102; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. – Ташкент, 1986. – С. 103.
10. Ризаев С. Шароф Рашидов. Штрихи к портрету. – Ташкент, 1992. – С. 273.
11. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир Д.А.Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 303–304.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИДА ЯНГИ СИФАТИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Холманова Феруза Ураловна
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси
катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё вилоятидаги пахта тозалаш заводлар фаолияти баён этилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида дуч келинган қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилган

ислоҳотлар, натижалар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: пахта, “Сурхонпахтасаноатсотиш”, тўқимачилик, завод, фабрика, тола, чигит.

Аннотация. В статье рассматриваются деятельность хлопко очистительных заводов Сурхандарьинской области. Были обсуждены вызовы, с которыми столкнулись в первые годы независимости, и реформы, проведенные для их решения, итоги.

Ключевые слова: хлопок, “Сурхонпахтасаноатсотиш”, текстиль, завод, фабрика, волокно, семена.

Abstract. This article describes the activities of ginneries in Surkhandarya region. The challenges faced in the first years of independence and the reforms implemented to address them, the results were discussed.

Keywords: cotton, “Surxonpaxtasanoatsotish”, textile, factory, mill, fiber, seeds.

Республикамизда пахтачилик соҳасини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш самарадорлигини, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунки пахта ва унинг маҳсулотларига бўлган талаб доимо ортиб бориши, пахта тозалаш саноатида замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш кераклигини кўрсатмоқда.

Пахта ва ундан олинадиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари ҳозирги бозор иқтисодиётининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда истеъмолчиларнинг пахта маҳсулотларига бўлган талаби кундан кунга ортиб бормоқда. Чунки ҳозирги вақтда Республикамининг ички бозорлари хориждан келтириладиган сифатли маҳсулотларга бўлган талаби катта. Бизнинг асосий мақсадимиз ички бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқариладиган сифатли маҳсулотларни кўпайтириш ва тўлдириш, ҳамда республикамиз экспорт салоҳиятини оширишдан иборатдир. Пахта маҳсулотларини ташқи ва ички бозорларда рақобатлаша оладиган бўлиши керак. Маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш ва таъминлаш масаласи республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эгадир. Халқаро ISO ташкилотига 1992 йилда аъзо бўлган Ўзбекистон Республикасида метрология ва стандартлаштириш бўйича асосий талабларни бажариш борасида “сифат” тизими жорий этилди [10].

Агар бутун Марказий Осиёда 2 миллион тоннага яқин пахта толаси етиштириладиган бўлса, шундан 1,5 миллион тоннага яқини Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда тўртинчи ўринни ва пахтани экспорт қиладиган мамлакатлар ичида иккинчи ўринни эгаллайди [1.56].

Ўзбекистон жаҳонда пахта етиштириш бўйича етакчи ҳисоблансада 1991 йилга қадар хом ашёни ярим маҳсулот ва тайёр маҳсулотга қайта ишлаш улуши 7–10 фоиздан ошмас эди. Пахта толасининг қолган қисми бошқа мамлакатларга қайта ишлаш учун олиб кетилар эди [2].

Сурхондарё вилоятида 1990 йилда мавжуд 11 та пахта тозалаш заводида 143,5 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилган бўлса, 1991 йилда бу рақам 145,4 минг тоннани ташкил этди. “Сурхонпахтасаноатсотиш” ХЖ 27260,7 минг АҚШ доллари миқдорида пахта толаси экспорт қилди [5].

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб, барча саноат тармоқларида бўлгани

сингари пахта тозалаш корхоналари фаолиятида ўзгаришлар кўзга ташланади. Пахта тозалаш саноатининг вилоят саноат маҳсулотигаги улуши 1991 йилда 59,0 фоиз бўлган бўлса, 1995 йилда 42,8 фоизга пасайганлигини кўришимиз мумкин [6].

1996 йилга қадар пахта толасини четга олиб чиқиб кетиш стратегияси ва тенденцияси давом этди, чунки тўқимачилик корхоналарида ускуналар ва қўлланилаётган технологияларнинг эскилиги оқибатида жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти йўқ эди. Экспорт қилинаётган пахта толасининг баҳоси анча юқори бўлган. Шу омилларнинг натижасида ҳамда саноатдаги таркибий силжишлар оқибатида, яъни ёқилғи энергетика мажмуаси ва автомобилсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида тўқимачилик саноати улушининг сезиларли камайишига олиб келди. 1991 йилда тўқимачилик саноатининг улуши 29,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда 17,6 ташкил қилди. Бу кўрсаткич албатта соҳанинг оқсаётганлигини кўрсатиб турибди.

1996 йилдан бошлаб пахта толасининг жаҳондаги баҳосининг пасайиши сабабли, республикада пахта толасини қайта ишлаш ҳажми орта бошлади ва 1996 йил 12 фоизни ташкил қилган бўлса, 2003–2004 йилларда 24-25 фоизга етди. Шу билан биргаликда тўқимачилик ишлаб чиқариш ҳажми ҳам орта бошлади. 1996–2004 йилларда калава ип ишлаб чиқариш 18 мартага, ип газлама ишлаб чиқариш 10,5 фоизга ўсди, трикотаж мато 5-6 млн тонна ҳажмда барқарор ишлаб чиқарилди [6].

Сурхондарё вилояти асосан пахта етиштиришга ихтисослашганлиги сабабли ҳам воҳада пахта тозалаш саноатининг алоҳида ўрни бор. Мустақиллик йилларида Сурхондарёда янги пахта тозалаш заводлари қурилиб ишга туширила бошланди. Жарқўрғон тумани пахта тозалаш заводи қошида 1991 йилда “Жарқўрғон тола” ҳиссадорлик жамияти пахта толасини Швейцария, Буюк Британия, Италия ва Корея каби давлатлар фирмаларига сотишни йўлга қўйди.

Вилоятда янги пахта тозалаш заводларини қуриш билан бирга, мавжудларини янги техника ва технологиялар билан қуроллантириш ишлари олиб борилди. Амалга оширилган ислоҳатлар туфайли, Денов пахта тозалаш корхоналарида 2003 йили ишлаб чиқарилган пахта момиғининг 98,6 фоизи Давлат стандарти талабларига жавоб бериб, қўшимча 10,9 миллион сўм фойда олинди, завод 1993 йилга нисбатан ўн бир баробар ўсишга эришди [7].

Вилоятда 1995 йилда пахта тозалаш заводлари сони яна 2 тага кўпайди. Қумқўрғонда йилига 30 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган корхона фойдаланишга топширилди [9].

1997 йилги маълумотларга кўра вилоятимизда жами бўлиб. 12 та пахта тозалаш заводи Узун, Денов, Хайробод, Шўрчи, Қумқўрғон, Сурхон, Жарқўрғон, Термиз, Музработ, Шеробод, Қизириқ, Ангор туманлари бўлиб уларнинг тола ишлаб чиқариш қуввати бир йилда 230 минг тонна ёки 700-710 минг тонна пахта хом ашёсини ишлаш имкониятига эга бўлган [6]. Бунинг асоси, заводларнинг катта миқдорда пахтани қайта ишлай олиш қуввати билан қурилиб қолишининг сабаби республикада пахта етиштиришни 6 миллион, шу жумладан вилоятимизда 550-600 минг тоннага етказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий хокимиятининг 1980–1985 йилларда тузган 5 йиллик пахта етиштиришни

ривожлантириш тўғрисидаги қарорига асосан бўлган эди [6].

Аммо кейинги йиллардаги яъни 1997 йилда пахта якка хоқимлигига бархам бериш, қишлоқ хўжалиги экинларини бошқа турларини етказишини ҳам ривожлантириш мақсадида республикада, шу жумладан вилоятимизда етиштирилаётган пахта хом-ашёси миқдори режаси бир мунча қисқариб, 380 минг тонна атрофида бўлиб қолди. Жумладан Узун пахта тозалаш заводида ишлаб чиқариш қуввати 40 фоизга, Жарқўрғон 30 фоизга, Денов пахта тозалаш заводи 40 фоизга, Термиз пахта тозалаш заводи 30 фоизга қисқартирилди [6].

1997 йилда бўшаб қолган ишчи кучини иш билан таъминлаш мақсадида барча заводларда тикув цехи, Узун, Ангор пахта тозалаш заводларида нотўқима мато ишлаб чиқариш кичик корхоналари ташкил қилиниб янги иш ўринлари яратилди [5].

Термиз пахта тозалаш корхонаси эса Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноярдаги № 491-сон қарорининг 2-банди билан Республикада ягона ингичка толали пахта уруғини етиштириб берадиган корхона ҳисобланарди. Термиз туманида жойлашган ингичка толали пахта селекциясини етиштириб, синовдан ўтказадиган бирдан-бир пахтачилик илмий синов тажриба станцияси томонидан етиштирилган янги селекцияларни ҳам айнан шу заводда қайта ишлаб чиқарилган [6].

Термиз пахта тозалаш корхонаси уруғлик чигит ишлашга мослаштирилгани учун технологик жарён замонавий янги техникалар билан жиҳозланган, атроф-муҳитни ифлослантириш табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси талабларига тўла жавоб беради. Корхона истиқболли ғўза селекцияси уруғларини ишлаб чиқаришга мослашган.

Корхонада 1998 йилда ўртача 809,0 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, Термиз шаҳрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 75 фоизини ташкил этган, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 77 фоизи чет мамлакатларга экспорт қилинган. Ушбу йилда корхона 17768 минг сўм фойда билан яқунлаган ва корхонада 500 кишидан ортиқ ишчи хизматчи ва инженер техник ходимлар фаолият кўрсатганлар. Шундан, 1999 йилги маълумотларга кўра 282 нафар хотин-қизлар ҳам иш билан таъминланган [5].

Бу корхона 2000 га яқин ишчи ва хизматчиларни иш билан таъминлаб, йилига 2000 тонна пахта толасини қайта ишлаган ва “Узпахтасаноатсотиш” уюшмасига қарашли Узун ҳамда Ангор тумани пахта тозалаш заводлари қошидаги “Нотўқимато” ишлаб чиқариш цехларини калава ип билан таъминлаб келган [6].

Шу ўринда айтиш мумкинки юқорида фаолияти ёритилиб ўтилаётган корхоналар камчиликлардан ҳоли бўлмаган албатта. Масалан, вилоят пахта тозалаш заводлари 2001 йилнинг 15 январигача бўлган ҳолатига кўра, ёғ-мой корхоналарига чигит етказиб бериш режасини 1 минг тоннага бажармаган, натижада ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш кескин камайиб кетган, бунда эса аҳоли ўсимлик ёғи, чорванинг озуқа ем билан таъминланишида муаммоларга дуч келган [6]. Бу камчиликларнинг асосий сабаби эса иқлим шароитининг ноқулай келиши бўлган.

Вилоятимизнинг яна бир йирик пахта тозалаш заводларидан бири бу “Хайрободпахта” АЖдир.

Соҳа корхоналарини ривожлантиришнинг 2004–2005 йиллар дастурига биноан Хайрабод пахта тозалаш корхонаси қошида янги замонавий технологиялар

билан жиҳозланган корхона қурилиб ишга туширилган. Ушбу корхонада 61,11 млн сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Шундан, 430,1 минг комплект ўров материаллари ишлаб чиқарилган, 1502 млн сўм соф фойда олинди, рентабеллик 2,4 фоизни ташкил этган, фонд самарадорлиги 19,1 фоизга етказилган [7].

Вилоятимизда 2003 йил ҳосилидан тайёрланган жами 39837,9 тонна пахта хом ашёсининг 9366,7 тоннаси Сурхондарё вилоят “Пахтасаноат” бирлашмасининг буйруғига асосан Термиз пахта завоидига 2870,4 тонна, Жарқўрғон пахта заводи 2003,9 тонна, Ангор пахта заводи 4468,0 тонна, Шеробод пахта завоидига 34,4 тонна қайта ишлаш учун берилган [4].

“Сурхонпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг корхоналари 2004 йил ишлаб чиқариш топшириқларини барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарилишини таъминлаб, ижобий натижаларга эришган.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш ҳажмларини 2003 йилга нисбатан ўсиши таъминланган, ўртача тола чиқиши 33,64 фоизни ташкил этган. Шу билан бирга бирлашма тизимидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятларида бир қатор камчиликларга йўл қўйилган. Ангор, Музработ, Узун, Қумқўрғон, Сурхон, Денов пахта тозалаш корхоналарида катта миқдорда улюк аралашмали ва пух аралашмали чиқиндиларни белгиланган меъёрдан ортиғи билан ҳисобга олинган. Шеробод, Қумқўрғон, Шўрчи, Узун, Ангор, Сурхон пахта тозалаш корхоналарида тола сифатига етарли эътибор қаратилмаган [4].

2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди. Кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 13 минг гектарга камайди [3.34].

Ўзбекистонда 2016 йилда пахта хом ашёси ишлаб чиқариш умумий ишлаб чиқаришнинг 63–65 фоизини ташкил этган. Пахта тозалаш саноати корхоналари томонидан эса ушбу йилда 62,4 минг тонна тола, 7,4 минг тонна пахта чигити ва 85,2 минг тонна пахта линти ишлаб чиқаришга эришилди [8]. Бу эса ижобий кўрсаткичдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, яқин-яқингача вилоятимизда асосан пахта етиштирилган бўлса, бозор иқтисодиёти деҳқонларни маҳсулотни қайта ишлаб, кўпроқ даромад олишга ўргатмоқда. Шу боис, бугун вилоятда қайта ишлаш корхоналари сони кўпайди. Тадбиркорлар ташкил этган корхоналарда пахтани қайта ишлаб, калава ип ва бошқа турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Натижада деҳқонларнинг манфаатдорлиги ва аҳолимизнинг ижтимоий турмуш тарзи яхшиланишига эришилмоқда.

Фойдаланилган манбалар

1. Ўзбекистон мустақиллик одимлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 56
2. Орлова Т. Легкая промышленность: новый этап – новые задачи. “Народное слово” 16 июля 2002 г.
3. Қувватов Ш.А. Қишлоқ хўжалигига оид топшириқлар тизими. – Термиз. Сурхон-нашр. 2018. – Б. 34–35.
4. Ўзбекистон Миллий архиви. 8-жамғарма.

5. Сурхондарё вилоят давлат архиви 1091-жамғарма.
6. Сурхондарё вилоят давлат архиви 1189-жамғарма.
7. Денов туман давлат архиви 711-жамғарма.
8. Сурхондарё вилояти статистик ахборотномаси, 2016 йил.
9. Сурхон тонги. 1995 йил 1 сентябрь.
10. E-mail: Sifat@loc.com.uz.

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Буранов Абдулҳаким Холлиевич

*Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация. Жамиятимизни демократлаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадлари заминида аслида инсон манфаатлари, юртимизнинг, тараққиётимизнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшлар туради. Маълумки, демократик давлатда ёшлар ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати орқалигина рўёбга чиқара оладилар. Демак, ёшлар жамиятнинг келажагини таъминловчи ижтимоий қатламга айланиши учун бевосита давлатнинг алоҳида ғамхўрлигига муҳтождир.

Калит сўзлар: ёшлар, ижтимоий-маънавий, давлат сиёсати, аҳоли, ватан соғинчи, ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй.

Аннотация. В основе целей демократизации нашего общества и развития гражданского общества лежат, по сути, интересы народа, костяк и хребет нашей страны, наше развитие. Общеизвестно, что в условиях демократии молодые люди могут реализовать свои права и потребности только посредством целенаправленной государственной политики. Это означает, что молодежь нуждается в особой заботе государства непосредственно о том, чтобы стать социальной прослойкой, обеспечивающей будущее общества.

Ключевые слова: молодежь, социально-духовная, государственная политика, население, тоска по родине, родители, педагоги, община, соседство.

Abstract. At the heart of the goals of democratization of our society and the development of civil society are, in fact, the interests of the people, the backbone and backbone of our country, our development. It is well known that in a democracy, young people can realize their rights and needs only through a purposeful public policy. This means that young people need the special care of the state directly to become a social stratum that provides the future of society.

Keywords: youth, socio-spiritual, public policy, population, homesickness, parents, teachers, community, neighborhood.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб, ёшлар ва уларнинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш масалаларига устувор даражада эътибор қаратила бошланди. Зероки, жамиятимизни демократлаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадлари заминида аслида инсон манфаатлари, юртимизнинг, тараққиётимизнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшлар туради. Маълумки, демократик давлатда ёшлар ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини

аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати орқалигина рўёбга чиқара оладилар. Демак, ёшлар жамиятнинг келажагини таъминловчи ижтимоий қатламга айланиши учун бевосита давлатнинг алоҳида ғамхўрлигига муҳтождир. Бизнинг мамлакатимизда масаланинг бу томонига ҳар доим ҳам жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг такомиллашуви ва қамровини унинг ниҳоятда кенгайтириш бораётганлигида кузатиш мумкин. Фикримизни янада ёрқинроқ ифодаладиган бўлсак, юртимизда ёшлар манфаатларини рўёбга чиқариш умуммиллий давлат сиёсатининг бош марказига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти М.Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ёшлар ҳақида гап кетганда, мен доим бир нарсани ўйлайман. Мана, бугунги кунда қанча-қанча ёшларимиз чет элларда таълим олмоқда, меҳнат қилмоқда. Албатта, уларнинг орасида ўз йўлини топиб, бегона юртда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаётганлари ҳам кўп. Лекин Ватан соғинчи ҳар қандай одамни ҳам қийнайди. Шунинг учун улар билан доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизга қайтиш истагида бўлганларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтиришимиз зарур” [1]. Республикада ёшлар сиёсатига асосланган саёҳатлар тизими давлат ва оила устуворлиги, давлат ва шахс, давлат ва фуқаролик жамияти ва унинг бошқа институтлари, миллий ўзликни англаш, миллий хавфсизлик, миллий ғоя ва таълим-тарбия, аҳоли саломатлиги, хотин-қизлар, Давлат сиёсатида ёшларни бошқаришни институционал тизими ҳамда ўзаро алоқадорлик ўзгаришлари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий жиҳатлардан Давлат ўз сиёсатини амалга оширар экан, табиий равишда, ёшлар қатламини унинг таянчи ва истиқболлини белгилаб берувчи асос сифатида қабул қилади. Сўнгги уч йил ичида республика аҳолисининг ташқи миграцион жараёнларда ҳудудлар ҳамда ёш кесимидаги социал мобиллиги таҳлилига кўра, 20 ёшдан 40 ёшга бўлганлар орасида жами бошқа ёш категориясидаги аёл мигрантларнинг 50%дан кўпроғи тўғри келаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Маълумки, бугун Ўзбекистонда миграция геометрик прогрессия асосида ривожланмоқда. Мазкур муаммони илмий жиҳатдан кенг қамровли тадқиқ этиш катта маблағ ва вақт талаб этади. Шу сабабли, муаммони ўрганиш учун социологияда кенг қўлланиладиган “биографик метод”дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Корея Республикасининг Меҳнат вазирлиги ўртасида ўзаро алмашув тўғрисидаги меморандум имзоланган. Ушбу ҳужжатга кўра, Ўзбекистон фуқаролари мазкур мамлакатга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетиш олдидан чет элларга кетаётган фуқароларни мослаштириш ва ўқитиш марказида ўқийди. Бу ерда улар ўзлари борадиган мамлакат қонунчилиги, анъаналари ва ўзини тутиш нормалари асослари ҳақида маълумотга эга бўлади. Борадиган мамлакат тилини сўзлашиш ва меҳнат вазифаларини бажариш учун етарли даражада ўрганади, шартнома бўйича ишга жойлашадиган корхоналарда техника хавфсизлиги ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ўзлаштиради, хорижлик иш берувчилар талаблари эътиборга олинган ҳолда тиббий кўрикдан ўтади. Бунда Ўзбекистонлик меҳнат мигранти мазкур мамлакатга келиши билан ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиш ҳамда бошқа суғурта турлари бўйича ҳуқуқларга эга бўлади. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-

қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим [2].

Шунингдек, бугунги кунда долзарб масала ёшларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни тарбиялашда, айниқса, талаба қизларни юксак маънавият асосида вояга етказиш, таълим-тарбия муҳити ва ундаги маънавиятни барқарорлаштириш буйича мақсадли ишлар ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида Президент Шавкат Мирзиёев: “...ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”, – дея таъкидлаганлар, ёш авлод манфаатларини таъминлаш “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун асосида давом эттирилишини қатъий белгилаб бердилар [3].

XXI асрда ёшларнинг тез ривожланиб бориши, улар дуч келадиган қарама-қаршилиқлар, шахс бўлиб шаклланиши, уларнинг янги қадриятларни излашга бўлган эҳтиёжи кўпгина социологларнинг диққатини жалб этади. Ёшларнинг ўз-ўзини яхши билиб олиши, фуқаролик позициясининг кучайиши, масъулияти ва зиёлилик даражасининг ўсиб бориши-тарбиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ёшлармасаласи ҳамма жамиятларда долзарб мазмун касб этиб келган. Шунинг учун бўлса керак, барча тарихий даврларда замонавий ёшларни ўрганиш ва ривожлантириб бориш, мазкур жамиятнинг олдидаги долзарб масалалардан саналган. Хулоса ўрнида, бугунги глобаллашув жараёнида Ўзбекистон ёшлари ўз фикри, ўз дунёқараши, ўз билим салоҳияти, энг асосийси, халқаро миқёсида ўз сўзи ва ўз ўрнига эга шахслар бўлиб вояга етмоқда. Дарҳақиқат, бугун бизнинг асосий вазифамиз яратилиб берилаётган улкан кониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда ватан тараққиёти йўлида хизмат қилиш асосий вазифаларидан бирига айланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги нутқи.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.
3. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

MUSTAQILLIK YILLARIDA AYOLLAR IJTIMOIIY MAVQEYINING ORTIB BORISHI (SURXONDARYO VILOYATI MISOLIDA)

Rajabova Sabohat Bobirovna
Termiz davlat universiteti
Jahon tarixi kafedrasida o'qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada 1999–2004 yillarida xotin-qizlarning oila va jamiyatdagi ijtimoiy mavqeyining ortib borishi hamda ularning mehantining qonuniy muhofaza qilinishiga doir fikr mulohazalar berilgan. Vazirlar Mahkamasi tomonidan 1999-yil 17-martdagi 117-sonli “O‘ta zararli va og‘ir mehnat sharoitlarida ishlayotgan ayollarning daromadiga imtiyozli soliq solish to‘g‘risida”gi qabul qilingan Qarori, bundan tashqari mustaqillik yillarida qabul qilingan xotin qizlar mafaatlari himoya qiluvchi ko‘plab qarorlar, shuningdek, ularning xotin-qizlar hayotidagi ahamiyatiga ham to‘xtalilgan. 1999-yilda qabul qilingan “Ayollar yili” davlat dasturining Surxondaryo viloyati ayollari hayotidagi o‘rniga alohida to‘xtalilgan.

Kalit so‘zlar: “Ayollar yili”, Davlat dasturi, “Surxon-Ajanta”, Surxonparmalash zavodi, Sharg‘un ko‘mir koni, Sanitariya epidimeologik stansiya.

Аннотация. В данной статье рассматривается повышение социального статуса женщин в семье и обществе в 1999-2004 гг., а также правовая охрана их труда. Постановление Кабинета Министров № 117 от 17 марта 1999 года «О льготном налогообложении доходов женщин, работающих с особо вредными и тяжелыми условиями труда», а также о защите интересов женщин, принятое за годы независимости многими решения также были сосредоточены на их важности в жизни женщин. Подчеркнута роль государственной программы «Год женщины» в 1999 году в жизни женщин Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: «Год женщины», Государственная программа, «Сурхан-Аджанта», Сурхан-Пармалашский комбинат, Шаргунский угольный разрез, Санитарно-эпидемиологическая станция.

Abstract. This article discusses the increase in the social status of women in the family and society in 1999–2004, as well as the legal protection of their labor. Resolution of the Cabinet of Ministers No. 117 of March 17, 1999 “On preferential taxation of income of women working in extremely harmful and difficult working conditions” many of the decisions also focused on their importance in women’s lives. The role of the state program “Year of Women” in 1999 in the life of women in Surkhandarya region was highlighted.

Keywords: “Year of Women”, State Program, “Surkhan-Ajanta”, Surkhan-Parmalash Plant, Shargun Coal Mine, Sanitary Epidemiological Station.

Mustaqillik yillarida mamlakatimizda ayollarning oiladagi o‘rnini mustahkamlash, sog‘lom oilaviy muhitni shakllantirish maqsadida ko‘pgina davlat dasturlari qabul qilingani bizga ma’lum. 1999-yilda “Ayollar yili” munosabati bilan qabul qilingan Davlat dasturi mamlakatning siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy hayotida, bozor iqtisodiyotini shakllantirish hamda jamiyatning ma’naviy-ma’rifiy asoslarini barqarorlashda ayollarning maqomi va o‘rnini mustahkamlashga qartilgan edi. Uni amalga oshirishga, davlat budjeti, kasaba uyushmalari, korxonalar va tashkilotlari, homiylar mablag‘lari, chet el kreditlari va xalqaro tashkilotlarning insonparvarlik yordami hisobidan jami 72 milliard so‘mdan ortiq mablag‘ sarflangan edi. [1]

Respublikamizda olib borilgan tadbirlarni amalga oshirish uchun “Ayollar yili” Davlat dasturi doirasida 51,2 milliard so‘m mablag‘ ajratilgan edi. Shundan 40,7 milliard so‘m mablag‘ ko‘p bolali va kam ta‘minlangan oilalarga yordam uchun sarflandi. 3,5 milliard so‘m esa birinchi sinf o‘quvchilarini o‘quv qurollari va kam ta‘minlangan oilalar farzandlarini kiyim – kechak yetkazib berish uchun sarflandi. Ayollar va bolalarni sog‘lomlashtirish uchun, sog‘likni saqlash muassasalari qurilishiga va shuningdek tibbiyot muassasalarini eng yaxshi tibbiy uskunalarni bilan jihozlash uchun 7 milliard so‘m sarflandi. 350 mingdan ziyod ayolning mehnat va hayot faoliyatini yaxshilash, nafaqaga chiqish arafasida turgan, faxriy va yosh bolali yosh bolali ayollarning daromadlarini oshirish, bolalarni tarbiyalashdagi imkoniyatlarini kengaytirish uchun, dastur doirasida qator chora tadbirlar amalga oshirildi. Ayrim og‘ir ishlar bilan band bo‘lgan ayollar uchun qo‘shimcha imtiyozlar joriy etish choralari ko‘rildi. Bunday imtiyozlarning yaratilishi davlat hisobidan 142 million so‘m ajratildi [2.488]. 1999-yilda “Ayollar yili” Davlat dasturiga muvofiq, ayollar mehnatini yengillashtirish va ularning turmush sharoitini yaxshilash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999-yil 18-fevraldagi “Oila, davlat va jamiyatning qurilishida ayollarning rolini kuchaytirish, ularning huquqiy, ijtimoiy, iqtisodiy va ma‘naviy manfaatlarini himoya qilish tizimini takomillashtirish yuzasidan davlat dasturi tadbirlari to‘g‘risida”gi 73-son davlat dasturi haqida Surxondaryo viloyati Hokimining 1999-yil 1-mart 68-son qarori qabul qilindi. 1999-yil 17-martdagi 117-sonli “O‘ta zararli va og‘ir mehnat sharoitlarida ishlayotgan ayollarning daromadiga imtiyozli soliq solish to‘g‘risida”gi Qarori, “Xotin-qizlarga qo‘shimcha imtiyozlar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining qonuni va boshqalar alohida ahamiyat kasb etadi [3.37]. Shuningdek, 1999-yil 4-mayda Vazirlar Mahkamasining 212-son “Bolalar va ayollar giginasi uchun tovar ishlab chiqarish va sotishni rag‘batlantirishga doir chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori ham sohani rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etdi [4.64]. Ushbu qonun va qarorlarning ma‘no va mazmunini targ‘ibot-tashviqot qilish yuzasidan tavsiyalar ishlab chiqilib, viloyat xotin-qizlar qo‘mitasi, shahar va tuman xotin-qizlar qo‘mitalari, tashkilot rahbarlari, huquqshunoslar, faol ayollardan iborat targ‘ibot-tashviqot guruhlari tashkil etilib, joylarda tushuntirish ishlari olib borildi [5]. Masalan, 1999-yil 17-mart 117-sonli “O‘ta zararli va og‘ir mehnat sharoitlarida ishlayotgan ayollarning daromadiga imtiyozli soliq solish to‘g‘risida” gi qabul qilingan qarorning ijrosini ta‘minlash maqsadida Surxondaryo viloyatida 1999-yilning 30-martida viloyat hokimligining 94-sonli qarori qabul qilindi [6]. Mazkur qarorlar doirasida juda ham ko‘plab chora-tadbirlar belgilandi va ularning ijrosi ta‘minlandi. Viloyatda og‘ir mehnat sharoitida ishlayotgan ayollarning daromad darajasini oshirish ularning iqtisodiy manfaatlarini himoya qilishni kuchaytirish, xotin-qizlarni o‘z vaqtida profilaktik tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish, mehnat, dam olish, ovqatlanish, qish mavsumi va tungi smenalarda ishlovchi xotin-qizlarning gigenik xonalarini yetarlicha jihozlash, lozim topilgan ayollarni sanatoriya va oromgohlarda davolanishlari uchun sharoitlar yaratildi.

1999-yilga kelib, asosan, Surxondaryo viloyatining paxta tozalash zavodlarida, “Surxon-Ajanta” dori ishlab chiqish korxonasida, Angor va Denov tumanidagi bosmaxonalarda, Surxondaryo viloyat Sanitariya epidemeologiyasi stansiyasi, dizelfiksiyalash idoralarida, biolaboratoriyalarda, Qumqo‘rg‘on tumanidagi Surxonparmalashzavodida, Jarqo‘rg‘ontumanidagi Surxontekstilhissadorlik jamiyatida, Temir beton buyumlar zavodida va qator og‘ir va o‘ta og‘ir sharoitda ishlayotgan ayollar faoliyati viloyat xotin-qizlar qo‘mitasi chuqurroq tahlil qilindi [7]. O‘ta og‘ir

mehnat sharoitida ishlayotgan ayollarga besh kunlik ish kuni joriy etildi, bundan tashqari ish haqlariga soliq solish 20% dan oshmasligi lozimligi qarorda belgilanib, ularning maoshlariga 15–25% ustamalar joriy qilindi [8]. Xususan, og‘ir mehnat sharoitida mennat qilayotgan ayollarning soni aniqlanib, ularning ish sharoiti bilan tanishib chiqildi. Shu davrda og‘ir va o‘ta og‘ir sharoitda mehnat qiluvchi ayollar Sariosiyo tumanida 39 nafarni, Boysun tumanida esa 42 nafarni tashkil etgan bo‘lib, shulardan, Sharg‘un shahar g‘isht zavodida ishlovchi 9 ta ayol, Sariosiyo ijara bosmaxonasida 5 nafar ayol, Sharg‘un ko‘mir konida ishlovchi 24 nafar ayol, Boysun tumani sanitariya epidemiologiya stansiyasida 25 nafar ayol, Sog‘liqni saqlash bo‘limida 15 nafar ayol faoliyat olib borgan. Denov tumanida Suvoqava tizimida 4 nafar, tuman sog‘liqni saqlash bo‘limida 21 nafar, Sanitariya epidimeologik stansiyada 5 nafar, Xayrabod paxta zavodida 19 nafar, Denov paxta zavodida 13 nafar, Paxta titish fabrikasida 8 nafar, Yog‘ ekstratsiya zavodida 37 nafar ayollar og‘ir va o‘ta og‘ir mehnat sharoitida faoliyat olib borib, ularning mehnat sharoiti o‘gi‘r darajada deb belgilangan [9]. Shuningdek, og‘ir mehnat sharoitida faoliyat olib boruvchi ayollarga qo‘shimcha imtiyozlar berilib borildi. Viloyat xotin-qizlariga O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining XIX sessiyasida xotin-qizlarga qo‘shimcha imtiyozlar to‘g‘risidagi chiqargan qonuniga asosan 3 yoshga to‘lmagan bolalar bor budjet hisobidan moliyaviy jihatdan ta‘minlanadigan muassasalar va tashkilotlarda ishlayotgan ayollarning mehnatga to‘lanadigan haqni kamytirmasdan ish vaqtining haftasiga 35 soatdan oshmaydigan qisqartirilgan muddatini belgilanishi hamda kamida 20 yillik ish staji bo‘lgan ayollarni 54 yoshga to‘lganda pensiya olish huquqiga ega bo‘lishi, ya‘ni umumiy belgilangan yoshni 1 yilga qisqartirilgan holda pensiya olish huquqi belgilanganligi xotin-qizlarga targ‘ibot tashviqot guruhlari tomonidan yetkazildi [10]. Shuningdek viloyatning barcha hududlarida xotin-qizlar huquqlari, onalik va bolalikni muhofaza qilishga doir qonunlarni amaliyotga tadbiiq etilishini chuqur tahlil etihis maqsadidagi Oliy majlisning inson huquqlari bo‘yicha vakili Ombustman tomonidan ishlab chiqilgan Monitoring asosidagi ishlar xotin-qizlar qo‘mitalari va mutasaddi tashkilotlarning doimiy nazoratida bo‘lib, bu sohadagi ishlar davom ettirildi [11]. 1999-yilning dastlabki 9 oyida 275 nafar ayol ishga joylashtirildi, 258 nafar xotin-qizlarga kasb mahoratlari o‘rgatilib kasb o‘rganish jarayonida ishsizlikka ko‘maklashish jamg‘armasidan 759, 5 ming so‘m mablag‘ to‘lanib ishga joylashtirish kafolatlandi. Bundan tashqari yil davomida bozor iqtisodiyoti sharoitida ish topishda boshqalar bilan raqobatlasha olmaydigan 723 nafar ayol hokimlik qarori bilan “Band” etilgan yoki yaratilgan minimal ish joylariga joylashtirilgan. Shuningdek qishloq joylarida maktabni tugatgan qizlarni “Biznes maktablar”da bilim olishlari tashkil qilib, ularda tadbirkorlikka oid bilm va ko‘nikmalarni tashkil qilish orqali qishloqlarda ham tadbirkor ayollar sonini rttirib borish chora-tadbirlari yo‘lga qo‘yildi [12]. 1999-yilda viloyatda jami 1701,8 aholi istiqomat qilib, shundan 846.1 nafarini xotin-qizlar tashkil etgan. Turmush sharoiti qiyin ayollar soni 1999-yilda 34192 nafar bo‘lib, ularni ham kasbga yo‘naltirish ijtimoiy holatini yaxshilashga alohida e‘tibor qaratildi. Viloyat tashkilotlarida, jamoa xo‘jaliklarida, muassasalarida (kichik biznes va yakka tartibdagi faoliyatda yashqari) tarmoqlar bo‘yicha ishlovchilar soni 360255 nafarni tashkil etib, shundan 133837 nafarini ayollar tashkil etadi (1999-yil bo‘yicha). Jumladan, 1999-yil viloyatdagi mavjud 732 ta o‘zini o‘zi boshqarish organlarining 40 nafarini ayollar boshqarib, 82 nafari ma’sul kotib, tarmoqlarda: sanoatda 5053 nafar, qishloq xo‘jalaigida 71521 nafar, o‘rmon xo‘jaligida 100 nafar, transportda 1132 nafar, aloqada 370 nafar, savdo va umumiy ovqatlanishda 1374 nafar, maishiy xizmat

ko'rsatishda 577 nafar sog'liqni saqlash va sportda 17877 nafar, xalq ta'limida 27280 nafar, madaniyatda 1808 nafar, moliya tizimida 956 nafar, qurulishda 1615 nafar, ilm fanda 60, san'atda 139 nafar, moddiy texnik ta'minotda 260 nafar, tayyorlov sohasida 531 nafar, boshqaruv organlarida 2983 nafar, axborot va hisoblash tizimida 25 nafar, geologiyada 58, boshqa sohalarning 176 nafarini ayollar tashkil etadi. Rahbarlik lavozimlariga ko'tarish uchun kadrlar zahirasi yaratish maqsadida turli sohalarda faol xizmat qilayotgan xotin-qizlarimiz kasb mahoratlarini oshirib, qobiliyatlariga qarab lavozimlarga ko'tarish choralari olib borildi [14].

Mamlakatimizda ayollarning ish bilan bandligini ta'minlash barcha davrlarda eng ustuvor masala sanalgan. 1999-yilda viloyat moliya boshqarmasi tomonidan kam ta'minlangan ayollarning 138 nafari ishga joylashtirildi, 225 nafar ayol o'qitilib, tikuvchilik, to'quvchilik, pazandachilik, hamshiralik va boshqa kasblarga o'qitildi hamda ishga joylashtirildi. Kasb o'rganish davrida ularga ishsizlikka ko'maklashish jamg'armasidan oyiga maosh tariqasida 705,5 ming so'm mablag' to'landi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida boshqalar bilan teng raqobotlasha olmaydigan 413 nafar ayol esa Viloyat va tuman hokimiyatlar qarori bilan "Band" etildi yoki minimal ish joylariga ishga joylashtirildi [15]. Ko'p bolali ayollardan 202 nafari, ta'lim muassalarini tugatgan 221 nafari, nogiron ayollardan 1 nafar, qamoq jazosini o'tab kelgan ayollardan 1 nafari mehnatga jalb qilinib, doimiy ishga joylashtirildi [16]. Ish bilan band etilgan ayollarning keyingi mehnat faoliyati hamda ularga ish joylarida yaratilgan sharoit viloyat xotin-qizlar qo'mitasi va ma'sul tashkilotlar tomonidan nazorat etib borildi. Ish bilan ta'minlanmagan 475 nafar ayol ishsiz deb e'tirof etilib ishsizlik nafaqasiga rasmiylashtirilib, ularga ishsizlikka ko'maklashish jamg'armasidan 1805.0 ming so'm ishsizlik nafaqasi to'landi va ish so'rab murojaat qilgan 235 nafar ayol vaqtinchalik haq to'lanadigan ishlariga jalb etildi. Ularga ishsizlikka ko'maklashish jamg'armasi tomonidan 365,8 ming so'm mablag' ajratildi [17]. Natijada, 1999-yilning oxiriga kelib Surxondaryo viloyatida jami 6268 yangi ish o'rni yaratilib, xotin-qizlarning ishsizlik muammosi alohida tahlil qilinib borildi. Keyingi yillarda ham xotin-qizlarning ish bilan ta'minlanishi va ularning ijtimoiy holatini yaxshilashga alohida e'tibor berildi. Xususan, 2000-yilga kelib Surxondaryo viloyatida ayollar uchun 3062 ta ish o'rinlari yaratildi. Shu ish o'rinlardan 492 nafari ko'p bolali va yolg'iz ayollarga, 247 tasi ko'p bolali ayollarga ajratildi. Shu davrda ayollarni sog'lomlashtirish borasida ham qator ishlar qilinib, 2001-yilda Honjiza dam olish uyida 350 nafar ona hamda bolalar sog'lomlashtirildi. O'ta yordamga muhtoj sanalgan 1125 nafar oila uchun viloyat xotin-qizlar qo'mitasi va homiy tashkilotlar tomonidan 54 ming AQSh dollari miqdorida mablag'lar ajratildi. 2000-yilda viloyatda jami 4377 ta nikoh qayd etildi. 2001-yilga kelib esa qayd etilgan nikohlar soni 4383 tani tashkil etdi.

2001-yilda viloyatdagi Xotin-qizlarning ish bilan bandligi va ishsizligi haqidagi aniq ma'lumotlarga asoslanib, hududdagi imkoniyatlar, ishchi resurs va talablarni tahlil qilish asosida ishsiz ayollarni ish bilan ta'minlash maqsadida Termiz shahrida joylashgan adaptatsiya markazida 124 nafar ayollar ishga o'rgatildi. Shu yili yilda mehnat bo'limlariga ishsizlik bo'yicha murojaat qilgan 9198 nafar fuqorolarning 3347 nafarini ayollar tashkil qildi. Shulardan 2180 nafar ayol ishga joylashtirildi. Shuningdek, 1204 nafar jamoat ishlariga jalb qilinganlarning esa 588 nafarini ayollar tashkil etadi. 2001-yilda viloyat bo'yicha 2001-yilda jami 15539 ta ish o'rni yaratigan bo'lib shundan 4108 ta ish o'rni ayollar uchun tashkil etildi [18].

2003-yilda oilalarning ijtimoiy hayotini yaxshilash, xotin-qizlarning jamiyatdagi

mavqeyini oshirish, o'rta va kichik biznesni rivojlantirish barobarida Surxondaryo viloyatida 6300 nafar ayol ish bilan ta'minlandi. Hunarga loyoqatli bo'lgan 300 nafar xotin-qizlarga esa kasanachilik bilan shug'ullanishlari uchun imkon yaratildi. Shuningdek, o'rta va kichik biznesni hamda xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish natijasida viloyat xotin-qizlar qo'mitasi tashbusi bilan 429 nafar ayol tuman xotin-qizlar qo'mitalarining harakatlari bilan esa 2000 nafardan oshiq ayollar ish bilan ta'minlandi [19]. 2004-yilda Surxondaryo viloyatida ayollar tomonidan boshqariladigan kichik va o'rta biznes obektlarini yanada kuchaytirish va uni targ'ib qilish maqsadida Qumqo'rg'on va Boysun tumanlarida amaliy seminar o'tkazish shuningdek viloyat xotin-qizlar qo'mitasi tomonidan 375 ta yangi ish o'rinlari yaratish, viloyat Mehnat va aholining ijtimoiy muhofaza qilish boshqarmasi bilan hamkorlikda ishsiz xotin-qizlarni ish bilan ta'minlash yuzasidan aniq tadbirlar rejalashtirildi va amaliyotga tadbiriq etildi [20]. Bundan tashqari, viloyat miqyosida ayollarga yangi ish o'rinlari yaratish maqsadida to'qimachilik korxonalarini bilan ham shartnomalar tuzilib yangi ish o'rinlari yaratib borildi.

Xulosa qilib shuni alohida ta'kidlash lozimki, xotin-qizlarning mehnatini muhofaza qilish, ularning bandligini ta'minlab, qulay mehnat sharoitlarini yaratib boorish respublika siyosatining eng ustuvor masalasiga aylanib bordi. Xotin-qizlarning mehnat huquqlarini himoya qilish maqsadida ishlab chiqilgan qonun va qarorlar barcha sohalarda ularning faolligining oshishiga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. 1999-yil 17-mart PF 117-sonli "O'ta zararli va og'ir mehnat sharoitlarida ishlayotgan ayollarning daromadiga imtiyozli soliq solish to'g'risida"gi qarori.
2. 1999-yil 4-mayda Vazirlar Mahkamasining 212-son "Bolalar va ayollar giginasi uchun tovar ishlab chiqarish va sotishni rag'batlantirishga doir chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori.
3. Gasanova M. Ayol huquqi va erkinliklari// Ijtimoiy va iqtisodiy huquqlar sohasida xotin-qizlarga nisbatan tahqirlanishning yo'l qo'yilmasligi. – T.: Adolat, 2002. – B. 37.
4. G'aniyeva G. O'zbekistonda xotin-qizlar masalasi: yangicha yondashuv, muammolar va yechimlar. Tarix.fan.nom. – T., 2006. – B. 64.
5. Surxondaryo viloyati hokimligi joriy arxivi. 2002 yilgi xotin-qizlar va ularning mehnat sharoitiga oid hisobot.
6. Surxondaryo viloyati davlat arxivi. 1091-fond. 1-ro'yxat. 830-yig'ma jild. 7-varaq.
7. Surxondaryo viloyati davlat arxivi. 1091-fond, ro'yxat-1,236- yig'ma jild-1474, 104-varaq.
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 1091-fond, 1-рўйхат, 1474-йиғма жилд, 105-варақ.
9. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 1091-fond, 1-рўйхат, 1474-йиғма жилд. 107-варақ.
10. Termiz shahar hokimligi joriy arxivi. 1999-yil qabul qilingan "Ayollar yili" davlat dasturining ijrosiga doir hisobot.

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ҲАҚИДА

Буриев Завқиддин
Навоий Давлат Кончилиқ
институтини тадқиқотчиси

Аннотация. Ўрта Осиёни чор ҳукумати томонидан мустамлакага айлантириш даврига оид нашрлар, совет даврига доир нашрлар, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўтказилган тадқиқотлар, чет эллик муаллифларнинг асарлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Туркистон генерал-губернаторлиги, Каспийорти вилояти, Каспийорти вилоятини Туркистонга кўшиш масаласи, Каспийорти вилояти бошлиғи А.Н.Куропаткин, Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом, Россия империясининг Каспийортидаги маъмурий сиёсати, Туркистоннинг эгалланиши, Оренбург ҳарбий губернатори, Ҳарбий вазирлик.

Аннотация. В нем представлены ценные сведения о периоде колонизации Средней Азии царским правительством, публикации о советской эпохе, исследования, проведенные после обретения Узбекистаном независимости, работы зарубежных авторов.

Ключевые слова: Туркестанский генерал-губернатор, Прикаспийская область, вопрос о присоединении Прикаспийской области к Туркестану, глава Прикаспийской области А. Н. Куропаткин, Устав Туркестанской области, административная политика Российской империи на Каспии, оккупация Туркестана, военного губернатора Оренбургского, Военного министерства.

Abstract. It contains valuable information about the period of colonization of Central Asia by the tsarist government, publications about the Soviet era, research conducted after Uzbekistan gained independence, and works by foreign authors.

Keywords: Turkestan Governor-General, Caspian region, the issue of annexation of the Caspian region to Turkestan, the head of the Caspian region A.N.Kuropatkin, the Charter of the Turkestan region, the administrative policy of the Russian Empire in the Caspian, the occupation of Turkestan, the military governor of Orenburg, the Ministry of War.

Тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган мавзунинг баъзи йўналишлари бўйича ҳозирга қадар маълум бир миқдорда адабиётлар мавжуддир. Концептуал-услубий ёндашувлар мазмунидан келиб чиқиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) Ўрта Осиёни чор ҳукумати томонидан мустамлакага айлантириш даврига оид нашрлар; 2) совет даврига доир нашрлар; 3) Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўтказилган тадқиқотлар; 4) чет эллик муаллифларнинг асарлари.

Биринчи гуруҳга хос тадқиқотларнинг ўзига хос тарафини чор режимининг сиёсатини хаспўшлаб кўрсатиш ташкил этади. Россия мустамлакачилик тарихшунослигини ўзида ифода этган бу асарлар чор Россиясининг ҳудудий экспансияси мафқурасига таянган, улар асосан чор маъмурияти буюртмасига кўра ёзилган ҳамда Ўрта Осиё минтақасида ҳокими мутлақлик тузуми ўрнатиш бўйича кўрилган чораларнинг қонунийлигини асослаш учун хизмат қиларди. Шунга қарамай, бу асарларда тарихий билимларнинг юксалишига хизмат қилувчи ва

қисман чоризмнинг аҳолини кўчириш сиёсатини акс эттирувчи қимматли фактик материаллар мавжуд эди.

Чоризм даврида яратилган тарихий адабиётларнинг тавсифига киришар эканмиз, шуни қайд этиш керакки, XIX асрнинг 60–80-йилларини қамраб олган биринчи босқичда аҳолини кўчириш сиёсати масалаларига бевосита бағишланган ишлар мавжуд эмас эди. Ўша даврда асосий диққат-эътибор минтақадаги рус хукмронлигини “илмий жиҳатдан оқлаш”га қаратилган, чор Россиясининг “қўшиб олинган” Ўрта Осиёдаги цивилизаторлик миссиясининг мафкуравий чизгилари асослари яратилаётган эди [1].

Ушбу йўналиш кейинги даврда ҳам давом этди. Бунга мисол сифатида М.А.Терентьевнинг уч жилддан иборат асарини келтириш мумкин [2], бу асар кенг оммани чоризм Ўрта Осиёга гўё “маданият” олиб келганлигига ишонтиришга тўла йўналтирилган эди. Шу билан бирга, XIX аср охиридан бошлабоқ расмий тарихшунослик доирасида Россиядан аҳолини кўчириб келтириш ҳолларини таҳлил этишга уриниш акс этган тадқиқотлар ҳам вужудга кела бошлади [3.11-12]. XX аср бошида, Россияда ўтказилган аграр ислохотлар жараёнида “деҳқонларни мустамлакаларга кўчириш” авж олган бир пайтда аҳолини кўчириш сиёсати масалалари билан алоқадор асарларнинг миқдори, айниқса ошди [4].

Ўша даврдаги муаллифлар, улар асосан давлат амалдорлари эдилар, аҳолини кўчириш ҳаракатини илмий ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эдилар. Улар яратган асарларда фактик материалларни баён қилиш уларни назарий таҳлил қилишга кўра устун эдилар. Тамойил жиҳатдан уларнинг асосий куч-ғайрати Туркистон аҳолиси ўртасида Россиядан кўчириб келтирилган, насронийлик динига эътиқодли кўчкинларнинг салмоғини оширишни асослашга қаратилганди, бу кўчкинлар эса залворли кредитлар, йирик ер участкаларидан, мустамлака маъмурлари мададидан фойдаланган ҳолда ерли аҳоли кўз ўнгида ўзининг устунлигини намойиш этиши ва чор режимининг таянчи бўлишлари лозим эди. Дарвоқе, империянинг бошқарув доиралари бўлсин, тадқиқотчилар бўлсин, Россиядан кўчириб келтирилганларнинг асосий қисми, айниқса, дастлабки босқичда, суғориладиган ерларда ишлаш учун на маблағи ва на тажрибаси бўлган деҳқонлар эканлиги хусусида, шунингдек, кўчириб келинганларнинг манзилгоҳлари ва казак станицалари туб жой аҳолидан зўрлик билан тортиб олинган ерларда қурилгани ҳақида лом-мим демайдилар.

Масаланинг бошқа бир тарифи ҳам диққатга сазовордир: кўпинча рус манбаларида, маҳаллий аҳолини эксплуатация қилишнинг кучайишига қарамаздан, чор маъмуриятининг мустамлака Туркистонини “боқиманда” сифатида кўрсатишга уриниш ҳам акс этган. Жумладан, ўлкани 1882 йилда тафтиш этган сенатор Ф.К.Гирс ёзган эдики, чоризм 1868–1881 йиллар орасида бу ерларда 10 миллион рубль сарфлаган ва “мазкур пулнинг катта қисми ерлилар тарафидан эмас, руслар тарафидан тўланган (метрополиядаги рус солиқ тўловчилари назарда тутилмоқда – Ш.Ғ.), шу билан бирга мазкур сумма, ҳеч шубҳасиз Туркистон ерли аҳолисининг фаровонлигини оширган” [5.306-307].

Мустамлакалаштириш жараёнлари оқибатларини бу тарзда сохталаштириш бундан кейин ҳам давом этди. Россия империяси ҳукуматининг, Туркистон ўлкаси мустамлака ҳокимиятининг ўлкани бошқариш ва аҳолини кўчиришга доир ҳужжатларини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, минтақани босиб олиш империянинг геостратегик мавқеини кенгайтириш ва минтақанинг жуда бой

моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш мақсадларида амалга оширилган. Метрополия аҳолисининг бир қисмини бу ерларга кўчириш эса ана шу мақсадларга эришишга хизмат қилиш керак эди. Ф.К.Гирс комиссиясининг, граф Н.П.Игнатъев, акад. А.Ф.Миддендорфнинг махсус комиссияси, К.К.Пален комиссияси ва кўплаб бошқа юқори мартабали империя амалдорлари, шунингдек, Туркистон генерал-губернаторларининг ҳисоботларида баён этилган таклифларнинг моҳияти ҳам айнан шунда эди.

Чор мустамлакаси даври тарихшунослигининг кўпгина нуқсонларни совет тарих фани ҳам ўзига сингдириб олган эди. Булар жумласига сўнгги хулосалар ва баҳоларни олдиндан расмий доиралар фикрига мослаш, тенденциозлик, империяча тафаккур анъаналарини киритиш мумкин.

Бу хусусиятлар тоталитар режимнинг тарихни ўта сиёсийлаштириш, уни коммунистик таълимот мафкура схемаларига тикиштириш, синфий-партиявий ёндашувларни қабул қилдириш каби зўрлик амалиёти туфайли кўпайиб борарди. Натижада тарихий тафаккур жуда бузуқ бир асосга таяниб ривожланди. Бугунги кунда совет даври тарих фанининг назарий хулосалари ва умумлашмалари тубдан қайта кўриб чиқилишга муҳтождир.

Шу билан бирга, қайд қилиш лозимки, тарих фанини сиёсийлаштириш ва тарихни сохталаштириш жараёнлари бир қанча босқичларни босиб ўтди. Бу борада ўтган асрнинг 20-йилларини қамраб оладиган дастлабки босқич алоҳида ажралиб туради. Бу даврнинг ўзига хос тарафлари совет тарихшунослиги фанининг ўша даврда эндигина туғилиб келаётгани, марказиятчи ва бир партияли установакалар ижтимоий-сиёсий тафаккурда ҳали устунликка эришмагани каби хусусиятлар эди, шу сабабли маълум бир даражада дунёқарашлар плюралиزم, шу жумладан, чоризмнинг аҳолини кўчириш сиёсати ва унинг оқибатларини ёритиш масаласида ҳам кўринади [6].

Жумладан, С.Муравейский, П.Г.Галузо ва Е.Федоров туб жой аҳолининг мустамлакачиларча эзиш масалаларини кўриб чиқар эканлар, ўлкани тўла мустамлакага айлантиришнинг шаклларида бири аҳолини кўчириш сиёсати эканлигини кўрсатиб ўтадилар. В.П.Вошинин кўчиб келганлар тарафидан маҳаллий деҳқонлар ва кўчманчи аҳолининг ерлари тортиб олганини қисман тадқиқ этди. В.Лаврентъев аҳолини кўчириш ҳаракатининг Туркистон иқтисодиёти “буржуача тадрижи”га таъсирининг баъзи қирраларини очиб берди. Аммо, умуман олганда, уларнинг хулосалари октябрь тўнтаришининг “объектив” шарт-шароитларини асослаш, ўша пайтда шаклланаётган пролетар ва миллий-озодлик ҳаракатининг большевикларнинг “социалистик тузумни қарор топтириш учун” олиб бораётган кураши билан “органик бирлиги” ҳақидаги концепцияни ҳужжатларга асосан тасдиқлашга қаратилган эди.

Туркистонни мустамлакага айлантириш, туб жой аҳолига нисбатан ўтказилган ижтимоий-иқтисодий ва миллий зулм, Россиядан оммавий равишда аҳолини кўчириб келтиришнинг оғир оқибатлари Т.Рисқулов ва айниқса Г.Сафаровларнинг ишларида тўлароқ очиб берилган эди. Жумладан, Г.Сафаров мустамлака маъмурлари ва рус кўчкинларининг туб жой аҳолига нисбатан улуғдавлатчилик-шовинистик муносабатини танқидий баҳолади, ўлкадаги миллий-озодлик ҳаракатининг автоном характерга эга эканлигини асосли кўрсатиб берган эди.

Бироқ ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб “тарих жаҳҳасига” нисбатан мафкуравий ҳужум сезиларли даражада кучайди. “Аксилленин концепциялар”га

қарши ва ва “маҳаллий тарихшуносликнинг ғоявий такомил учун” курашни авж олдириш учун “жуда катта зарурат мавжудлиги” расмий доиралар тарафидан эълон қилинди [6]. Жумладан, Г.Сафаров “ленинизмни троцкизм билан чалкаштириб юбориш”га интильгани учун айбланди. Тадқиқотчига “Октябрь инқилоби”нинг қонунийлигини инкор қилганлик, “миллий-мустамлакалар масаласини пролетариат диктатураси тўғрисидаги умумий масаладан ажратиб қараганлик” кабилар айб қилиб қўйилганди.

1934 йил 23 апрелда ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Марказнинг кўрсатмасига кўра Ўрта Осиё тарихшунослигидан Россиянинг курулли экспансияси ҳақидаги қарашларни чиқариб ташлаш ва бундан кейин бунга йўл қўймаслик, шунингдек, Туркистон ва ва Чўл ўлкасидаги рус ҳукмронлигини, империянинг Бухоро ва Хива хонлиги билан алоқаларини ҳар қандай тарзда салбий баҳолашнинг олдини олиш ҳақида махсус қарор қабул қилди.

30-йилларнинг иккинчи ярмида қатъий мафкуравий қолипларни жорий этиш йўли янада кучайди. Сталинча репрессив-тоталитар режимнинг ўрнатилиши натижасида тарих фани ўзининг азалий вазифаларидан жудо қилинди, тарихий тафаккур кучсизланди.

Ҳар томонлама зўрликка асосланган тузумнинг эзувчи муҳити ва архив ва бошқа ахборот манбаларига махфий тарзда руҳсат бериш тартиби илмий тадқиқотларнинг фақат сифатида эмас, балки миқдорида ҳам ўз аксини топди. Аслида тарих фанида мудҳиш инқироз юз берди.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан 50-йилларнинг бошига қадар асосан буюртмага кўра ёзилган бир қанча мақола ва рисолалар нашр этилди [7].

Масалан, ушбу диссертацияда кўриб чиқилаётган муаммога алоқадор иш сифатида Т.Шарованинг унча катта бўлмаган мақоласинигина келтириш мумкин [8], мазкур тадқиқотда асосий эътибор кўчириб келтирилган аҳоли “пролетар қатламларининг” ва маҳаллий “меҳнаткаш деҳқонлар билан синфий бирлигининг мустаҳкамланиши” ҳақидаги тезисни асослашга қаратилганди. Ана шундай концептуал-мафкуравий қарашлар ўша йилларда эълон қилинган бошқа ишларда ҳам мавжуд эди, уларда бошқа масалалар билан бирга билвосита аҳолини кўчириш ҳаракати билан боғлиқ ҳоллар ҳам кўриб чиқилган эди.

50-йиллар ўрталаридан бошлаб муаммога алоқадор тарихшуносликда маълум ўзгаришлар юз бера бошлади. Улар собиқ совет давлатнинг сиёсий ҳаётида юз берган умумий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Сталин шахсига сиғинишни қораловчи машҳур қарорлар қабул қилингандан кейин архивларга йўл очилди, илмий фаолият учун бирмунча қулай шарт-шароитлар яратилди. Натижада тадқиқотлар мавзулари кенгайди, уларнинг ҳужжатлар базаси бойиди.

80-йиллар охирига қадар давом этган янги тарихий босқичда тадқиқ этилаётган мавзуга у ёки бу даражада алоқадор кўплаб тадқиқотлар эълон қилинди. Улар орасидан, энг аввало фундаментал академик асарларни [9] ва йирик монографияларни ажратиб кўрсатиш лозим. Бу тадқиқотларда марксистик услубият нуқтаи назаридан Туркистон ва умуман Марказий Осиёни чор ҳукумати томонидан мустамлакага айлантириш тарихининг энг муҳим масалалари таҳлил этилди [10]. Бироқ уларда метрополиядан Туркистон ва Чўл ўлкасига аҳолини кўчириш ҳаракатининг турли тарафлари қисман ҳамда Ўрта Осиё минтақасининг Россияга “қўшиб олиниши”нинг “прогрессив оқибатлари” нуқтаи назаридан очиб берилди. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб совет тарихшунослигида

чоризмнинг Ўрта Осиёдаги босқинчилик ҳаракатларини хаспўшлаш тенденцияси пайдо бўлиб ва тобора мустақамланиб борган эди. Ҳатто “босиб олиш” атамаси “қўшиб олиш” тушунчаси билан алмаштирилган эди. Марказ ҳамда партия ташкилотларининг ҳушёр мафкуравий назорати, сиқуви остида тадқиқотчилар чор режимининг шафқатсизлигини хаспўшлашга, минтақа халқларининг озодлик ва мустақиллик учун кураши аҳамиятини ерга уришга, сунъий равишда фақат Россия империяси ҳомийлиги остида улар “тарихий тараққиётнинг илғор марраларига эришгани” ҳақидаги концептуал ҳулосани сунъий асослашга мажбур этилдилар. Бунинг натижасида чоризм мустамлакачилик сиёсатининг табиати объектив равишда очиб берилмади, ўлкани мустамлакага айлантиришда аҳолини кўчириб келтиришнинг роли кўрсатиб берилмади.

Ўзбекистонда илмий тадқиқотларнинг характери ва услубиятидаги кескин ўзгаришлар мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг майдонга келди. Давлат мустақиллиги эълон қилинган, Ватан тарихини ўрганиш йўлида яратилган сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Натижада тарихий тафаккурни поклаш, мустамлака ўтмишининг ҳақиқий аҳолини ёритиб беришнинг кучли жараёнлари бошланди.

Мустақиллик йилларида республикада кўпгина қизиқарли илмий ишлар вужудга келди, улардан сифат жиҳатидан янгича назарий-услубий нуқтаи назарлардан, миллий мафкура ва илмий билишнинг умумжаҳон тамойиллари асосида Ўрта Осиё ва Қозоғистонни чоризм томонидан мустамлакага айлантиришнинг энг муҳим кўринишлари қайта кўриб чиқилди.

Туркистоннинг босиб олиниш тарзи ва мустамлакачилик сиёсати моҳияти ҳақида янгича тасаввурларнинг шаклланишига Г.А.Ҳидоятлов, Г.А.Аҳмеджонов, Ф.Б.Исҳоқов, Ҳ.З.Зиёев, Н.А.Абдурахимова, Н.У.Мусаев, Д.Ҳ.Зиёева ва бошқалар [11] сезиларли улуш қўшдилар. Жумладан, Г.А.Аҳмеджоновнинг салмоқли монографиясида Ўрта Осиёнинг Россия империяси таркибига зўрлик билан киритилиши ва Туркистонни мустамлакага айлантириш масаласи бўйича Марказий Осиёда энг янги тарихшуносликнинг вужудга келиши ва ривожланиши тасвирлаб берилди. Монографияда ўлканинг босиб олиниши ва унда чоризм мустамлакачилик ҳукмронлигининг ўрнатилишига доир турли ёндашув ва нуқтаи назарларни ижодий равишда қайта тафаккур қилиш ва қиёслашга мувофиқ бўлинган.

Г.А.Аҳмеджонов тадқиқотларининг мантиқий давоми сифатида Д.Ҳ.Зиёеванинг ишлари намён бўлади, уларда мамлакатимиз тарихшунослигида биринчи марта Туркистон халқларининг XX аср бошида мустамлакачилик зулмига қарши кураши хусусидаги илмий билимларнинг вужудга келиб ҳамда кенгайиб бориши тарихи батафсил таҳлил этилади ҳамда Ватанимиз ва чет эл тарихий адабиётларида масаланинг мунозаралари ва кам ўрганилган жиҳатлари очиб берилди.

Ҳ.Зиёевнинг кенг қўламли ишида Марказий Осиё ва Россия манбаларидан фойдаланган ҳолда умумтарихий планда Ўрта Осиё хонликлари устидан империя ҳукмронлиги ўрнатилишининг фожиали саҳифалари, шунингдек, Туркистон халқларининг 1916 йилгача бўлган даврдаги миллий-озодлик ҳаракати масалалари батафсил ёритиб берилган.

Н.Абдурахимова ва Г.Рустамоваларнинг монографиясида Туркистон генерал-губернаторлигидаги мустамлакачи ҳокимият тизимининг моҳияти, таянган унсурлари ва хусусиятлари тавсифлаб берилган. Н.У.Мусаев чор мустақиллиги шароитида ўлкада саноат ишлаб чиқариши шаклланишининг мустамлакачилик

моҳиятини очиб берди. Ф.Б.Исҳоқов чоризм миллий сиёсатининг Туркистондаги асорат остидаги халқлар турмушига ўтказган салбий таъсирини унинг яққол кўриниши – кўчирувчилик сиёсати намунасида кўрсатиб берди. Г.А.Ҳидоятлов бу сиёсатнинг узоқ муддатли оқибатларини ва унинг совет режими тарафидан давом эттирилганини очиб ташлади. Шунингдек, тарихчи олим Ш.Ғаффоровнинг монографияси Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсатининг моҳияти, хусусияти ва услублари ҳамда кўчириш муносабати билан ўлкада юз берган ўзгаришларни очиб берган [12.224].

Ўлкамизнинг мустамлака ўтмиши ҳақидаги илмий билимларнинг кенгайишида уч жилдлик “Ўзбекистоннинг янги тарихи”нинг биринчи жилди [13] ва “XX аср бошида Туркистон: миллий мустақилликнинг тамаллари тарихига доир” номли умумлаштирилган монография [14] салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Чоризмнинг мустамлакачилик амалиёти ҳақидаги тасаввурларнинг кенгайишига Н.А.Абдурахимова, Р.А.Йўлдошев, А.М.Худойкулов, Х.Ш.Авазова, А.Суюнова, З.У.Чориев, Г.К.Рустамова, А.Э.Кураҳмедов, Т.В.Котюкова, Н.Ю.Потапова, Ж.Х.Исмоиловларнинг диссертацион тадқиқотлари ҳам ёрдам берди [15].

Совет тарих фанининг ҳолатига унинг жаҳон тарих фанидан ажралиб қолгани ҳам сезиларли салбий таъсир ўтказди. Тоталитар ўтмиш шароитида, маълумки, эркин дунё тадқиқотчиларнинг ишлари гўё тарихий воқеликни сохталаштириб келган “буржуа тарихшунослиги” умумий тушунчаси билан ифода этилди. Чет эллардаги тарихга доир адабиётлар ёппасига танқид қилинди ва улар мамлакатдаги тадқиқотчиларга етиб келмасди ҳам. Аслида чет эллардаги тарих фани чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши ва Туркистонни мустамлакага айлантириш билан боғлиқ жараёнларни систем таҳлил қилиш бўйича бой тажриба тўпланганди. Хорижий олимлар чор ва айниқса совет давридаги расмий тарихшунослигида ёритилмай қолиб кетган муаммоларга ўз ёндашувларини баён қилгандилар. Аммо чет эллик муаллифларнинг барча тадқиқотлари ўз концептуал ёндашувлари жиҳатидан бир хил деб бўлмайди. Уларда фикрлар ва ёндашувларнинг баъзан бир-бирига зид бўлгани қадар хилма-хиллиги кузатилади.

Хорижий тарихшуносликка оид манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, мазкур фан ўзининг шаклланиш босқичида асосий эътиборни Россиянинг Ўрта Осиё минтақаси томон силжишининг сабабларини изоҳлашга қаратилган эди. Жумладан, 1899 йилда Лондонда эълон қилинган Ф.Скрайн ва Э.Россининг “Осиёнинг юрагида” китобида [16] бу ҳаракатнинг асосий сабаби сифатида русинглиз рақобати тилга олинади.

Хорижий тарихшуносликда ушбу йўналишнинг шаклланиши ва ривожланишида Ўрта Осиё ҳамда Россиянинг “мусулмон” минтақаларидан кетган сиёсий муҳожирларнинг ҳиссаси катта бўлди. Мустафо Чўқай ўғли, Боймирза Ҳайит, Заки Валидий Тўғон ва бошқалар шулар жумласидандир [17]. Масалан, Францияга муҳожир бўлиб кетган Мустафо Чўқай ўзининг “Туркистон Совет ҳукмронлиги остида” номли китобида биринчилардан бўлиб Россия империяси миллий сиёсатининг Ўрта Осиё халқларига “бегона” эканлиги ҳақидаги концепцияни асослаб берди. Хужжатларга асосланган ҳолда у чоризм ва совет режимларининг мустамлакачилик амалиётларини ҳақли танқид қилди ҳамда бу сиёсатнинг таркибий қисми сифатида метрополиядан ортиқча аҳолини оммавий тарзда кўчириб келтиришни кўрсатиб ўтди.

Юқоридаги концептуал йўналишнинг ривожлантирилиши Б.Ҳайитнинг қатор

монографияларида ўз тасдиғини топди. Жумладан, “Туркистон XX асрда” ва 1971 йилда эълон қилинган “Туркистон Россия ва Хитой орасида” сарлавҳали фундаментал асарида у Ўрта Осиёда чор даврида ҳам, коммунистик тузумда ҳам миллий камситиш сиёсати ўтказиб келинганини ишонарли исботлаб берди.

Хорижий тарихшуносликнинг француз, немис, инглиз, Америка, турк ва бошқа мактабларида ҳам бу йўналишдаги эълон қилинган ишлар салмоғи ортди, уларда рус мустамлакачи ҳукмронлигининг Туркистон ва умуман минтақадаги кўпгина аспекти жиддий танқид остига олинди [18]. Масалан, У.Коллраз ва М.Фицрой ўз ишларида ўлкада рус тилида сўзлашувчи аҳолини кўпайтириш амалиётининг чор Россиясининг ҳарбий-сиёсий мақсадларига бўйсундирилганини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Ўз навбатида Р.Портел совет ҳокимияти минтақанинг туб жой аҳолисига нисбатан чор мустамлакачилари илгари ўтказиб келган сиёсатни янги шакллар ва услублар билан амалга оширмоқда, деб ёзади. С.Беккер чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати оқибатларини таърифлай туриб, туб жой аҳолига тегишли ерларни тортиб олиш, унинг миллий-маънавий ҳаётига кўпол аралаштириш, русоцентризм сиёсати ерли халқларнинг ҳаққоний қаршиликларини келтириб чиқарганини кўрсатиб ўтди. Э.Карре д’Энкос совет ҳокимияти даврида Туркистон билан бирга Бухоро ва Хива ҳам мустамлака ҳолида эди, дея таъкидлайди.

Муаммонинг шубҳасиз катта илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги, унинг долзарблиги, шунингдек, масаланинг тарихий жараёнларга замонавий қарашлар нуктаи назаридан ишланмагани ушбу тадқиқот мавзусининг танланишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Романовский Д.И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. – СПб., 1868; Костенко А. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – СПб., 1871; Терентьев М.А. Статистические очерки Среднеазиатской России // Записки Русского Географического общества. Отдел статистики. – Т. IV. – СПб., 1874; Миддендорф А. Очерки Ферганской долины – СПб., 1882; Он же. Фергана. – СПб., 1898; Верещагин В.В. Очерки, наброски, воспоминания. – СПб., 1883; Гирс Ф.К. Отчет о состоянии Туркестанского края. – СПб., 1883; Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. фон Кауфмана I-го по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 – 25 марта 1881 гг. – СПб., 1885; Мушкетов И.В. Туркестан. Т. I. – СПб., 1886; Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886; Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы (Общий очерк). – Т., 1890; Южаков Ю.Д. Итоги двадцатисемилетнего управления нашим Туркестанским краем. – СПб., 1891 ва бошқ.

2. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. – СПб., 1906.

3. Исаев А.А. Переселение в Русском народном хозяйстве. – СПб., 1891; Гейер И. Крестьянская колонизация Сыр-Дарьинской области. – Т., 1892; Григорьев В. Крестьянская колонизация. //Русская мысль. – 1893. № 2. – С. 11-12 ва бошқ.

4. Кауфман А.А. К вопросу о русской колонизации Туркестанского края. – СПб., 1903; Он же. Переселение и колонизация. – СПб., 1905; Витте С.Ю. Записка по крестьянскому делу. – СПб., 1905; Скрыплев П.А. Материалы по обследованию переселенческого хозяйства в Туркестане. – Т., 1909; Отчет по ревизии

Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом. Переселенческое дело в Туркестане. – СПб., 1910; Турчанинов Н. Итоги переселенческого движения за время с 1896 по 1909 гг. – СПб., 1910; Гаврилов Н.А. Переселенческое дело в Туркестанском крае (области: Сырдарьинская, Самаркандская и Ферганская). Чиновника особых поручений при Переселенческом управлении Отчет по служебной поездке в Туркестан осенью 1910 г. – СПб., 1911; Ямзин И.Л. Переселенческое движение в России с момента освобождения крестьян. – Киев, 1912; Кривошеин А.В. Записки главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912. Приложение к всеподданнейшему докладу. СПб., 1912; Вошинин В. Очерки нового Туркестана. Свет и тени колонизации. – СПб., 1914; Турчанинов Н., Домрачев А. Итоги переселенческого движения за время с 1910 по 1914 гг. – Пг., 1916 ва бошқ.

5. Гирс Ф.К. Отчет о состоянии Туркестанского края... – С. 306-307.

6. Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – М., 1921; Муравейский С. Материалы по истории Октябрьской революции в Туркестане. – Т., 1922; Вошинин В.П. О термине «колонизация». // О земле. – Пгр., 1922. – Вып II; Федоров Е. Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. – Т., 1925; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана: Сборник главнейших статей, докладов и речей. – Ч.1. 1917-1919 гг. – Ташкент, 1926; Галузо П.Г. Туркестан – колония: Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 г. – М., 1926; Шу муаллиф. Вооружение русских переселенцев // Коммунистическая мысль. – 1926; Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане. Буржуазная колонизация Средней Азии. – Л., 1930 и др.

7. Троцкистско-колониаторская концепция истории российского господства в Средней Азии. // Революция в Средней Азии. Сборник 3. – Т., 1932; Гуревич А.О. О положении на историческом фронте Средней Азии. // Революция и культура в Средней Азии. – Т., 1934.

8. Житов К.Е., Непомнин В.Я. От колониального рабства к социализму. – Т., 1939; Бунаков Е.Е. Развитие капитализма в Узбекистане. – Т., 1946; Житов К.Е. Краткий очерк истории Узбекской ССР. – Т., 1947 и др.

⁹ Шарова П. Переселенческая политика царизма в Средней Азии в 1906-1916 гг. // Историк-марксист, № 6, 1940

10. История Узбекской ССР. Т. I. Кн. 2. – Т., 1956; История Узбекской ССР. Т. II. – Т., 1968; История Туркменской ССР. Т. II. – Ашхабад, 1957; История Киргизии. Т. II. – Фрунзе, 1963; История Киргизской ССР. Т. II. – Фрунзе, 1984; История Казахской ССР. – Алма-Ата, 1957; История Казахской ССР. – Алма-Ата, 1978; Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. I. – Т., 1964 и др.

11. Рабочее и аграрное движение в Казахстане в 1907–1917 гг. – Алма-Ата, 1957; Фомченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирате. – Т., 1958; Он же. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX – начале XX вв. (Социально-экономический аспект). – Т., 1983; Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Т., 1959; Бендриков К.Е. Очерки истории народного образования в Туркестане (1865–1924 годы). – М., 1960; Галузо П.Г. Аграрные отношения на юге Казахстана в 1867–1914 гг. – Алма-Ата, 1965; Верещагин П.А. Переселенческая политика царизма в Сырдарьинской области Туркестанского края. – М., 1966; Аминов А.М., Бабаходжаев А.Х. Экономические

и политические последствия присоединения Средней Азии к России. – Т., 1966; Хидоятов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. (60–70-е годы). – Т., 1969; Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане (конец XIX–начало XX вв.). – Т., 1969; Давлетов Д., Ильясов А. Присоединение Туркмении к России. – Ашхабад, 1972; Канода Н.Н. Переселенческие поселки в Закаспийской области (конец XIX–начало XX вв.). – Ашхабад, 1973; Левтеева Л.Г. Присоединение Средней Азии к России в мемуарных источниках (историография проблемы). – Т., 1986 и др.

12. Хидоятов Г.А. Национальный вопрос в СССР. – Т., 1991; Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане). – Т., 1995; Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867–1917 гг.). – Т., 1997; Зияев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш (XVIII–XX аср бошлари). – Т., 1998; Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX–первой четверти XX вв. – Т., 1999; Мусаев Н.У. Формирование и развитие промышленного производства Туркестане (конец XIX–начало XX вв.): Автореф. дисс. ... доктора исторических наук. – Т., 1999; Зиёева Д.Х. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Т., 2000 ва бошқалар. Ғаффоров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар (XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошлари). – Т.: Фан, 2006. – 224 б.

13. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб (Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида). – Т., 2000.

¹⁴. Туркестон в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: Шарқ, 2000.

15. Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX вв). Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – Т., 1994; Юлдашев Р.А. Формирование национальной буржуазии в Туркестане (конец XIX–начало XX вв.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1994; Худайкулов А.М. К просветительской деятельности джадидов Туркестана (конец XIX–начало XX вв.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1995; Авазова Х.Ш. Развитие банков и фирм в Туркестане во второй половине XIX–начале XX вв.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1997; Суюнова А. Национально-освободительная борьба 1916 года в Туркестане (на примере Сырдарьинской области): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1997; Чариев З.У. Усиление колониальной политики в Туркестане в начале XX века (на примере мобилизации на тыловые работы): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Т., 1999; Рустамова Г.К. Колониальная сущность царской и большевистской власти в Туркестане (1867–1924 гг.). Автореф. дисс....канд. ист. наук. – Т., 1999; Курахмедов А.Э. Экономическая и культурная жизнь Самаркандской области второй половины XIX–начала XX вв. (по материалам «Туркестанского сборника»): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 2001; Котюкова Т.В. Проблемы Туркестана в центральных законодательных органах власти Российской империи (1905–1917 гг.) Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Т., 2001; Потапова Н.Ю. История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX–начало XX вв). Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Т., 2002; Исмаилова Ж.Х. Национально-освободительное движение в Туркестане в начале XX века.(на примере восстания 1916 года в Ферганской долине): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Т., 2002.

16. Skrihne F., Ross E. The Hearst of Asia. – London, 1899.
17. Чокай М. Туркестан под властью Советов. – Париж, 1935; Hayit B. Turkestan zwishen Russland und China. Amsterdam, 1971; Шу муаллиф. Turkestan im XX Jahrhundert. – Darmstadt, 1956; Z.V. Togan. Hatiralar. – Istanbul, 1969 ва бошқ.
18. Portel R. Formation de l'Union Sovietique et le probleme nationale. // «Revue historogue». Oct.-dec., 1956; Whecler V. Recent Developments in Soviet Central Asia. // The Geographical Journal. – 1957. June; Н. С. d'Encauce. Retorme et'revolution cher les musulmans de j'empire pusse. Paris, 1966; Becker S. Russin's protectorates in Central Asia, Bukhara and Khiva, 1865–1924. – Cambridge, 1968; P. Conguest. Soviet nationalities in practice. – London, 1967; Roes R. Reflections on the nationality problems in the Soviet Union. // Ethnicity: Theory and experience. – Cambridge, 1975; Bennigsen A., Wimbush S. Muslim National Communism in the Soviet Union: A Revolutionary strategy for the Colonial World. – Chicago-London, 1979; Rywkin M. Moscows Moslim Challenge: Soviet Central Asia. New-York, 1982.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Холбоева Дилноза Мамюсуповна

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё вилоятида кўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши ва янги совхозларнинг ташкил этилиши билан боғлиқ тадбирлар ва уларнинг натижалари ёритилади.

Калит сўзлар: совхоз, кўриқ ерлар, пахтачилик, ирригация, Комсомолобод совхоз.

Аннотация. В данной статье описаны мероприятия, связанные с освоением целинных земель в Сурхандарьинской области и созданием новых совхозов и их результаты.

Ключевые слова: совхоз, целинные земли, хлопководство, ирригация, совхоз Комсомолабад.

Abstract. This article describes activities related to the development of virgin lands in the Surkhandarya region and the creation of new state farms and their results.

Key words: state farm, protected lands, cotton growing, irrigation, Komsomolabad state farm.

Совет ҳокимияти олиб борган бир томонлама аграр сиёсатида Марказнинг пахта хом-ашёси бўйича топшириқларини бажаришни мақсад қилиб, Ўзбекистонда совхозларни ташкил этиш ҳисобига пахта ҳосилдорлигини оширишга жиддий киришди. Сурхон-Шеробод воҳасида 1960-йилларда ерларни ўзлаштириш учун янги ташкил этилган совхозлар моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш ва суғориш тизимини қуриш мақсадида 70 дона эксковатор, 20 дона скрепер, 120 дона бульдозер, 210 дона юк машиналари, 80 дона трактор ва бошқа техникалар жалб этилди [1].

Сурхон–Шеробод воҳасида янги суғориладиган ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида янги кўриқ совхозлар тузилди. Вилоятда Жанубий Сурхон сув

омборининг қурилиши ва янги ерларни ўзлаштириш мақсадида бир қанча трестлар ташкил этилди [2]. 1961 йилнинг охирида “Янгиобод” совхозининг 6-бўлими базасида 8226 гектар суғориладиган ерни ўз ичига олган “Комсомолобод” совхозини ташкил этилди [3]. 1962 йилнинг мартида Бойсун тоғ районидан 300 оила Комсомолобод совхозига кўчириб келтирилибди. Совхозга 950 гектар ер, етарли техника ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ажратиб берилди [4].

1961 йил 3 февралда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Сурхондарё ҳавзасидаги янги ерларни “Жанубий Сурхон сув омбори”нинг кучи билан ўзлаштириш ва суғориш бўйича чоралари ҳақида”ги қарорида 86,3 минг гектар ер майдонини етти йилда ўзлаштириш, шунингдек, “Занг” тизими бўйича 35 минг гектар янги ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш масаласи кўриб чиқилди [5].

Сурхондарё вилоятида ташкил этилаётган совхозларни суғориш тизимини таъминлаш мақсадида 1961 йилда “Сурхансовхозстрой” трести ташкил этилди. Натижада, “Жанубий Сурхон сув омбори” базасида Шеробод даштини оммавий ўзлаштириш бошланиб, Занг тизимидаги қўриқ ерлар массивида 1962 йил баҳоригача 2000 гектар ер очилди [6]. Сурхон-Шеробод воҳасида янги ерларнинг ўзлаштирилиши туфайли, ирригация-мелиорация ишлари учун катта маблағлар сарфланиб, янги совхозлар ташкил этилди.

Шеробод даштини ўзлаштириш ва суғоришни тезлаштириш учун 1963 йилда 11-сонли қурилиш жамламаси ташкил этилиб, Шеробод даштининг янги ерларини ўзлаштириш ва суғоришга жиддий киришилди. 1963 йилнинг 23 январида “Шеробод массивида янги ерларни ўзлаштириш ва колхозлар қурилишини шакллантириш ҳақида”ги Совет ҳукуматининг қарори бўйича, янги ерларни ўзлаштириш учун қурилиш ташкилотларига 4000 нафар мутахассислар юборилди [7].

Янги ерларни ўзлаштириш мақсадида Совет ҳукумати ташаббускор гуруҳлардан, айниқса, ёшларни жалб этишга алоҳида эътибор берди. Ибн Сино номли мактабнинг ўқувчиси Бўри Олломурадов бошчилигидаги бригада аъзолари 1963 йилда 20 гектарнинг ҳар бир гектаридан 37 центнердан пахта ҳосилини териб олдилар [8].

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1963 йил 23 январдаги “Шеробод массивида янги ерларни ўзлаштириш ҳақида”ги қарорига биноан, Сурхон–Шеробод воҳасини ўзлаштиришда иштирок этаётган қурилиш ташкилотларини ишчи-ҳодимлар билан таъминлаш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, қурилиш ташкилотларига Ғузор, Шеробод, Шўрчи, Денов районларидан кўшимча ишчи кучлари сафарбар этилди [9]. Натижада, Сурхон–Шеробод воҳасига 1963 йилнинг 1 чораги давомида 4000 ишчи-хизматчилар янги ерларни ўзлаштиришга жўнатилди. 1963 йилда “Сурханводстрой” СМУ учун Шеробод районидан 1000 киши, 11-сонли қурилиш трести учун Денов районидан 1200 киши, Ғузор районидан 1000 киши, Шўрчи районидан 3000 киши, 165-сонли қурилиш трести учун Шўрчи районидан 500 киши жалб этилди [10].

1963 йил баҳорида “Комсомолобод”га Денов районидан 30 нафар, Қашқадарё вилоятидаги Косон районидан 90 киши кўчириб келтирилиб, совхоз ҳудудида 2 та янги бўлим ташкил этилди ва ушбу бўлим бошлиғи этиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Риза Аҳмедов тайинланди. Янги бўлимнинг экин майдони

1250 гектарни ташкил этди.

1963 йил декабрда “Комсомолобод” совхозига қишлоқ хўжалигининг 21 нафар мутахассиси, тажрибали 120 нафар тракторчи, 35 нафар ҳайдовчи ва таъмирловчи ишчилар шунингдек, 60 нафар мироб юборилди. 3-совхозга 1964 йил 15 февралгача қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан 18 киши, тракторчилардан 130 киши ҳайдовчи ва таъмирловчи ишчилардан 50 киши, 180 нафар мироблар юборилди [11]. Бундан ташқари, иш кучини тўплаш ташкилоти ва кўчириш бўлими Бойсун ва Шерободнинг тоғли қишлоқларидан “Комсомолобод” совхозига 600 хўжалик ва 3-совхозга 500 хўжаликни кўчирди. 1964 йил Сурхондарё вилоятида 263,4 минг тонна пахта, 33,1 минг тонна дон, 8,9 минг тонна сабзавот, 4,9 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2,2 минг тонна ҳўл мева, 5,7 минг тонна узум етиштирилди. Вилоятдаги 67 та пахтакор хўжаликдан 57 таси ҳар гектар ердан ўртача 25 центнердан ҳосил олди [12].

1964 йилда Советобод кўриқ совхози ташкил этилиб, бу совхозга Шеробод районидаги, Қизил олма, Пошхурт, Зарабоғ, Қорабоғ қишлоқлари ва бошқа жойлардан одамлар кўчириб келтирилди. 1964 йилда Шеробод даштида Занг тизими бўйича 3660 гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, 1020 гектарига пахта экилди. Кўриқ ерларни ўзлаштиришга зарур бўлган техник таъминот яхшиланиб, қурилиш ташкилотлари учун зарур бўлган техника воситалари етказиб берилди. Масалан, 1963 йилда 11-қурилиш трести кўриқда 13 экскаваторга эга бўлса, 1964 йил уларнинг сони 50 тага етди. Автомобил ва кўтарма кранларининг сони бир йилда 5 тадан 23 тагача етди [13].

Сурхон–Шеробод воҳасида янги ерларни ўзлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1965 йил 7 июлда “Узглаводстрой” зиммасига Сурхон–Шеробод воҳасидаги совхозларнинг ирригация ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътиборни қаратишни юклади. Натижада Сурхон–Шеробод воҳасида, “Узглаводстрой” томонидан 1966 йилда 4,1 минг гектар, 1967 йилда 9 минг гектар, 1968 йилда 11 минг гектар, 1969 йил 12,6 минг ва 1970 йил 14,0 минг гектар ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолати яхшиланди [14].

1965 йилда Шеробод воҳасининг Музработ массивида Абдулла Набиев номли совхоз ташкил этилиб, Сариосиё районидаги “Ўзбекистон” колхозидан аҳоли кўчириб олиб келинди. Шунингдек, Термиз районидаги Таллимарон совхозидан ҳам аҳоли кўчирилиб келтирилди ва шу совхозга жойлаштирилди [15].

Абдулла Набиев совхозига Туркменистон ССР ва Сурхондарё вилоятининг Шеробод ҳамда Жарқўрғон районларидан одамлар кўчириб келтирилди. Кўчиб келганлар орасида илғор пахтакорлар – Тўхтамурод Қурбонов, Абдузоир Яхшиқулов, Бўйли Қурбонов ва илғор теримчилар – Шарифа Асадова, Санам Худойназарова, Ўғилой Қурбонова, Хурматой Ҳайитова ва бошқалар бор эди [16]. 1965 йил Шеробод районида 22,5 минг тонна пахта етиштирилди. Шу йили Сурхон-Шеробод воҳасидаги совхозлар сони 12 тага етди. Қўшимча тарзда Шеробод чўлларида 125 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, пахта етиштириладиган майдонлар миқдори 80 минг гектарга кенгайди [17].

1965 йилда Шоймардон Қудратовнинг 11 кишидан иборат бригадаси Файзобод кўриғига келиб, 75 гектар ерни ўзлаштиради ва пахта ҳосилининг 85 фоизини машиналар ёрдамида териб олди. Шоймардон Қудратовнинг ўзи машина билан 246 тонна пахта териб давлатга топширди. 1966 йилда пахта ҳосилдорлигини оширишда эришган муваффақиятлари учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

унвони берилди. 1966 йилда 175 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта етиштириб, давлатга 262 тонна пахта топширди.

Янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида ташкил топган Комсомолобод совхози 1967 йилда давлатга 6300 тонна пахта топширди [18]. Ушбу муваффақиятда механизатор Отамурод Худойназаровнинг хизмати катта бўлиб, унга 1966 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. 1967 йилда ўзининг бригадаси билан Шеробод даштига кўчиб ўтиб, 50 гектарнинг ҳар бир гектаридан 21,1 центнер ўрнига 23,5 центнердан пахта олди. Бу бригададаги жами ҳосил машиналар ёрдамида териб олинди. Янгиобод совхозида 1967 йилда 58 та бригаданинг 17 тасида бригадир мансабига агроном, маълумотли механизаторлар раҳбарлик қилди. Уларга Дуйна Пардаева, Нормурод Қурбонмуродов, Анор Хўжаназаров, Ҳазрат Ҳусанов, Сулаймон Муродов ва бошқалар кирди. Механизатор кадрларнинг сафлари тажрибали кишилар билан тўлдирилди. 1967 йилда совхозда 42 нафар механик ҳайдовчи тайёрланиб, натижада 60 та пахта терим машиналари икки сменада тўлиқ ишладилар.

Илғор механизаторлар Ш.Қудратов, О.Худойназаров ва бошқалар тажрибаси кўриқ ерларнинг комплекс механизациялашни тезлаштириб, Бозор Холлиев, Нормўмин Норбоев, Убайдулло Муҳаммадиев ва бошқалар ўз бригадаларида гектаридан 37-42 центнердан ҳосил олиш имкониятини пайдо қилди. Сурхон–Шеробод воҳасида пахта терим машиналарининг таниқли ҳайдовчи механикларидан Светлана Продан, Жума Жўрақулов, Ҳабиб Хуррамов, Хурсанд Қурбонов, Назир Қосимов, Тўрақул Худойқуловлар каби уста механик ҳайдовчилар етишиб чиқди [19].

1966 йилда ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида, Шеробод массивида 20,5 минг гектар ерда 60 минг тонна пахта етиштирилди. 1966 йил вилоятда суғориладиган майдонлар 183,3 минг гектарга етиб, 1961–1965 йилларда 43,3 минг гектар ер қишлоқ хўжалиги фойдасига киритилди. 1966 йилда Сурхон–Шеробод воҳасидаги янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобидан 70 минг тонна пахта ҳосили олинди, Шеробод районининг ўзида 41 минг гектар ер ўзлаштирилди. Сурхон–Шеробод воҳасида янги ерларни очиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласида маълум камчиликларга йўл қўйилганлиги туфайли, ирригация ва мелиорация соҳасида жиддий камчиликлар юзага келди. Янги ерларни ўзлаштириш даврида моддий техника базаси ҳисобга олинмаганлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати бузилишига, тупроқ унумдорлигининг пасайишига ва қишлоқ хўжалик экинларининг кескин камайиб кетишига олиб келди. Сурхон–Шеробод воҳасидаги каналлар, темир-бетон новлар ва ёпиқ қувурларни қуришдаги баъзи бир камчиликлар туфайли, ер ости сувларининг тўпланиб қолиши охир оқибатда, ер ости сувларининг кўтарилишига сабаб бўлди. Натижада Сурхон–Шеробод воҳасида 1966 йилда ўзлаштирилган 7600 гектар ер сифатсиз топилиб, ўзлаштирилган 36 минг гектар ерда ҳосилдорлик ўртача 2 центнерга камайди [20].

1967 йилнинг баҳоригача Шеробод даштига ўзининг оилалари, бригадалари билан вилоятнинг ҳамма районларидан 3000 нафар деҳқон оилалари кўчириб келтирилди. Масалан: “Советобод” совхозига Шўрчи райони Охунбобоев номли колхознинг комплекс механизациялаш бригадаси бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш.Қудратов, “Ленинобод” колхозидан илғор механизаторлар С. Бобоқулов, А. Қамчиев, Жаданов номли колхоздан Н.Умаралиев, М.Ҳайитов

ва бошқалар шулар жумласидандир [21]. Кўриқ ерларга Жарқўрғон, Шўрчи, Денов районлари ҳамда Тожикистон ва Туркменистон Республикалари шунингдек, Қашқадарё вилояти ва бошқа жойлардан ҳам колхозчилар, ишчилар, механизаторлар ва агрономлар жўнатилди.

Шеробод даштини суғориш ва ўзлаштириш дастури асосида Шеробод воҳасининг энг қадимги ҳосилдор ерлари бўлган янги Истара, Қизириқ массивларини ўзлаштириш бошланди. Бу иш “Жанубий Сурхон сув омбори” ва Шеробод машина магистрал каналининг қурилиши билан боғлиқ эди. 1966 йилдан бошлаб, Истара ва Қизириқ даштларининг суғорилиши ва ўзлаштирилиши оммавий тарзда амалга оширилиб, янги совхозлар ташкил этилди. 1968 йилда Қизириқ даштида Охунбобоев совхозини ташкил этилиб, ушбу совхозга Сурхондарё вилояти Жарқўрғон ва Шўрчи районлари ва Тожикистон ССРнинг Шартуз районида аҳоли олиб келинди. Хўжаназар Тўраев, Ренат Алимов, механизаторлар Жума Жақпўлатов, Эшдавлат Раҳмонов, Омон Ҳимматовлар биринчи кўчириб келтирилганлардан эди. Сурхон–Шеробод воҳаси бўйича маълум бўлган тажрибали пахтакор-механизатор Алламурад Ёкубов ва унинг бригада бўйича ўртоқлари Оллоёр ва Бобоёр Эшбоевлар, Абдусаттор Мавлонов, Абдулла Менглиевлар ва бошқалар Шўрчи туманининг Энгельс номи колхозидан Охунбобоев номи кўриқ совхозига кўчириб келтирилди.

1968 йил Қизириқ массивида собиқ Ленин номи 6-кўриқ совхоз хўжалиги ташкил этилди. Унинг асосий ўзлаштирувчилари машҳур пахтакор Эргаш ва Файзулло Ҳасановлар, Бозор Гелдиёров Жарқўрғон районининг “Шарқ юлдузи” колхозидан агроном Чори Қурбонов, тракторчи Салом Бозоров, тажрибали пахтакор Чори Пайғамов, Саидахмад Бобоев, Алиёр Холиқовлар эса “Сурхон” совхозидан ва Термиз райони Жаданов номи колхозидан бригадир Тошпўлат Жумаев, у билан барга механизаторлар Юсуп Қорақулов ва Эшқувват Эгабўриевлар кўчиб келдилар.

Кўриқ ва ҳамма нарсага бой ҳосилдор ерлар замонавий техника, қулай манзилгоҳларга эга бўлса-да, лекин иш қўлларининг танқислиги сезиларди. Шунинг учун вилоятнинг ҳамма бурчакларидан одамлар қурувчилар, механизаторлар, далашунослар кўчиб келдилар.

Сурхон–Шерободвоҳасида янги ерларни ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқаришда техниканинг етишмаслиги натижасида ишлар асосан қўл меҳнати билан бажарилиб, маъмурий буйруқбозлик асосида кўрсатмалар бериш туфайли, қурилган каналлар ва ариқлар сув оқимида бардош беролмай тезда издан чиқди. Натижада сувнинг исроф бўлиши туфайли ерларнинг шўрланиш ва зах босиши кўпайиб борди. Шунингдек ҳосилдорликни оширишга жиддий эътибор берилиб, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга давлат томонидан назорат ўрнатилмади, натижада пахта ҳосилдорлиги йилдан йилга кўпайиб бориб, тола сифатига эътибор қаратилмади.

Қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш иншоотларини қуриш даврида Совет ҳукуматининг маъмурий-буйруқбозлик сиёсати натижасида, янги совхозлар ихтиёридаги экин майдонларининг агротехник ҳолати бузилиб, тупроқ, сув ва ҳавонинг заҳарланишига ҳамда, ғалла ва сабзавот экинларига ҳатто чорва молларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Бу эса ўз вақтида биологик ва экологик оқибатлардан ташқари оғир мусибатларга ҳам олиб келиб, аҳоли ўртасида турли касалликлар ва болалар ўртасидаги ўлим

ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлди. Бироқ, янги совхозлар ҳисобида пахта етиширишни кўпайтириш марказнинг асосий сиёсатидан бири бўлиб қолди. Маъмурий-буйруқбозлик сиёсатининг кучайиши натижасида, Сурхон–Шеробод воҳасидаги янги совхозларнинг тупроқ унумдорлиги пасайди, агротехник ҳолат анча ёмонлашди, бу эса кўплаб салбий оқибатларга олиб келди.

Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлиги туфайли хўжаликнинг бошқа соҳалари ривожланмай, меҳнаткашларнинг турмуш тарзи иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб борди. Пахта майдонларининг кенгайиши натижасида Сурхон–Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши асосида ташкил этилган янги совхозлар пахта экишга мослаштирилиб, мавжуд боғ-роғлар, полиз экинлари, аҳоли учун зарур бўлган мева ва сабзавот маҳсулотларини экиш кескин камайди. Шунингдек, яйловларнинг кўп қисми пахта экиладиган майдонларга айлантирилганлиги натижасида, чорва моллари туёғининг сони кескин қисқариб, аҳолининг гўшт, сут ва сут маҳсулотларини етиштиришга бўлган талаб ва эҳтиёжлари қондирилмади. Бутун Республикада бўлгани каби Сурхон–Шеробод воҳасида ҳам иқтисоднинг ривожланиши орқага кетиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида “оғриқли нукталар” пайдо бўлди. Янги ўзлаштирилган ва суғорилган ҳудудларда маҳаллий аҳолининг ижтимоий онги ва маънавиятидаги ўзгаришлар Марказ манфаатларига мослаштирилиб, миллий тил, тарих, дин, урф-одат ва анъаналарга салбий таъсир кўрсатди.

Совет ҳукумати даврида янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва ирригацияни ривожлантириш тадбирларини, тарихий жиҳатдан ўрганиб, қуйидаги хулосаларни тақдим этиш мумкин:

- Янги ташкил этилган совхозларда ерларнинг ўзлаштирилиши бир томондан қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот етиштиришни кўпайтирса-да, иккинчи томондан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги маъмурий буйруқбозлик, Марказ манфаатлари учун маҳсулот ишлаб-чиқаришни кўпайтиришга уриниш “кўзбўямачилик”, “қўшиб ёзиш” каби иллатларининг шаклланишига имконият яратди;

- Янги ташкил этилган совхозларда сунъий суғориш тармоқларининг қурилиши, ер тузилиши ва тупроқ ҳолатини ҳисобга олмасдан амалга оширилиши натижасида ерларнинг шўрланиши, захлаш ҳамда экин майдонларида сувнинг тупроқ юзасига кўтарилишига сабаб бўлди;

- Янги ташкил этилган совхозларда пахта яккаҳоқимлиги энг юқори чўққига кўтарилиб, “пахта васвасаси” таъсирида, пахта жамият ҳаёти ва тақдирини белгиловчи асосий омилга айланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сурхондарё ВДА, 3-жамғарма, 2-рўйхат, 135-иш, 21-варақ.
2. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), 837-фонд, 39-рўйхат, 86-88-варақлар.
3. ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 58-фонд, 230-рўйхат, 4-иш, 214-варақ.
4. Газета «Ленинское знамя», 23 октябры, 1962 года.
5. ЎзМА, 837-фонд, 38-рўйхат, 8534-иш, 14-варақ.
6. ЎзМА, 39-рўйхат, 580-иш, 86-варақ.
7. «Ленинское знамя», 8 января, 1963 года.

8. «Ленинское знамя», 6 ноября, 1963.
9. ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 1-фонд, 23-рўйхат, 12-иш, 171-варақ.
10. ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 1-фонд, 23-рўйхат, 12-иш, 176-варақ.
11. ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 1-фонд, 23-рўйхат, 21-иш, 71- варақ.
12. «Ленин байроғи» газетаси, 1965 йил, 4 февраль.
13. «Ленинское знамя», 20 ноября, 1963 года.
14. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1969 йил 1 октябрь.
15. Журнал «Партия турмуши», №5, 1967.
16. «Ленин байроғи» газетаси, 1966 йил, 1 май.
17. «Ленин байроғи» газетаси, 1965 йил, 24 май.
18. «Ленинское знамя», 26 апреля, 1968 года.
19. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, 1969, № 6.
20. Сурхондарё ВДА, 3-фонд, 18-рўйхати, 112-иш, 118-варақ.
21. Газета «Правда Востока», 30 декабря, 1970.
22. «Ленин байроғи», 1969, 15 май.

ЧИНГИЗХОННИ ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИГА ҚАРШИ СИЁСИЙ РЕЖАЛАРИ ВА УНИНГ МАҚСАДЛАРИ

Қаюмов Алишер Тожиевич
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси
илмий тадқиқотчиси

Аннотация. Чингизхон истилосининг Мавороуннаҳр аҳолиси тамаддунига салбий таъсирига оид манбалар Чингизхоннинг Мавороуннаҳрга истилочилик ҳаракатларнинг стратегия йўналишлари, ўша даврдаги туркий, туркийлашган ва мўғул қабилалари, уларнинг урф-одатлари, аъаналари, ўзаро бирлашиш сабаблари, уруш олиб бориш тактикаси, мўғулларнинг жанговар қобилияти, шаҳар ва қишлоқларнинг истилочилар томонидан босиб олиш усуллари ҳамда амалга оширган талончилик ҳаракатлардан халқ бошига тушган кулфатлари ёритиб берилган

Калит сўзлар: режа, мақсад, истило, тамаддун, урф-одатлар, аъаналар, жанговар, карвон йўллар, савдо-сотик, талончилик.

Аннотация. Источники негативного влияния чингисханского нашествия на цивилизацию Маворуннахра Стратегические направления Чингисхана нашествия на Маворуннахр, тюркские, тюркские и монгольские племена того времени, их обычаи, традиции, причины объединения, тактика ведения войны, городская тактика, Монгольская война, методы оккупации и бедствия, причиняемые народу грабежами

Ключевые слова: план, цель, нашествие, цивилизация, обычаи, традиции, война, караванные пути, торговля, грабеж.

Abstract. Sources of the negative impact of Genghis Khan's invasion on the civilization of Mavorounnahr Genghis Khan's strategic directions of the invasion

of Mavorounnahr, the Turkic, Turkic and Mongol tribes of that time, their customs, traditions, reasons for unification, war tactics, urban tactics, Mongol warfare the methods of occupation and the calamities inflicted on the people by the looting

Keywords: plan, purpose, invasion, civilization, customs, traditions, war, caravan routes, trade, plunder. Рус шарқшуноси Академик В.В.Бартольд асарлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Чингизхон истилосини Мавороуннаҳрга бошланиш сабаблари ҳамда оқибатларини илк бор таҳлил этди [1.85]. Шунингдек рус тарихшунослигида алоҳида ўрин тутган ва Чингизхоннинг ҳаёти ва сиёсий бошқарув тизими, унинг Ўрта Осиёга бостириб кириши ҳақида қимматли манбаларни тақдим этган Б.Я.Владимирцевнинг асарлари тарихий манбаларни баён этиши билан кўплаб тарихчиларни ўзига жалб этган [2.7-8].

Чингизхон истилосининг Мавороуннаҳр аҳолиси тамаддунига салбий таъсирига оид манбаларни тарихий-этнографик жиҳатидан ўрганган рус шарқшуноси Н.Я.Бичурин тадқиқотлар мавзуни таҳлил этишда Чингизхоннинг Мавороуннаҳрга истилочилик ҳаракатларнинг стратегия йўналишлари, ўша даврдаги туркий, туркийлашган ва мўнғил қабиалари, уларнинг урф-одатлари, аъаналари, ўзора бирлашиш сабаблари, уруш олиб бориш тактикаси, мўнғилларнинг жанговар қобилияти, шаҳар ва қишлоқларнинг истилочилар томонидан босиб олиш усуллари ҳамда амалга оширган талончилик ҳаракатлардан халқ бошига тушган кулфатлари ёритиб берилган [3.40].

Мавороуннаҳр аҳолиси нисбатан Чингизхон раҳбарлигидаги ҳарбийларнинг тутган ҳаракати, маҳаллий мўнғил қабиалари, шунингдек, туркий қабиалар, уларнинг мўнғиллар билан алоқаси тўғрисида маълумотларни Е.И.Кычановнинг маълумотлари тарихшунослик фанига хизмат қилган манбалар мавзуни ёритишга муносиб ҳисса қўшди [4.639].

Чингизхон ҳокимиятининг шаклланиш ва сиёсий ҳокимияти, унинг дастлабки амалга оширган ислохотлари, Мавороуннаҳрга нисбатан истилоси, унда маҳаллий Хоразимшоҳларни муносабати, маҳаллий аҳолини истилочиларга қарши кураши хусусида муҳим тарихий манбаларни ифодалаб берган ҳамда изоҳлаган. Бу масалада Мавороуннаҳрдаги сиёсий жараёнлар, ички низолар, маҳаллий ҳокимият ўртасидаги келишмовчиликлар, шаҳарларнинг иқтисодий ва маданий ҳолати, шундай вазиятда Чингизхон истилосининг бошланишдаги дастлабки ҳарбий ҳаракатлар, унинг оқибатлари ҳақида қимматли маълумотлар тақдим қилган Н.П.Шастина тадқиқотлари мавзу учун алоҳида манба ҳисобланди. Унинг тадқиқотларида, ўзбек халқи тарихда энг аянчли ва оғир йўқотишлар даври бўлган Чингизхон истилоси, унинг бошланғич ҳаракатлар, шунингдек, марказий шаҳарларни истило қилиш жараёнидаги талончилик ва босқинчилик ҳаракатларнинг оқибати муҳим манбалари таҳлил қилиб берилган [5.57-58].

Рус шарқшуносларидан Д.И.Тихоновнинг Чингизхон тарихга оид илмий изланишларида Мавороуннаҳрда истилочилик урушларини олиб борган Чингизхон ҳарбий ҳаракатларнинг оқибатлари, ўнлаб йирик маданият марказлари ҳисобланган шаҳарларнинг маданий тараққиётдан турғунлик ҳолатига тушиб қолиши сабаблари ҳамда юзлаб қишлоқларнинг босқинчилик туфайли тарих саҳнасидан чиқиб кетиши, бунинг натижасида Европанинг Шарқий қисмини мўнғиллар томонидан истило қилиш ва унинг оқибатлари илмий таҳлил қилинганлиги билан ажралиб туради [6.58].

Л.М.Елифанованинг илмий тадқиқотларда Мавороуннаҳрдаги XIII–XVI асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга ҳам қисман тўхталиб ўтилган бўлиб, бу даврдаги сиёсий инқрозлар, унинг маҳаллий аҳоли бошига олиб келган

оқибатлари хусусида фикрлар тақдим этган [7].

Жумладан, ўзбекистонлик тарихчилардан Д.Раззоқовнинг тадқиқотларда XIII–XVI асрлардаги сиёсий жараёнларга қисман тўхталиб ўтилган бўлиб савдо муносабатлар, карвон йўллар ва унинг мўнғиллар истилоси даврда издан чиқиш сабаблари ҳамда оқибатлар ҳақида маълумотлар тақдим қилинган. Шунингдек, Х.Бекмуратовнинг илмий тадқиқотларда ҳам маълум маънода умумий хулосалар берилиб, XIII–XVI асрлардаги сиёсий вазият ҳамда мўнғил истилосининг Мавороуннаҳрга салбий оқибатлари манбалар йўналишида қисман фикр билдирилган [8.56-59].

Тарихчи олим Нисави шундай ёзади, элчилар 2-марта Хоразмшоҳ Султонни олдига (1218 йилнинг 2-ярмида) ташриф буюришиб, Иналчукхонни (Ғойирхон) уларга топширишларини ва бу йўл билан тинчлик сақланади деган талабидан Хоразмшоҳ шошиб, кўрқиб қолади. “Унда кўрқув шунчалик кучли бўладики, кўрқувдан ҳаттоки юрагига тушди”, (Нисавӣ, Сӣрат ас-султан..., араб. Текст, стр. 34, франц. Пер., стр.60; перс. версия, стр.52.) – Хоразмшоҳни нега шундай кўрқув босганидан кейин ҳам, у Чингизхонни талабини бажармади? Нисавийнинг маълумотича, “Султон, Иналчукхонни, Чингизхонга бериб юборолмасди. Чунки, Иналчукхон (Ғойирхон) (Нисавӣ, Сӣрат ас-султан..., араб. Текст, стр. 34, франц. Пер., стр.60; перс. версия, стр.52.) унинг онаси томондан аммакиваччаси эди. Уни элчилар қўлига топширишни бутун уруғ аймағига бўлган ҳақорат деб тушунади. Шундайича ҳам, Иналчукхонни топшириш жуда ҳам қийин масала эди. Чунки, у кучли ҳимояланган қаълада, бундан ташқари қўл остида 20 мингта яхши қуролланган отлиқ суворийлари бор эди. У жуда кучли қаршилиқ кўрсатиши мумкин эди, саройдаги кўпчилик аёнлар уни ҳимоя қилиб чиқарди. Шундан келиб чиқиб, Хоразмшоҳ фақат рад жавобини беради. Нисавий яна қуйидаги маълумотларни тақдим этади, агарда Хоразмшоҳ элчиларга шу рад жавобини бериб қуйиб юборса, Чингизхонга илтифот кўрсатган бўлади ва у яна кучлироқ талабларни ўртага ташлашидан кўрқиб, ҳеч қандай гуноҳи йўқ, элчиларни қатл қилишни амр қилади, шундай қилмаса уруш бўлиши аниқ дейди.

Ушбу ҳолатдан кўринадики, Муҳаммад Хоразмшоҳ урушга осонликча рози бўлмайди, балки юзага келган шарт-шароитдан мажбур бўлади. Нисавийнинг ёзишича, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг уруш олиб бориши учун ҳеч қандай аниқ режаси бўлмайди. Нисавий ўз маълумотида шуни алоҳида таъкидлаб; Хоразмшоҳ томонидан 3 та асосий хатоликка йўл қуйилган дейилади:

1. У Самарқанд атрофини 12 фарсангли (Т.е. около 78-80 км. Такая стена должна была защитить не только город, но и его сельскую округу.) баландликда ҳимоя девори қуришга ва бунинг учун зудлик билан халқдан (30.03.1218 й. дан 18.03.1219 й. гача) ер солиғини йиғимини талаб қилади. Лекин, Мўғуллар келгунча юқоридаги шаҳар ҳимояси билан боғлиқ қурилиш ишлари амалга оширилмайди.

2. Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзига қарам давлатлардан ўлпон йиғишни (19.03.1219 йилдан 7.03.1220 йилгача) шунингдек, (10.04.1217 йилдан 29.03.1218 йилгача) ўлпонларни йиғиштириб олишни талаб қилади, аммо бу ҳам амалга ошмайди. Агар ушбу сўмма йиғилганида, улкан қўшин жамлаш учун маблағ йиғилар ҳамда бундай катта куч билан Муҳаммад Хоразмшоҳ байроғини кўтариб, чегарагача бориш мумкин бўларди. Агар Хоразмшоҳ бу кўнгилли аскарларини тўплагунча кутганида эди, мисли кўрилмаган катта қўшин тўплаш имкони мавжуд бўларди.

3. Чингизхонни урушга отланганини ва йўлга чиққанини эшитган Хоразмшоҳ ва унинг қўшинлари Мавороуннаҳр (Нисавий, Сӣрат ас-султан..., араб. Текст,

стр. 35-37, франц. Пер., стр. 61-63; перс. версия, стр. 53-54. Там же приведен список городов, в которых были размещены гарнизоны, их численность и имена их начальников.) шаҳарларига жипслаштирмасдан ҳаммасини битта нуқтадамас балки унинг аксини, яъни гарнизон кўринишида тарқоқ ҳолатда жойлаштиради.

Нисавийнинг фикрича, бу Хоразмшоҳнинг энг катта хатоси эди. Агарда Хоразмшоҳ бутун бошли гарнизондаги кўшинларини бир жойга тўплаган вақтда жамики кучини бир нуқтага йиғиб, Мўғул босқинчиларига қарши кураш олиб борганида тарих умуман бошқа томонга ўзгарарди. Чунки у Мўғулларни, худди лочин куш – чумчукни тутиб олгани каби, уларни (татар) ер юзидан (Нисавий, Сийрат ас-султан..., араб. Текст, стр. 35-37, франц. Пер., стр. 61-63; перс. версия, стр. 53-54. Там же приведен список городов, в которых были размещены гарнизоны, их численность и имена их начальников.) бутун илдиизи билан юлиб ташлаган бўлар эди.

Агар Хоразмшоҳ, бутун феодаллардан тузилган кўнгилли кўшинларини бир мушт қилиб, Мўғулларига қарши қақшатқич зарба берганида, у бу урушда албатта ғолиб бўларди, худди шу таклифни Хоразмшоҳга имом Шихаб ад-дин Хиваки (Ибн ал-Асир, Ал-Камиль фи-т-тарих, стр. 237; СМЗО, т. I, стр. 6). ҳам айтган, дейди, тарихчи олим Нисави.

Доссон ва Бартольдлар (С.Д`Ohsson, Histoire des Mongols, t. I, стр. 212; В.В.Бартольд, Туркестан..., стр. 472–474.) шундай маълумот беришади, Хоразмшоҳ бир нуқтадан туриб катта қарши ҳужум бериш режасини рад этади, сабаби у ўз кўлидаги тобъе кўшин лашкарбошларига ишонмасди. Хоразмшоҳ бир нарсадан жуда кўрқарди, у агарда бир куч бўлиб, Чингизхон кўшинларини тор-мор қилганида ҳам, келажакда ушбу ғолиб кўшин айнан ўзи ва династиясига қарши тиғ кўтаришидан ва айниқса жанг вақтида баъзи бир феодал тобе зодагонларни душман томонига ўтиб кетишидан чўчийди. Айниқса, бу факт ўз тасдиғини топади, яъни феодаллардан баъзилари душман томонига ўтиб кетишади. Чингизхон томонидан уюштирилган ифвогарликларидан кейин, Хоразмшоҳнинг кўл остидаги тобе феодал зодагонларидан Турк вилояти (билад ат-турк) (Это были степи тюркских кочевых племен, в источниках именовавшиеся тогда Туркестаном; точнее, имелись в виду степи между Яиком и низовьями Сыр-Дарья.) вазиринанг ноиб Бадрад-дин Амид очикчасига Чингизхон томонига ўтиб кетади ва отасини Хоразмшоҳ томонидан қатл этилгани боис ундан қасос олишни маълум қилади.

Чингизхон ушбу ноибдан Таркан хотуннинг амир-қариндошлари томонидан ёзилганидек, сохта хатларни ёзишни буюради ва унда улар ўзларининг қабилалари номидан хизматларини таклиф қилганлигининг алоҳида кўрсатади, ҳамда улар Чингизхон нима хоҳиш тутса шу истагини бажаришга ваъда қилишганликлари кўрсатилади.

Ушбу аснода ёзилган хатлар, Хоразмшоҳ давлатига турк-мусулмон “жосуси” орқали етказилади. Хоразмшоҳга ушбу хатлар мазмуни маълум бўлгач, у саросимага тушиш билан ишонч ҳосил қилади ва кўшинларини шаҳар ва вилоятларини (Нисавий, Сийрат ас-султан..., араб. Текст, стр. 37-38, франц. Пер. 63-65; рес. Версия, стр. 55-56. Нисави говорить, что измена Амида имела место после взятия Отрара монголами, но, видимо, это произошло еще раньше, как думает и В.В. Бвртольд (“Туркестан..., стр. 474), судя по тому, что, по словам Нисави, именно эти фальшивки побудили хорезмшаха рассредоточить свои военные силы. А это решение было принято им в начале войны.) химоялаш учун

тақсимлашга қарор қилади.

Чингизхон иғво йўлини бошқа усулларни ҳам қўллаб-қувватлайди. Хоразмшохни қўшинлари кучларини бўлиб ташлашга қаратилган энг самарали усулларни ишга солади. Нисавийнинг ёзишича, 1219 йилнинг декабрь ойидан 1220 йилнинг февраль ойлари оралиғида Чингизхон ўзининг энг ишончли “жосус” ларидан бири (келиб чиқиши Ўрта Осиёлик) Донишманд Хожибни, Хоразмшоҳ Муҳаммадни онаси Таркан хотунни ҳузурига жўнатади ва унга, “ мен, сен билан уруш олиб бормоқчи эмасман, менга ўғлинг Муҳаммад керак, агар мен қўйган талабларимга рози бўлсанг, мен сенга тегмайман ва мабодо талабларимни бажаришни лозим топсанг, сенга совга тарикасида Хоразм ва Хуросонни бошқарувини колдираман”, деган таклифни етказдиради. Аммо Таркан-хотун бунга ишонмайди. Тез орада Чингизхонга, Хоразмшоҳ ва унинг онаси Таркан-хотун ҳамма бойликлари, оила аъзолари ва канизақларини олиб, Амударёнинг (Это произошло в апреле (по Джувейни) или а мае (по Джуджзвани) 1220 г.) нариги томонига ўтиб Мазандаранга (Н и с а в й, С й р а т ас-султан...., араб. Текст, стр. 38, франц. Пер., стр.65; перс. версия, стр. 56-57.) қараб йўл олишганлигини, ҳамда Хоразмга йўл очилганлиги маълум бўлади. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг соф асл сулолага асосланган ва нодавлат ниятларига олиб боровчи ҳалокатли режаси қўшинларни пассив мудофаага чорлади. Муҳаммад Хоразмшоҳ, уруш бошланишидан жуда ҳам асабий, қўрқоқ бўлиб қолганди, бунинг оқибатида у ўта умидсизликка тушиб қолади, бу эса Хоразмшоҳнинг уруш вақтида бирорта бир фаол иштирокини таъминламади. У фақат қўрқувда бўлгани боис, бошқарувни йўқотганди.

Юқоридаги манбалардан шулар маълумки, Чингизхон жуда ҳам кўплаб савдогарлардан ва унинг томонига ўтиб кетган феодал задогонлардан тузилган “жосус” ларига эга бўлиб, улар орқали Хоразмшоҳнинг аскарларининг ҳозирги аҳволи ва унинг давлатида яшаётган халқнинг ижтимоий аҳволидан ва улар билан Султон Муҳаммад ўртасидаги муносабатлардан яхши хабардор эди. Шунингдек, у томонидан (Чингизхон) жўнатилган элчилар тинчлик тўғрисидаги таклифи бу шунчаки, Хоразмшоҳни қарахт ҳолатга келтириб, кўнглига таскин беришдан иборат бўлиб, бу вақтда Мўғуллар қўшинларининг асосий қисми Шимолий Хитойни забт этишга йўналтирилган эди. 1219 йилга келиб, Чингизхон, Цзинь империясини тор-мор қилиб, унинг катта ҳудудларини босиб олганди. Энди, Чингизхон бемалол “Ғарб давлатларига” юриши мумкин эди. Хатто, В.В.Бартольд ҳам, “Чингизхон, Хоразмшоҳ Султонига нисбатан тинчлик сулҳи тузилганида ҳам, бунинг асл моҳиятида, барибир Чингизхон Хоразмшоҳлар давлатига босқинчилик юриши, кечроқ бўлса ҳам амалга ошиши эҳтимолдан холимас, деб маълумот беради (Ўтрон тўқнашуви).

Аммо, яна Бартольд уйлайдики, ушбу йилларда (1217–1218) Чингизхонда бундай интилишлар бўлмагандир, балки у умуман Хоразмшоҳни (В.В.Бартольд, Туркестан...., стр. 467.) заиф томонини билмагандир. Таҳлилларни кўриб чиқилса, Чингизхон ўз “жосус” ларини ва душман томонидан унга хизматга ўтганларни “Ғарбий давлат” ларни истило қилиш мақсадида, олиб борган ҳатти-харакатларини бир қисмидир.

Уруш бошланишида Чингизхон бекорга катта қўшин тўпламаганди, чунки у Хоразмшоҳнинг (В.В.Бартольд, Туркестан...., стр. 467.) катта куч қудрат тўплагани тўғрисида маълумотларга эга эди.

Биринчидан, у марказий куч ва душманнинг феодал-парчаланиб кетган ҳолати қанчалик заиф бўлмасин, маҳаллий қаршилик жуда ўжар бўлиб қолишни олдиндан кўрди; иккинчидан, шубҳасиз кейин Чингизхоннинг режаларида нафақат Ўрта Осиёни босиб олиш. Бу Ғарбий Осиё ва Шарқий Европани забт этишининг дастлабки босқичи бўлиши керак эди.

Буни 1220 йилнинг ёзида, ўз кўшинлари Амударё орқали ўтиб, кетгандан сўнг дарҳол Чингизхон Эроннинг Шимолий қисмини, Шарқий Закавказьяни ва Шимолий Кавказни вайрон қилган Жэбэ ва Субэдей каби лашкарбошилар қўмондонлиги остида 30 минг кишилик аскарларга эга корпусни юборганлигини, аланларни, кипчоқларни жангда таслим қилиб, Калка, Крим, Куйи Волгада русларни енгиб, ҳозирги Қозоғистон даштлари орқали 1224 йилда Мўғулистонга “ўз юртларига” қайтишади. Ушбу юборилган отрядлардан шуни кўриш мумкинки, ушбу ҳудудларни босиб олиш учун жуда ҳам пухта тайёргарлик кўришган. Агар шунақа режа бўлмаганида, 4 йиллик юришларини мазмун моҳияти йўқ эди.

Шундай қилиб, ҳали Шарқнинг забт этилмаган давлатлари Иртишгача, Орол денгизи, Амударё буйларини Чингизхон катта ўғли Жўжи ва унинг авлодларига ҳадя қилди.

Чингизхон ва Хоразмшоҳ ўртасидаги можаро тарихда яна бир асосий эпизод билан тўқнашамиз. Ҳали Чингизхон тириклигида шундай миш-мишлар тарқалган эдики, Аббосийлар Халифаси ан-Носир, унинг қабўлига ўз элчисини жўнатиб, ушбу элчидан Хоразмшоҳга хужум қилишга бошлайдиган тухматга тўла маълумотларни етказдиради. Тарихчи Ибн-ал-Асир, Халифа ан-Носир тўғрисида шундай ёзади, яъни агарда бу ҳақиқатан юз берган бўлса, айнан ан-Носир, Мўғул-татрларни мусулмонлар мамлакатига хужум қилишга ундовчи важлар билан Чингизхон ҳузурига элчисини жўнатгани бу ўта катта гуноҳ бўлиб, (Ибн ал-асир, Ал-Камиль фи-т-тарих, т. I, стр. 287. Ср. С. D'Ohsson, Histoire des Mongols, стр. 211; А.Мюллер, История Ислама, пер, Н.А. Медникова, т. III, СПб., 1896, стр. 223. Посольство Халифа к Чингисхану могло быть в 1217г., когда войска хорезмшаха шли на Багдад.) умуман кечириб бўлмас хатти-харакатдир. Шунингдек, Мирхонд (XV аср) ҳам, Халифани элчисини Чингизхон ҳузурига боришини таъкидлайди. Тарихчи Макриизи (1442 й) эса, бу ҳолатн (М и р х о н д, История Чингисхана, изд. ELOV, Paris, 1841, Стр. 102-104 (перс. текст) и бир асос сифатида баён этган. Аммо Бартольд бу асосларни афсона деб билади. Чунки Мирхонд ҳам, Абу ал-Асир ҳам эшитганларини маълумот тариқасида қолдиришган. Бироқ улар воқеликдан кейин, ижод қилишган бўлишса-да, улар бизгача етиб келмаган маълумотлар ҳақида баён қилувчи-манбалардир. Бироқ, буни асосли воқеликни исботи деб қабул қилиб бўлмасада, ҳақиқатга якинроқ ҳисобланади. Халифа Носир сунний мусулмонлар бошлиғи сифатида эътироф этилса-да, у Хоразмшоҳ билан уруш қила туриб, Найман хони Кучлукхон “куфир” билан иттифоқ тузишдан ҳам уялмасди, ўз вақтида “Кучлук” хонни забт этган ҳудудидан мусулмонларни хўрлаб, ҳайдаган бўлса ҳам, ўз ўрнида Хоразмшоҳ ҳам ан-Носирни Халифа сифатида унинг диний давлатини тан олмасди.

Хоразмшоҳ Муҳаммад, Халифадан унинг ҳукмронлик қилаётган давлатини тортиб олиш пайида бўлиб, уни ўзининг қўл остидаги тобеларидан деб билиб, “Алилар” имоми деб биларди. Аммо Ан-Носир Халифа, Мўғуллар истилоси бунчалик кенг микёсда бўлишини тасаввур ҳам қилмаганди. Охир оқибат Бағдод ҳам забт этилиб, халифалик тугатилди.

В.В.Бартольд ҳақ эди, унинг маълум қилишича, Чингизхон иғво билан суғорилган миш-мишларга таянмаган. Аммо Халифанинг элчилари (агар улар бўлган бўлса) Чингизхонга, Хоразмшоҳ давлати ички ва ташқи ҳолати, қудрати билан боғлиқ маълумотни ҳақиқатан етказилган бўлса ва бу маълумот воқеаларни жиддий тус олишига ёрдам бергандир. Демак, шундай хулоса қилишимиз мумкинки, Хоразмшоҳ урушни тарғиботчиси бўлмаган, у умуман уруш қилишдан қочган. Нима бўлганда ҳам Хоразмшоҳ ҳолатдан келиб чиқиб иш тутган. Демак, урушни тарғибот-ташвиқотчиси – Чингизхон, деган хулоса пайдо бўлади. У воқеликга шундай ёндошадики, ҳамма айбни Хоразмшоҳга ағдариб, мусулмон аҳолига ўзини Ислом динига душман эмаслигини кўрсатмоқчи бўлади.

Ғарбий Европа тарихчилари (С. D`Ohsson, Histoire des Mongols, t. I, стр. 212 и сл; А.Мюллер, История Ислама, т. III, стр. 223-226.) нинг таъкидлашича, улар Хоразмшоҳни – кўрқокликда, иродаси сустлигида ва жанг санъатидан укувсизлигида айблашади. В.В. Бартольднинг фикрича, бу қарашлар Хоразмшоҳга нисбатан асоссиздир. (В.В. Бартольд, Туркестан..., стр. 474.) Энди тарихга назар ташлаб бироз ўзимиздан тахминларни қўшсак, охириги 15 йилда Хоразмшоҳ Муҳаммад ўзининг бошқарувида иродали, мақсадга интилувчан ва энергияси жўшган ҳукмдор сифатида ўша даврнинг сиёсий оламига кириб келган шахсдир. Шуни айтиш жоизки, у ич-ичидан парчаланаётган, заифлашиб бораётган ҳукмрон давлатни бошқараётган эди. Айниқса, ўзидан кучлироқ давлат билан тўқнаш келишни ҳеч хоҳламасди. А. Мюллернинг фаразларича, Мўғуллар билан Хоразм давлати ўртасидаги уруш-муқаррар эди. Айниқса, бу уруш Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг ўлимидан кейин бўлиб ўтганида (Хоразмшоҳнинг охириги ҳукмдори Жалолоддин, Ғарбий Эрон ва Закавказьеда 1231 й. ча турган) у умуман бошқача кўриниш (А.Мюллер, История ислама. т. I. стр. 223.) олган бўларди. Лекин, Хоразмшоҳларнинг алмашиши кечаётган тарихий жараёнларга ўз таъсирини ўтказа олмасди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Образование империя Чингис-хана. – ЗВОРАО, Т. X, вып. I–IV, 1897, стр.105-119.. В.В.Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, ч.II, СПб., 1900. В.В.Бартольд. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград, 1927, стр. 85.
2. Владимирцев Б.Я. Чингис-хан, Берлин-Пг.-М., 1922.. Б.Я.Владимирцев. Общественный строй монголов. Монгольский кочевой феодализм. – Л., 1934, стр. 7-8.
3. Бичурин Н.Я. История первых четырех ханов из дома Чингисова. СПб, 1829, стр. 40.
4. Кычанов Е.И., Шавкунов Э.В. Дальний Восток в XIII-XVI веках. – «История Сибири» (Макет), (Новосибирск), 1965, стр. 639.
5. Шастина Н.П. Шара Туджи. Монгольская летопись XVII АЕКА, м.-л., 1957, стр.57-58 (текст) и стр. 10-142 (перевод).
6. Тихонов Д.И. Хозяйство и общественный строй Уйгурского государства. X-XIV вв., М-Л, 1966, стр. 58.
7. Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения её к России. – Т.: Фан, 1965.
8. Раззоқов Д. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари. (XIX асрнинг 60–90 йиллари): Тарих фанлари номзоди дис...автореф. – Т., 1994.

ЭТНОГРАФИЯ

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ СТЕРЕОТИПЛАРИ

Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси доценти,

тарих фанлари номзоди

Аннотация. Мақолада маданий этнографик макон ҳисобланган Сурхон воҳаси аҳолиси миллий таомларининг анъанавий стереотиплари, азалий турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятига хос бетакрор миллий хусусиятларини акс эттирувчи анъанавий таомлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: маросим, байрам, таомлар, тановул, этнография, дастурхон, этикет, маданият, гастрономия, хўжалик анъанлари, сумалак.

Аннотация. В статье рассматриваются традиционные стереотипы национальных блюд населения Сурханского оазиса, некоторые обычаи связанные с традиционными блюдами и их символическое значение, социально-культурные традиции на базе этнографических материалов.

Ключевые слова: ритуал, праздник, еда, этнография, посуда, этикет, культура, гастрономия, хозяйственные традиции, сумалак.

Abstract. The article presents traditional stereotypes of national dishes of the Surkhan oasis, the customs and traditional dishes and their symbolical meaning, some social-cultural traditions on the bases of ethnographical materials.

Key words: ritual, celebration, food, ethnography, dishes, etiquette, culture, gastronomy, household traditions, sumalak.

Инсоният ўзининг моддий, жисмонан мужассамланишида ҳам жисмонан, ҳам маънавий озуқа, яъни, тантанали, байрамона, кўргазмали таомларсиз, яъни, моддий ифодасиз ўз-ўзидан мавжуд бўладиган қувонч ҳам, қайғу ҳам бўлиши мумкин эмаслигини англаш мумкин. Байрамона таомнинг ҳар қандай шакли, *кўргазмали тарзда ҳашаматли ёки маълум эътиқодлар ёки сеҳрли маросимлар* билан боғлиқ ёки аксинча, овқатланишда *ўзини ўзи чеклаш* ҳақида сигнал берувчи ҳам бўлиши мумкин.

Агар илгари турли ҳудудлардаги аҳоли ўртасида байрам ва тантанали таомларда сезиларли фарқлар мавжуд бўлган бўлса, бу биринчи навбатда тенг бўлмаган табиий-иқлим шароитлари, шунингдек, қишлоқларнинг урбанизация даражаси ва уларнинг маданий эҳтиёжлари ва имкониятлари туфайли эди. Энди текислик ва тоғ қишлоқ аҳолисининг дастурхонидаги байрам ва маросим таомларининг таркибида деярли фарқ йўқ ва, албатта, бу ҳар бир оиланинг моддий аҳволига боғлиқ. Ҳозирги вақтда кўплаб анъанавий байрам таомлари нафақат сақланиб қолган (машаққатли таомлар ҳам, масалан сумалак, ҳалим ва бошқ.), балки янгилари ҳам пайдо бўлди.

Одатда, байрамлар хурсандчилик кунлари ҳисобланиб, бу кунларда кўпчилик кўнгилчоғлик янада яхши бўлишини истаб, тансиқ таомлар истеъмол қилишни ҳоҳлайди. Мўл-кўл дастурхон байрамнинг ўзига хос белгисидир. Таом ва

таомлар билан боғлиқ удумлар ҳар бир халқ моддий маданиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланиб, улар орқали ўзига хос турли маданиятлар шаклланишининг йўли, хусусияти ва бошқа эл-элатлар билан ўзаро алоқадорлигига оид қимматли маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Анъанавий таомлар инсоннинг кундалик турмуш тарзи ва ҳаёт фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Улар бир неча юз йиллар мобайнида турли халқлар оилавий ва тақвимий маросимларининг муҳим қисмларидан бирига айланган. Натижада, маълум бир анъана ва урф-одат билан боғлиқ тарзда тайёрланадиган махсус маросим таомлари пайдо бўлган. Улар кундалик, байрам таомлардан фарқли равишда аста-секинлик билан бажарилаётган урф-одатнинг таркибий қисми умумий овқатланиш ёки афсунгарлик ҳаракати объектига айланиб борган [1.161.].

Маросим таомлари кундалик таомларига қарама-қарши ҳам келиши мумкин (бунга шартли равишда дафн ва хотирлаш киради). Улар ўз навбатида *маросим-дунёвий* ва *маросим-муқаддасга* бўлинади. Яна ўз мазмунига кўра *идиш-товоқлар таркибида*, *иштирокчилар тўпламида*, *тайёрланиш мавзуларида* ва бошқа шу каби кўринишларда ҳам фарқланади.

Асосий эътибор *тақвимий* (Наврўз, Қурбонлик, Рамазон, деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ ва бошқ.) ва ҳаёт циклининг маросимлари (тўй, туғилиш, байрам, дафн-хотира маросимлари, табиат руҳларига қурбонлик келтиришлар ва бошқ.) учун характерли бўлган турли хил маросим таомларида тавсифланади.

Диний маросимлардаги хайр-эҳсон турларига: буқа, кўчқор, хўроз ва бошқа хайвон, паррандалар; болалашдан кейинги биринчи сутдан олинган ҳар хил турдаги таомлар; ҳосил йиғиб олингандан кейинги эҳсонлар бугдой, нон, донли маҳсулотлар ва бошқалар кўринса;

Оилавий маросимларда: болалар учун маросимлар, тўйлар ва дафн маросимлари ва хотирлаш цикларида: нон маҳсулотлари, ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланган турли хил таомлар ҳам катта рамзий характерга эгадир.

Сурхон воҳаси аҳолисининг маросим таомлари жумласига *ширбиринч*, *ёрма ош*, *умоч ош*, *қора ош*, *хатим оши*, *йил оши*, *ҳолвайтар* ва ис чиқаришда тайёрланадиган пишириқларни киритиш мумкин. Шунингдек, Наврўз ва бошқа халқ байрамлари, Йиди Рамазон, Йиди Қурбон ҳайитларида, бешик тўй, никоҳ тўй, суннат тўй, мучал тўй, пайғамбар ёши маросимларида, Мушкулкушод, Биби Сешанба, мавлудлик каби маросимларда пишириладиган таомлар ҳам киради. Айнан, мазкур маросимларда тайёрланган таомларнинг таркиби, номланиши, тайёрланиши ва тановул қилиниши жараёнида маълум бир жинсий, ижтимоий ва диний жамоа вакиллари, жамоа, уруғ, этнос, ўзаро ижтимоий муносабатлари ҳам намоён бўлган. Қолаверса, маросимий равишда тайёрланган таомларни биргаликда истеъмол қилиш одамлар орасида дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик ва қариндошлик алоқалари жадаллашувига, айрим ҳолларда таомнинг ўзи дўстлик ёки қариндошлик ришталари шаклланишига сабаб бўлган.

Воҳа аҳолиси анъанавий байрам таомларини эса *янги йил таомлари*; *ҳайитларда тайёрланадиган таомлар* (*қурбон ҳайити*, *рамазон ҳайити*) ва *диний маросимларда тайёрланадиган таомларга* бўлиб таснифлаш мумкин. Аҳолининг байрам таомлари орасида *мусулмон байрамлари* ва *рўза давридаги анъанавий таомлар*, уларнинг тайёрланиши ва тановули ўзига хос локал аҳамият касб этади.

Шу ўринда айтиш керакки, XX асрда ўзбек байрамлари мураккаб бир даврни бошидан кечирди. Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олиб, уни ўз мустамлакасига айлантиргач, ўлканинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб, ўзбек халқининг кўплаб байрамлари таъқиқланди. Маросимлар қисқартирилди, байрамона зиёфат анъаналарини сақлаб қолишга рухсат берилмади. Давлат ва диний байрамлар ўрнига деҳқон байрамлари маҳаллий ҳамжамиятларнинг ўзига хослигини мустаҳкамловчи тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Наврўз байрамининг тақдири аянчли бўлди. У ўзининг муқаддас маъносини йўқотди, “эскилик саркитлари” га қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, қадимий миллий, маънавий, маданий мерос, урф-одатлар, маросим ва байрамлар тафтиш қилинди. Наврўз байрами ўрнига “Колхоз тўйи” деган байрамни жорий этишди [2.67.]. Аммо миллий байрам ва маросимлар яширинча ўтказилаверди. Бундан кўриниб турибдики, ушбу байрамларнинг чекланиши унда тайёрланадиган таомларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Қолаверса, ўлкада маълум вақтларда байрам таомларини тайёрлаш ва истеъмол қилиш унутилиб ҳам борди.

Наврўз барча байрамлардан кўплаб архаик элементларни ўз ичига олган озиқ-овқатнинг ўзига хос турларини истеъмол қилиш билан ажралиб туради (сумалак). Ушбу байрам бир йил алмашинуви, тенг кунлик билан боғлиқ бўлиб, маросимий фаолиятда озиқ-овқат катта аҳамиятга эга. Ушбу байрамнинг энг муҳим маросим таоми сумалак қадимги анъаналарга кўра ундирилган буғдойдан пиширилади. Буғдой ўстириш бир ҳафта давом этади. Буларнинг барчаси таомланишнинг рамзий фазилатларига эга. Бошқа халқлар таомлари орасида ушбу таомга ўхшаш хусусиятларни учратиш қийин. Қадимдан турли халқлар ундирилган буғдой, жавдар, тарик, сули, арпа ва дуккакликлар (мош, ловия, нўхат, ясмик, яшил нўхат, соя) ерёнғоқ, писта уруғи шифобахш хусусиятга эгаллигини яхши билган. Айниқса, қишдан кейин баҳорги “илик узилди” даврида ҳам дармондориларга бой гиёҳлар униб чиққунича ундирилган донли ва дуккакли ўсимликлардан турли таомлар тайёрлашган. Ундирилган донли ва дуккакли ўсимликлар таркибида калий, кальций, кремний, хром, селен, мис, рух, темир, йод, B5, E, C, D, P витаминлари ва фолий кислота кўп миқдорда мавжуд бўлади. Сумалак инсонларнинг ошқозон-ичак йўлларида яхшиланишида ва иммунитетни мустаҳкамлашда жуда фойдали ҳисобланади. Уч минг йиллик тарихга эга *сумалак* оддий кўкартирилган буғдой ёки арпа майсасидан пиширилган [3. 205-211]. “Сума” – ивителинган буғдой ёки арпа маъносини англатувчи қадимги туркий сўз бўлиб, ивителинган буғдой номи, шарбат қилиш учун ундирилган арпага ҳам “сума” дейилади ҳамда одамлар “баракатга эришиш учун тос ёки бошқа идишларга арпа эккан”. Демак, бундан кўринадики, «сума» дастлаб буғдойдан эмас, балки арпа майсасидан тайёрланган, деган хулосани беради. Айрим тарихчилар, сумалак форсча “самони” – буғдой майсаси сўзидан келиб чиққан дейишса, у сумалак (ўтгиз фаришта) маъносини англатувчи тахминлар ҳам йўқ эмас. Шарқшунос олим О.Бўриев XVIII аср охирида форс тилида ижод қилган Хусайн ал-Оқилийнинг “Даволат хазинаси” китобидан қуйидаги: “саману – “найда”нинг форсча номидир. Уни “саману бавво” ёки “самани бўё” дейишади. Кўпгина мамлакатларда сеvimли, машҳурдир. У ширин ва лаззатли таомдир” деган сатрларни келтиради [4. 50-51.]. Фольклоршунос М.Жўраев сумалакнинг келиб чиқишини қадим замонда яшаб ўтган Ҳасан-Ҳусан ўғиллари бўлган, бир камбағал аёлнинг болалари оч қолганда, янги кўкарган ўт-

ўланларни йиғиб олиб, қозонга солиб қайнатганлиги, ҳақидаги афсонага олиб бориб боғласа, халқимиз орасида кенг тарқалган яна бир ривоятда Пайғамбарнинг қизлари, Ҳазрат Алининг жуфти ҳалоли Биби Фотиманинг ўғиллари Ҳасан-Ҳусан оч қолганларида ўтларни қозонга солиб қайнатганлиги, эрталаб очиб қараса, фаришталар таоми – сумалак ҳосил бўлганлиги кенг таърифланади.

Нима бўлганда ҳам келиб чиқиш тарихи ва тайёрланиши ҳақидаги ҳар иккала ривоятнинг ҳам мазмуни бир хил бўлиб, унинг янги ниш уриб чиққан буғдой ёки арпа майсасидан пиширилишига ишора қилинмоқда. Бошқа бир ривоятда айтилишича, сумалак “сималак” сўзидан олинган бўлиб, “ўттиз малак” деган маънони англатиб, тонгда ҳамма чарчаб ухлаб қолганда, фаришталар сумалакка туз соладилар ва у ширин бўлади, деб келтирилади [5. 10.]. Шунинг учун ҳам Сурхон воҳасида сумалакни “Малоикалар таомидан олайлик”, “Ҳасан-Ҳусанларнинг таомидан тотиб кўрайлик”, деб аввал жимжилоғи билан етти марта ялашади. Халқ орасида “Сумалакнинг кучи келгуси Наврўзгача етади”, деган нақл бор. У дармон дори, янги фасл, янги йил даракчиси сифатида пиширилган, уни “Эски йилдан чиқдик, янги йилга етдик” деб, ният қилиб тайёрлашган. Сумалак муқаддас маросим таоми сифатида уни тайёрлашга ҳар ким ҳам қўл уравермаган. Уни “саксонга сабоқ, тўксонга табоқ” берадиган кекса, кўпни кўрган, пиру-бадавлат, ақл-фаросатли, покиза ва кўп болани тарбиялаб, вояга етказган онахонлар тайёрлашган [6. 2011.]. Бир кун давомида пишириладиган сумалак атрофида ўйин-кулги ва хурсандчилик билан бирга, аждодлар руҳига дуолар ўқилган ва йилнинг яхши келиб, фаровон ҳаёт бўлишини Оллоҳдан тилаб, юзларига фотиҳа тортишган. Сумалак пиширишдан олдин *қатлама*, *сўзма*, *бўғирсоқ* пишириб, ис чиқаришган ва Биби Фотиманинг руҳларига дуои-фотиҳа қилиниб, кайвони аёл “Менинг қўлим эмас, Биби Фотиманинг қўли”, деб капгирни қўлга олиб ишлатган [7. 2015.]. Умуман олганда, нафақат маросим таомларини, балки, кундалик таом тайёрлашда ҳам воҳа аёллари, жумладан ош қилганда, “Менинг қўлим эмас, Биби Фотиманинг қўли, шириндан шакар, асалдан толли бўлсин”, деб капгир билан қозон қулоғига уриб, таомни бошлашади [8. 2019.].

Маросим дастурхонининг асосий таомлари ва маросим тушунчалари кенг этник маданий мазмунга эга тушунчаларга айланди. Дастурхонга маросим элементлари (*қатлама*, *сўзма*, *бўғирсоқ*) ни қўйиш, шунингдек, мавқеига қараб дуо қилиш тартиби, одати бугунги кунгача сақланиб қолган. Буғдой донини кўкартириш жараёни ҳам ўзига хос усулда бўлган. Кузда экилган буғдой тозаланиб, уй ҳароратида ёйиб қўйилган ва вақти-вақти билан сув сепиб турилган. Буғдойнинг кўп ўсиб кетмаслигига ҳам алоҳида эътибор беришган. Агар кўп ўсиб кетса, сумалак пишгач аччиқ бўлиб чиққан. Сумалак учун қўйилган донларга нопок одамларнинг кўзи тушмаслиги учун пана жойда ўстирилган ва фақат дон қўйган кишигина таҳорат олиб, сув сепиб турган. Байрамона таом ҳисобланганлиги учун азадор хонадонларда сумалак тайёрланмаган. Оппоқ ниш уриб чиққан майса орасидан қизил ниш уриб чиқса, бу ўстирилган буғдойдан сумалак қилишмаган, чунки қизил ниш хосиятсизлик аломати бўлиб, бирор фалокат олиб келиши мумкин деб ўйлаганлар [9. 2017.]. Сариосиё тумани қишлоқларида эса майса ичидан қизил ниш ўсиб чиққан бўлса, хосиятсизлик аломати сифатида хўроз сўйиб қон чиқарилган [10. 2011.]. Буғдой оппоқ ниш уриб, майса учлари яшилтоб бўла бошлаши, яъни майса бўйи 2-3 см бўлиши билан, уни ясси тошлар орасига олиб эзишган ва шираси етти марта сиқиб олинган. Етти рақамининг сири ва

илоҳийлигига ишонч катта бўлиб, минтақанинг деярли барча ҳудудларида майса шираси етти марта сиқиб олинганлигини кўриш мумкин [11. 28.]. Воҳада бундай ҳолатлар бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Сумалак тайёрлаш вақтида еттита тош ёки ёнғоқ солинган. Маълумотларга кўра, фарзанд кўрмаган аёллар 3, 5, 7 дона ёнғоқни “келаси йил сумалакка қадар фарзанд кўрай”, деган ниятда сумалак пиширилаётган қозонга ташлаганлар ва сумалак пишгач, шу ёнғоқларни олиб чақиб еганлар [12. 216-217.]. Шунингдек, аҳоли сумалакка ташланган тошни хосиятли деб билганлар ва ҳар бир тош ташлаш вақтида биттадан ният қилишган [13. 27-28.]. Сумалак тошини “серҳосил бўлсин” деб дарахт остига кўмганлар. Аслида эса бу тошлар сумалак пиширилаётганда қозон тагига олмаслиги учун солинган. Воҳанинг Жарқўрғон туманида сумалак қип-қизил чиқиши учун сумалак тагига ўт ёқишни қизил кийим кийган қиз бошлаб берган бўлса, Дарбанд қишлоғида сумалак устини қизил кўрпа билан ёпиб қўйганлар [14. 2012.]. Сариосиё тумани тожиклари эса, сумалак оловини икки юзи қип-қизил аёлга ёқтиришган [15. 2012.]. Сумалак пишириладиган қозонга ёғ солиниб, Биби Фотиманинг ҳақларига 3, 5, 7 та чалпак пишириб олинади. Сумалак ранги чиройли бўлиши учун Оллоҳ йўлига қизил хўроз сўйилади, ўчоқ бошида овқат қилиниб, Куръон оятлари ўқилади. Тайёр бўлган сумалак ёши улуғ, кайвони онахонлар томонидан очилади ва биринчи коса Биби Фотиманинг ҳақиға олинади. Сўнг маҳалланинг ёши катта бобо-момоларига, ётиб қолган беморларга, ногиронлиги бор фуқароларга улашиб чиқилади [16. 2019.]. Сумалак ёпилгандан кейин аёллар кечаси навбат билан кўриқлаб чиқади. Шу вақтда фаришталар сумалак бетига расм солиб кетаркан. Тонгда сумалак таҳоратли, оилада бахтини топган кайвони аёл томонидан очилади [17. 2011.].

Воҳа аҳолиси эрта кўкламда, сабзавот ва ҳўл мевалар пишиб етилмаган пайтда, сумалак истеъмол қилишнинг нақадар фойдали эканлигини яхши билганлар. Сумалак, нафақат кўп ривоятлар келтирилиши мумкин бўлган маросимий таом, балки халқнинг қишдан эсон-омон чиқиб, “илик узилди” (йўғон чўзилди, ингичка узилди) пайтда дармон бўладиган таом ҳисобланган. “Илик узилиш” даврида киши дармонсизланади, тинкаси қуриб ҳолсизланади, уйқуси келади. Баҳор келиши билан кўпчилик ўзини оғир, ҳорғин, эринчоқ ҳолда сезади. Қиш давомида организм шамоллаб қолмаслик, юқумли касалликлар билан курашиб, ўзидаги барча заҳира имкониятларни сарфлаб қўяди. Баҳорда ҳароратнинг тез-тез ўзгариши киши организмида бир маромда кечадиган физиологик жараёнларнинг боришида нуқсонлар пайдо қилади. Соғлом, ишлаб чарчамайдиган, чидамли одамларни “илиги тўла” деб атайдилар. Ҳақиқатан ҳам илик ёғи етарли бўлганларда қон доим керакли миқдорда ишлаб чиқарилади. Бу ҳол ўз навбатида кишини куч-қувватга бой, чидамли қилади. Баҳор фаслида юзага келадиган ноҳушликларни ўз вақтида бартараф қилиш учун кишилар сумалак, ҳалим ва ҳар хил кўкатлардан тайёрланган сомса, чучваралардан фойдаланишган. Сумалак 12 соатда тайёр бўлса, ҳалим 6 соатда тайёр бўлади. Сурхон воҳаси қишлоқларида баҳорда халқнинг иноқлиги, бирдамлиги билан пиширилиб, халққа улашилади.

Асосан, қўй гўшти ва кузги буғдой ёрмасидан қилинадиган *ҳалим*га майиз, ўрик, нўхат каби ёрдамчи маҳсулотлар ҳам қўшилиб, 6 соат давомида пишириладиган таом март-апрель ойларида катта хонадонларда оилавий жам бўлишиб, “Дармондорига бой, куч бўлади”, деб тайёрлайдилар. Шунингдек, қўни-қўшниларга, камида 7 кишига савоби тегсин деб, эҳсон қилиб тарқатилади,

“Йил давомида тўкин-сочинлик бўлсин”, деб [18. 2019]. Инсон организмга ижобий таъсир этувчи хусусиятлари кўп бўлган бу таом узоқ қайнатилиши натижасида гўшт суягидаги кальций, фосфор каби фойдали моддалар овқатга сингиб кетади ва айниқса, беморлар учун малҳамдир. Ёрманинг ҳар килосига тенгма-тенг тарзда гўшт солинади. Бу жараёнда қозонни тинмай кавлаб туриш талаб этилади. Дейлик, масаллик қозонга кеч соат олтида солинган бўлса, уни то тунги соат 12 га қадар кавлаб туриш зарур. Бу гўштнинг ҳил-ҳил пишишига ва ёрма билан батамом қўшилиб кетишига, таомнинг мазали бўлишига олиб келади. Шундан сўнг қозон қопқоғи ёпилиб, димлаб қўйилади.

Агар илик узилди ҳолатига тушган одамни қанчалик гўштли, ёғли иссиқ овқат билан таомлантурса ҳам улар энергия, айрим маъданли моддаларга бой бўлишига қарамасдан натижа ижобий бўлмайди. Чунки микронутриентларнинг етишмаслиги туфайли тизим қониқарли ишламайди. Шу нарсани айтиш керакки, микронутриентлар танага фақатгина истеъмол қилинадиган овқат, ичиладиган суюқликлар (сув, шарбат ва бошқ.) билан киради ҳамда заҳира сақланмайди. Шунинг учун ушбу озиқ моддалар етарли бўлган таомларни киши доимий суратда истеъмол қилиб туриши керак. Баҳор ойларида эса вужуднинг витаминлар ва маъданли моддаларга бўлган талаби анча юқори бўлади [19. 114.]. Илик узилди пайтида Сурхон воҳасида, яна, лахшак (шилпилдоқ, бешбармоқ, тўппа, кўлоби тўппа, калава тўппа), кўк чучвара, кўк сомсаларга инсон саломатлиги учун фойдаси бениҳоя катта ҳисобланганлиги туфайли урғу берилади [20]. Эътиборли томони шундаки, бу каби баҳорий таомларни нафақат халқ сайилларида, балки аҳоли хонадонларида ҳам тайёрлаш яхши анъанага айланган. Савобталаб инсонлар бу тансиқ таомлардан кўни-қўшни, маҳалладош, бемор, ногиронларни баҳраманд этиб, шу тариқа, меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таом ва таомлар билан боғлиқ удумлар ҳар бир халқ моддий маданиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланиб, улар орқали ўзига хос турли маданиятлар шаклланишининг йўли, хусусияти ва бошқа эл-элатлар билан ўзаро алоқадорлигига оид қимматли маълумотларни олиш мумкин. Жумладан, баҳорда пишириладиган *сумалак*, *дарвишона* таомлари аслида ҳам байрам, ҳам маросим таоми ҳисобланган.

Шуни ҳам айтиш керакки, маросим таомларининг инсонларни бир-бирига *бирлаштирувчи* вазифасидан ташқари, *шифобахшилик*, *тўйимлилиқ*, *кўрғазмалилик*, *маросимийлик*, *мавсумийлик*, *ҳимояловчи*, *покловчи*, *таъқиқловчи* каби бир қатор хусусиятлари аниқланди.

Халқнинг байрам ва маросим амалиётлари ўртасидаги турли хил алоқалар овқатланишнинг асосий шакллари иқтисодий ва маданий турлари билан боғлиқ бўлиб, бир томондан, таомланишнинг қандай муқаддас ва диний жиҳатлар билан тобора кўпроқ банд бўлганлиги кўринса, бошқа томондан, кейинги давр билан боғлиқ бўлиб, бу муқаддас ва диний жиҳатлар ўз аҳамиятини йўқота бошлаганлиги ва ғайриоддий (кундалик бўлмаган) озиқ-овқат турлари аста-секин кундалик овқатлар билан мувозанатлашганлиги ҳам кўринади.

Қайсидир таом у ёки бу байрамнинг тимсолига айланди ва бугунги кунда у ёки бу байрамнинг таомномасида сақланиб қолишига сабаб эса маълум бир маҳсулотлар мавжудлигининг мавсумийлиги, диний урф-одатлар, шунингдек, маълум бир таомнинг нуфузи омили ҳисобланади. Ушбу таомларнинг кўпчилиги ўнлаб йиллар ва ҳатто асрлар давомида содир бўлган деҳқон ва чорвадор ошхонасининг симбиозидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Листова Н.М. Пицца в обрядах и обычаях // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. – М., 1983. – С. 161.
2. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 67.
3. Исоқов Б.Р., Исақова Н.Б. Наврўз байрамининг маросимий таомлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент-Наманган, 2007. – Б. 205-211.
4. Бўриев О. Наврўз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – Б. 50-51.
5. Йўлдош Муқим ўғли Оташ. Наврўз нақли. – Тошкент, 1992. – Б. 10.
6. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон тумани, Оққўрғон қишлоғи. 2011 йил.
7. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон тумани, Улуғбек маҳалласи. 2015 йил.
8. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон тумани, Дўстлик маҳалласи. 2019 йил.
9. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Шеробод тумани, Лайлагон, Хомкон, Хатак қишлоқлари. 2017 йил.
10. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Сариосиё тумани, Телпакчинор қишлоғи. 2011 йил.
11. Жўраев М., Холмухаммедов К. Етти иқлимдаги етилар. – Тошкент, 1989. – Б. 28.
12. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – Б. 216-217.
13. Жавлиев Т. Анъаналар – ҳаёт сабоғи. – Тошкент, 1992. – Б. 27-28.
14. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон шаҳри ва Бойсун тумани Дарбанд қишлоғи. 2012 йил.
15. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Сариосиё тумани, Шотур тоғ аҳолиси. 2012 йил.
16. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Қумқўрғон тумани, Шерози маҳалласи. 2019 йил.
17. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон тумани, Оққўрғон қишлоғи. 2011 йил.
18. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон шаҳри, Дўстлик маҳалласи. 2019 йил.
19. Қурбонов Ш., Қурбонов А. Тўғри овқатланиш қоидалари. – Т.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2014. – Б. 114.
20. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон шаҳри, Дўстлик маҳалласи. 2021 йил.

СУРХОН–ШЕРОБОД ВОҲАСИДА МИЛЛИЙ ТҶЙЛАРДА НИКОҲ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР

Дўстназарова Мавжуд Эломоновна

Термиз давлат университети

Фуқаролик кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Никоҳ тўй маросимларида тўй бошланишидан тўй тугагунича бўлган даврдаги маросимларни уч гуруҳга: никоҳ тўйигача ўтказиладиган урф-одатлар, никоҳ тўйи даврида ўтказиладиган удумлар ва никоҳ тўйидан кейин ўтказилган расм-русумларга бўлиш мумкин.

Калит сўзлар: миллий тўйлар, никоҳ, маросимлар, қадриятлар, оила, удум, расм-русум, турмуш, сеп-сарпо, маҳалла.

Аннотация. В брачных обрядах обряды от начала свадьбы до конца свадьбы можно разделить на три группы: обряды, совершаемые до свадьбы, обряды, совершаемые во время свадьбы, и обряды, совершаемые после свадьбы.

Ключевые слова: национальные свадьбы, браки, обряды, ценности, семья, обычаи, обряды, брак, сеп-сарпо, соседство.

Abstract. In marriage ceremonies, the ceremonies from the beginning of the wedding to the end of the wedding can be divided into three groups: the rituals performed before the wedding, the rituals performed during the wedding, and the rituals performed after the wedding.

Keywords: national weddings, marriages, ceremonies, values, family, customs, rituals, marriage, sep-sarpo, neighborhood.

Ўзбекистонда оилага муносабат қадимдан энг муҳим қадриятлардан бири бўлиб, оилани ташкил этиш нафақат ота-онани балки қариндош-уруғлар, қўшнилар ҳамда маҳалланинг асосий вазифаси ҳисобланган. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини уйлантириш ва турмушга чиқариш жараёни билан боғлиқ никоҳга алоҳида эътибор билан қараган. Жамиятнинг энг муҳим ҳужайраси ҳисобланган оиланинг ибтидоси никоҳдир. Шунинг учун инсоният ибтидоий даврдан бошлаб махсус урф-одатлар тизими орқали оиланинг бирдам ва мустақкам бўлишига қаратилган тадбир сифатида никоҳ маросимини ўтказиб келган. Бу тадбир жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал одат кейинчалик ёзма тарзда қонунийлаштирилган маросим тусини олган.

Никоҳ тўй маросимларида тўй бошланишидан тўй тугагунича бўлган даврдаги маросимларни уч гуруҳга: никоҳ тўйигача ўтказиладиган урф-одатлар, никоҳ тўйи даврида ўтказиладиган удумлар ва никоҳ тўйидан кейин ўтказилган расм-русумларга бўлиш мумкин.

Сурхон воҳасида никоҳнинг “бел қуда”, “этак йиртиш” каби шакллари мавжуд бўлган. “Бел қуда” удумида қалин ошна оғайнилар хотинларининг ҳомиладорлик даврида дунёга келадиган бўлажак ўғил ва қизларини бир-бирига атаб қўйганлар. Дунёга келган бу фарзандлар ўсиб-улғайгач бир-бирлари билан турмуш қуришган. “Этак йиртиш” маросимида эса туғилган ўғил ва қизни ота-оналарининг келишуви, розилиги асосида чақалоқларни чақалоқлик давридаёқ унаштириб қўйилган. Ўғил ва қизнинг чақалоқлик даврида бундай унаштиришлари Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлиб, “қулоқ тишлаш”, “бешиқдаги унаштириш”, “бешиқ кертги” деб номланган [123-25]. Шунингдек, Афғонистонда

яшовчи Ҳазора халқлари ҳам болаларини ёшлигидаёқ уларнинг қулоғини тишлатиб қўядилар. Буни ҳазоралар “қанд ушатиш” деб атайдилар [2.35].

Сурхон воҳасида никоҳнинг левират, сорорат шакллари билан бирга “қарши қуда”, “куч куёв”, “ич куёв”, “вой-вой никоҳ” каби турлари ҳам мавжуд бўлган. Левират ҳамда сорорат никоҳнинг энг қадимий шаклларида бири бўлиб [3], воҳада левират удумига кўра, вафот этган киши марҳумнинг беваси (воҳанинг Шалдиروق, Ободон, Тўла каби қишлоқларида “жесир” деб аталган)га ака ёки бўйдоқ укаларидан бири уйланган. “Жесир” эга деб, марҳумнинг қариндошлари бевани бегона уруғга беришмаган. Агарда ака-укалардан бирортаси “жесир” (бева)га уйланмаса, қариндош уруғлар тўпланишиб, “жер (ер)да қолса жиянники” (яъни жер (ер)да қолган жесир жиянники) деб, марҳумнинг жиянларидан бирига мажбурлаб бўлса-да уйлантиришган [4.].

Сорорат одати ҳам воҳада тадқиқ этилаётган даврда мавжуд бўлиб, бунда хотини вафот этган эр марҳуманинг опаси ёки синглисига уйланган [5.106]. Никоҳнинг левират ва сорорат каби шакллари кўпинча иқтисодий ва оилавий ҳаёт тақозоси туфайли ҳаётга жорий этиб келинган.

Шунингдек, воҳада ҳозирда ҳам “қарши қуда” удуми кенг сақланган. Бу удум бўйича икки хонадон ўзаро бир-бирларига қиз олиб, қиз беришган. “Қарши қуда”чилик удумида воҳанинг иқтисодий ночор оилалари ўзаро келишиб, аҳволи ва имкониятларини ҳисобга олиб келиннинг сеп-сарпосини қилганлар. Лекин бир-бирларига қалин беришмаган. “Қарши қуда”чилик удуми Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Фарғонада у “қайчи қуда” деб аталган [6.20].

“Куч куёв” удумида қалин бериб қизни олишга қурби етмаган уй-жойи йўқ, камбағал, етим йигитлар қайнотасининг уйида яшаб, қалин ҳақиға ишлаб беришган. “Ич куёв” удумида эса ўғил фарзанди йўқ хонадон қизини бераётганда куёвни қайнотасиникида яшашни таклиф қилади. Куёв томони рози бўлгандагина йигит қайнотасининг уйида “ич-куёв” бўлиб келиб яшайди.

Сурхон воҳаси аҳолисининг маиший турмушида қизларни мажбурлаб турмушга бериш ҳоллари ҳам учраб турган. Бу “вой-вой никоҳ” удуми деб аталган. Бундай ҳолатларнинг айримларида қизлар мулла “ижоб” (никоҳ ўқилиши) қилиши учун “тан маҳрамлик”ка розилик беришмаган. Шундай вазиятда мулла қиздан розилик сўралаётганда орқа томондан сизнинг яқин бирор кишиси келиб билдирмасдан унинг биқинига қаттиқроқ бир туртади. Шу вақтда қиз “вой” деб юборганда қиз рози деб ижоб қилинган [7]. Агар келин бўлмиш “ижоб”сиз ҳомиладор бўлиб қолганда, кейин “ижоб” пайтида куёвнинг орқасига эшак тўқими боғланиб қўйилган. Куёв эшак тўқимини қўйдирмаса, мулла томонидан “ижоб” ўқилмаган [8]. Бу билан ёшларни исломий ҳамда ахлоқий қонун-қоидаларига риоя қилишлари талаб этилган ва шу тариқа қилган “гуноҳ”лари учун жамоа олдида изза қилинган.

Сурхон воҳасида йигитларни 15-17 ёшдан уйлантиришган, қизларни эса 9-11-13 ёшдан турмушга беришган. Этнографик дала тадқиқотлари жараёнида ёши кекса кишилардан нима сабабдан қизларни тўққиз ёшдан бошлаб турмушга бергансизлар, деб сўралганда, биринчидан, қизлар тўққиз ёшдан “гуноҳ” ёшига тўлади, иккинчидан эса ҳар бир ота-она ўзининг ор-номусини ўйлаб қизларини имконият даражасида эртароқ турмушга берганликларини таъкидладилар.

Марказий Осиёдаги бошқа халқлар сингари Сурхон воҳасида ҳам тадқиқ

килинаётган даврда оила қуриш совчиликдан бошланади. Воҳада бу удумни “қовуш йиртар”, “қўлни сўраш”, “қўл солиш”, “қиз кўриш”, “қиз танлаш” деб ҳам айтилган. Одатда совчилар “кичик” ва “катта” совчиларга бўлинади. Кичик совчилар яъни, “макиян совчилар” асосан аёллар бўлиб, йигитнинг онаси ҳамда энг яқинларидан сўзамол аёллардан бири билан борган. Удумга мувофиқ совчиликка уч марта борилган. Албатта, совчилар “эшигингизни супуришга келдик”, “эшигингизга қулчиликка келдик” каби сўзларни айтишиб сўнгра мақсадга ўтишган. Қиз томон розилик билдирса, совчилар олдига ёғли, тансиқ таомлар кўйишган, “қариндошлар билан маслаҳатлашайлик”, “яна бир келасизлар” деб жавоб қайтарилган. Агарда “ҳали қизимиз ёш”, “қизимизнинг боши боғланган”, “бошқа томонларни ҳам кўрингизлар” дейилса, бу рад этиш аломатидир.

Кичик совчилар қиз томондан розилик олганларидан кейин “катта совчи”лар, яъни йигитнинг тоғаси қишлоқнинг сўзамол, ували-жували, ҳурматли кишиси билан бирга борган. Қиз томоннинг розилиги олингач, нон синдириш кунини белгиланган [9].

“Фотиҳа тўйи” маросимини воҳанинг Хўжамулки, Чақар қишлоқларида “нон синдириш”, Дашнобод, Бўйрачи қишлоқларида “нон ушатиш”, Шалдироқ, Ободон қишлоқларида “ялоқ қизартар” маросими деб аталиб, бунда 4 та қатлама, 4 та патир, 4 кийимлик мато, 2 та бўйнига оқ рўмол боғланган қўй, мева-чевалар, ширинликлар, уларнинг ичида албатта кунжутли ҳолва бўлиши шарт бўлган [10]. Жуфт нон бўлажак келиннинг тоғаси ёки албатта бир никоҳли турмуш ўртоғи ҳаёт бўлган, ували-жували, оиласидан тинган, энг яқин қариндошлари томонидан синдирилган. Нон давра иштирокчиларга бўлиб берилган. Бу маросим икки ёшнинг эл олдида ўша кундан эътиборан унаштирилганлигининг ҳамда “фотиҳа хондаси” борлигининг нишонасидир. Маросимда қудалар ўртасида қалин бичилган. Воҳада белгиланган қалин пул, мол, буюмлар асосида тўланган. Масалан, қалин таркибида 20 та қўй, 1 бош бузоқли сигир ёки унинг бозор нархидаги пули, 20 та тўн ва бошқа турли нарсалар келишиб олинган [11]. Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам нон синдириш маросими мавжуд бўлган [12.125].

Шу ўринда воҳада никоҳ ўқилгандан кейин келиннинг маҳри куёв тарафидан белгиланган. Куёв мулкдор бўлса, мулкининг ёки чорвасининг муайян қисми, қимматбаҳо тақинчоқ (олтин, кумуш) тарзида келиннинг (умр йўлдошининг) маҳрини белгилаган. Белгиланган маҳрни (мулкни) ҳар қандай иқтисодий қийин шароитда ҳам хотиннинг рухсатисиз бирор-бир эҳтиёж учун ишлатиш мумкин бўлмаган.

Бу маросимдан кейин “келин қочув”, “куёв қочув” каби удумлари бажарилган, бунда қиз йигитнинг, йигит эса қизнинг яқин қариндошларига ҳурмат юзасидан кўринмасликка интилишган. Бу пайдан бошлаб икки ёшнинг ота-оналари бир-бирларини “қуда”, “қудағай” деб аташган [13]. Ўтказилган бу маросимлар замирида рамзий маънода бир-бирларини эътироф этиб, қариндошлик ришталари боғланган деб билишган.

Сурхон воҳасига хос никоҳда айрим чеклашлар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, воҳанинг тожиклар билан ўзбеклар, юзлар билан қатағонлар каби уруғлари ўртасида бир-бирларига қиз олиб, қиз беришмаган. Шунингдек, баъзи тоифалар – эшонлар, хўжалар, саййидлар ўзларини “оқ суяк”, бошқаларни “қорача”лар деб, уларга қиз бермаганлар. Чунки ўзларини ижтимоий жиҳатдан юқорироқ

мавқеда деб билган хўжалар, саййидларда эндогам никоҳ тури қатъийлашган эди. Бу билан улар, гўёки, ўзларининг “наслий софлиги”ни сақлаб қолмоқчи бўлганлар. Аммо айрим ҳолларда ўғилларини “қорачалар” (хўжа бўлмаганлар) дан ҳам уйлантирган-ликларини кузатиш мумкин. Хўжалардаги бу никоҳ тартиблари XX асрнинг 50-йилларигача қатъий сақланган эди. Бу одат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжудлиги ҳақида айрим тарихий-этнографик адабиётларда тўхталиб ўтилган [14.448]. Табиийки, ҳозирги даврда мазкур уруғлар орасида никоҳ муносабатларида бу чеклаш деярли ўз аҳамиятини тобора йўқотиб бормоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Sattor M. O‘zbek udumlari. – Toshkent: Cho‘lpon, 2007. – B.23-25.
2. Шомансурова О. Ҳазоралар. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 35.
3. Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. – Тошкент, 1960. – Б. 128; Антропова В.В. Культура и быт кояков. – Л., 1971. – С. 106.
4. Дала ёзувлари. 2021 йил. Шўрчи тумани Тўла, Ободон қишлоқлари.
5. Дала ёзувлари. 2021 йил. Қумқўрғон тумани Хўжамулки қишлоғи.
6. Наливкин В.П., Наливкина М. Очерк быта женщин туземного оседлого населения Ферганской области. – Казань, 1886. – С. 20.
7. Дала ёзувлари. 2021 йил. Шўрчи тумани Шалдиروق қишлоғи.
8. Дала ёзувлари. 2021 йил. Олтинсой тумани Тўхтамиш қишлоғи.
9. Дала ёзувлари. 2021 йил. Олтинсой тумани Тўхтамиш, Обшир қишлоқлари; 2002 йил. Узун тумани Отчопар қишлоғи.
10. Дала ёзувлари. 2021 йил. Шўрчи тумани Шалдиروق, Ободон қишлоқлари.
11. Дала ёзувлари. 2021 йил. Шўрчи тумани Тўла қишлоғи.
12. Андреев М.С. Материалы по этнографии Ягноба (записи 1927-1928 гг.). – Душанбе, 1970. – С. 125; Абрамзон С.А. Кўрсатилган асар. – Б. 31.
13. Дала ёзувлари. 2021 йил. Денов тумани Дунётепа қишлоғи.
14. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент, 2001. – Б. 260; Бўриев О. ва бошқалар. Ўзбек оиласи тарихидан. – Тошкент, 1995. – Б. 85; Лобачева Н.П. Брак // Семейный быт народов СССР. – М., 1991. – С. 448.

СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИДА АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1925–1941 ЙИЛЛАР)

Эшмўминов Озодбек Зиёдулла ўғли
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада совет даврида аҳолини кўчириш сиёсати ва унинг жанубий воҳалардаги аҳоли демографик жараёнларга таъсири масалалари ёритилган, таҳлил этилган ҳамда тегишли хулосалар берилган.

Сурхондарё воҳаси ижтимоий – иқтисодий жараёнлари ҳамда ички ва ташқи миграция масалалари, шунингдек, кўчирилган аҳоли хўжаликларининг демографик жараёнларида юзага келган ижтимоий муаммоларни ўрганишда муҳим манбалар ҳисобланади.

Калит сўзлар: Янги ерларни ўзлаштириш, аҳоли хўжаликлари кўчириш,

пахтачиликни ривожлантириш, кўчирилган хўжаликлар ижтимоий аҳоли, аҳоли демографияси.

Аннотация. В данной статье рассматривается, анализируется и делается вывод о политике переселения в советское время и ее влиянии на демографические процессы в южных оазисах.

Сурхандарьинский оазис является важным источником в изучении социально-экономических процессов и вопросов внутренней и внешней миграции, а также социальных проблем в демографических процессах переселенческих хозяйств.

Ключевые слова: освоение новых земель, переселение хозяйств, развитие хлопководства, социальное положение переселяемых хозяйств, демография населения.

Abstract. This article discusses, analyzes and draws conclusions on the policy of resettlement in the Soviet era and its impact on the demographic processes in the southern oases.

The Surkhandarya oasis is an important source in the study of socio-economic processes and issues of internal and external migration, as well as social problems in the demographic processes of resettled households.

Keywords: Development of new lands, relocation of farms, development of cotton growing, social status of relocated farms, population demography.

Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари аҳолисининг этнодемографик жараёнлари ҳамда аҳоли миграция жараёнларини ўрганиш бугунги кунда долзарб мавзулардан бири саналади. Жумладан Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан сўнг унга тегишли бўлган вилоятлар ҳамда округларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш жараёнлари ҳамда коммунал таъминланиш даражасида ўзига хос муаммоларни илмий тадқиқ этиш борасида бир қатор тадқиқотлар ҳам амалга оширилган бўлиб [1.134], ушбу маълумотлар Сурхондарё воҳаси ижтимоий – иқтисодий жараёнлари ҳамда ички ва ташқи миграция масалалари, шунингдек, кўчирилган аҳоли хўжаликларининг демографик жараёнларида юзага келган ижтимоий муаммоларни ўрганишда муҳим манбалар ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимизда аҳолини кўчириш сиёсатини амалга ошириш давомида бир неча ҳуқуқий ҳукумат қарорлари қабул қилиниб бу ҳужжатлар асосида ички ва ташқи миграция жараёнлари амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан аҳолини кўчириш ишларига доир 1925 йил 10 апрелдаги “СССР Марказий Ижроия Қўмитаси қошида Бутуниттифоқ Кўчириш Қўмитасини ташкил этиш ҳақида”ги ҳамда СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми қарори ва 1927 йил 21 февралдаги ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг “Ўзбекистон ССРда аҳолини кўчиришни республика бўйлаб режали ўтказилиши ҳақида”ги қарорлари шулар жумласидандир [2.215]. Мазкур қарорларда Бутун иттифоқ Кўчириш Комитетининг асосий вазифалари ва унинг Ўзбекистон ССРдаги аҳолини кўчириш бўйича аниқ мақсадлари ва кўчириладиган хўжаликлар учун ажратиладиган имтиёз ва моддий ёрдамлар хусусида маълумотлар кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон ССРда аҳолини кўчириш ишлари Ер ишлари халқ комиссарлиги, унинг қошидаги кўчириш бўлими томонидан амалга оширилган. Кўчириш тадбирларига бевосита раҳбарлик Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Йўлдош Охунбобоев зиммасига юклатилган [3.214].

Тарихий тадқиқотлар ҳамда дала этнографик маълумотлари шуни кўрсатадики,

[4.159] аҳолини кўчиришдан кўзланган асосий мақсад янги кўриқ ерларни ўзлаштириш орқали пахта далаларини кенгайтириш ва пахта мустақиллигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг барча ҳудудларида деҳқончилик соҳасини янада ривожлантиришга эришиш каби мақсадларни кўзлаб амалга оширилган..

Аҳоли ижтимоий демографик жараёнлари ҳамда миграция масалаларини илмий тадқиқ этилган тадқиқотларда пахта мустақиллиги учун Ўзбекистон меҳнаткашларининг кураши икки даврни – биринчиси, пахтачиликнинг тикланиши (1917–1928 йиллар), иккинчиси, пахтачиликнинг янада ривожланиш (1929–1932 йиллар) даврларини ўз ичига олади, дея таъкидланган. Шунингдек, ушбу асарда биринчи беш йиллик (1929–1932 йиллар) якунида СССР нинг пахта мустақиллигига эришуви ҳамда аҳолининг ижтимоий турмуш жараёнлари масалалари кўрсатиб ўтилган [5.124].

Шунингдек, тадқиқ этилаётган даврдаги аҳолини кўчириш ишлари билан боғлиқ жараёнлар асосан уч босқичда амалга оширилганлиги келтириб ўтилади. Биринчи босқич 1926–1928 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда аҳолини кўчиришнинг ҳуқуқий негизи ва механизми яратилди. Аҳоли асосан ўзлари яшайдиган округлар ичкарасидаги бўш ётган ерларга кўчирилган. [6.30] Иккинчи босқич 1929–1932 йилларни ўз ичига олиб, 1929 йилдан аҳоли округлараро ҳамда республика ташқарисига оммавий равишда кўчирилган. Сурхондарёга кўчирилган бир қатор водийлик аҳолининг аксарияти айнан мана шу иккинчи босқичда кўчириб келтирилган. Учинчи босқич 1932 йилдан кейинги йиллар бўлиб, аҳолини кўчириш аввалги йиллардаги тартиб ва йўналишларда давом эттирилди. Аҳоли хўжалиklarини кўчириш ишлари давомида албатта биринчи ўринда кўзланган мақсад, янги ерларни кўпроқ ўзлаштириш масалалари бўлиб ҳисобланиб. Кўп ҳолатларда уларнинг кўчирилиш жараёнлари билан боғлиқ муаммоларга етарли даражада эътибор қаратилмаган [7.39].

Сурхондарё вилоятига Фарғона водийси аҳолисининг кўчирилиши тарихини ўрганиш борасида дала этнографик тадқиқотлари ўтказилиши натижасида ушбу жараёнлар билан боғлиқ кўплаб ҳолатларни ўрганилди. Жумладан Сурхондарё вилоятининг Узун, Денов туманларида олиб борилган дала тадқиқотлар давомида кўчириш жараёнларининг иштирокчиси бўлган бир нечта фуқаролар билан ушбу жараёнлар билан боғлиқ тарихий маълумотларга эга бўлдик. Узун туманида истиқомадқилувчи Қўлдошев Мақсудали бобоаслида Андижон вилоятининг Асака тумани Тувадоқ қишлоғида 1926 йилда таваллуд топган. Мақсудали бобонинг сўзларига кўра 1928–1929 йилларда ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган Тувадоқ ва Мирзовод маҳаллаларининг бир нечта аҳоли хўжалиklarини Ўзбекистон ССР Олий Совет раиси Йўлдош Охунбобоев даврида Сурхондарё вилоятининг Узун туманига кўчирган. Кўчириш ишларининг сабаби эса ушбу икки маҳаллада ҳам аҳоли ниҳоятда зич яшаганлиги аҳолининг деҳқончилик ишларини олиб бориш учун кўшимча ерларга эга бўлиши имкониятини яратиш дея кўрсатиб ўтилган. Мақсудали бобонинг хотиралари кўра, дастлаб кўчиб келган ушбу ҳудудларда аҳоли истиқомат қилиши учун етарли шароит мавжуд бўлмаган. Яъни ушбу ҳудудлар одам яшамаган ҳамма ерлар қамишзор, ғиша билан қопланган бўлган. Аммо шундай оғир шароитлар бўлганлига қарамай аҳоли вакиллари аста-секин янги ерларга мослаша бошлаганлар. Ҳукумат раҳбарлари ҳам кўчирилганлар маълум имтиёзлар яратиш мақсадида деҳқончилик дала майдонлари ҳамда томорқа хўжалиklarига экилган экинлардан олинадиган солиқлардан имтиёзлар

яратиб беришган.

Кўчирилган аҳоли хўжаликлари ижтимоий турмуш даражасини тўла йўлга қўйиб олгунга қадар кўплаб муаммоли ҳолатларга дуч келишган. Жумладан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг етарли даражада билим олишлари учун шароитлар мавжуд бўлмаган. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган касалхона қўшни Тожикистон ҳудудида ҳамда қарийиб 30км узоқликда бўлган Денов туманида жуда кичкини ҳамда етарлича тиббий асбоб ускуналарга эга бўлмаган касалхоналар мавжуд бўлган. Етарли даражада техника таъминотининг мавжуд бўлмаганлиги натижасида аҳолига тезкор тиббий хизмат кўрсатиш умуман қониқарсиз ҳолатда бўлган. Мақсудали бобонинг оталари Қўлдашали Йўлдошев 1930 йил далада пахта суғораятган пайтда қон босими кўтарилган аммо яқин атрофда касалхона ҳам бўлмаганлиги ҳамда тиббий ёрдам кўрсатилмаганлиги сабабли пахта даласида иш жараёнида вафот этган. Кўчирилган аҳоли хўжаликларининг янги жойларда ижтимоий турмуш жараёнида дуч келган муаммоларининг барчасини таърифлаб ўтиш жуда мушкул. Аммо мана шундай оғир ижтимоий турмуш шароитларига қарамай кўчирилган аҳоли хўжаликлари воҳада пахтачилик ҳамда томорқа хўжалигининг ривожланишида ўзига хос муносиб тарзда меҳнат қилишган. Шарафли меҳнатлар натижасида туманнинг қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётининг ривожланишида муносиб ҳиссасини қўшиб келишган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Турсунов С.Н. ва бошқалар Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 425; Қобилов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 340 б., Холмўминов Х. Ўзбекистон жанубий вилоятларида тарихий – демографик жараёнлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – Б.134 . ва бошқ.
2. Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик. – Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2019. – Б. 215.
3. Холмуминов Х. XIX аср охири–XX аср бошларида Қашқадарё ҳамда Сурхондарё воҳаларидаги демографик жараёнлар. ЎЗА. 2020. 4-сон. – Б. 24: Шу муаллиф, Аҳоли демографик жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари. (XIX аср охири–XX аср бошлари Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари мисолида). Қарду хабарлари, 2019. махсус сон. – Б. 156–159.
4. Раззаков А. Борьба трудящихся Узбекистана за достижение хлопковой независимости СССР. – Ташкент: Фан, 1968.
5. Ботирова Б.Н. Ўзбекистонда ўтказилган советларнинг аҳолини кўчириш сиёсати (1926–1941 йиллар) Тарих фанлари номзоди илмий даражалини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2010. 30 бет.
6. ЎЗР МДА, Р-95-фонд, 2-руйхат, 2206-иш, 39-варақ.
7. Сурхондарё вилояти ДА, 18 жамғарма, 1-руйхат, 133-иш, 34-варақ.

СУРХОНДАРЁ ОКРУГИДА ҚЎЙЧИЛИК РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР ВА САМАРДОРЛИК: НАТИЖАЛАР ВА МУАММОЛАР

Қосимов Абдусаттор Чориевич

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация. Сурхондарё округида қўйчиликни ривожлантириш масаласидаги табиий шароит, яйловларни кўплиги, табиий ўсимликлар мунтазам бўлиши, сув таъминотини мавжудилиги алоҳида аҳмиятга эга бўлди. Сурхондарё округида ҳам 1939-1945 йилларда Иттифоқда қўйлари 58 фоизга кўпайди. Уруш йиллари янги қорақўлчиликка ихтисослашган хўжаликлар ташкил этилди. Сурхондарё округид қўйчилик мутахассислар териларининг сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди.

Калит сўзлар: қўйчилик, яйлов, ўсимлик, жун, тери, қорақўл тери, хўжалик.

Аннотация. Особое значение в развитии овцеводства Сурхандарьинской области имеют природные условия, обилие пастбищ, регулярность естественной растительности, обеспеченность водоснабжением. В Сурхандарьинской области поголовье овец в Союзе увеличилось на 58% в 1939–1945 гг. В годы войны были созданы новые хозяйства, специализирующиеся на каракулеводстве. Положительные результаты достигнуты в улучшении качества шкур овец специалистами Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: овцы, пастбище, растение, шерсть, кожа, каракуль, ферма.

Abstract. Of particular importance in the development of sheep breeding in Surkhandarya district are the natural conditions, the abundance of pastures, the regularity of natural vegetation, the availability of water supply. In Surkhandarya district, the number of sheep in the Union increased by 58% in 1939-1945. During the war years, new farms specializing in karakul farming were established. Positive results have been achieved in improving the quality of sheep skins in Surkhandarya district.

Keywords: sheep, pasture, plant, wool, leather, astrakhan leather, farm.

Сурхондарё округида қўйчиликни ривожлантириш масаласидаги табиий шароит, яйловларни кўплиги, табиий ўсимликлар мунтазам бўлиши, сув таъминотини мавжудилиги алоҳида аҳмиятга эга бўлди. Шу билан иссиқ иқлим туфайли қўйларни жунини майинлиги, ишлатишга қўйлайлиги, чидамлиги, бир йилда икки марта жун олиш имкониятини борлиги, қаттиқ совуқ ҳамда бўронлардан холи бўлиш каби имкониятлар муҳим омил бўлиб хихмат қилган. Совет ҳокимиятининг мунтазам сиёсати туфайли 1930–1940 йилларда Ўзбекистонда қўйлари сони кўпайтириб борилди. Жумладан, 1940 йили Ўзбекистонда 1900000 дан зиёд қорақўл қўйлари бўлган бўлса, 1946 йили улар сони 2946000, 1960 йил 5156000 бўлди. Шунга мувофиқ қорақўл тери етиштириш ҳам ортиб борди. 1932 йил 450,0 минг дона қорақўл тери тайёрланган бўлса, 1940 йили 971,0 минг, 1945 йили 1 млн ортиқ, 1960 йили 1803000, 1962 йили 1871000 дона тери тайёрланди [1].

Сурхондарё округида ҳам 1939–1945 йилларда Иттифоқда қўйлари 58 фоизга кўпайди. Уруш йиллари янги қорақўлчиликка ихтисослашган хўжаликлар ташкил этилди. 1943 йили Сурхондарё вилоятидаги Шеробод районидаги “Коммунизм”.

“Сайхон” каби хўжаликлари ташкил этилди [2.43].

1945 йил 20 июнда СССР ХКСнинг “Ўзбекистон ССР колхозларида келгусида қоракўлчиликни ривожлантириш ва яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. 1946–1953 йиллар давомида колхозларда қоракўл қўйлар 1,5 бараварга кўпайди. 1953 йили Ўзбекистонда барча қўйларининг 57 фоизи колхозлар ҳисобига тўғри келди. 1952 йили Ўзбекистон колхозлари бошқа республикаларга 9310 дона наслдор қоракўл қўйларни сотди [3.4-7]. 1953 йили Ўзбекистонда барча қоракўл қўйларининг 57 фоизи колхозлар ҳисобига тўғри келди.

1948 йили Ўзбекистон қоракўлчилик учун мўлжалланган 24 млн гектар ер майдонининг 78 фоизи Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистон АССР ҳисобига тўғри келди.

Сурхондарё округид қўйчилик мутахассислар териларининг сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Масалан, 1938 йили хўжаликларда тайёрланган қоракўл териларнинг 23,6 фоизи 1-навга топширилган бўлса, 1939 йили бу 57,8 фоиз, 1941 йил 61,3 фоиз, 1942 йили 67,2 фоиз, 1946 йил 68,7 фоиз, 1947 йили 70,2 фоизи 1-навга топширилди. Шеробод районидаги Вандоб колхозини тайёрлаган қоракўл териларнинг 87 фоизи 1-навга топширилди. “Зарабоғ” хўжалигида ҳам шундай натижалар қайд этилди [4.31-36].

Сурхондарё вилоятида қўйчиликни ташкил этиш жуда қийин мураккаб жараёнда олиб бориилди, чунки, қўйчилик соҳасида фуқаролар уруши йилларда қўйларнинг асосий насллари ва зотли қисми деярли йўқ қилиб юборилган бўлиб, уларни қайта тиклаш жуда оғир кечди. Шунингдек, қўйчилик соҳасидаги тажрибали мутахассислари турли йўллар билан ё отиб ташланган ёки Сибирга сургун қилинган бўлиши бирига маълум қисми хоржга кетиб қолган эди. Шу туфайли қўйчиликни ташкил этиш оғир кечиши билан бирга қўйчилик хўжаликларининг барчасида ишлар яхши йўлга қўйилмаган эди. Масалан, 1946 йили Сурхондарё вилояти вилояти бўйича қўйчилик соҳасида насл олиш олиш фақатгина 34 фоизни, жумладан, Бойсун районида 37 фоизни, Шеробод районида 28 фоизни, Денов районида 24 фоизни, Шўрчи районида 31 фоизни ташкил этди. Бойсун районидаги Сайроб совхозини тайёрланган 263 та қўйларни кўзилардан фақат 89 таси наслчилик учун қолдирилди. Шеробод районидаги Зарабоғ колхозини қўйлардан 11 фоизидан кўзилар наслга қолдирилган. Маҳаллий чўпонларга ҳамда мутахассисларга ҳеч қандай амалий ёрдам берилмади, тажрибалар йўналишида тиббий дори-дармонлар берилмади [5].

Қўйчиликни маҳсулдорлигини ошириш, турли касалликлардан сақлаш борасида деярли сезирани ишлар ишларни амалга ошириш борасида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмаган бўлсада, Ўзбекистонда 1941 йили 2872,9 минг бош қўйлари бўлган бўлса, 1951 йилига келиб 3648,7 минг, 1971 йилда эса 5072,1 минг, 1973 йили 4779,9 мингга етди. Бу жараён Сурхондарё вилоятида 1941 йил 549,9 минг қўйлари бўлган бўлса, 1973 йилига келиб қўйлар сони 914,2 мингга етди [6.72].

Шунга мувофиқ қўйлар терисини етиштириш ҳам ортиб боиб, бунинг натижасида 1960 йил Ўзбекистонда 1892,0 минг дона тери етиштирилган бўлса, 1972 йил 2421,9 минг дона етиштирилди. Шу йилларда колхозларда қоракўл терилари етиштириш камайди. Масалан, 1960 йил Ўзбекистон колхозларида 1014,2 минг дона қоракўл тери етиштирилган бўлса, 1972 йили бу 629,5 минг дона бўлди [7.138].

Қорақўлчилик хўжаликлари тез-тез қайта ташкил этилган ёки тугатилган. Жарқўрғон районидаги “Каттақум” ва Шеробод районидаги “Чорвадор” совхозлари 1956 йилда қўйларни боқиш учун яйловлар етишмаслиги сабабли йўқ қилинди. Сурхондарё вилоятида 1959–1961 йилларда 3 та қорақўлчилик совхозлари қайта ташкил этилди. 1964 йили Сурхондарё вилояти Шўрчи районида 2 та колхоз қўйларининг бирлаштирилиши эвазига “Тагарин” совхозини ташкил этилди. Шу йили Сурхондарё вилоятида Дарабанд ва Панжоб қўйлари сурувини бирлаштириш ҳисобига “Сайроб” наслчилик заводи ташкил этилди [8.20-25].

Сурхондарё вилояти республика бўйича тайёрланган қўй терининг 30 фоизи етиштирилди. Қўйчилик ихтисослашган совхозлар сони вилоятда ортиб борди. Масалан, 1954 йили Сурхондарё вилоятида 2 та қорақўлчилик совхозини бўлса, 1975 йили улар сони 5 тага кўпайди.

1954 йили Ўзбекистонда ихтисослашган 15 та совхоз, 1200 колхоз фермалари фаолият кўрсатди. Уларда Иттифоқ бўйича тайёрланган қорақўл териларнинг 37 фоизи етиштирилди. Республика хўжаликлари давлатга қорақўл топшириш режасини 115 фоизга бажарди. 1954 йили Ўзбекистон хўжаликлари бошқа республикаларга 27 минг наслдор қўйларни етиштириб берди [9.42-46].

Ўзбекистон тоза сифатли қорақўл тери етиштириш бўйича Иттифоқда юқори ўринда турди. Масалан, 1954 йили мамлакатдаги бу турдаги қорақўл терининг 48 фоизи Ўзбекистонда етиштирилди. Ўзбекистондаги “Оқ-Қапчиғай”, “Қарноб”, “Нурота”, “Қизилча” қорақўлчилик хўжаликлари етиштирилган маҳсулотларнинг 90 фоизини 1 навга топширди [10.24-27]. 1955 йили колхозларда қорақўл териларининг 66,8 фоиз, совхозларда 84,5 фоиз 1 навга топширилди. Уларнинг сифати яхшиланиб борди. Масалан, 1954 йили Иттифоқдаги колхозларда топширилган қорақўл териларнинг 9,0 фоизи яроқсиз бўлган бўлса, 1955 йилда улар 5,6 фоизга тушди.

1953 йилда Бойсун районидаги колхозлари томонидан давлатга топширилган қўй териларнинг фақат 56,3 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Бу ҳол қўйчилик фермаларининг кўпчилигида наслчилик ишлари тўғри йўлга қўйилмаганини кўрсатди [11]. Шу боис районда наслчилик ишларини яхшилаш мақсадида 2615 бош наслдор кўчқорлар алоҳида парвариш қилинди. 67 мингдан ортиқ қўйлар зооветеринария мутахассислари кўригидан ўтказилиб, турли гуруҳларга ажратилди. Ҳар бир совлиқ қўйнинг тана тузилишига қараб, қочириш учун кўчқорлар белгилаб чиқилди. Шунингдек, сунъий қочириш юзасидан зоотехника тадбирлари ҳам кўрилди. 200 бош энг яхши наслдор кўчқор синовдан ўтказилиб, сўнгра қочириш пунктларида фойдаланишга ажратилди. Бойсун районидаги табиий ва 21 та сунъий қочириш пункти ремонт қилиниб, керакли асбоблар таъминланди. Зоотехниклар чўпонлар орасида қўй-қўзиларнинг наслини, қорақўл териларнинг сифатини яхшилаш тадбирлари тўғрисида маърузалар ўқиб, тушунтириш ишлари олиб борди.

Қўйчилик соҳасини жиддий ривожлантириш мақсадида Сурхондарё вилоятида давлатга сифатли қўй териларни топширишга алоҳида эътибор берилиши натижасида 1940 йилда топширилган териларнинг 5 фоизи яроқсиз бўлган бўлса, 1957 йилда бу 3,1 фоизга тушди. 1948-1958 йиллар давомида биринчи нав тери етиштириш 27,9 фоизга ортди. Республиканинг асосий қўйчилик районлари ҳисобланган Бойсун, Денов, Шўрчи, Шеробод районлари қўйчиликни ривожлантириш ва тери сифатини яхшилашда катта ишлар амалга оширилди.

Кўпгина хўжаликларда етиштирилган кўйч териларининг 90 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Шу билан бирга республикада Узун, Сариосиё, Жарқўрғон районларида етиштирилган терининг анчагина қисми паст навларга қабул қилинди [12].

Қорақўл терида учрайдиган табиий ва сунъий нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан ҳам тадбирлар олиб борилди. Табиий нуқсонлар – терида шаклсиз гуллар, хар хил доғлар, жунининг сийрак ёки ҳаддан зиёд қалин бўлишининг олдини олиш чоралари кўрилди. Табиий нуқсонларга барҳам бериш анча қийин, уларни йўқотиш йўллари аниқ бўлмаса-да, тажрибали чўпонлар бу борада яхши натижаларга эришди. Бойсун районидаги Сайроб совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш.Шайматов терида табиий нуқсонларнинг бўлмаслиги учун кўчқорларни танлаш ва совлиқларни яхши боқишга аҳамият қаратди. Натижада у топширган териларда табиий нуқсон жуда кам бўлди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Насиров Б. Опыт развития каракулеводства совхозов Узбекистана. Дисс... канд. сельскохозяйственных наук: Самарканд, 1963. – С. 8.
2. Насиров Б. Опыт развития каракулеводства совхозов Узбекистана. Дисс... канд. с.х. наук: Самарканд, 1963. – С. 43.
3. Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1953. – С. 4–7.
4. Есаулов П.А. Состояние и задачи дальнейшего развития колхозного каракулеводства // Каракулеводства и звероводство. – Москва, 1948. №1. – С. 31–36.
5. Ўзбекистон Р МДА, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 5562-иш, 78-варақ.
6. Абиркулов А. Проблемы размещения и развития животноводства в Узбекистане. –Ташкент: Фан, 1984. – С. 72
7. Народное хозяйство Узбекский ССР в 1972. Ташкент: Издательство «Узбекистан», 1973. – С. 138.
8. Будагов С.М. Как было создано ценное стадо каракульских овец в совхозе «Узбекистан» Овцеводство. – Москва, 1969. №1. – С. 20–25.
9. Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1955. №4. – С. 42–46.
10. Каннцепальский А.С. Качество каракуля совхозов и колхозов за 1954–1955 гг. // Каракулеводство и звероводство. – Москва. 1956. №1. – С. 24–27.
11. Қизил Ўзбекистон. 1953 йил 10 октябрь.
12. Валиев У. Давлатга сифатли қорақўл тери // Қизил Ўзбекистон 1960 йил, 8 апрель.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАҚВИМИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Ҳайдаров Одил Эргашевич
Термиз давлат университети
эркин тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек халқининг деҳқончилик фаолияти билан боғлиқ яратган тақвими ҳамда ушбу тақвимнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақи маълумот берилади.

Калит сўзлар: Ҳамал, хут, жавзо, саратон, асад, сунбула, ақраб, қавс, жадди, йил ойлари, ўн икки юлдуз туркуми, ўн икки бурж.

Аннотация: В данной статье представлена информация о календаре, созданном узбекским народом в связи с сельскохозяйственной деятельностью, а также о специфике этого календаря.

Ключевые слова: Намал, хат, джавзо, рак, асад, сунбула, ақраб, қавс, джадди, месяцы года, двенадцать созвездий, двенадцать созвездий.

Abstract: This article provides information about the calendar created by the Uzbek people in connection with agricultural activities, as well as the specifics of this calendar.

Keywords: Namal, hut, javzo, cancer, asad, sunbula, aqrab, qavs, jaddi, months of the year, twelve constellations, twelve constellations.

Қуёшнинг коинотдаги ҳаракати асосидаги илк тақвим дастлаб Қадимги Шарқда яратилган. Заковатли аждодларимиз ҳали ҳозирги милоддан бурунги учинчи асрдаёқ шамсия йил ҳисобини ихтиро этадилар. Унинг ойлари ҳам худди ўша манзил буржларидаги юлдуз тўдалари номи билан аталади [1]. Бу ҳодиса Ҳозирги ҳисоб билан айтганда 21-март оқшомида содир бўлади. Ўша дам бутун ер юзида кеча билан кундуз тенг 12 соатдан иборат бўлади. Шамсия йил ҳисобининг биринчи куни ўша замонлардан буён йил боши Наврўз деб аталиб, байрам қилинади. Шодиёналар ўн кунгача давом этарди. Унинг расм қоидалари, таомиллари одамлар ҳаётига, маънавий дунёсига қон-қонига сингиб кетган эди [2]. Шамсий йил ҳисоби шу қадар тўғри, аниқ ва пухта тузилганки, унда қуёш ва ернинг, шунингдек, буржий юлдуз тўдаларининг ҳаракатлари ҳақиқатга энг яқин тарзда ўз ифодасини топади. Шарқ халқлари кундалик таомилларини, минтақанинг об-ҳавоси, иқлим шароитлари, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа соҳалардаги ишлар мавридани, меҳнат маромларини жуда тўғри белгилайди. Шунинг учун ҳам Шарқ халқлари орасида тез тарқалади. Ҳиндистон, Марказий Осиё, Эрон, Арабистон ва ундан Африкага ўтиб, хатто қадимий Мисрни ҳам қамраб олади [3]. Шамсийга ҳам “хижрий” сўзи қўшилади. Бунинг боиси шуки, XI аср алломалари тақвимини қайта тиклаган маҳалларида унинг биринчи йилини пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага қўчган йилидан бошлаб оладилар ва хижрий шамсий деб атайдилар.

Бобокалонларимизнинг турмуш тарзи деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ бўлиб келган. Улар экинларни қай маҳалда экиш, йилнинг қайси муддатида қандай парвариш қилиш, ҳосилни қачон йиғиштириб олишни яхши билганлар. Тажрибали чўпонлар эса эрта кўкламда яйловга чиқиш, ўтлоқларни алмаштириш, қўзилатиш даврини ўтказиш ҳисобига амал қилишган. Берунийнинг гувоҳлик беришича, Қадимги хоразимликларнинг ўзига хос йил ҳисоби бўлган, улар қуёш

ва ой ҳаракатини, юлдуз буржларини ҳолатини яхши билганлар. Шу боис улар йилнома яратиш учун самовий жисмларнинг тарихий ҳаракатини асос қилиб олишган. Қадим замонларда яратилган ўзбек халқ ойномаси боболаримизнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибалари, кузатишлари ва турмуш тарзи билан боғлиқ [4]. Анъанага кўра, ўзбек халқ ойномаси ҳамалдан бошланади. Ҳамал баҳор тўқсоннинг биринчи оғи бўлиб, 21 мартдан 21 апрелгача давом этади. “Ҳамал” арабча сўз бўлиб, “қўзи” деган маънони англатади. Маълум бўлишича Қадимги мунажжимлар осмондаги 12 юлдуз буржидан биринчисига кирувчи ёритгичлар тупини қўзига ўхшатишган. Қадим замонларданок кўкламнинг илк оғи жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга деб қаралган [5].

Буюк туркий олим Махмуд Қошғарийнинг ёзишича, турклар илк баҳор оғини “улуғ оғи” ёки “умид оғи” деб атаганлар. Бу даврда улар Наврўзи оламни нишонлаганлар, оммавий сайл томошалар ўтказишган. Қиш бўйи сўлим фасл-кўкламни орзиқиб кутган одамлар ям-яшил дала-қирлар бўйлаб чечаклар очилган чоғда сайлга чиқишган. Хоразмлик деҳқонлар ҳозиргача дала ишлари билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш муддатини иссиқ улканларга қишлаш учун учиб кетган қушларнинг кўкламга қайтиш вақтига қараб белгилайдилар. Улар баҳорда қушларнинг учиб келиш вақтида об-ҳавода ҳам муайян ўзгаришлар юз беради деб ҳисоблашади. Баҳор фаслида қушларнинг учиб келиш муддати билан боғлиқ ўзига хос вақт ҳисоби яратилган бўлиб, у Хоразмда “Қуш қайтди”, Бухоронинг айрим қишлоқларида эса “Қуш далғаси” юритилади [6].

“Қай” сўзининг маъноси “қаттиқ шамол”, “довул” демакдир. Хоразмликлар ҳар бир қуш келиши билан ҳаво ўзгариши содир бўлади деб ҳисоблашади. Таниқли олим И.Жабборовнинг ҳисоб-китобларига кўра, Хоразм воҳаси деҳқонлари дала ишларини бажариш муддатини қадим замонлардан бери етгита қуш қайтишига қараб белгилашаркан. Шунга кўра қуш қайтишининг илк даракчиси феврал оғининг охирида қор аралаш ёмғир егиб турганда учиб келадиган чай деган қушдир. Бу қуш овозини эшитган деҳқон яқин кунлар ичида ҳаво илиқ бўлиб кетишини билган ва экин экиш олдидан қилинадиган ишларни бошлаган. Баъзи қарияларимиздан: “Хутда томмасин, ҳамалда тинмасин” каби мақолларини эшитамиз. Бу мақолда хут оғи ҳамалдан олдин келгани учун ёмғир егмаслигини ицаганликлари билиниб турибди. Чунки ерлар тезроқ қуриб, экин экилиши керак. Ҳамал ёмғири, айниқса, кузги буғдойнинг “қони”. Шунинг учун “хут билан ҳамал орасида ёмғир егса, сомонлар ҳам олтин бўлар”, – дейдилар. Ҳамалдан кейин савр оғи киради. Савр-хўкиз демакдир. Осмонда иккинчи юлдуз буржидаги самовий жисмлар хўкизга ўхшаб кўрингани учун савр деб номлашган. Деҳқонлар савр кириши билан дала ишларини янаям қизитиб юборишади. Саврнинг дастлабки кунлари кўпинча қурғоқ келади. Шу боис деҳқонлар “ҳамал – йиғлоқ, савр – қурғоқ” деб аташади. Ойноманинг учинчи оғи жавзо бўлиб, баҳор фасли ёз тўқсонини билан алмашинадиган вақтига тўғри келади. Жавзо фалакиёт илми талқинига кўра ўн икки буржидан учинчисининг номи бўлиб, маъноси “Эгизак кизлар” демакдир [7].

Деҳқонлар жавзони “Юз усти” деб атайдилар. Деҳқонларнинг анъанавий ҳисоб-китобига кўра “Юз ҳисоби” мезон оғи киришига юз кун қолди, деган маънони англатади. Экин экишда бу вақтда ҳар бир куннинг аҳамияти катта бўлиб, у ҳосил йиғиштириладиганда яққол сезилган. Жавзода ёмғир егиши энг ёмон ҳолат бўлган.

Шунинг учун халқимиз орасида “Жавзодан ёққан ёмғирдан илон ёққани яхши” деб нақл қилишган. Саратон ёз тўқсоннинг биринчи ойи бўлиб, 21-июндан 21-июлгача давом этади. кўкдаги 12 бурждан 4 чиси саратон “қисқичбақа” деган маънони англатади. Саратонда экинлар парваришига эътибор кучаяди. “Саратонда сара экиш, қолаверса тарик экиш” деган нақл бор. Саратонни “ёз чилласи” деб ҳам атаймиз. “Чилла” ёз ва қиш тўқсоннинг энг иссиқ ва энг совўқ кирк кунлик муддати атамасини ўз ичига олади. “Чилла-ҳар дами тилла”, “Чилла суви-тилла суви” каби мақолларда ҳам деҳқончилик ойномасининг бу даври нақадар масъулиятли эканлиги таъкидланади.

Ёз тўқсоннинг ўртасида асад ойи дохил бўлади. Фалаккиёт илмига кўра, 12 бурждан 5 чисини шер шаклида тасаввур қилишган ва унга асад, шер номини беришган. қуёш асад буржига ўтганда деҳқон ойномасида асад ойи бошланади. У ой июлнинг охирида бошланиб қуёш жуда киздиради [8].

Асаддан кейин сунбула ойи ҳозирги августга тўғри келади. Сунбула юлдуз буржидан 6 чиси бўлиб, “бошоқ” деган номини англатади. Доно халқимизда “сунбулада сув совийди” деган нақл мавжуд. Бунинг боиси шуки ёз тўқсони охирида чилла тугаши билан, улканмизда фасллар алмашади., ариқ ва дарёлардаги сув ҳарорати пасаяди. Ёз кечаси аста-секин узаяди, тунлар салқин бўлади. “Тарозида тонг совийди, мезонда кун” мақолида ҳам ойномамизнинг бу даври об-ҳавосидаги ўзгаришлар борасидаги маълумотлар беради. У 21-сентябрда 21-октябргача давом этиб деҳқончилик учун энг маъсулиятли даврлардан бири ҳисобланади. қишдан дарак берувчи совўқ шамоллар бошланади.

Бундан сўнг акраб ойи киради. Акраб арабча чаён демакдир. “Акраб экинлар келар қақраб”, деган мақол ҳам бор. Бу ойда деярли барча экинларни дов-дарахтлар баргини совўқ уриб кетади. Деҳқонлар бу ойгача буғдойни майсалатиб олишга шошилади. Боғбонларнинг ҳам юмуши кўпайиб, тоқларни буташ, хом тоқ қилиш, кумиш каби ишлаб бажарилади. куз фаслининг яқунловчи ойи қавс бўлиб, арабча бу сўзнинг маъноси ёй-камалакдир. У 21 ноябрдан 21 декабргача давом этади. Деҳқонлар бу ойда экиндан бўшаган ерларни шудгор қилиб яхоб суви беришади.

Жадди (арабча “улоқ”) 21-декабрдан 21-январгача давом этади. Жадди дохил бўлиши билан кексалар “Тўқсон кирди” дейдилар. Чунки шу даврдан қиш тўқсони бошланади. кунлар ҳам аста-секин узая бошлайди. Жаддининг охирида қишнинг энг совўқ пайти қиш чилласи киради. Халқимиз бу даврни иккига: катта ва кичик чиллага бўлади. Катта чилланинг Ўртасида, 21 январдан далв ойи дохил бўлади. Далв 12 бурждан 11 чиси номи бўлиб, қудўқдан сув оладиган чарм идиш “ковга” деҳқонлар янги экин экиш Ҳозирлигини кўришни бошлайдилар. Яъни далаларни ўқбитлайдилар, чунки бу вақтда қишнинг кўпи кетиб ози қолган бўлади.

Деҳқон ойномаси хут билан яқунланади. Хут қадимги фалакиётда 12 чи юлдуз буржининг атамаси бўлиб, маъноси балиқ демакдир. Хут ойи қиш тўқсони ва хижрий шамсий йилни яқунлаб янги йилни бошлаб беради. Деҳқонларимиз “Хут кирди ер остига дуд кирди”, дейишади, яъни хут ойида уйғониш бошланади. Хут ойининг охирида кўклам нафаси келиб турган бир вақтда диёримизда Қадимги халқ байрами бўлмиш Наврўзи олам нишонланади. Шунинг учун ҳам наврўз янги йилни, янги ойномани бошлаб берадига анъанавий шодиёна саналади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Пронштейн А.П., Кияшко В.Я. Хронология. – М., 1981.
2. Пронштейн А.П., Кияшко В.Я. Вспомогателноё исторические дисциплино. – М., 1973.
3. Кобрин В.Б., Леонтева Г.А., Шорин П.А. Вспомогателноё исторические дисциплино. – М., 1984.
4. Чориев З.У., Иоффе. Хронология ва метрология. – Т., 1999.
5. Володомонон Н.В. Календар: ўтмишда, хозир, келажакда. – Т., 1976.
6. Бикерман Е. Хронология древнего мира. Ближний Восток и античность. – М., 1976.
7. Нарзикулов А. Деҳқон тақвими. – Т., 1991.
8. Мўминов О. Қизикарли география. – Тошкент, 1978.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИ – МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ СИФАТИДА

Жўраев Феруз Рустам ўғли

Термиз давлат университети

Ижтимоий фанлар факультети тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти намуналари хусусан дostonчилик санъатининг миллий маънавий қадриятларимизни янада ривожлантиришда тутган ўрни ва аҳамияти масалалари ёритилган, таҳлил этилган ҳамда тегишли хулосалар берилган.

Калит сўзлар: халқ оғзаки ижоди, дostonчилик, бахшичилик санъати, юнеско, номоддий мерос, Бойсун очик фольклор фестивали, бахшичилик мактаби, Алмомиш, Гўрўғли, Авазхон дostonлари.

Аннотация. В данной статье рассматриваются, анализируются и делаются выводы о роли и значении образцов узбекского фольклора, в частности, искусства эпической поэзии в дальнейшем развитии наших национальных духовных ценностей.

Ключевые слова: фольклор, былины, искусство бакши, юнеско, нематериальное наследие, Байсунский открытый фольклорный фестиваль, школа бакши, Алмомыш, Гёроглы, Авазханские эпосы.

Abstract. This article discusses, analyzes and draws conclusions on the role and importance of examples of Uzbek folklore, in particular, the art of epic poetry in the further development of our national spiritual values.

Keywords: folklore, epics, baxshi art, yunesco, intangible heritage, Boysun open folklore festival, baxshi school, Almomish, Gorogly, Avazkhan epics.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда моддий маънавий меросимизни авайлаб асраш ва уни келгуси авлодларга етказиш ислохатларимиздаги энг устивор масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Шунингдек, моддий маънавий қадриятларимиз давомчиси ҳисобланган ёш авлодлар таълим тарбиясига ҳам аълоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Халқ оғзаки ижодиёти ривоят, афсона дostonчилик, лапар айтиш, бахшичилик

санъати каби турлари азалдан ўзбек халқининг номоддий маънавий мероси сифатида улуғланиб, авлодлар оша бу мерос ҳозирга қадар ўз аҳамияти йўқотмай келмоқда. Айниқса бундай ноёб дурдона маънавий меросларимизни қайта тиклашга давлатимиз томонидан аълоҳида эътибор қаратиб келинмоқда [1.2].

2021 йил 16 декабрьда ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитасининг XVI сессияси доирасида Халқ оғзаки ижодиётининг энг ноёб дурдоналаридан бири саналган Бахшичилик санъати Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси элементи сифатида инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилиши жуда муҳим тарихий воқеалардан бири бўлди [2.2].

Шу ўринда аълоҳида таъкидлаш керакки, бахшичилик санъатининг дунё тан олган бундай юксак даражаларга эришишида албатта мамлакатимизда бу соҳага қаратилаётган эътибор ва улкан қадриятларга бўлган эътибор намунаси ҳисобланади. Жумладан, 2019 йил апрель ойида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган “Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг тутган ўрни” мавзусидаги анжуманнинг халқаро даражада ўтказилганлиги, бахшичиликни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, шунингдек, ушбу санъат турини келажак авлодга муносиб етказиш мақсадида ихтисослаштирилган бахшичилик мактабларининг ташкил этилиши [3.2] каби муҳим ишлар самараси десак асло муболаға бўлмайди. Эндиликда Ўзбекистонда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган “Бахшичилик санъати” халқаро фестивалини ташкил этиш борасида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида катта тайёргарлик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу тариқа ЮНЕСКОнинг бу рўйхатига кирган номоддий маданий меросимиз объектлари сони 10 тага етди. “Бойсун тумани маданий макони”, “Шашмақом” мумтоз мусиқаси, “Катта ашула”, “Аския санъати”, “Наврўз”, “Палов маданияти ва анъаналари”, Марғилон хунармандчилиги ривожлантириш маркази: (адрес-атлас), Хоразм рақси – “Лазги”, “Миниатюра санъати” қаторидан “Бахшичилик санъати” ҳам ўрин олди [4.2].

Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналари ҳисобланган “Алпомиш” достони бу Ўзбекистоннинг Бойсунидан тортиб, Қорақалпоғистоннинг Қўнғиротигача, Жиззахнинг Зоминидан тортиб, Қашқадарёнинг Дехқонободигача бўлган кенгликларида яшаб, қуйлаб келган Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан Шоир, Шоберди бахши каби юзлаб бахшиларнинг жозибали ва тенгги йўқ кекирдик овози ва дўмбираси торларида минг йиллар давомида янграб келган санъатидир [5.96].

Ўзбек халқининг номоддий мероси сифатида эътироф этиб келинаётган халқ оғзаки ижодиёти тарихига тўхталиш ва уни чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Халқ оғзаки ижоди, яъни фольклор инглизча “фолклоре” – фолк – халқ, лоре – билим, фан, яъни халқ ижодиёти, халқ томонидан яратилган ва халқ орасида кенг тарқалган асарлар (эртақ, достон, кўшиқ, лапар, масал, мақол, матал, топишмоқ ва бошқалар)ни ўз ичига олган бўлиб, бунинг тимсолида халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи урф-одатлари ва анъаналари мужассамлашади.

“Фольклор” термини дастлабки тарзда XIX асрда англиялик олим Уильям Томс томонидан 1846 йилда қўлланган бўлиб, у икки сўздан иборат: “фольк” (фолк) – халқ, “лор” (лоре) – билим, донолик, донишмандлик, яъни “халқ билими”, “халқ донолиги”, “халқ донишмандлиги” демакдир [6.231]. Халқ оғзаки ижодиёти тарихи ўзбек халқида қадимданок шаклланиб бошлаган. Широқ, Тўмарис,

Девқалъа, Алпомиш, Гўрўғли каби халқ дostonларида халқимизнинг ўзига хос ижтимоий маданий турмуш тарзи ва бой маънавиятидан далолат бериб келган [7.53].

XX асрнинг 2-чорагидан бошлаб халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш борадаги илмий тадқиқотларни янада ривожлантиришга эътибор қаратила бошлади. Бу ўринда фолклоршунос олимлардан Х. Зариповнинг хизматларини аълоҳида эътироф этиш муҳим ҳисобланади. Олим томонидан халқ оғзаки ижодининг йирик жанри бўлган дostonларни Фозил Йўлдош ўғлидан, Эргаш Жуманбулбул ўғлидан, Пўлкан шоир тилидан “Алпомиш”, “Шайбонийхон”, “Рустамхон”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Юнус пари”, “Мисқол пари” каби дostonларни ёзиб олиб уни қоғозга туширади. Бу ўринда фолклоршунос шоирлардан Фозил Йўлдош ўғли репертуари ҳам бой ва рангбаранг бўлиб, у 40 дан ортиқ халқ дostonларини ёд билган ва юксак маҳорат билан куйлаган. Ундан “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Муродхон”, “Рустамхон”, “Ширин билан Шакар”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Авазхоннинг ўлимга хукм этилиши”, “Малика айёр”, “Машриқо”, “Зулфизар”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландом”, “Ошиқ Ғариб” каби 30 га яқин дoston ёзиб олинган [8.96].

Халқ оғзаки ижоди санъати намуналарини янада бойитишда фолклоршунос олимлар М.Саидов, М.Муродов, Б.Саримсоқов каби олимлар томонидан халқ дostonларига доир тадқиқотлар мунтазам тарзда олиб борилди. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, замонамизнинг буюк шоирлари Эргаш Жуманбулбул ўғлининг, Фозил Йўлдош ўғлининг, Ислом шоирнинг, Пўлкан шоирнинг асарларини ўрганишда ўзига хос янги босқичлари амалга ошириб борилмоқда [9.42].

Бугунги кунда том маънода халқимиз маънавий меросини ўрганишда ўзгача шукх ва янгича мазмун касб этиб келмоқда. Маданият, санъат, адабиёт, халқ ижодига бўлган муносабат давлат мақоми даражасига кўтарилди. Оммоваий ахборот воситалари газета, журналларда ўзбек халқи оғзаки ижоди намуналари ва улар ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда ёритилмоқда. “Алпомиш” дostonининг минг йиллигига халқаро миқёсда кенг нишонланиши, “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвонининг жорий этилиши булар барчаси мамлакатимизда маънавий қадриятларимизни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган буюк ишлардан бири бўлиб, миллий маънавиятимизнинг асосларидан бири бўлган халқ ижодининг юксалишига хизмат қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг: “Алпомиш” дostonи миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир, агарки, халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас дoston бўлса, “Алпомиш” ана шу дostonнинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади”, дея таъкидлаган фикрлари айни ҳақиқатдир [10.22].

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Истиқлол шарофати билан дунёқарашимизда, онгимизда рўй берган янги ланиш, руҳий покланиш ва маънавий тикланиш жараёни фолклор санъатининг тараққиётида ҳам яққол акс этмоқда. Зеро, фолклор санъати анъаналари “мустақил дунёқарашга эга, аждоқларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялаш” дек улуғвор мақсадларга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 1998 йил 13 январдаги 17-сонли қарори / www.lex.uz
2. Халқ сўзи 2021 йил 17 декабрь.
3. Бахшичилик мактаби Сурхондарёда. Термиз оқшоми. 2019 йил 24 май.
4. Қузиёв Т. Бахшичилик санъати умуминсоний кадрият. ЎЗА 2021 йил 21 декабрь.
5. Имомов К. “Алпомиш” достонининг айрим хусусиятлари (“Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси). – Т.: Фан, 1999. – Б. 96-114.
6. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Т.: Фан, 1991. – Б. 231.
7. Эргашев А. Қашқадарё–Сурхондарё достончилиги. – Т.: Фан, 2008. – Б. 53
8. Имомов К. “Алпомиш” достонининг айрим хусусиятлари (“Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси). – Т.: Фан, 1999. – Б. 96.
9. Жабборов И. “Алпомиш” достонининг тарихий-этнографик аҳамияти // “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти” мавзуидаги халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 42-10. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 22-бет.

ФАЛСАФА

НАКШБАНДИЙСКИЕ НАСТАВНИКИ ТАТАРСКИХ БОГОСЛОВОВ КОНЦА XVIII–XIX ВВ. В СРЕДНЕЙ АЗИИ

Рамиль Камилович Адыгамов

*кандидат исторических наук, старший научный сотрудник
отдела истории религий и общественной мысли Института
истории им. Ш. Марджани АН РТ (420111, ул. Батурина, 7А, Казань,
Российская Федерация); доцент кафедры ICESCO Международной
исламской академии Узбекистана (ул. Абдуллы Кадыри, 13, Ташкент,
Узбекистан). ORCID: 0000-0002-0448-0107.
E-mail: abu_muhammad@mail.ru*

Аннотация. Суфийское учение издревле оказывало значительное влияние на религиозную жизнь мусульман Средней Азии и Волго-Уральского региона. Интеллектуальный обмен между богословами Мавераннахра и их северными братьями начинается ещё в Булгарский период и находит своё продолжение в связях между регионами в период Казанского ханства и после его падения. Причём мусульмане Поволжья выступали не только в качестве учеников, но также и обогащали богословов Средней Азии своими изысканиями. Особую роль в отношениях между мусульманами двух регионов имел суфизм. Он укреплял интеллектуальные достижения богословов своими духовными практиками и проповедью идей равенства и братства. В рамках данного исследования проводится анализ духовной связи между суфиями Средней Азии и Поволжья, а также рассматривается процесс генезиса муджаддидийской ветви накшбандийского тариката, нашедшей своё продолжение в Волго-Уральском регионе.

Ключевые слова: суфизм, тасаввуф, накшбандия, Поволжье, Средняя Азия, Урал, мусульманское богословие.

Abstract. Sufi teaching has had a significant influence on the religious life of Muslims in Central Asia and the Volga-Ural region since ancient times. The intellectual exchange between the theologians of Transoxiana and their northern brothers begins in the Bulgarian period and finds its continuation in the relations between the regions during the period of the Kazan Khanate and after its fall. Moreover, the Muslims of the Volga region acted not only as students, but also enriched the theologians of Central Asia with their research. Sufism played a special role in the relations between the Muslims of the two regions. Its strengthened the intellectual achievements of theologians with his spiritual practices and preaching the ideas of equality and brotherhood. This study analyzes the spiritual connection between the Sufis of Central Asia and the Volga region, and also examines the genesis of the Mujaddidi branch of the Naqshbandi Tariqa, which found its continuation in the Volga-Ural region.

Keywords: Sufism, Tasavvuf, Naqshbandiya, Volga region, Central Asia,

Ural, Muslim theology.

Введение

Тема взаимоотношений между учителем и учеником, на первый взгляд в трудах мусульманских богословов тщательно раскрыта. Однако, несмотря на безусловную полезность этих трактатов, они носят общий характер и не отражают специфики того или иного региона, населённого мусульманами. Также довольно много отечественных и зарубежных исследований, посвящённых общим понятиям суфизма, и дающих представление о его учении и практике.

В последние годы также появляются исследования, посвящённые бытованию суфизма в Средней Азии. Среди них следует отметить статьи С.Н. Абашина [2: 117 – 141], Т.Г. Дорофеевой [8: 39 – 50], Л.Э. Исмаилова [11: С. 24 – 28] и А.А. Аширова, Б.А. Пасилова [5: 37 – 43]. Первый автор в своей публикации анализирует суфизм с этнографической точки зрения, связывая его ментальными особенностями жителей региона. Во второй публикации раскрываются особенности суфизма. Показаны основные периоды его развития и роль Мухаммеда и его сподвижников в становлении этого направления. Также даётся характеристика особенностям крупнейшего тариката Средней Азии - Накшбандия. Третья публикация уделяет больше внимания местам захоронений известных суфиев Средней Азии, нежели самому учению. В ней рассматриваются перспективы развития духовного туризма в регионе. Четвёртая публикация изучает практическую сторону суфизма в ЦА, а именно «зикр джахри». Ценно то, что работа основана на материалах полевых исследований, проведённых в 2003-2005 гг.

Следующая группа исследований имеет отношение к известным среднеазиатским суфийским персоналиям. Так, А.И. Пылев [13: 122 – 126.] анализирует роль Йусуфа ал-Хамадани в развитии суфизма и его литературы в Средней Азии. Как известно, святой имеет прямое отношение к формированию учения накшбандия и становлению тариката в регионе. В публикации З.А. Салиховой [16: 87–88] прослеживается процесс становления теории суфийского воспитания в учении Бахаутдина Накшбанда. Особое внимание уделено ярким представителям этого философско-религиозного течения, внесшего большой вклад в развитие и распространение суфизма по всей Средней Азии. Статья имеет междисциплинарный характер, написана на стыке предметов педагогики, истории, философии и теологии. И, наконец, в исследовании У. Абдурасулова [3: 101–118] изучается дискуссия между известными советскими исследователями-медиевистами А.Н. Болдыревым и О.Д. Чеховичем об «исторической роли» Ходжа Ахрара — влиятельного политического деятеля и шайха Накшбандийа XV в. — нашедшей отражение как в публикациях, так и в личной переписке. Также большой интерес представляет и исследование молодого узбекистанского учёного К. Рахимова [14], посвящённое основоположникам накшбандийского тариката. Автор подробно излагает биографии и вклад семи наставников в формирование тариката.

Публикация А.В. Сызранова [18: 27–38] также близка к теме данного исследования, автор предпринял попытку проанализировать историю мусульманского мистицизма в Нижнем Поволжье – одном из российских регионе, где мусульмане являются самой многочисленной (после христианства) конфессией. Суфизм сыграл значительную роль в распространении ислама в Нижнем Поволжье и был одной из форм бытования мусульманской религии в

этом регионе, веками переплетаясь с народными верованиями.

Наиболее близкими к проблематике данного исследования являются научные труды Г.Г. Идиятуллиной [9], Р.К. Адыгамова [4], Д.А. Шагавиева [20: 35 – 46] и Н.Р. Сабирова [15]. Хотя диссертация Г.Г.Идиятуллиной посвящена изучению наследия Г. Курсави и его труда «ал-Иршад ли ал-ибад», автор в рамках исследования также анализирует интеллектуально духовные связи между двумя регионами. В диссертации Р.К. Адыгамова изучается жизненный путь и вклад Г. Утыз-Имяни в общественную мысль татар. Изучая среднеазиатский период жизни богослова, автор диссертации также выявляет и его духовных наставников. Статья Д.А. Шагавиева непосредственно посвящена выявлению цепочки духовной преемственности известного татарского богослова Ш. Марджани, получившего иджазу суфийского шейха у своих среднеазиатских наставников. И, наконец, в диссертации Н.Р. Сабирова исследуется влияние суфийской традиции на общественную мысль татар. Автор диссертации в рамках исследования также уделяет внимание среднеазиатским суфийским наставникам, богословам и поэтам.

На наш взгляд, в свете укрепления взаимоотношений между Республикой Татарстан и Республикой Узбекистан, исследования, посвящённые взаимному интеллектуальному и духовному обмену между мыслителями обоих регионов, представляются весьма актуальными. Мы считаем, целесообразным проведение совместных исследований в данной области.

Духовные связи Средней Азии и Поволжья

Как известно, ещё в болгарский период связи Поволжья со Средней Азией, имели большое значение для мусульман обоих регионов. Хотя Казанское ханство и было завоевано, однако, эти связи, обусловленные этнической и конфессиональной близостью мусульман двух регионов, продолжали играть значительную роль в сохранении мусульманской учёности среди татар. С созданием в 1744 г. под Оренбургом Сеитовского посада (татарской слободы) эти связи становятся ещё крепче.

Если, с одной стороны, это послужило активизации торговых отношений между Российской Империей и государствами Средней Азии, то, с другой стороны, дало возможность татарам укреплять и возрождать духовную жизнь. Как известно, татары играли роль посредников между христианской Российской Империей и мусульманскими государствами среднеазиатского региона. В тоже время укрепление торговых взаимоотношений давало татарам возможность постигать духовное наследие как среднеазиатских богословов, так и наследие остальных ханафитских регионов мусульманского мира. После издания указа Екатерины II о веротерпимости в 1773 г. обучение татар в таких среднеазиатских центрах, как Бухара, Самарканд, Кабул и др. приобретает легитимный характер, и идеи местных богословов превращаются в один из факторов, влиявших на формирование духовных взглядов богословов Поволжья и Урала.

Большинство шакирдов татар данного периода были учениками известных богословов Фаизхана ал-Кабули (ум. 1802 г.) и Ниязула ат-Туркмани (ум. 1820/21 г.). Согласно источникам известно, что именно у них обучались Г. Утыз-Имяни и Г. Курсави, ставшие родоначальниками

возрождения татарского богословия в конце XVIII – начале XIX вв. Об известном татарском богослове Ш. Марджани также известно, что он был учеником трёх суфийских шейхов накшбандийского ордена: ‘Убайдуллы ибн Нийазкули (ум. 1852 г.), ‘Абд ал-Кадира ал-Фаруки ал-Хинди (Сахибзадэ, ум. 1855 г.), Мазхара (Музхира) ибн Ахмада ал-Хинди (ум. в 1883 г.) [12: 285, 6: 168, 22: 72, 18: 181, 1: 168].

Важным фактом, при выявлении тенденций, оказавших влияние на возрождение и становление татарской богословской мысли, является то, что все упомянутые личности в дополнение к их учености были шейхами суфийского тариката накшбандийа-муджаддидийа. Изучая труды представителей самого раннего периода возрождения татарской общественной мысли, Г. Утыз-Имяни и Г. Курсави можно сделать вывод, что одной из главных тенденций того периода, оказавшей влияние на их творчество, были идеи среднеазиатских богословов-суфиев.

Истоки накшбандийа в Поволжье

Известно, что суфийский тарикат накшбандийа, мюридами которого становились татарские шакирды этого периода, зародился в конце XIV в. Основы данного ордена заложил известный святой из Средней Азии Баха’ ад-Дина Накшбанд (1318-1389). Ему удалось соединить воедино идеи и практику наставников более раннего периода Ахмада ал-Йасави и Абд ал-Халика ал-Гидждувани. Он же заложил и основы организационной структуры тариката. В итоге накшбандийа стала не только одним из двенадцати суфийских тарикатов, но и наиболее распространённым из них. В основу тариката легла идея, о необходимости в первую очередь жить в соответствии с предписаниями основных источников ислама, суть которых отражена в суннитском вероучении и правовой системе четырех суннитских мазхабов. Цепочка духовой преемственности тариката имеет два основных ответвления, одно из которых восходит к сподвижнику и другу Пророка Мухаммада Абу Бакру, а вторая к двоюродному брату Пророка и сподвижнику ‘Али ибн Аби Талибу [10: 187]. Главная идея накшбандийа сводится к тезису «Даст ба кор, дил ба йор» («Рука в труде, а сердце с Любимым (Аллахом»)). Суть данного девиза сводится к тому, что аскеза мюрида должна проявляться не в формальном отрешении от мира, а быть его душевным состоянием. Согласно накшбандии, мюрид должен быть суфием-мирянником с социально активной позицией, которому следует жить не на подаяния, а добывать пропитание себе и своей семье своим трудом или коммерцией, принося пользу «хидма» людям.

В ходе распространения и развития тариката накшбандийа, в нём сформировалось несколько внутренних духовных путей, наиболее известными из которых были накшбандийа-муджаддидийа и накшбандий-халидийа. Основы второго были заложены индийским богословом, суфием, наставником Ахмадом Фаруки Сирхинди (1564-1624), который более известен по прозвищу «имам ар-Раббани» («Имам, посвятивший себя господу»). Деятельность Ахмада Сирхинди не была ограничена лишь духовным самосовершенствованием и наставничеством, а характеризуется гражданским протестом против правящей верхушки.

Аннемари Шиммель указывает, что он выступил против императоров Акбара и Джахангира [23:284], которые пытались внедрять шиитскую традицию в своем государстве. Другие исследователи уточняют, что «Он выступил против религиозного синкретизма императора Акбара (1556-1605) и прошиитских настроений императора Джахангира (1605-1627)» [16:30]. Падишах Акбар, симпатизируя представителям индуизма, защищал их интересы и соответствующим образом выстраивал внутреннюю политику государства. В итоге это привело к «процессу размывания мусульманских ценностей, их смешение с ценностями иной религии» [18: 31]. Внутренняя политика императора Акбара привела к тому, что в империи Моголов начались гонения против суннитских богословов. Вследствие чего в последние годы правления шаха Акбара Ахмад Сирхинди не только выступил с осуждением, на его взгляд ошибочной конфессиональной политики государства, но также организовал социальный протест. Главной идеей, которую высказывал имам Раббани была необходимость вернуться к наследию пророка Мухаммада. Л. Гордон-Полонская по этому поводу указывала: «его учение было направлено, в первую очередь, против различных мусульманских и индуистских ересей» [7: 37].

Следующий император шах Джахангир, женившийся на шиитке, начал проводить государственную политику, выгодную шиитам. С этой целью по его приказу в Индию из Ирана были доставлены поэты-шииты, что стало причиной распространения шиитского учения. И вновь Имам Раббани открыто выступил против шаха. Идеи и социальная активность заставили его написать свой первый богословский труд, который был посвящён критике шиитских воззрений. В итоге он был заключён в тюрьму [23: 284]. Несмотря на это, ему удалось организовать широкое народное движение. Его ученики по всей империи активно выступали с проповедями, защищая суннитский ислам и призывая строго соблюдать предписания Корана и сунны [18:32].

Ахмад ас-Сирхинди написал множество богословских трудов, наиболее известными из которых являются его письма «ал-Мактубат». Из пятисот тридцати четырех писем семьдесят адресованы чиновникам могольского государства [23:284]. Позднее ученики шейха собрали эти письма в одну книгу. Этот труд был переведён с персидского на арабский язык известным татарским богословом Мурадом Рамзи, в результате он стал доступен большому числу мусульман.

Благодаря своему учению и социальной активности Ахмад ас-Сирхинди был назван «муджаддид алфи сани» -- «Обновитель второго тысячелетия». Пользуясь военно-политической поддержкой Махабат-хана, одного из могольских вельмож, Ахмаду ас-Сирхинди вынудил шаха Джахангира пойти на компромисс и признать его требования. Благодаря богословской и общественной деятельности имама ар-Раббани была сохранена суннитская идентичность мусульман Индии [18:33]. Кроме этого, его учение оказало значительное влияние на развитие духовной традиции во многих регионах мусульманского мира и Поволжья в частности.

Выводы

Суфизм оказал значительное влияние на развитие духовной традиции Волго-Уральского региона и Средней Азии. В настоящее время в обоих регионах наблюдается процесс возрождения этого духовного учения. И вероятнее всего популярность суфизма в этих регионах будет возрастать. Учитывая тот факт, что иногда он может играть существенную роль в социальной и даже внутривосточной жизни общества, его изучение представляется весьма актуальным.

Данное исследование показало, что на данный момент проблематика исторических взаимосвязей между суфиями двух регионов изучена недостаточно. Большинство работ имеют общий характер, и только в некоторых из них можно проследить связь между богословами двух регионов.

В рамках исследования была раскрыта преемственность между Фаизханом ал-Кабули, Ниязкулом ат-Туркмани, ‘Убайдуллои ибн Ниязкули, ‘Абд ал-Кадиром ал-Фаруки ал-Хинди (Сахибзадэ), Мазхаром (Музхиром) ибн Ахмада ал-Хинди (ум. в 1883 г.) и их учениками из Волго-Уральского региона, что дало возможность распространению накшбандийа-халидийа в Волго-Уральском регионе. Помимо этого есть необходимость в глубоком изучении биографий этих личностей, особенностей учения и практики, существование цепочки преемственности между ними и современными религиозными, духовными деятелями обоих регионов.

ИСТОЧНИКИ И ЛИТЕРАТУРА

1. Maras I., *Turk Dunyasinda Dini Yenilesme (1850-1917)*. – Istanbul: Otuken, 2002.
2. Абашинов С.Н. Суфизм в Средней Азии: точка зрения этнографа // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998) // Вестник Евразии. – 2001. № 4. – С. 117–141.
3. Абдурасулов У. “Дело о Ходжа Ахраре вернуть на исследование”: накшбандийский шайх в публикациях и личной корреспонденции советских востоковедов // *Islamology*. – 2017. – Т. 7, № 2. – С. 101–118.
4. Адыгамов Р.К. Роль Габдрахима Утыз-Имяни в изучении социокультурных и религиозных традиций татарского общества конца XVIII - первой трети XIX вв. / Диссертация на соискание учёной степени кандидата исторических наук. – Казань, 2006.
5. Аширов А.А., Пасилов Б.А. Зикр джахр в ритуальной практике суфийских групп Средней Азии и его этнографические особенности // *Этнографическое обозрение*. – 2010. - № 5. – С. 37–43.
6. Баруди Г. Мэржани хакында ижмалы мэгълумат // «Мэржани» жыентыгы (Сб. Марджани) . – Казань: «Иман», 2001 (транслитерация издания 1915) . – Т. 1.
7. Гордон-Полонская Л. История Пакистана. – М., 1963.
8. Дорофеева Т.Г. Исламский мистицизм и его среднеазиатская практика // Россия и мировое сообщество: актуальные проблемы современности. – 2017. – С. 39–50.
9. Идиятуллина Г.Г. Абу Наср Курсави и среднеазиатские истоки татарской

общественной мысли конца XVIII–начала XIX веков (по материалам тракта “ал-Иршад ли-л-ибад”) / Диссертация на соискание учёной степени кандидата исторических наук. – Казань, 2001.

10. Ислам (энциклопедический словарь) – М., 1991.

11. Исмаилов Л.Э. Мавераннахрский суфизм и священные захоронения (XVI в.) // Ученые записки хуждандского государственного университета им. академика Б. Гафурова. Серия гуманитарно-общественных наук. – 2019. № 4 (61). – С. 24–28.

12. Марджани Ш. Мукаддимат вафийат ал-аслаф. – Казань, 1883.

13. Пылев А.И. Шейх Йусуф ал-Хамадани (1048/1049-1140) и его роль в развитии суфизма и суфийской литературы в Средней Азии // Творческое наследие Алишера Навои и современность. Сборник докладов Международной научно-практической конференции. 2018. - Издательство: ООО «4 Принт» – С. 122–126.

14. Рахимов К. Тарикат хваджаган-накшбандийа и семь пиров / Пер. с узбек. яз. И.Р. Гибадуллина. – Казань: ИД «МеДДоК», 2020. – 180 с.

15. Сабиров Н.Р. Роль суфийских традиций в развитии татарской общественной мысли XVII–XVIII вв.: основные направления и проблематика / Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата исторических наук. – Казань, 2013.

16. Салихова З.А. Возникновение теории воспитания и обучения Бахауддина Накшбанди // Россия–Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития // Сборник материалов международной научной конференции. – 2019. – С. 87–88.

17. Саттар хан А., Анвар З. Отважный защитник веры шейх Сирхинди // Ислам. – 2004. № 1.

18. Сызранов А.В. Суфизм и суфии в Нижнем Поволжье // Восток. Афрo-азиатские общества: история и современность. – 2008. № 3. – С. 27–38.

19. Фахретдин Р. Болгар вэ Казан тореклэре. – Казань, 1993.

20. Шагавиев Д.А. Шигабутдин Марджани как суфий // Минбар. Исламские исследования. – 2008. – С. 35–46.

21. Шараф Ш. Мэржинен тэржемэи хэле // [сборник] Марджани. – Казань: Магариф, 1915.

22. Шиһабетдин Мэржани. – Казань: Рухият, 1998.

23. Шиммель А. Мир исламского мистицизма / А. Шиммель. – М.: Энигма, 1999.

КОНЦЕПЦИИ ЭСТЕТИЧЕСКОГО

Норали БЕРДИЕВ

*кандидат философских наук, доцент
Термезского государственного университета*

Аннотация. В статье дан анализ существовавших в истории эстетической мысли различных концепций о сущности и особенностях эстетического. Обобщены достигнутые успехи и имеющиеся недостатки этих концепций. Намечены перспективы дальнейшего изучения проблемы.

Ключевые слова: эстетическое, мифологическая концепция, религиозная

концепция, объективно идеалистическая концепция, субъективно идеалистическая концепция, дуалистическая концепция, метафизически материалистическая концепция, «природническая» концепция, «общественническая» концепция, аксиологическая концепция.

Abstract. The article provides an analysis of various concepts that existed in the history of aesthetic thought about the essence and features of the aesthetic. The progress achieved and the shortcomings of these concepts are summarized. Prospects for further study of the problem are outlined.

Keywords: aesthetic, mythological conception, religious conception, objectively idealistic conception, subjectively idealistic conception, dualistic conception, metaphysically materialistic conception, “aturalistic” conception, “social” conception, axiological conception.

Проблема эстетического отношения человека к действительности занимает важное, центральное место в современной эстетике. Эстетическое отношение человека к действительности осуществляется через эстетические явления, ценности. Поэтому изложение темы целесообразно начать с анализа концепций эстетического.

Общетеоретические и общеметодологические основы проблемы эстетического освещены в классической эстетике в работах И.Канта, Г.В.Ф.Гегеля, Н.Г.Чернышевского, К.Маркса, Г.В.Плеханова. Отдельные моменты этой проблемы изучены в научных работах таких учёных, как В.Ф.Асмус, Г.З.Апресян, А.И.Буров, Ю.Б.Борев, В.В.Ванслов, А.И.Виноградов, С.С.Гольдентрихт, Н.А.Дмитриева, А.Я.Зись, В.П.Иванов, М.С.Каган, Н.И.Крюковский, М.А.Лифшиц, А.Ф.Лосев, Г.А.Недошивин, М.Ф.Овсянников, Г.Н.Поспелов, Л.Н.Столович, П.С.Трофимов и др. Однако ещё мало работ, посвящённых специальному, всестороннему исследованию этой проблемы. В частности, даже не включены специальные главы по этой теме в учебно-методические пособия по эстетике разных лет, отдельные статьи в «Философскую энциклопедию» (Москва, 5-т., 1970), «Краткий словарь по эстетике» (Москва, 1964).

«Эстетическое» как понятие, выражающее общие, существенные особенности прекрасного, безобразного, возвышенного, низменного, драматического, трагического, комического, трагикомического, героического, художественного и др. явлений, ценностей, вошло в науку сравнительно позже, точнее – в 60-х годах XX в. Перечисленные выше явления раньше рассматривались как различные стороны, разновидности прекрасного. По этой причине понятие прекрасное долгое время было использовано в широком смысле вместо понятия эстетического, были выдвинуты различные концепции об этом.

Древнейшими учениями о сущности мира, в том числе и эстетических явлений в нём, являются **мифология** и **религия**. Согласно этим учениям, мир и человек созданы Богом. Все явления в мире, в том числе и прекрасное, являются продуктом, проявлением Бога, сверхъестественной силы. Конечно, такое объяснение вопроса является несостоятельным с научной точки зрения. Позже, с возникновением философии в рабовладельческом обществе, объективный идеализм пытался объяснить этот вопрос более-менее научно.

Объективно идеалистическая концепция (Сократ, Платон, Августин, Ф.Аквинский, Гегель, неотомизм и др.) признает объективную основу эстетического, но объясняет его как проявление, продукт некой идеи, духа или

сверхъестественной силы, которые существуют абсолютно, вечно вне этого мира, пространства и времени, сознания человека. Объективный идеализм, хотя правильно замечает диалектику материального и духовного в эстетическом, однако противопоставляет их друг другу. Он считает идеальное первичным по отношению к материальному, растолкует его фантастически, религиозно-идеалистически. Согласно ему, истинное прекрасное находится в мире идей, духе, прекрасное в мире вещей, материальном мире является обманчивым, преходящим, временным. С этой точки зрения объективно идеалистическая концепция тесно смыкается с религиозным учением. Она не учитывает субъективный момент в эстетическом.

Субъективно идеалистическая концепция (Д.Юм, И.Кант, И.Фихте, А.Шопенгауэр, Ф.Ницше, позитивизм, интуитивизм, фрейдизм, экзистенциализм и др.) возникла в XVIII–XIX вв. вместе с буржуазными общественными отношениями. Учитывая место и значение субъективного момента, эстетического сознания, эстетических понятий, чувств и переживаний, она добилась значительных результатов в их специальном изучении. Но, отрицая объективное содержание, основы и критерии эстетического вообще, она рассматривала их как продукт, проявление сознания, желания и воли, чувств и переживаний субъекта. Рассматривая эстетические явления как чисто индивидуальная и произвольная оценка, лишённой объективного содержания и критериев, субъективно идеалистическая концепция проповедует субъективизм и анархию в эстетике и искусствознании.

Пытаясь осмыслить и устранить односторонности объективно и субъективно идеалистических концепций, в истории философско-эстетической мысли возникла **дуалистическая концепция**. Представители этой концепции (Э.Мейман, Б.Кроче, Н.Гартман и др.) правильно заметили, что для того, чтобы основательно объяснить сущность эстетического, необходимо объединить объективные и субъективные моменты в нём. На самом же деле, рассматривая объективное и субъективное как абсолютно самостоятельные, не взаимосвязанные друг с другом параллельно существующие стороны в эстетическом, дуалисты не смогли объединить, а наоборот, отрывали их друг от друга. В результате этого, вместо исправления ошибок, допущенных объективной и субъективной идеалистической концепциями, дуалистическая концепция ещё раз повторяла их. Дуализм является разновидностью идеализма. В рамках идеализма невозможно правильное объяснение вопроса взаимосвязи объективного и субъективного сторон в эстетическом.

В борьбе против идеалистических концепций, начиная ещё с рабовладельческого общества, возникли и развивались в разнообразных формах материалистические теории.

Общей заслугой сторонников **материалистических теорий** в эстетике (Гераклит, Демокрит, Аристотель, Лукреций Кар, Л.Б.Альберти, Леонардо да Винчи, А.Дюрер, Э.Бёрк, Д.Дидро, Г.Э.Лессинг, И.Гердер, В.Г.Белинский, А.И.Герцен, Н.Г.Чернышевский, Н.А.Добролюбов и др.) является то, что они объясняли эстетические явления в тесной взаимосвязи с объективными свойствами, качествами, закономерностями материального мира, этим самым дали сокрушительный удар по религиозным и идеалистическим теориям. Однако существовавший до 40-х годов XIX в. домарксовский материализм (конечно,

материализм русских революционных демократов XIX в. исключение в этом плане) имел метафизические ограниченности и недостатки.

Метефизическая материалистическая концепция, существовавшая в домарксовской материалистической эстетике, включила прекрасное и другие эстетические явления в ряд природных свойств вещей и предметов. Связывая объективные основания эстетического с природой, она страдает недостатками натурализма. Эта концепция не понимала вопросы о социально-исторической сущности эстетического, активно-преобразующей роли практики, субъективного фактора в нём. Поэтому она подходила к эстетическому с пассивно-созерцательной, наблюдательной точки зрения.

Таким образом, общей ограниченностью идеалистических и метафизически материалистических концепций заключалась в том, что они не смогли правильно решить вопросы единства и противоречия между объективным и субъективным, материальным и идеальным в прекрасном и других эстетических явлениях. Конечно, и идеалисты (например, дуалисты), и материалисты (например, Д. Дидро, И. Гердер) пытались решить эту проблему. Однако метафизический способ в их мышлении не способствовал раскрытию диалектической природы эстетических явлений. Только в середине XIX в. русские революционные демократы, а больше всех Н. Г. Чернышевский, вплотную подошли к материалистическому и диалектическому пониманию сущности прекрасного. Однако даже и Н. Г. Чернышевский не смог полностью освободиться от исторически неизбежных недостатков, присущих домарксовской материалистической эстетике (например, пороки антропологизма).

Ограниченности идеалистических и метафизических эстетических концепций прошлых эпох можно было преодолеть, правильно, научно объяснить сущность эстетического только на основе диалектико-материалистического учения. К. Маркс и Ф. Энгельс заложили первые краеугольные камни в этой области, излагали свои ценные рассуждения о прекрасном и других эстетических явлениях. Однако мысли основоположников марксизма об эстетическом не были специально разработаны в виде целостной, единой системы, они были попутно изложены по поводу анализа различных научных вопросов. Работа по сбору и изданию, научному исследованию этих мыслей была осуществлена значительно позже. Кроме того, при исследовании вопросов эстетического учёные строго не соблюдали онтологический, гносеологический, социологический, психологический, аксиологический аспекты философии марксизма, принципы материалистической диалектики, в результате этого ими были допущены серьёзные ошибки.

Несмотря на это, научно-исследовательские работы в области изучения вопросов эстетического не прекращались. В этом отношении огромное значение имели научные споры по вопросам эстетического, проходившие в 1956 г. в бывшем СССР. Особенно с мая месяца 1961 г. началась бурная дискуссия по инициативе профессорско-преподавательского коллектива кафедры эстетики Московского государственного университета на тему: «В чём природа и суть прекрасного и эстетического?» В дискуссии помимо учёных-эстетиков бывшего СССР принимали участие также учёные из таких тогдашних социалистических стран, как Болгария, ГДР, Чехословакия, Польша, Венгрия. Материалы дискуссии опубликовались на страницах журналов «Вопросы философии», «Вопросы литературы», а также других журналов и газет. На основе этих материалов в

1964 г. в Москве был издан сборник статей «Эстетическое». Таким образом, в 60-х годах XX в. понятие «эстетическое» вошло в науку, стало темой научного исследования.

В процессе дискуссий 60-х годов XX в. возникли ряд концепций эстетического – «природническая», «общественническая» и аксиологическая.

Общим для «природнической» и «общественнической» концепций является то, что они считали эстетическое как объективное свойство предметов и явлений действительности. Однако при определении степени объективности в зависимости от природного или социально-исторического факторов их точки зрения расходились.

«Природническая» концепция (Н.А.Дмитриева, Г.Н.Поспелов, И.Ф.Смолянинов, Н.И.Крюковский, П.С.Трофимов и др.) включила эстетическое в ряд природных свойств вещей и предметов. Согласно этой концепции, прекрасное порождена природой, её сущность определяется закономерностями материального мира, поэтому оно существует до человека и общества, даже без них.

Правда, обращая основное внимание на вопросы существования различных естественно-объективных, технико-функциональных основ, предпосылок прекрасного (пропорция, симметрия, объёмность, ритм, темп, рост, оптимальность и т.д.), «природники» сделали многое по их изучению. Однако, связывая объективность прекрасного только с природой, они не смогли объяснить его социально-историческую сущность, роль и значение практики, субъективного факторов в нём. «Природники», хотя считали себя марксистами, на самом деле повторяли ошибки, допущенные домарксовским метафизическим материализмом (натурализм, пассивная созерцательность, наблюдательность). Кроме того, считая прекрасное как природное свойство, они допустили ещё две серьёзные ошибки:

Во-первых, по их мнению, если прекрасное относится к ряду природных свойств вещей и предметов, то его должны изучить естественные науки. Такой взгляд на вопрос приведёт к превращению эстетики в одну из частей естествознания, оставит под сомнение её существование в качестве самостоятельной философской науки.

Во-вторых, все природные свойства можно измерить при помощи различных приборов, Но эстетическое, в том числе и прекрасное, невозможно измерить, не существуют приборы для их измерения. Эту мысль в своё время подчёркивал и Платон. Если так, то прекрасное не входит в ряд природных свойств вещей и предметов, их изучает не естествознание, а эстетика.

С критикой «природнической» концепции выступили представители «общественнической» концепции.

Согласно **«общественнической» концепции** (Ю.Б.Борев, В.В.Ванслов, С.С.Гольдентрихт, М.С.Каган, Л.Н.Столович, В.И.Тасалов и др.), эстетическое, в том числе прекрасное, не входит в ряд природных свойств, они являются общественными свойствами, качествами. Прекрасное порождено не природой, а обществом, человеком. Прекрасное в природе без человека и общества не существует.

При объяснении сущности эстетического представители «общественнической» концепции исходили из учения К.Маркса о практической деятельности человека. Согласно этому учению, сущность человека определяется тем, что он является

социальным существом, явлением. Личность осуществляет человеческое отношение к действительности, природе. При этом действительность, природа вовлекаются в круг общественных отношений, «очеловечиваются». Существуют как «неочеловеченная» (дикая, девственная, существующая до и без человека и общества, неосвоенная ими) и «очеловеченная» (находящейся в тесной взаимосвязи с человеком, обществом, освоенная ими) природы. «Неочеловеченная» природа, её предметы и явления, присущие им свойства, качества, процессы сами по себе, т.е. без человека, общества не обладают никакой значимостью, ценностью, не являются ни прекрасными, ни безобразными. Только «очеловеченная» природа, её предметы и явления, будучи полезными, значимыми в удовлетворении потребностей человека и общества, представляют определённую ценность. Вещи и предметы природы «очеловечиваются» в процессе общественно-исторической практики, труда, приобретают человеческое содержание, ценность. В процессе «очеловечивания» проявляются две стороны отношения человека к действительности:

1. «Опредмечивание» – в предметах природы запечатлевается, овеществляется специальная родовая сущность человека как социального существа.

2. «Распредмечивание» – предметы и вещи, выражая в себя сущность человека, перестанут существовать как обычные физические, материальные предметы, обретают человеческую ценность, содержательность.

Таким образом, согласно «общественнической» концепции, эстетическое и прекрасное как особые качества, ценности возникают в процессе вовлечения предметов и явлений действительности в круг общественных отношений, «очеловечивания», они вносятся им человеком и обществом.

«Общественническая» концепция подчёркивает социальную сущность эстетического как явления, имеющего тесную связь с человеком, обществом и практикой. Она связывает вопрос эстетического с активно-преобразующей деятельностью человека. Вместе с тем, представители этой концепции не учитывали природные особенности прекрасного, в результате чего допустили ряд ошибок.

Общей ошибкой «природнической» и «общественнической» концепций было то, что они рассматривали эстетическое как чисто объективное свойство, не учитывали значение субъективного момента в нём. В противовес этому некоторые исследователи (например, А.Нуйкин) считали эстетическое как чисто субъективно-психологическое явление, фактор сознания личности, проявление её чувственной деятельности. По своей сути эта так называемая «психологическая» точка зрения повторила ошибки субъективного идеализма.

Дискуссии 60-х годов XX в. предполагали необходимость разработки какой-нибудь новой концепции, способной преодолеть имеющихся односторонностей, ошибок в объяснении вопросов эстетического. В качестве своевременного ответа на эту жизненную потребность возникла **аксиологическая концепция** (греч. *axia* – ценность, значимость и *logos* – учение, наука – теория ценностей). Она была разработана представителями «общественнической» концепции.

Аксиологическая концепция считает эстетическое как особую общечеловеческую, духовную ценность, значимость, возникающую в процессе взаимосвязи субъекта и объекта. Согласно ей, объективная сторона эстетического проявляется как ценность, а субъективная – как эстетическая

оценка. Аксиологическая концепция рассматривает эстетическое в качестве сложного диалектического явления, состоящего из тесного единства объективного и субъективного, природного и социального, материального и духовного, чувственного и рационального и других сторон. С этой точки зрения аксиологическая концепция синтезировала достигнутые успехи и смогла значительно преодолеть допущенные ошибки предшествующих ей концепций.

Таким образом, существовавшие в истории философско-эстетической мысли мифологическая, религиозная, объективно идеалистическая, субъективно идеалистическая, дуалистическая, метафизически материалистическая, «природническая», «общественническая», аксиологическая концепции имели важное значение в объяснении сущности и особенностей эстетического. Необходимость всестороннего, комплексного, глубокого исследования эстетических явлений в настоящее время требует разработки единой научной теории эстетического. Это возможно путём творческого освоения всего ценного, рационального, находящегося в концепциях прошлого, а также синтеза онтологического, гносеологического, аксиологического, социологического, психологического, коммуникативного, семиотического и других подходов к проблеме. Как свидетельствует история философско-эстетической мысли, данную задачу можно успешно решить только на основе диалектико-материалистической философии.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Гегель. Лекции по эстетике //Соч., т. XII – XIV. – Москва, 1938 – 1958.
2. История эстетики. Памятники мировой эстетической мысли. В 5-и т. – Москва, 1962 – 1970.
3. Кант И. Критика способности суждения //Соч., т. V. – Москва, 1972.
4. Природа и функции эстетического. – Москва, 1968.
5. Столович Л.Н. Природа эстетической ценности. – Москва, 1972.
6. Столович Л.Н. Эстетическая и художественная ценность: сущность, специфика, соотношение. – Москва, 1983.
7. Эстетика. Словарь. Под общ. ред. А.А.Беляева и др. – Москва, 1989.
8. Эстетическое. Сб. статей. – Москва, 1964.
9. Бердиев Н. Инсоннинг воқеликка эстетик муносабати. – Термиз, 1994.
10. Бердиев Н. «Эстетиклик» ва «эстетик кадрият» тушунчаларининг нисбати масаласига доир //ТерДУ проф.-ўқитувчиларининг XVIII илмий-назарий конференциясида тингланадиган маърузалар тезислари. – Термиз, 1996, 1-қисм, 30-31-б.
11. Бердиев Н. Эстетик муносабат тушунчасининг мазмуни ва таркиби //ТерДУ проф.-ўқитувчиларининг XXIX илмий-назарий конференцияси материаллари. – Термиз, 1997, 1-қисм, 23-24-б.
12. Бердиев Н. Эстетик муносабатнинг хусусиятлари //ТерДУ проф.-ўқитувчиларининг XXX илмий-назарий конференцияси илмий маърузалари тўплами. – Тошкент, 1998, 36-37-б.
13. Бердиев Н. Гўзалликнинг ижтимоий аҳамияти //Ўша ерда, 38-39-б.
14. Бердиев Н. Эстетик хоссалар масаласи бўйича баъзи мулоҳазалар //Проф.-ўқитувчиларининг илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2000,

14-20-б.

15. Бердиев Н. Эстетик кадриятлар масаласи бўйича баъзи мулоҳазалар // Баркамол инсон тарбияси. – Термиз, 2001, 97-102-б.

16. Бердиев Н. Ижтимоийчилик концепцияси //Фалсафа: қомусий луғат. – Тошкент, 2004, 145-146-б.

17. Бердиев Н. Эстетиклик //Ўша ерда, 465-466-б.

18. Бердиев Н. Эстетиклик категорияси //Жайхун: ТерДУ хабарлари, 2005, № 2, 27-34-б.

19. Berdiev N. The concept of Aesthetic //The American Journal of Social Science and Education Innovations: May 31, 2021 /Pages: 397-402.

20. Турабова С. Илмий баҳс (дебат, дискуссия, полемика, диспут)нинг мантикий-эпистемик таҳлили. – Термиз, Сурхон-нашр, 2020.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Шоимов Алишер Раҳматуллаевич
Термиз давлат университети
Фалсафа кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу илмий мақолада Мустақил тараққиёт йўлимизни танлаган мамлакатимизда кенг қамровли янгиланиш жараёнларини давом эттириш зарурияти таъкидланган. Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар билан бир вақтда жамиятнинг маънавий янгиланиши масаласига оқилона йўл тутишни талаб этадиган ҳолатлар ифодаланган.

Калит сўзлар: маънавият, юксак маданият, тараққиёт стратегияси, мафкуравий иммунитет, миллий ғурур, миллий маънавият, инсонпарварлик, ватанпарварлик, эркпарварлик, ижодкорлик, яратувчанлик.

Аннотация. В данной статье отмечена необходимость предложения процесса всестороннего обновления в нашей стране, избравшей путь самостоятельного развития. Одновременно с проводимыми социально-экономическими реформами возникают ситуации, требующие рационального подхода к вопросу духовного обновления общества.

Ключевые слова: духовность, высокая культура, стратегия развития, идейный иммунитет, национальная гордость, национальная духовность, человечность, патриотизм, свобода, творчество, созидательность.

Abstract. This article notes the need to continue the process of comprehensive renewal in our country, which has chosen the path of independent development. Simultaneously with ongoing socio-economic reforms, situations arise that require a rational approach to the issue of spiritual renewal of society.

Keywords: spirituality, high culture, development strategy, ideological immunity, national pride, national spirituality, humanity, patriotism, freedom, creativity, creativity.

Бугун биз амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимиз, ислохотлар самарадорлиги жамиятнинг энг фаол, ташаббускор кучи бўлган баркамол авлод тарбияси самарадорлиги билан узвий боғланиб кетган. Шу боис, асосий эътиборни ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий етуқлиги, ақлий ва жисмоний соғломлиги

ҳамда ғоявий-мафкуравий тарбиясига қаратаётганлигимиз бежиз эмас. Ушбу масъулиятли вазифани ўз зиммасига оладиган таълим тизими, унда амалга оширилаётган янгиланишлар, чуқур ислоҳотлар доимий диққат марказимизда ва давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир.

Маълумки, мамлакатимиз ёш авлодининг катта қисми таълим тизими билан қамраб олинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрда қабул қилинган “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 30 сентябрда қабул қилинган “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ва “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ушбу йўналишдаги ҳуқуқий асослар доирасини янада кенгайтиради албатта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 26 январда қабул қилган Фармони, “Давлат Олий таълим Муассасаларига молявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 декабрда қабул қилинган Қарор юқорида келтирилган сўзлар ифодасидир. Президентимизнинг Фармон ва Қарорлари билан “узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мақтабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мақтабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мақтабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш” ишлари янгидан ташкил этилган Мақтабгача таълим вазирлиги ва унинг жойлардаги бўғинлари раҳбарлигида жадал амалга оширилмоқда. 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва республиканинг вилоят марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мақтабгача таълим муассасалари ташкил этила бошланди. Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш жоизки, таълимнинг узвий қисми ва мақтабгача таълимдан юқори босқич бўлган халқ таълими ва олий таълим тизими ҳам ўсмирлар қалби ва онгига миллий ғоя ва унинг тамойилларини сингдиришнинг энг муҳим воситаларидан бўлиб, ушбу таълим босқичлари мақтаб ва олий таълим ёшидаги болалар ва ўсмирларнинг таълим-тарбиясини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шунингдек ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини қўллаган ҳолда таълим сифатини ошириш фаолиятини изчил давом эттириб келмоқда.

Ушбу тизимда олий таълим босқичи ниҳоятда муҳим давр ҳисобланади. Ҳеч бир иккиланишсиз айтиш мумкинки, баркамол инсон шахсини тарбиялаш, соғлом авлод келажаги ҳақида қайғуриш – жамият ва миллат келажаги билан боғлиқ жиддий масаладир. Зеро, биз миллий юксалишимиз олдинги сафларида ҳаминша юксак маънавият ва маърифат соҳиблари бўлган билимли, илмий салоҳиятли

мутахассисларни, янги авлод кадрларини кўрамиз. Шундай экан, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларни етук мутахассис, ўз соҳасининг билимдони, илмий салоҳият ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган замонавий кадрлар сифатида энг илғор техника ва технологиялар билан жиҳозланаётган соҳалар ва тармоқларни таъминлаш олий таълимнинг биринчи даражали вазифасидир. Кейинги йилларда ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, олий таълим тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони ва у асосида қабул қилинган Концепция кабиларда ҳар томонлама юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашнинг моҳияти, зарурияти, замонавий фан техниканинг ривожланиши талабларига мос баркамол авлодни тайёрлаш масалалари изчиллик билан таҳлил этилган долзарб вазифалар ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Шу боис мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш ва уни ҳозирги замон талабларига мослаштириш, замонавий инфор­мацион технологияларга асосланган жаҳон андозалари даражасидаги тизимини яратиш умумдавлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда олий таълим соҳасида белгиланган долзарб вазифаларни амалга ошириш самарадорлигини таъминловчи яна бир муҳим омилни таъкидлаш жоизки, айнан шу омил таълим тизимини тубдан янгилаш борасида олиб борилаётган ислохотларимизнинг мазмун моҳиятини белгилаб беради. Аниқлик киритайлик, гап етук мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳақида борар экан, аввало, энг илғор талабларга мос, замоннинг интеллектуал, илмий-техникавий, маънавий-ахлоқий ва ғоявий-мафкуравий шиддатларига дош бера оладиган мутахассис шахси назарда тутилмоғи лозим. Бундай мослик ва тайёргарликни эса фақатгина мутахассислик талаблари билангина ўлчаб бўлмайди. Шундай экан, биз мутахассис кадрга унинг касбий тайёргарлиги, маҳорати ва қобилияти билан чекланиб таъриф берадиган бўлсак, у ҳолда фақат ўз касбий манфаатларидан келиб чиқиб, вазиятга баҳо берадиган, масъулият ҳиссини унутиб, жамият учун сарфланадиган билим ва қобилияти эвазига ундан икки ҳисса кўпроқ наф кўришни режа қилган “қашшоқ мутахассис” таърифидан нари ўтолмаймиз. Ваҳоланки, биз ўз мутахассислигининг ижтимоий аҳамиятини мушоҳада қилиб, профессионал маҳоратини узлуксиз ошириб борадиган, уни жамият манфаатлари измида миллий юксалиш мақсадлари сари сафарбар этиб, фахр ва ғурур туйғусини, моддий ва маънавий қониқиш ҳиссини англаб етадиган мутахассис кадрни тарбиялаб беришни мақсад қилиб кўйганмиз. Демак, олий таълимга фақат олий маълумотли мутахассис кадр етказиб берувчи таълим муассасаси деб қарамасдан, ушбу

тизимни ёшларимизга ҳам билим, ҳам касб-ҳунар ва ихтисослик бериш билан бир вақтда уларда эркин фикр маданияти ва мустақил дунёқараш кўникмаларини шакллантирадиган, маънавий-ахлоқий қиёфасини қарор топтириб, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик ва ташаббускорлик сари йўллайдиган, юксак маънавиятли баркамол инсон қиёфасидаги мутахассис кадрларни етиштириб берувчи таълим ва тарбия маскани деб билмоғимиз керак.

Тўғри, олий таълим, унга алоқадор фан соҳалари ва тармоқларини ривожлантириш, уни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш учун биринчи галда сўзсиз, ўз соҳасининг чуқур билимдони, назарий билим ва амалий кўникмаларни уйғунликда олиб бора оладиган, илмий салоҳиятга эга мутахассислар тайёрлаш рад этиб бўлмас ҳақиқатдир. Шунингдек, таъкидлаш керакки, ҳар қандай тараққиёт ва илмий фаолият маҳсули шубҳасиз, муштарак мақсад сари – миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги негизида ижтимоий тараққиётни жадаллаштириш билан бирга миллий тараққиёт учун хизмат қилиши керак. Шундагина биз таълим-тарбия берган мутахассислар қиёфасида юксак маънавият, касбий маданият, маърифат ва миллий тарбия хислатларининг ифодасини кўрамиз.

Мутахассис кадрлар маънавияти масаласига тўхталар эканмиз, таъкидлаш керакки, ҳар бир мутахассислик таълими ўзида индивидуал ва ижтимоий фазилатлар уйғунлигини қамраб олмоғи лозимки, бу уйғунлик мутахассиснинг билим савияси ва касбий этикетини намоён қилиш омилига айланади. Ушбу омил мутахассис савияси ва касбий маданиятининг маънавий-ахлоқий мезонларини белгилаб беради. Улар қуйидагилар:

- танлаган йўналиши бўйича ўз касбининг масъулиятини ҳис қилган ҳолда аниқ мақсад ва режалар асосида фаол позицияга эга бўлиш;
- ўз қобилияти, билими ва касбий маҳорати, ўз ўрни ва мавқеига мослик даражасини намоён қилиш орқали ҳурмат ва эътиборга эришиш;
- ўз фикри, ғояси ва режаларини аниқ, равон нутқда баён этиб, атрофдагиларга таъсир эта олиш журъати билан жамоавий бирлик ва ҳамфикрлиликни қарор топтириш;
- замонавий билимлар соҳиби сифатида сиёсий онг ва ҳуқуқий маданият етуқлигига эришиш;
- алоҳида ижтимоий гуруҳ ёки қатлам вакили сифатида муайян ахлоқий меъёрлар доирасида ўз-ўзини идора этиш орқали ўзгаларга ўрнатилган бўлиш;
- қабул қилган қарорига ўзгаларни ишонтириш, уюштириш ва ўз ортидан эргаштириб бора олиш;
- ижтимоий фаоллик ва ташаббускорлик, масъулият, жавобгарлик, бурч ва мажбуриятларни намоён этиш.

Белгиланган барча мезонлар субъектнинг шахсий фазилатлари устуворлигини тақозо қилади. Демак, олий маълумотли мутахассиснинг шахсий фазилатлари ва маънавияти ҳақида сўз юритар эканмиз, таълим сифатини белгиловчи яна бир муҳим омилга эътибор қилмоқ зарур. Мутахассиснинг билим савияси, малака ва кўникмаларини оширишда олий таълимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш қанчалик зарур бўлса, билингки, тизимнинг маънавий-маърифий базасини ҳам замон талабларига мослаштириш ва мустаҳкамлаш шунчалик зарурдир. Таълим бериш борасида илғор хорижий тажрибаларга қанчалик аҳамият бераётган бўлсак, маънавий-тарбиявий йўналишда миллий қадриятларимиз аҳамияти ва таъсирчанлигини янада мустаҳкамламоғимиз шарт.

Мавзумиз мазмунидан келиб чиқиб, бирор бир фан ёки таълим соҳасига ортикча баҳо бермаган ҳолда таъкидлаш ўринлики, таълим тарбиявий йўналишда ўз мақсад ва вазифаларини талаба ёшларнинг дунёқараш, фикрлаш маданияти, ижтимоий фаоллиги ва ҳаётий позициясини шакллантиришга йўналтирган ижтимоий фанлар ўз мазмунига монанд мутахассислик билимларининг сифат самарадорлиги ва ижтимоий йўналтирилганлигини мутахассис онгига сингдириб, унинг маънавий масъулиятини тарбиялайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида таъкидланганидек: “Олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш”[1.2909] олий таълимни комплекс ривожлантириш ва ижтимоий фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишга доир функционал вазифалари сифатида белгилаб берилди. Мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар энг аввало таълим сифати самарадорлигига эришиш, бу борада энг илғор ва замонавий ҳорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда ижодий фойдаланиб, миллий таълим тизимимизга татбиқ этиш мақсади сари йўналтирилгандир. Тизимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, етук мутахассислар, илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш, илмий салоҳиятни кўтариш ва тажриба-конструкторлик ишларини изчил йўлга қўйиш, ҳудудий иқтисодий потенциал имкониятлари билан мувофиқлаштириш орқали “таълим-фан-ишлаб чиқариш” интеграциясини шакллантириш – ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг пиравард мақсадидир.

Донишманд халқимиз ҳикматига мурожаат қиладиган бўлсак, аёнки, илм ўргатмоқ, таълим бермоқликни маънавият ва маърифатдан, маданиятдан ва албатта тарбиядан аро йўлда тасаввур қилиб бўлмайди. Фақат таълим ва тарбия бирлигида ёшларимизнинг дунёқарашини бойитамиз, фикрини теранлаштирамиз, мақсади ва интилишларини ойдинлаштириб, дунёга янгича кўз билан, илм-маърифат кўзи билан қарашга ундаймиз. Ана шундай хислатлар билан ёшларимиз бугун ислохотлар ташаббускорига, ўзгаришлар ижодкорига айланмоқда. Дарҳақиқат, “Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради” деган фикр айна ҳақиқатдир. [2.253]

Олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш билан бевосита боғлиқ фанлар, хусусан, ижтимоий фанларнинг мавқеи ва мақомини мустаҳкамлаш, масъулиятини ошириш, дунё миқёсида кечаётган воқеалар шиддатига билими ва ғоявий эътиқоди билан бас кела оладиган баркамол авлод тарбиясида ушбу фанларнинг таъсирчанлиги ва амалий иштирокини таъминлаш учун етарлича имконият яратиш соҳадаги ижобий ўзгаришларнинг муҳим омилдир. Бугунги кун талаби шундай – етук мутахассис, ғоявий эътиқод, маънавий-ахлоқий фазилатлар субъекти, янгиланиш ва ўзгаришлар ташаббускори – бу биз сабоқ бериб, тарбия қиладиган олий таълим битирувчиларига қўйилган талабдир. Ижтимоий фанлар аҳамиятини мутлақлаштириш фикридан ҳоли бўлган ҳолда, жиддий бир масалага эътибор қаратмоқчимиз. Айтайлик, олий таълим билан қамраб олинган ёшларимизни фақат мутахассислик билимлари билан банд қилсагу, маънавий-тарбиявий, касбий-ахлоқий, дунёқарашлик, миллий ўзига хослик ва умуминсонийлик билимларини кейинги босқичга – ёш мутахассиснинг

амалий фаолияти босқичига қолдирсак. Хўш, биз тайёрлаб, ишонч билдирган ёш мутахассис қандай ғоя, қандай савия билан ва қандай ниятда олдинга юради? Уни ўз қуршовига оладиган ғоялар дунёсида ўз фикри ва қарорида қатъий қолиш учун унда ғоявий собитлик, маънавий журъат, масъулият ва даҳлдорлик хислатлари намоён бўладими? Ёки аксинча, кибр ва манманлик, индивидуализм ва эгоизм, коррупция ва ахлоқсиз маданият сингари иллатлар исканжасида чорасиз қоладими? Эътибор қиладиган бўлсак, Президентимиз ўзининг ҳар бир чиқишида илм фан тараққиётини, ижтимоий-иқтисодий юксалишни биринчи галда маънавият ва маърифат юксаклиги, ғоявий-мафкуравий эътиқод мустаҳкамлиги билан боғламоқда. “Янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш учун, Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак” [3.45].

Яна бир исбот талаб қилмас ҳақиқат шуки, биз инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишда, аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олган эканмиз, “Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур [4.463]. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш”[4.253] эканлигини таъкидлаб ўтди.

Биз ўз соҳамиз мазмунидан келиб чиқиб, олий маълумотли мутахассис кадрларни тайёрлашда ижтимоий фанлар аҳамияти қай даражада эканлигига эътибор қаратдик. Юқорида билдирилган фикрларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, агар мутахассислик фанлари таълими юқори малакали кадрни тайёрлаш сари йўналтирилган экан, ижтимоий фанларни ўқитишдан кўзланган асосий мақсад соғлом фикр ва тафаккурга эга, атроф воқеликка ҳақиқат ва адолат кўзи билан қарайдиган, ўзининг билими ва кучини жамият тараққиёти йўлида миллий юксалиш сари йўллашга қодир маънавий етук, баркамол авлодни тарбиялашдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи». 2018 йил 28 декабрь №253.

3. “Манавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2017 йил 30 июль, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>.

4. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Тошкент: O‘zbekiston 2021. 464 бет.

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ҲАДИСЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Нуриев Санжар Махмудович
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси
илмий тадқиқотчиси

Аннотация. Ёш авлод тарбиясида ҳадислар муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу мақолада ҳадисларнинг вужудга келиши ва ҳадис илмининг ривожланишида имом ал-Бухорийнинг ҳиссаси ҳақида маълумот берилди.

Калит сўзлар: ислом, ҳадислар, саҳобалар, тобеинлар, имом ал-Бухорий.

Аннотация. Хадисы играют важную роль в воспитании подрастающего поколения. В данной статье представлена информация о происхождении хадисов и вкладе имама аль-Бухари в развитие науки о хадисах.

Ключевые слова: ислам, хадисы, сахабы, тобеины, имам аль-Бухари.

Abstract. Hadiths play an important role in the upbringing of the younger generation. This article provides information about the origin of hadith and the contribution of Imam al-Bukhari to the development of the science of hadith.

Key words: Islam, hadiths, sahabahs, tobeins, imam al-Bukhari.

Маълумки, ислом динида ҳадислар Қуръони каримдан кейин турадиган иккинчи асосий манба ҳисобланади. Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васалламнинг ҳаёт вақтларида ҳадислар ёзма қайд этилмаган. Бунинг асосий сабаби ўша пайтда нозил бўлаётган Қуръон оятлари билан пайғамбар ҳадислари аралашиб кетади, одамлар ўртасида тушунмовчилик бўлади, деган фикр билан ҳадисларни ёзиб олиш бевосита пайғамбар томонидан рад этилган. Уша даврларда ҳадисларнинг асосий манбаи саҳобалар ва тобеинлар бўлиб, улар ўз хотираларига ишонган ҳолда, халқ орасида тарқалиб кетган ҳадисларни тўплаган ва уларга асосланиб иш юритган.

Пайғамбар алайҳиссалом вафот этгач, орадан маълум вақт ўтиб, саҳобалар ва тобеинлар ҳам бирин-кетин вафот эта бошлайдилар. Бу пайтларда ислом динининг нуфузи кучайиб, географик жиҳатдан катта ҳудудга тарқалган, шунингдек, миллий, сиёсий ихтилофлар, фикр ва калом илмидаги зиддиятлар орқали, хушомадгўй, манфаатпараст кишиларнинг ғаразли ниятлари йўлида сохта ҳадислар ҳам пайдо бўла бошлаган. Манбаларда қайд этилишича, ўша пайтда бундай кимсалар томонидан Мухаммад пайғамбар номидан 14 мингга яқин сохта ҳадислар тўқилиб, тарқалган [1]. Агар аҳвол шу тарзда давом этса, ҳадислар асл ҳолида сақланиб қолмаслигини, келгуси авлодларга ҳаққоний, тўғри равишда етиб бормаслигини англаган ҳукмдорлар ҳадисларни ёзма қайд этишга ҳукм қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, IX аср ҳадис илми тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки айнан шу асрда ҳадисларнинг ишончлилари ажратилиб, муайян қоидалар асосида чуқур тадқиқ қилинган, манбаларга кўра алоҳида бобларга ажратилиб, мустақил асарлар яратилган. Бу ишларга биринчи бўлиб, имом ал-Бухорий асос солганлиги эътиборга лойиқдир.

Ҳадис илмининг султони Абу Абдулло Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий 809

йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топган. У ёшлигидан хотирасининг кучлилиги, ёдлаш қобилияти билан барчани ҳайрон қолдирган. Бу ҳақда кўплаб тарихий далиллар келтирилган. “Ислом энциклопедияси” деб ном қозонган “Доират ал-маориф ал-исломия” муаллифлари бўлган йирик исломшунос олимлар Венсинк, Мартин, Хоустма, Арнольд, Бассет, Хартман, Гебб ва бошқалар ҳам у кишини тан олиб, “Имом (ал-Бухорий) қувваи ҳофизасига кўра Аллоҳнинг ердаги мўъжизаларидан биридир!”- деб ёзишган” [2]. У 16 ёшида ҳаж амалларини бажариш учун Макка ва Мадинага сафар қилади. Кейинчалик у билимларини чуқурлаштириш ва билмаганларини ўзлаштириш мақсадида Маккада қолади.

Имом ал-Бухорий ўз ижодий фаолияти давомида йигирмадан ортиқ асар яратган бўлиб, улардан аксарияти бизгача етиб келган. Шу билан бкрга алломанинг ижодида унинг шох асари “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”, бу асар “Саҳиҳ ал-Бухорий” номи билан ҳам машҳурдир) алоҳида ўрин эгаллайди. Бу қимматбаҳо асар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара ва Бухорои шарифда ўн олти йил давомида ёзиб тугатилган бўлиб, саккиз мингга яқин саҳиҳ ҳадисларни ўзида жамлаган. Асар мавзуларига қараб тўқсон етти китоб ва 3450 бобдан иборат, асосан тўрт жилдлик китоб ҳолида яратилган. Қимматбаҳо манба сифатида “Саҳиҳ ал-Бухорий” нинг кўплаб қўлёзмалари дунёнинг турли йирик шаҳарларидаги қўлёзмалар хазиналарида сақланади. У қайта нашр этилиб, бир неча хорижий (инглиз, француз, олмон, форс, турк ва бошқа) тилларга ҳам таржима қилинган. Асарга ёзилган юздан ортиқ шарҳлар мавжуддир. Мустақиллигимиз шарофати туфайли Имом ал- Бухорийнинг бу асари ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, тўрт жилдда Тошкентда нашр этилди.

“Саҳиҳ ал-Бухорий” пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг энг саҳиҳ ҳадисларини ўзида мужассам этган беназир дурдона сифатида қарийб ўн икки асролиму уламолар томонидан Ислом дини таълимоти Куръони Каримдан кейин турадиган иккинчи манбаа сифатида юқори баҳоланиб келади. Имом ал-Бухорий пайғамбаримиздан содир бўлган саҳийҳ ҳадисларни ҳар томонлама чуқур текшириб илмий тадқиқ қилишга асос солиш билан бирга у ҳадисларнинг санад (яъни ровийларга) ҳам алоҳида эътибор берган. Бинобарин комил ишонч билан айтиш мумкинки, аллома биринчилардан бўлиб ҳадис илмида ровийлар тарихини ўрганиш соҳасига ҳам асос солди. Бу маълумотлар мажмуаси ровийларни туғилган йиллари ва жойлари, ижтимоий келиб чиқиши, касби-кори ва шуғулланадиган ихтисоси, қандай устозлардан, қачон ва қаерда таълим олгани, уларнинг илмий ва маърифий савиялари, имон-эътиқодининг бардавомлилик даражаси, ростгўйлиги, ёлғонга мойил эмаслиги, ваҳимаси камлиги, вафот этган йиллари, ўзидан олдинги (яъни кимдан ривоят қилган) шайхи билан шахсан мулоқотда бўлганлиги ва бу мулоқот қандай вазиятларда кечганлиги кабилардан иборат бўларди.

Бу масалаларни ёритишга Имом ал-Бухорий катта масъулият ва ўта ҳалоллик билан ёндошган. Шу тариқа саҳий ҳадисларни англаш борасида биринчи маротаба муайян тартиб-қоидалар вужудга келиб, улар ҳадис илмида “Шурут ал имом ал-Бухорий” (Имом ал-Бухорий шартлари) ёки “Шурут саҳийҳ ал-Бухорий” (Саҳиҳ ал-Бухорий шартлари) деган беш банддан иборат янги бир илмий йуналиш сифатида талқин этилади.

1. Ҳадис ровийларининг ҳаммалари то саҳобаларига қадар барча тан олган обрў-эътиборли ва нуфузли, иймон-эътиқоди комил, ростгўй ва софдил мусулмон бўлиб, қаллоблик, фирибгарликдан холи, бошқалар билан ихтилоф чиқаришдан четда

юрадиган бўлиши шарт эди. Шунингдек, ровийлар инсофу адолат сифатларини ўзида тўлиқ мужассам этган ҳалол, пок, покиза, зеҳни ўткир, паришонхотир бўлмаслиги, диёнати соғлом инсон бўлиши шарт эдики, бу хусусиятлар унинг хулқ-атвори ва амалий фаолияти давомида олий даражада ўз ифодасини топмоғи лозим эди.

2. Санадда (яъни ровийлар силсиласида) узилиш (инкитоб) бўлмаслиги лозим эди.

3. Агар ривоят анъана тарзида (яъни бир неча ровийлар) силсиласидан иборат бўлса, бу ҳолда албатта ровий ўз устози (шайхи) билан шахсан мулоқотда бўлиши керак эди.

4. Келтириладиган ҳадиснинг ишончилиги (яъни саҳиҳлиги)ни имом ал-Бухорийдан олдин яшаб ўтган муҳаддислар ёки ҳеч бўлмаганда (унга ал-Бухорийга) замондош муҳаддислар бир овоздан тан олган бўлиши шарт эди.

5. Келтириладиган ҳадис ҳар қандай хато-камчилик ва нуқсонлардан холи бўлмоғи лозим эди.

Ҳижрий III асрда ҳадисшуносликда уч йўналиш пайдо бўлди: “Муснад”, “Сунан” ва “Саҳиҳ”. Булардан охиригиси ислом оламида юқори баҳоланади. Мазкур йўналиш асосчиси имом ал-Бухорий эди. У жуда оғир ишни амалга ошириб, пайғамбарнинг 600 минг ҳадисини тўплади. Узоқ йиллик машаққатли меҳнат натижасида Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Мадина олимларнинг ишларини синчковлик билан ўрганди. Ал-Бухорий ҳадисларни ўзида жамлаган 97 китоб ёзди. Уларда 3450 боб бўлиб, 7275 та ишончли ҳадис тартибга солинган ҳолда келтирилган. Ҳадислар тўплами бутун мусулмон оламида тан олинади ва Қуръондан сўнг иккинчи муқаддас китоб ҳисобланади.

Айрим олимларнинг гувоҳлик беришича, бизга Имом ал-Бухорийнинг 21 нафар китобининг номигина маълум. Бу борада сўз кетганда, манбаларда қуйидаги асарлар тилга олинганлигини таъкидлаш ўринли:

“Ал-Жомий ас-саҳийҳ” (Ишончли тўплам) - шубҳасиз Имом ал-Бухорий асарлари орасида энг нодир ва дурдонаси саналади. Имом ал-Бухорий бу китобни ёзиш учун умрининг 16 йилини сарфлаган. Бу китобга киритилган ҳадислар олти юз минг ҳадис орасидан танлаб олинган [3].

“Қазойо ас-саҳоба ва т-тобъийн” (Саҳобалар ва тобъейнлар масалалари). Манбаларда келтирилишича, бу асарни Имом ал-Бухорий 18 ёшида ёзиб тугатган.

“Ат-Тарих ал-кабийр” (Катта тарих).

“Ат-Тарих ал-авсат” (Ўрта тарих).

“Ат-Тарих ал-сағийр” (Кичик тарих).

“Ал-Адаб ал-муфрат” (Адаб дурдоналари).

“Ал-Қироъат халф ал-имом” (Имом ортида туриб ўқиш).

“Бирр ал-волидайн” (Ота-онага меҳрибонлик).

“Халқ афъол ал-ибод” (Бандалар ишларининг халқи).

“Китоб ал-зуафо” (Заиф ровийлар ҳақида китоб).

“Ал-Жомий ал-кабийр” (Катта тўплам).

“Ал-Муснад ал-кабийр” (Катта муснад).

“Ат-Тафсир ал-кабийр” (Катта тафсир).

“Китоб ал-ашриба” (Ичимликлар ҳақида китоб).

“Китоб ал-ҳиба” (Ҳадя ҳақида китоб).

“Асоми ас-саҳоба” (Саҳобалар ҳақида китоб).

“Китоб ал-вахдон” (Ягона ҳадислар ҳақида китоб) – бу китобда биттагина ҳадис айтган саҳобалар ҳақида сўз юритилган.

“Китоб ал-мабсут” (Муфассал китоб).

“Китоб ал-илал” (Иллатли ҳадислар ҳақида китоб).

“Китоб ал-куна” (Кунялар ҳақида китоб).

“Китоб ал-фароиз” (Мерослар ҳақида китоб) [4].

Имом ал-Бухорийнинг ҳадисларда акс этган умуминсоний қадриятлар-маънавий поклик, гуманизм ғояларнинг умри боқийдир.

Ислоннинг прогрессив ғояларини омма онгига сингдириш учун у Бухорода ҳадис мактабига асос солди ва мусулмон оламида машҳур бўлган Муслим Ибн Ҳажжож, Исо Ат -Термизий, Абу Зуръа, Юсуф ал-Фарабрий, Абу Бакир Ҳузайма сингари ҳадисшуносларни етиштирди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Имом Ал-Бухорий шахси фақат мусулмон маданиятига эмас, балки умуминсоний цивилизацияга тегишлидир. Жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган Ўзбекистонда имом ал- Бухорийнинг бой маънавий меросини ўрганишга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зеро бу мерос мустақил Ўзбекистонда жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, баркамол ёш авлодини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Кўҳна Туркистондан етишиб чиккан буюк юртдошимиз имом ал-Бухорий ҳазратлари қолдириб кетган беназир мерос - “Саҳийҳ ал- Бухорий” асрлар оша башарият қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳидоят йўлига бошлаб келмоқда.

Энг аввало буюк алломанинг фавқулодда иқтидори ва юксак илмий салоҳияти, унинг ақл бовар қилмайдиган даражадаги тинимсиз меҳнатининг маҳсули бўлган бу бебаҳо манба нафақат ўз даври учун, балки ҳар қандай давр учун ҳам, ҳар қандай жамият учун ҳам том маънода тарихий аҳамиятга молик муҳим асар десак муболаға бўлмайди. Чунончи, бу қимматбаҳо манбада келтирилган ҳикматлар мажмуаси минг йиллар оша фақат бир улуг ғояга иқтисодий фаровон, адолатли, демократик жамият қуриш, ҳар томонлама етук маънавий комил инсонларни тарбиялашдек ўта муҳим ва ғоятда олийжаноб мақсадга хизмат қилиб келмоқда. Шу боисдан ҳам имом ал-Бухорийнинг бу ўзига хос нодир асари ёзилган даврдан бошлаб, то ҳозиргача бутун дунё бўйлаб, ғарбда ҳам шарқда ҳам барабар ардоқланиб алоҳида меҳр ва иштиёқ билан ўрганиб келинади.

Алломанинг ҳадис илми соҳасидаги буюк хизматларини ўз даврида ҳам ундан кейинги асрларда ҳам кўплаб машҳур олимлар юксак баҳолаб бу илмдан унинг тенги йўқ, яққаю-ягона аллома бўлганлигини бир овоздан таъкидлаганлар. Шу боисдан ҳам имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳеч бир олимга насиб этмаган “Амир ул мўминийин фи-л-ҳадийс” (“Ҳадис илмида барча мўмин мусулмонларнинг амири”), “Имом ал-муҳаддисийн” (“барча муҳаддисларнинг имоми пешвоси”), “Имом ад-дунйа” (“бутун дунёнинг имоми”) каби ўта шарафли эътирофларга сазовор бўлган [5].

Она юртимиз кўҳна Туркистон номини жаҳонга дoston қилган бундай буюк зотга мансуб авлодлар муносиб ворислар бўлиш бизлар учун улкан шараф ва айни вақтда катта маъсулиятдир. Мана шу акидадан келиб чиқиб айтиш керакки, имом ал-Бухорий ва диёримиздан чикқан бошқа кўплаб муҳаддисларнинг ибратли ҳаётлари бой, қимматли маънавий меросларини илмий асосларда ҳар томонларда чуқур ўрганиш олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Уватов У. Ҳадис илмининг султони. “Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни” мавзuidaги халқаро конференция материаллари. ЎзФА “Фан” нашриёти, 1998. – Б. 9.
2. Усмонхон Алимов. Ҳаётбахш маънавий мерос. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – Б. 13.
3. Уватов У. Ҳадис илминининг султони. – Т.: Имом Бухорий халқаро маркази, 2009. – Б. 46.
4. Уватов У. Ҳадис илминининг султони. – Т.: Имом Бухорий халқаро маркази, 2009. – Б. 47;
5. Усмонхон Алимов. Имом ал-Бухорий баракоти. – Тошкент, 2007. – Б. 13.

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК СУВЕРЕНИТЕТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

Раҳманов А.Э. – ф.ф.н. (ТерДУ).

Аннотация: Мақолада миллий давлатчилик суверенитети зоясининг пайдо бўлиши, унинг турлича талқинлари ва замонавий ёндашувлар хусусида фикр юритилиб, ушбу тушунчанинг ижтимоий-фалсафий моҳияти таҳлил қилинган.

Аннотация: В статье освещаются вопросы происхождения идеи суверенитета национальной государственности, о её исторических толкованиях и современных подходах к нему, анализируется социально-философская сущность данного понятия.

Abstract: The article discusses the emergence of the idea of national state sovereignty, its historical interpretations and modern approaches. The socio-philosophical essence of this concept is analyzed.

Калит сўзлар: Сиёсий мустақиллик, суверенитет, суверен тенглик, давлат суверенитети, миллат суверенитети, халқ суверенитети, глобаллашув, суверенитетга таҳдидлар.

Замонавий глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитети табиатида рўй бераётган ўзгаришлар масаласида хилма-хил интеллектуал ёндашувлар ва баҳолар шаклланган бўлиб, уларни нафақат сиёсий ёки ҳуқуқий фанлар доирасида, балки ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан ҳам ўрганиш ҳамда моҳиятини англаш муҳим илмий ва методологик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг Шарқ тамаддунига мансублигини, “давлатнинг бош ислохотчилиги” тамойили бозор иқтисодиёти ва эркин демократик жамиятга ўтиш даврида муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини эътиборга оладиган бўлсак, миллий давлатчилик суверенитетини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, уни турли таҳдидлар таъсиридан ҳимоя қилишнинг зарурати янада кўпроқ намоён бўлади. Зеро, миллий давлат ҳар қандай миллат мавжудлиги, уюшқоқлиги ва тараққиётининг шартидир. Миллий давлатнинг, унинг асосий белгиси бўлмиш суверенитетининг емирилиши эса ўз навбатида миллатнинг йўқолишигача олиб келиши мумкин. Гегель таъбири билан айтганда, тарих давлатчиликдан бошланади. “Халқ давлат

қурилишисиз ҳеч қандай тарихга эга эмас” (Қаранг: 4)

Маълумки, давлат суверенитети ҳақидаги ғоя биринчи марта XVI асрда француз файласуфи Жан Боден томонидан асослаб берилган. (Қаранг: 3, Т.2). Ж.Боден “Давлат ички ва ташқи сиёсатда мустақилдир”, дейиш билан суверенитет, суверен ҳокимият ҳақидаги фикрни илгари суради ва суверен бўлмаган давлатни давлат деб ҳисобламайди. Бунда у давлатнинг доимий, мутлоқ, бўлинмас олий ҳокимиятини назарда тутган. Унинг фикрига кўра, суверенитет давлатнинг энг муҳим белгиси ҳисобланади, Бу ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам бошқа давлатлар билан муносабатида намоён бўлади. Суверен ҳокимият эгасидан баландроқда фақат худо ва табиат қонунлари бўлиши мумкин. Давлат суверенитети мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш, ўз ҳудудининг дахлсизлигини таъминлаш, қонунларни қабул қилиш, уруш ва тинчлик масаласини ҳал қилиш, суд ҳокимиятини амалга ошириш, мансабдор шахсларни тайинлаш, мустақил валютага эга бўлиш кабиларни тақозо қилиши назарда тутилган. Гарчи Ж.Боден яшаб ўтган XVI асрдан буён суверенитет масаласида жуда кўп қарашлар илгари сурилган бўлсада, унинг таълимоти бугунги кунда ҳам назарий ва амалий жиҳатдан аҳамиятлидир. Жумладан, суверенитет давлатга тегишли эканлиги ва мамлакатда олий ҳокимиятнинг ажралмас белгиси ҳисобланиши. Иккинчидан, суверенитетнинг чекланмаганлиги, яъни ҳар қандай бошқа ҳокимиятдан мустақиллиги. Учунчидан, суверенитетнинг бўлинмаслиги.

Ж.Боденнинг “давлат суверенитети” ғояси кейинги даврларда Т.Гоббснинг “давлат институти суверенитети”, Ж.Руссонинг “халқ суверенитети”, И.Кантнинг давлатнинг суверенитети “абдий тинчлик” воситаси назарияси, Г.Гегелнинг “ҳуқуқ суверенитети” тўғрисидаги қарашларида ривожлантирилди ва мазмунан бойитилди.

“Суверенитет” тушунчасининг замонавий талқинларига тўхталадиган бўлсак, кўпчилик илмий луғатларда мазкур тушунча французча *“soverainite”* (олий ҳокимият) сўзидан келтириб чиқарилади ҳамда “давлатнинг ички ва ташқи сиёсатдаги тўла мустақиллигини” ифодалаш белгиланган.(6, 266-бет). “Суверенитет”, “суверен” сўзлари билан “мустақиллик”, “мустақил” сўзларини синонимлар, яъни талаффузи бошқа, лекин англатган маънолари бир, ўхшаш ёки яқин сўзлар деб қараш мумкин. Миллатнинг тараққиёти миллий мустақиллик ифодасидир. Жаҳон халқлари тарихи шундан далолат берадики, миллий мустақилликка эришиш давлат ҳокимиятини қўлга киритишдан бошланади. Чунки сиёсий мустақилликсиз давлат мустақиллигига эришиб бўлмайди. Сиёсий мустақиллик айна бир пайтда ҳам иқтисодий мустақилликнинг, ҳам маданий-маънавий мустақилликнинг ўзаги, негизидир.

Сиёсий мустақилликнинг, яъни суверенитетнинг маъно-моҳияти, асосий белгилари қуйидагиларда намоён бўлади:

- сиёсий мустақилликнинг дунё бўйича тарихан эътироф этилган ва амал қилиб келинаётган бирламчи, белгиловчи омили – давлат ҳокимиятига, давлат муассасаларига эга бўлишдир;

- сиёсий мустақиллик – бу ҳар бир халқ ва миллатнинг ўзини-ўзи идора этиши, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидир;

- сиёсий мустақиллик давлат чегараси ва ҳудудининг дахлсиз ва бўлинмаслигини, унинг халқи розилигисиз чегара ва ҳудудини ҳеч қачон ўзгартириб бўлмаслигини ҳам билдиради;

- ҳар қандай давлат сиёсий мустақиллигининг энг муҳим, асосий белгиларидан яна бири – ўз Конституциясига, фуқаролигига, тилига, миллий пулига, миллий байроғи, герби ва миллий мадҳиясига эга бўлишидир;
- сиёсий мустақиллик ҳар бир давлатнинг ички ва ташқи сиёсати соҳасидаги барча ва ҳар қандай ишларни ўзи мустақил амалга оширишини ҳам билдиради. (Қаранг: 7, 9-10 бетлар).

Ҳар бир мустақил давлат ўзининг суверенитетини эълон қилади ва уни тўлақонли таъминлашга интилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддаси ҳам “Ўзбекистон суверен демократик республика” (2, 4-бет) сўзлари билан бошланади. Суверенитетни ҳурматлаш – халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг асосий принциpidир. Давлатларнинг суверенитети Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам халқаро муносабатларнинг асоси сифатида тан олинади. Жумладан, БМТ Низомининг 2-моддасида “Ташкилот ўзининг барча аъзоларининг суверен тенглиги принципига асосланади”, - дея эътироф этилган. (1, 5-бет). Шунингдек, 1970 йилги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари декларациясида БМТнинг барча аъзолари суверен тенгликнинг таркибий қисмлари сифатида қуйидаги қоидалар белгилаб қўйилган: “биринчидан, барча давлатлар юридик жиҳатдан тенгдирлар; иккинчидан, ҳар бир давлат тўлиқ суверенитетга хос бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади; учинчидан, ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг ҳуқуқ лаёқатини ҳурмат қилмоғи лозим; тўртинчидан, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллиги дахлсиздир; бешинчидан, ҳар бир давлат ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин асосларда танлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадир; олтинчидан, ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини тўлиқ ва виждонан бажариши лозим”. (5, 90-бет).

Илмий адабиётларда суверенитет тушунчасининг давлат суверенитети, миллат суверенитети ва халқ суверенитети каби кўринишлари учрайди. Давлат суверенитети тушунчаси мустақил давлатларга хос ажралмас юридик сифатни ифодалайди, яъни уларнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан эркинлиги, давлатлараро муносабатларда ҳеч кимга бўйсунмаслиги ва олий ҳокимиятга эга эканлигини билдиради. Давлатларнинг суверенитети тамойили замонавий халқаро ҳуқуқнинг асосини ташкил этади. Миллат суверенитети – миллатнинг тўла ҳокимиятини, унинг тўла сиёсий эркинлиги, ўз миллий ҳаётини белгилашнинг реал имкониятига эгалигини, мустақил давлатни ташкил қила олишгача бўлган ҳуқуққа эгалигини билдиради. Халқ суверенитети эса мамлакатда халқ хоҳиш иродасининг устунлигини англатади. Халқ суверенитети ғояси XVI асрда яшаган европалик олим Марсилиий Падуанский томонидан илгари сурилган. Кейинчалик бу ғоя ҳуқуқшунос олим Иоганн Алтузининг (1557-1638) “Сиёсат”, француз мутафаккири Жан Жак Руссонинг “Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқ тамойиллари” асарларида ривожлантирилган. Бу ғоя XVIII асрдаги Буюк Франция инқилобидан сўнг “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси” (1889) қабул қилиниши билан янада катта аҳамият касб этди. Бу таъсир натижасида қабул қилинган Франция Республикаси Конституциясининг 3-моддасида “Миллий суверенитет халқники бўлиб, халқ уни ўз вакиллари ва референдум орқали амалга оширади”, дея эътироф этилган. Давлат бошқарувининг демократик характерига мос равишда мансабдор шахслар ва давлат органларининг фуқаролар олдида маъсуллиги конституциявий тизим принципларидан бири ҳисобланади. Бу тамойил жаҳондаги аксарият мамлакатлар Конституцияларида ҳам ўз ифодасини

топган. Хусусан, мазкур тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида “давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органи ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул”, 7-моддасида “халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши” қоидалари билан мустаҳкамлаб кўйилган. Халқ суверенитети давлат суверенитетидан фарқ қилсада, бироқ унга қарама-қарши эмас. Чунки, биринчисида давлатда олий ҳокимиятнинг манбаи масаласи ифодаланса, иккинчисида давлатнинг ўзининг олий ҳокимияти назарда тутилади. Ҳозирги кунда халқ суверенитети доктринаси жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган бўлиб, жумладан, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” 21-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, халқ иродаси ҳар қандай ҳокимиятнинг асосини ташкил этиши, умумий ва тенг ҳуқуқлилиқ негизида ташкил этиладиган даврий ва шаффоф сайловлар воситасида намоён бўлиши лозим. Демак, халқ суверенитети ғоясининг асосий тамойиллари: а) ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқдир; б) барча қонунлар халқ томонидан қабул қилиниши лозим; в) ҳукумат халқ томонидан сайланиши ва халқ назорати остида ўз фаолиятини амалга ошириши кабилардир.

Умуман олганда, миллий давлатчилик суверенитети, яъни ҳар бир давлатнинг ўз ҳудудидаги олий ҳокимияти мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини таъминлаб келган, турли ижтимоий гуруҳлар ва манфаатлар ўртасидаги мувозанатни белгилаб берган. Бироқ, глобаллашувнинг серқирра тус олиши ва шиддатлашуви шароитида миллий давлатчилик суверенитетининг камайишига сабаб бўлаётган янги турдаги таҳдидлар кўпгина давлатларда анъанавий ижтимоий муносабатларнинг бузилишига, этник, миллий можароларнинг кўпайишига, иқтисодий инқирозлар ва ижтимоий таназзулларга олиб келмоқда.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: биринчидан, глобаллашув жараёнида турли ғаразли мақсадларда (геосиёсий, трансмиллий) фойдаланишга уринишлар миллий ва глобал манфаатлар ўртасидаги кескинликнинг ортишига сабаб бўлмоқда; иккинчидан, миллий давлатларнинг суверенитети глобаллашув шароитидаги таҳдидлар таъсирида бир мунча камайиб бормоқда, бунга терроризм, экстремизм, сепаратизм, “оммавий маданият”, миссионерлик, халқаро миграция, космополитизм, миллий нигилизм, эгоцентризм каби муаммолар сабаб бўлмоқда; учинчидан, миллий давлатчилик суверенитети бутунлай йўққа чикмайди, ижтимоий барқарорликнинг кафолатчиси, жамиятни зўравонлик, жиноятчилик, террор сингари глобал кўламда ривожланаётган таҳдидлардан ҳимоя қила оладиган куч сифатида давлатнинг ижтимоий ролига эҳтиёж бундан буён ҳам сақланиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва Халқаро суд статуси. – Т., 2002.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
3. Боден Ж. Шесть книг о государстве. – М., 1999.

4. Гегель. Философия права. – М.: “Мысль”, 1990.
5. Саидов А. Халқаро ҳуқуқ (дарслик).- Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2001.
6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Akademiya, 2007.
7. Рахмонов А., Сафаров А. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан юксалиш сари ривожланиш босқичлари.- Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2020.

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШ ИШИДА ТУТГАН ЎРНИ

Махматкулов Жасур Исроил ўғли

Қашқадарё вилояти ИИБ Жиноят қидирув вакили

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда Гиёхвандликка қарши қурашда Марказий Осиё давлатлари, Россия, Эрон, Хитой, Полша, Италия, Покистон, Украина, Германия, Грузия, Туркия, Болгария, Латвия ва бошқа мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси шунингдек, БМТ, МДХ, ШХТ ва ОДКБ халқаро ҳуқуқий меъёрлари доирасида тузилган миллий қонунчиликка асосланган маълумотлар келтирилган.

Калит сўз: Гиёхвандлик, наркотик, психотроп, БМТ, ЮНИСЕФ, МДХ, ШХТ, ОДКБ, Марказий Осиё, Миллий марказ, конвенция, божхона, жиноят.

Аннотация. В данной статье рассматривается опыт стран Центральной Азии, России, Ирана, Китая, Польши, Италии, Пакистана, Украины, Германии, Грузии, Турции, Болгарии, Латвии и других стран по борьбе с наркотиками в Узбекистане, а также международно-правовые нормы ООН, СНГ, ШОС и ОДКБ на основе национального законодательства.

Ключевые слова: Наркотики, наркотики, психотропные средства, ООН, ЮНИСЕФ, СНГ, ШОС, ОДКБ, Центральная Азия, Национальный центр, конвенция, таможня, преступность.

Abstract. In this article, the experience of Central Asian countries, Russia, Iran, China, Poland, Italy, Pakistan, Ukraine, Germany, Georgia, Turkey, Bulgaria, Latvia and other countries in the fight against drugs in Uzbekistan, as well as UN, CIS, SCO and CSTO international legal data based on national legislation drawn up within the framework of the norms.

Keywords: Drugs, narcotics, psychotropic, UN, UNICEF, CIS, SCO, CSTO, Central Asia, National Center, convention, customs, crime

Гиёхвандликка қарши қураш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. БМТнинг маълумотларига қараганда, дунёда ҳозир 8 млн. киши героин, 191,2 млн киши эса турли хил гиёхванд моддаларни истеъмол қилади. Бунинг оқибатида 20 минг киши захарланган [2.1].

Гиёхвандликка қарши қураш муаммоси у ёки бу мамлакатнинг ички муаммоси бўлибгина қолмай балки глобал даражадаги аҳамият касб этади. Унга қарши қураш жаҳон ҳамжамиятидан бутун куч ва имкониятларни бирлаштириб ҳамкорликда комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни биргаликда адо этишни тақозо этади. Бугунги кунда Ўзбекистон наркотрафикка қарши қураш соҳасида Марказий Осиё давлатлари, Россия, Эрон, Хитой, Польша, Италия, Покистон, Украина, Германия, Грузия, Туркия, Болгария, Латвия ва бошқа мамлакатлар билан тузилган икки томонлама шартнома, шунингдек, МДХ, ШХТ ва ОДКБ доирасида тузилган кўп томонлама мажбуриятларни бажариб келмоқда [1.3].

Гиёхвандликка қарши қурашда халқаро ҳуқуқий ва миллий ҳуқуқий меъёрларни тадқиқ қилиш, турли давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш, миллий

қонунчиликка асосан халқаро ҳуқуқий меъёрларни тадқиқ қилиш ҳозирги кунинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Наркоманияга қарши кураш ҳозирги кунда бутун дунё мамлакатларининг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг Биринч Президенти И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 28 сентябрда 48-сессиясида қилган маърузасида наркомания ва наркобизнесга қарши курашиш энг муҳим муаммоларнинг бирига айлангани боис бутун дунёни унга қарши курашга курашишга чақирди. Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини баён этиб, Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий комиссиясини тузишни таклиф этди. Натижада Тошкентда БМТнинг минтақавий ваколатхонаси иш бошлади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 1994 йилда 30 апрелда БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш ва уларга қарши курашни мувофиқлаштириш мақсадида Халқаро дастури доирасида Ўзбекистон Республикасида наркотикларни азорат қилиш давлат комиссияси ташкил этилди. Ушбу комиссия таркибига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, бошқа давлат ташкилотларининг раҳбарлари киритилди [3.3]. Юқоридаги амалий ишлар натижасида 1992–1994 йилларда Афғонистондан кириб келган 15 тонна 447 кгдан кўпроқ гиёҳвандлик моддалари, шу жумладан, 1167 кг наркотик моддалар Ўзбекистонда ушлаб қолинди [9].

Бундан ташқари Миллий марказ ходимлари ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда Гиёҳвандлик муаммоларига бағишланган Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Ҳиндистон, Буюк Британия, Туркия каби бир қатор мамлакатларда ўтказилган семинарлар ва учрашувларда қатнади. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида Хитой, Литва, Полша ва Исроил давлатларида “Гиёҳванд моддаларни тарқалишига қарши кураш”га бағишланган анжуманларда иштирок этишди [3.3].

1996 йил 24 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий кинология марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги 364-сонли қарорига асосан Давлат божхона қўмитаси қошида Миллий кинология маркази ташкил этилди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу марказ фаолияти билан АҚШ, Франция, Россия, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Қирғизистон давлатлари ҳамда Бутунжаҳон божхона ва Евробожхона ташкилотлари делегация вакиллари яқиндан танишиб, уни юқори баҳоладилар [5.4].

1999 йил 19 августда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги ҳамда БМТ конвенцияларини ратификация қилиш ҳақидаги қонунлар қабул қилинди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси тузилди. Унинг 2011 йил 8 июндаги қарори билан Наркотик моддаларнинг суистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011–2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди [9].

2007 йил 26 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан гиёҳванд моддаларни йўқ қилиш бўйича ҳар йили ўтказиладиган тадбир “Халқаро наркотик моддаларни суистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунига” бағишланди. Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирокида Тошкентдаги саноат корхоналарининг бирида бунинг учун

махсус ажратилган печларда 1435 килограмм гиёҳванд модда: героин, қорадори, марихуана, наша, шунингдек, катта миқдордаги кўкнори похоти, таркибида наша бўлган ўсимликлар, ҳапдори ҳамда эритма кўринишидаги психотроп моддалар ёқиб юборилди. Бундай тадбир илк марта 1994 йилда ўтказилган эди. Ўтган вақт ичида Ўзбекистонда ёқиб юбориш йўли билан 40,5 тонна гиёҳванд моддалар йўқ қилинди [1].

2007 йилда БМТнинг мамлакатимиздаги Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг ваколатхонасида Ўзбекистон Республикасининг Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси вакиллари иштирокида Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш қунига бағишланган матбуот анжуманида Афғонистон мавзусига алоҳида тўхталиб ўтилди. Афғонистонда халқаро ҳамжамият томонидан кўриляётган чора-тадбирларга қарамай, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришнинг ўсиши давом этаётгани таъкидланди. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, 2007 йилда бу мамлакатда ишлаб чиқарилган қорадори миқдори 2006 йилги кўрсаткичга нисбатан 34,4 фоизга кўпайган. Ўзбекистонда 2007–2010 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди [1.3].

2011 йил 8 июндаги қарори билан Наркотик моддаларнинг суиистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011–2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди [9]. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан ҳозирга қадар мамлакатимизда таъқиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхатига кўшимча 80 турдаги янги гиёҳвандлик воситалари киритилди [4].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида Бош Ассамблеянинг 71-сессияси якунлари бўйича БМТнинг олти расмий тилида Ўзбекистоннинг гиёҳвандликка қарши сиёсатининг асосий йўналишлари ва унинг асосида 2016 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди. 2016 йилда “Қоралолақизғалдоқ–2016” операциясида Ўзбекистонда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш йўлида қабул қилинган ташкилий-амалий ва тезкор-профилактик чоралар натижасида 6646 жиноий ҳолат аниқланган. 3 тонна ва 542,4 килограмм гиёҳванд модда, шунингдек 19 277 та психотроп таблетка ноқонуний айланишдан олинган. Шунингдек, гиёҳванд моддалар олинувчи ўсимликларни етиштириш бўйича 1070 ноқонуний ҳолат аниқланган. 4900 квадрат метрга экилган гиёҳванд ўсимликлар йўқ қилинди. [6].

БМТнинг гувоҳлик беришича, Афғонистон қора дориларининг 60 фоиздан кўпроғи Тожикистон чегараларини босиб ўтади. 2000 йилда Тожикистонда 7 тонна турли хил гиёҳвандлик моддалари ва 1,8 тонна героин, Ўзбекистонда эса 3 тоннага яқин қора дорилар тортиб олинди. Ноқонуний наркобизнес билан шуғулланишга, ҳатто, аёллар ҳам жалб этилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон ҳудудида қўлга олинган тарқатувчиларнинг 25 фоизи аёллардир. ЮНИСЕФ (БМТ болалар фонди) экспертлари томонидан 35 та мамлакатда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, уларнинг 60 фоизи мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб кўрганлар [7.3].

Вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларига ружу

қўйишининг асосий ижтимоий сабаблари ҳам мавжуд. Буларга нотинич оилалар, шахс яшаётган муҳит, жамиятнинг муносабати ва ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар ва бошқа муаммолар киради. Шунингдек, ҳозирги кунда алкоғолизм ёки гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчи вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳоллари кузатилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига коўра дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига юлиққан. Унинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади [8].

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, дунёга тарқаладиган жами қора дорининг 75 фоизи Афғонистондан чиқади. 2000 йилда Афғонистонда 4600 тонна ана шундай ажал уруғи ишлаб чиқарилди. Бу жами оғунинг 65 фоизи демакдир. Гиёҳванд моддани тайёрловчилар биринчи галда Афғонистоннинг яқин кўшнилари бўлган Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланишга интилади. Бу эса минтақадаги ҳавфсизликка катта ҳавф туғдирмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иванова А. Гиёҳвандлик йўлидаги мустаҳкам ғов \ Халқ сўзи, 27 июнь, 2008 йил. 3 б.
2. Тохиров Ф. Гиёҳвандлик – ҳавфли иллат // Инсон ва қонун 5-феврал, 2002 йил №5 1-б.
3. Иброҳимов Ҳ. Гиёҳвандликка қарши кураш: ҳамкорлик – ҳаракат мезони // Инсон ва қонун 19 феврал, 2002 йил №5 3-б.
4. Юлдошов Ҳ. Ўзбекистонда 1,6 тоннадан ортиқ гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди // Халқ сўзи, 26 июнь, 2018 йил.
5. Анваров Ш. Оғули ҳаёт азоб // Тошкент ҳақиқати. 20 февраль, 2008 йил,
6. Ўзбекистоннинг гиёҳвандликка қарши сиёсати натижалари маълум қилинди // Халқ сўзи, 29.08.2017.
7. Тошкент ҳақиқати 2001 йил 15 сентябрь №73 3 б.
8. Холматова М., Муравьева Н. Ёшлар оилавий ҳаёт бўсағасида. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/26/narcotic/>.

INSON QADRINI ULUG‘LASH

Bo‘riyev Odil Qobilovich

Termiz davlat universiteti

*Yuridik fakulteti innatsion va texnologiyalarni qo‘llab quvvatlash
hamda ilmiy ishlar bo‘yicha dekan maslahatchisi*

Annotatsiya. Yangi O‘zbekistonda erkin fuqarolik jamiyati barpo etish va insonparvar demokratik huquqiy davlat qurish yo‘lida, inson qadrini ulug‘lash va inson qadri oliy qadriyat hisoblanishi to‘g‘risida fikr yuritilgan.

Tayanch so‘zlar: Inson, huquq, qadriyati, insonparvarlik, erkinlik, kafolat.

Аннотации. На пути к построению гражданского общества идея заключалась в том, чтобы прославить человеческое достоинство и считать человеческое достоинство высшей ценностью.

Ключевые слова: человек, закон, достоинство, человечность, свобода, гарантия.

Annotation. The idea of restoration of free civil society in the new Uzbekistan and the construction of a humane democratic legal state, glorification of human dignity and the formation of a higher value of human dignity was considered.

Keywords: Man, Law, value, humanism, freedom, guarantee.

“Yangi O‘zbekistonni barpo etish - bu shunchaki xohish-istak, sub’ektiv hodisa emas, balki tub tarixiy asoslarga ega bo‘lgan, mamlakatimizdagi mavjud siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy, ma’naviy-ma’rifiy vaziyatning o‘zi taqozo etayotgan, xalqimizning asriy orzu-intilishlariga mos, uning milliy manfaatlariga to‘la javob beradigan ob’ektiv zaruratdir” deb ta’kidladi Prezident Shavkat Mirziyoyev.

Shu bilan birga yurtboshimiz “Yangi O‘zbekistonda “Davlat – inson uchun” tamoyili asosida inson xuquqlarini rag‘batlantirish, himoya qilish va ularga amal qilish masalalari islohotlarimizning eng ustuvor yo‘nalishiga aylandi”, “Yurtimizda uzoq yillar davomida “davlat - jamiyat - inson” tamoyiliga amal qilib kelindi. Davlat qurilishi va boshqaruvi, barcha siyosiy tuzilmalar, ularning ish uslubi va faoliyati ham ana shu tamoyil asosida shakllandi.

Aslida esa, avvalo, inson, uning haq-huquqlari va baxt-saodati davlat siyosati, barcha davlat organlari faoliyatining eng ustuvor maqsadi bo‘lishi lozim. Jamiyat qurilishi va davlat siyosati ana shu g‘oyaga tayanishi hamda “Davlat – inson uchun” tamoyili asosida tashkil etilishi darkor” deb takidladi. Shunday ekan biz inson huquqlari yo‘nalishida mustaqil ilmiy izlanishlar olib borayotgan yosh tadqiqotchilarga shunday vazifa qo‘yiladiki, yurtboshimiz tomonidan ilgari surilgan maqsad va g‘oyalarni huquqiy tahlil qilib o‘z maqola va tezislarimiz orqali xalqimizga to‘g‘ri targ‘ibot va tashviqot ishlarini olib borishimiz kerak deb o‘ylayman.

Yangi O‘zbekistonda erkin fuqarolik jamiyati barpo etish va insonparvar demokratik huquqiy davlat qurish yo‘lida keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Ushbu islohotlardan ko‘zlangan asosiy maqsad inson, uning huquq va manfaatlarini ta’minlashdir.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 13-moddasida “O‘zbekiston Respublikasida demokratiya umuminsoniy printsiplarga asoslanadi, ularga ko‘ra inson, uning hayoti, erkinligi, sha’ni, qadr-qimmat va boshqa daxlsiz huquqlari oliy qadriyat hisoblanadi”, deb belgilangan. Insonni ulug‘lash, uning huquq va qonuniy manfaatlarini ifoda etish hamda har tomonlama kamol toptirish Qomusimizning asosiy g‘oyasi hisoblanadi. Shaxsning sha’ni va qadr-qimmat, uning hayoti va sog‘lig‘i yoki shaxsiy erkinligi bu insonning takrorlanmas shaxsiy huquq va erkinliklari va uning boyligidir.

Jinoyat sodir etganlikda ayblanayotgan har bir shaxsning ishi sud qonuniy tartibda, oshkora ko‘rib chiqilib, uning aybi aniqlanmaguncha u aybdor hisoblanmaydi. Sud qonuniy ayblanayotgan shaxsga o‘zini himoya qilish uchun barcha sharoitlar ta’minlab beriladi. Hech kim qiynoqqa solinishi, zo‘ravonlikka, shafqatsiz yoki inson qadr-qimmatini kamsituvchi boshqa tarzdagi tazyiqqa duchor etilishi mumkin emas. Hech kimda uning roziligisiz tibbiy yoki ilmiy tajribalar o‘tkazilishi mumkin emas.

Konstitutsiyamizning 26-moddasida, “hech kim qiynoqqa solinishi, zo‘ravonlikka,

shafqatsiz yoki inson qadr-qimmatini kamsituvchi boshqatarzdagi tazyiqqa duchor etilishi mumkin emas”ligi belgilab qo‘yilgan. Shunga asosan, O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat protsessual kodeksining “Shaxsning sha’ni va qadr-qimmatini hurmat qilish” deb nomlanuvchi 17-moddasida sudya, prokuror, tergovchi va surishtiruvchi ishda qatnashayotganlar shaxslarning sha’ni va qadr-qimmatini hurmat qilishlari shartligi hamda hech kim qiynoqqa solinishi, zo‘ravonlikka, shafqatsiz yoki inson sha’ni va qadr-qimmatini kamsituvchi boshqa tarzdagi tazyiqqa duchor etilishi mumkin emasligi kabi qoidalar o‘z ifodasini topgan. Inson sha’ni va qadr-qimmatini kamsitadigan, uning shaxsiy hayotiga taalluqli ma’lumotlar oshkor bo‘lishiga olib keladigan, sog‘ligini xavf ostiga qo‘yadigan, asossiz ravishda unga jismoniy yoki ma’naviy azob-uqubat yetkazadigan harakatlar qilish ta’qiqlanishi shaxsning sha’ni va qadr-qimmatini hurmat qilish printsipining mohiyatini tashkil qiladi.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining 1995-yil 31-avgustdagi 130-1-sonli “1984-yil 10-dekabrda Qiynoqlarga solishga va muomalada bo‘lish va jazolashning boshqa shafqatsiz, g‘ayriinsoniy yoki qadr-qimmatni tahqirlovchi turlariga qarshi konvetsiyaga qo‘shilish haqida”gi qaroriga muvofiq qo‘shilishi bizning mamlakatimizda inson qadr-qimmatini nechog‘lik yuksak darajada ulug‘lanishining yaqqol dalilidir.

O‘zbekiston davlatimiz inson huquqlari bo‘yicha 70 dan ortiq asosiy hujjatga qo‘shilgan, *BMT tomonidan qabul qilingan 10 ta xalqaro shartnomaning bevosita ishtirokchisidir*. “Toshkent Davlat Yuridik Universiteti professori D.Bazarbayevaning maqolasi”. Milliy qonunchilik va huquqni qo‘llash amaliyotiga xalqaro standartlarni tizimli va bosqichma-bosqich implementatsiya qilishning o‘z modeli, insonning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinliklariga rioya etilishi monitoringi milliy tizimi shakllantirildi. Ta’kidlash lozimki, bugungi kunda huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatida potentsial ahamiyatga ega islohotlar amalga oshirilsada, tizimlar faoliyatida kuch ishlatish, zo‘ravonlik holatlari ham uchrab turmoqda. Bu shuni ko‘rsatadiki, so‘nggi yillarda qiynoqlarga yo‘l qo‘ymaslik bo‘yicha jiddiy va ortga qaytmaydigan islohotlar amalga oshirilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida Odil sudlovni ta’minlash va korrupsiyaga qarshi kurashish borasidagi vazifalar muhokamasiga bag‘ishlangan yig‘ilishida, Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Milliy markazi, “O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Inson huquqlari bo‘yicha vakili Ombudsman, Toshkent davlat yuridik universitetiga “Inson qadr-qimmatini – eng oliy qadriyat” maxsus o‘quv moduli bo‘yicha barcha huquq-tartibot idoralari rahbar xodimlarini o‘qitish vazifasi yuklatilishini ta’kidlab o‘tdi.

Inson qadri – ulug‘. U ertaga emas, uzoq kelajakda emas, aynan bugun o‘z hayotidan rozi va mamnun bo‘lib yashashi kerak.

Yurtboshimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev “har bir inson dunyoda umid bilan yashaydi. orzularimga yetay, shinam uy-joyim bo‘lsa, yon-atrofimda qulay sharoit, bekamu ko‘st muhit hukm sursa, jamiyatga, raiyatga, davlatga, oilamga, ota-onamga, mahalla-ko‘yga, qishlog‘imga, yurtimga foydam tegsa, murodu maqsadim ushalsa, deb orzu havaslarni hayolidan o‘tkazadi”, deb takidlab o‘tgan.

Prezidentimiz: har bir inson umid bilan yashar ekan, ertaga, indin yoki undan keyin emas, hozir, shu bugun niyatiga yetishini, umridan, hayotidan, har bir kunidan rozi, mamnun bo‘lishini istaydi. Zero, bugun odamlarni rozi qilish – kelajagimizni go‘zal, betakror, ulkan salohiyat va qudrat kasb etishini ta’minlaydi. Bu – inkor qilib bo‘lmas

haqiqat. Baxtli odamlargina dunyoni yangilashga, o'zgartirishga qodir, deb katta ishonch bildirgan.

Mamlakatimiz siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalarda jo'shqin hamda jadal islohotlar davriga kirdi. Shu islohotlarning eng ustuvorlaridan, muhimlaridan biri "Obod qishloq", "Obod mahalla" dasturlaridir. Mazkur dasturlar, avvalambor, xalqimiz ruhiyatini ko'tarishga, uning ichki imkoniyatlarini ko'paytirishga, shaxs sifatidagi kamolotini yuksaltirishga, uning qadr-qimmatini, hurmatini joy-joyiga qo'yishga qaratilgani bilan dolzarb va ahamiyatlidir. Biroq bu ezgu, xayrli yurtimiz istiqboli uchun o'ta muhim dasturlar ijrosida yaxshisini oshirib, yomonini yashirib, loqaydlik, beparvolik, xaspo'shlashga berilish illatlari ko'zga tashlanyaptiki, bunga aslo chidab bo'lmaydi, deb muhtaram Prezidentimiz aytib o'tdi.

Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev 2021-yil 27-iyun kuni "Obod qishloq" va "Obod mahalla" dasturlarini amalga oshirish, aholi yashash joylarini obod maskanga aylantirish masalalariga bag'ishlangan videoselektor yig'ilishida bu boradagi ishlarni chuqur tahlil qilar ekan, jumladan, shunday dedi: "Joylardagi haqiqiy ahvolni biz xalqimizdan yashirmaymiz va borini qanday bo'lsa, shunday ko'rsatib boramiz. Albatta, bu ko'pchilikka yoqmayapti, ko'p rahbarlar buni hazm qila olmayapti. Lekin biz bu boradagi barcha holatni va boshlagan ishlarimizni xalqimiz bilan bamaslahat va jamoatchilik nazorati ostida amalga oshiramiz".

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev faol fuqarolarimiz va keng ko'lamli aholi qatlami bilan yaqindan suhbatlashib, ularning orzu havaslari va qiziqishlarini o'rgangan holda chuqur mulohaza qilib, 2021-yil 17-dekabrda ma'ruzasida "2022-yilni "Inson qadrini ulug'lash va faol maxalla" yili deb nomladi. Bu ma'ruzada "Inson qadrini ulug'lash-yurtimizda yashayotgan har bir odamning huquq va erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ta'minlash demakdir", – dedi prezidentimiz. "Mahalla obod bo'lsa, mamlakat obod bo'ladi. Shu bois, bundan buyon har bir mahallada samarali ish olib borish faoliyatimizning bosh me'zoniga aylanadi", deya qo'shimcha qildi Shavkat Mirziyoyev.

Fanlar Akademiyasi akademigi A.Saidov ustozimiz ta'kidlaganlaridek huquqiy ong va huquqiy madaniyatni anglamasdan turib, demokratik fuqarolik jamiyati qurib bo'lmaydi degan iboralari mutlaqo to'g'ri. 2021-yil 28–29-may kuni O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisning 15-yig'ilishida Xalqaro Nogironlar to'g'risidagi konvensiya tasdiqlandi. 2020-yil 22-iyunda "Inson huquqlari himoyasi" uchun ko'krak nishoni ta'xis etildi. Har 5 yilda BMTning Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi e'lon qilingan kun va bu kun (1966-yildan mukofotlash tashkil etilgan) endilikda Respublikamizda ham 2020-yil 10-dekabrda boshlab Inson huquqlari himoyasi uchun ko'krak nishoni sovrindorlari tantanali ravishda taqdirлана boshlandi. Inson huquqlar borasida gap borar ekan bu borada mamlakat miqyosida oladigan bo'lsak yuzlab, minglab mahallalarda, qishloqlarda "Obod mahalla" dasturi bo'yicha ishlar amalga oshirilmokda. Bundan tashqari xalqimizga tadbirkorlikni rivojlantirish maqsadida va yana shunga o'xshash ko'plab amalga oshirilishi kerak bo'lgan ishlarga ko'maklashish maqsadida hokim o'rinbosarlari lavozimi ham joriy etildi. Kuni kecha Farg'ona viloyatida xotin qizlar uchun 184 ta uylar davlat tomonidan qurilib o'z egalariga topshirildi. Bundan ko'rinib turibdiki respublikamizda ayollarimizga bo'lgan e'tibor yanada kuchaydi inson mafaati hamma narsadan ustun ekanligi yaqqol ko'rinib turibdi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta'biri bilan aytganda insonlarning bekamu ko'st yashashlari uchun shart sharoitlar yaratib berilayapti.

Tibbiyot sohasida, ta'lim sohasida qanchadan qancha yangiliklar, shart-sharoitlar yaratilayotgani gapimizning isboti bo'la oladi. Mamlakatimizning barcha xududlarida qurilish, qayta qurish ishlari besh yildirki, jadal suratlarda olib borilayapti. Ikki yildirki, butun dunyoda tarqalgan pandemiya ya'ni, karonavirus bizni mamlakatimizni ham cheklab o'tmadi. Barchamizga ma'lumki ko'pgina insonlarni oramizdan olib ketdi. Pandemiya zararli oqibatlarini yumshatish borasida yurtboshimiz Sh.Mirziyoyev keng ko'lamli ishlarni amalga oshirdi. Asosiysi bir qancha jahon standartlariga javob beradigan shifoxonalar qurdirib, bepul davlat hisobidan davolash ishlarini yo'lga qo'ydi. Bir qancha rivojlangan davlatlarni misol keltirish mumkin, karonavirusga chalingan fuqarolari o'z hisoblaridan, ya'ni o'z mablag'lari hisobidan davolanishayapti. Bizning davlatimizda kassalika chalingan har bir insonga davolanishga ketgan xarajatlar o'rtacha 35-40 millionni tashkil etadi. Barcha bu harajatlarning barchasi davlat byudjetidan qoplandi. Pandemiya sharoiti davrida bir qancha turdagi soliqlar, kredit to'lovlar muzlatib qo'yildi. Aholini ma'lum qatlamdagilari uchun yordam pullari berildi.

Tadbirkorlik sohasiga ham katta e'tibor qaratildi. Bir qancha farmonlar, qarorlar tadbirkorlarning faoliyatini yuritishda yengilliklar yaratdi, kredit olish ishlari yengillashtirildi. Fuqarolarimizning hujjatlarni rasmiylashtirish ishlari soddalashtirildi. Xalq qabulxonalarini xizmatlari tashkil etildi. Mutassaddi rahbarlarni sayyor qabullari tashkillashtirildi. Xalqning dardi mening dardim, shiori ostida davlat rahbarimiz keng ko'lamli ishlarni olib borayotganligi sir emas. Bu olib borilayotgan sayi harakatlar, qo'shtirnoq ichidagi ba'zi amaldorlarga yoqmasligi tabiiy. Yurtboshimiz insonlarning qadr-qimmatini, tinch osuda yashashlari uchun barcha davlat rahbarlarini xalqni, mahallani oralab dardini bil, muammo kamchiliklarini bartaraf et, degan so'zlari barcha xalqimizni shodlantirdi. Xalqim ar tomonlama to'q, bus-butun bo'lishi kerak degan so'zlari barchamizni ilhomlantirib yuboradi. Davlat xalq manfaatlarini uchun xizmat kilishi kerak degan iboralari butun mamlakatimiz, xalqimiz shioriga aylanib yangray boshladi.

Fuqaroligi bo'lmagan shaxslar uchun fuqarolikni berish tartiblari soddalashtirildi. 2016-yilga qadar biror kishiga fuqarolik berilmaganligidan ko'rinib turibdiki, fuqaroligi bo'lmagan insonlar qadrini ulug'lash bu borada ham o'z aksini topmoqda. Qo'shni mamlakatlar Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston va Afg'oniston davlatlari bilan chegaralarimiz ochildi, qavmi-qarindoshlik va do'stlik rishtalari qayta bog'landi.

Korruptsiyaga qarshi kurashish borasida amaldagi Jinoyat Kodeksiga o'zgartirish kiritish masalasi ko'rib chiqilmoqda. Bunda asosiy masala jazo choralarini 15 yil muddatini 20 yil muddatga uzaytirish rejalashtirilmoqda. Ushbu turdagi jinoyatlarni sodir etib sudlangan shaxslarga nisbatan keyingi faoliyatida davlat ishlariga asosan rahbarlik lavozimlariga jalb qilinmasligi qat'iyashtirilmokda. Bu sa'y-harakatlarning barchasi inson huquqlari, qadriyatlarini, manfaatlarini ulug'lashga qaratilgan harakatlar, desak xato bo'lmaydi.

Birlashgan Millatlar Tashkiloti "1995–2005-yillarni butun dunyoda Inson huquqlari o'n yilligi", deb e'lon qildi. Inson huquqlarini himoya qilish mustaqilligimiz qomusi bo'lmish Konstitutsiyaning asosiy tamoyillari, O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy iqtisodiy tizimini tubdan isloh qilishning asosiy yo'nalishi va yakuniy maqsadidir.

- Inson huquqlari muammosi – hozirgi zamonning eng dolzarb muammolaridandir.
- Inson huquqlari – bu jamiyatning eng oliy qadriyati, himmatidir.
- Inson huquqlari – bu butun insoniyatning intilishlari, orzu-umidlarini o'ziga jamlagan keng qamrovli tushunchadir.

- Inson huquqlari – bu hozirgi taraqqiyotning asosi va davr talabidir.
- Inson huquqlari – bu demokratik huquqiy davlatning eng muhim belgisidir.
- Inson huquqlari har bir davlatning demokratik taraqqiyoti darajasini ko'rsatuvchi muhim mezonidir. Shuning uchun ham inson huquqlari xalqaro huquqda va milliy huquqiy tizimda muhim o'rin tutadi. Insoniyat o'z tarixiy rivolanishi jarayonida inson huquqlariga oid qonunchilik – bu inson va fuqaro huquqlari hamda erkinliklari haqidagi qonunlar majmuidir. Bu qonunlar qatoriga inson huquqlari bo'yicha Xalqaro hujjatlar va milliy qonunlar kiradi.

Inson huquqlari bo'yicha tarixga nazar tashlasak 3 bosqichdan iborat. Birinchi bosqich – 1789-yilgi inson va fuqaro huquqlari frantsuz deklaratsiyasidan boshlanib, to birinchi jahon urushiga qadar davom etgan. Bu bosqichda insonning shaxsiy va siyosiy huquqlari to'g'risidagi qonunchilik ustuvor ravishda rivojlangan. Bu davrda qabul qilingan qonunlarda alohida e'tibor quyidagi muammolarni huquqiy tartibga solishga qaratilgan: Shaxs erkinligi va fuqarolar tengligi, shaxs daxlsizligi, xususiy mulk huquqi, saylov huquqi turli mezonlar bilan cheklangan bo'lsada.

Ikkinchi bosqichi – XX asrning birinchi yarmini o'z ichiga olgan. Bu bosqichda ijtimoiy yo'nalish demokratiya ta'sirida insonlarning ijtimoiy-iqtisodiy huquqlariga oid qonunchilik tez rivojlangan. Mehnat qilish huquqi, dam olish huquqi, ijtimoiy yordam olish huquqi to'g'risidagi qonunlar alohida ahamiyat kasb etgan. Frantsiya va Shvetsiyadagi sotsial qonunchilik, 1920-yilgi Veymar Konstitutsiyasi, Frantsiya va Italiyaning 1946-yilgi Konstitutsiyalari bunga yaqqol misol bo'ladi.

Uchinchi bosqich – XX asrning ikkinchi yarmiga to'g'ri kelib, bu bosqichda inson huquqlarining “yangi avlodi” to'g'risidagi qonunchilik rivojlanadi. Bu huquqlar qatoriga: tinch yashash huquqi, sof va toza atrof-muhitga ega bo'lish huquqi, axborot olish huquqi kabilar kiradi. Bu bosqichda inson huquqlari to'g'risida xalqaro qonunchilik tizimi shakllandi.

Dunyodagi har bir davlatda ham inson huquqlariga oid muayyan qonunchilik tizimi shakllangan. Bu qonunchilik negizini, avvalambor, Konstitutsiyalar tashkil etadi. Barcha davlatlar Konstitutsiyalarida inson va fuqaro huquqlari va erkinliklariga maxsus bo'lim, boblar ajratilgan. Fuqarolarning konstitutsiyaviy huquq va erkinliklari joriy qonunlarda o'z aksini topgan. Hozirgi kunda davlatlar o'z konstitutsiyalarida inson huquqlariga oid quyidagi muhim qoidalarni mustahkamlaganlar: inson huquqlari va erkinliklarini tan olish va himoya qilish bu davlat majburiyatlaridir. Inson huquqlari va erkinliklari katalogi xalqaro huquqiy andozalarga mos kelishi va bu sohada xalqaro huquqning ustuvorligi, inson huquqlari va erkinliklari unga tug'ilgandan boshlab ta'lluqlidir, yangi tabiiy huquq g'oyasini, nazariyasini e'trof yetilishi, hammaga va har kimga inson huquqlari va erkinliklarining teng va barobar ta'alluqliligi, fuqarolarning kafolatlangan sud himoyasi bilan ta'minlanishi; Inson huquq va erkinliklarini amalga oshirish, boshqa shaxslar huquqlarini buzmasligi zarurligi muhimdir.

Bizning davlatimizda fuqarolarning davlat idoralarida sarson bo'lishiga chek qo'yildi. Umuman olganda, o'tgan yil davomida tizim tashkilotlari tomonidan milliondan ortiq xizmatlari, aholiga qulaylik yaratish maqsadida yangi 159 ta davlat xizmatlari binolari, chekka hududlarda 1 filiallar tashkil etildi, kelayotgan yildan 59 turdagi xizmatini ko'rsatish muddati baravar qisqartiriladi, to'lovlar qisqartirildi, kam ta'minlanganlar, 1 va 2 guruh nogironligi bo'lgan shaxslarga davlat xizmatlari bo'yicha har qanday to'lovlar 50 foiz chegirma bilan ko'rsatiladi. Olti turdagi davlat xizmati uchun to'lovlar miqdori keskin kamaytirildi, ilgari to'lov undirilgan 2 turdagi xizmat bepul ko'rsatila

boshlandi va yana shuni aytish joizki xammamiz bilamizki, xar bir mahallada qilinishi kerak bo'lgan ishlar va yangi g'oyalari talaygina lekin ularni amalga oshirish uchun esa bizda ishchi kuchi kamligi va malakali kadrlar yetishmasligi sababli Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev hokim yordamchilarini joriy qildi va bu bilan halqimizga ko'plab qulayliklar yaratdi. Jumladan tadbirkorlikni rivojlantirish uchun ko'plab shart-sharoitlar yaratib berdi.

Inson qadrini ulug'lashda Oliy Majlis qoshida barpo etilgan "Inson huquqlarini himoya qilish" bo'yicha Ombudsman va bu qatori "Inson huquqlarini himoya qilish Milliy markazi" tashkil etilgan. Bu bevosita mamlakatimiz fuqarolarining haq-huquqlarini, erkinliklarini va kafolatlarini ta'minlab beruvchi yuridik shaxs hisoblanadi.

Muhtaram Prezidentimiz bundan tashqari quyidagilarni alohida ta'kidlab o'tdi: "Bebaho boyligimiz bo'lgan tinchlik va barqarorlikni ta'minlashga ustuvor ahamiyat qaratamiz. 2022-yilda iqtisodiyotimiz tarmoqlari va tadbirkorlikni rivojlantirish, yangi ish o'rinlari yaratish e'tiborimiz markazida bo'ladi. Aholi daromadlarini ko'paytirish, ish haqi, pensiya, stipendiya va nafaqalar miqdorini oshirishga qaratilgan muhim ishlarni davom ettiramiz. Ijtimoiy sohalar, ayniqsa, sog'liqni saqlash, ta'lim-tarbiya va ilm-fanni rivojlantirishga barcha resurslar jalb etiladi. Muhtaram urush va mehnat faxriylarini, aziz ayollarimiz hamda yoshlarimizni qo'llab-quvvatlash, ko'makka muhtoj insonlarga g'amxo'rlik ko'rsatishga alohida e'tibor beramiz. Yurtimizni yanada obod qilish, zamonaviy uy-joylar, jumladan, barcha hududlarimizda "Yangi O'zbekiston massivlari"ni qurish asosiy vazifalarimizdan biri bo'ladi. Ishontirib aytamanki, xalqimizning hayoti yanada farovon va mazmunli bo'lishi uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etamiz", – degan ifodalarga o'rin berdi.

Yurtboshimiz ilgari surayotgan ushbu g'oyalarni amalga oshirish, albatta kelajakda o'z mevasini berishiga biz aniq ishonamiz, fuqarolik jamiyatini qurish, uni mustahkamlash, mustaqil O'zbekiston Respublikasini gullab yashnashi uchun eng asosiy masala inson qadrini ulug'lash eng ustuvor vazifalardan biri hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti muhtaram Sh.Mirziyoyev tomonidan 2016-yil dekabr oyidan boshlab amalga oshirilayotgan sa'y-harakatlarni ulug'lashimiz va qo'llab quvvatlashimiz zarur. Tarixga nazar tashlagudek bo'lsak, qaysi bir davrda, aniqroq qilib aytgudek bo'lsak hech qaysi zamonda inson qadri, inson huquqlariga bunchalik katta e'tibor bo'lmagan. Faqatgina qog'ozlarda qolib kelgani biz uchun yangilik emas. Dunyo xalqlariga ko'z-ko'z qiladigan va o'rnak bo'la oladigan jamiyatni biz qura olamiz, bunga komilman va hech qanday shubham yo'q. Bugungi mustaqil Yangi O'zbekiston fuqarolik jamiyatini qurish uchun bu ezgu ishlarga bosh qosh bo'layotgan davlat rahbarimiz Sh.Mirziyoyev turgan ekanlar bu yo'ldan bizni hech kim va hech qanday kuch to'xtata olmaydi. Biz davlatimiz kelajagi buyukligiga hech qachon shubha qilmaymiz, chunki biz sevgan, biz ishongan, insonlarni haq-huquqlarini oliy qadriyat hisoblagan yurtboshimiz bor va yana shuni aytishimiz kerakki, Konstitutsiyamizning 29 yilligi bayrami munosabati bilan 2021-yil 7-dekabrda davlat rahbari Sh.Mirziyoyev barcha O'zbekiston fuqarolarini chin yurakdan tabrikladi va so'zining oxirida kelgusi 2022-yilda konstitutsiyamizni 30 yillik bayramida inson qadr-qimmatini ulug'lovchi qomus qabul qilinishini ta'kidlab o'tdi. Bundan ko'rinib turibdiki, inson qadri, huquqi, erkinliklari va kafolatlari yuksak cho'qqilarga ko'tariladi. Bunday yurtboshisi, jonkuyari, yulboshchisi bor yurt albatta yuqori marralarga erishadi. Bizlar bu borada o'z qo'limizdan kelgan vazifalarimizni a'lo darajada bajarishga va'da beramiz.

Kelajak avlodga va talabalarga ta'lim berishda vijdonan yondoshishga qo'ldan

kelguncha xarakat kilamiz. Shuningdek, inson huquqlari sohasida O‘zbekistonning xalqaro majburiyatlarini bajarish bo‘yicha davlat va nodavlat tuzilmalar sa‘y-harakatlarini muvofiqlashtirish, inson huquq va erkinliklari milliy monitoringi tizimini takomillashtirish, sohada xalqaro va nodavlat tashkilotlar bilan hamkorlik qilishning maqbul modelini yaratish borasida Markazning muvofiqlashtiruvchi funktsiyalarini kuchaytirish ham bugungi kunda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Zero, ushbu vazifalarni muvaffaqiyatli amalga oshirish orqali, davlatimiz rahbari aytganidek, kuchli fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish mumkin bo‘ladi.

Muhtasar qilib qilib aytadigan bo‘lsak, shunday ozod va obod yurtda yashayotgan har bir fuqaroning qadri ulug‘ bo‘lishi shart, chunki inson qadr-qimmati eng oliy qadriyat hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasining milliy strategiyasi”ni tasdiqlash to‘g‘risidagi 6012-sonli 22.06.2020 yilgi farmoni.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 31.21.2021 yildagi “Yangi yil tabrigi” ma‘ruzasasi.
4. Vazirlar Maxkamasining 2019 yil 14 apreldagi 313-sonli qarori.
5. Fanlar akademiyasi akademigi A.Saidovning 2021-yil 26-fevral “Kuch adolatda” gazetasi “Tinchlik xavfsizlik va taraqqiyot sharti” maqolasi.
6. “Review of Law Sciences” nomli jurnalining 2020-yildagisonining 173-179-betlaridagi Toshkent Davlat Yuridik universiteti professori D.Bazarovning maqolasi.

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудир, тарих фанлари доктори, профессор. Ватан тарихи саҳифалардан жой олган миллий озодлик кураши 3

Гавҳар Мўминова. Қарши давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудир, профессор. **Сарвар Аҳмедов.** Қарши давлат университети магистранти. Ўзбекистоннинг Осиё ва Африка давлатлари билан адабиёт соҳасини ривожланишдаги ҳамкорлиги (XX асрнинг 50-80 йиллар)..... 10

Ҳасанов Акрам Мўминович. Қарши давлат университети Ўзбекистон кафедраси мудир, тарих фанлари доктори. Амир Темур ва темурийлар даври шаҳарсозлик маданияти 14

Пардаев Тошкентбой Ражабович. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси в.б профессори, тарих фанлари доктори. Тиклаш йилларида Ўзбекистонда иқтисоднинг тинчлик ҳолатига ўтказилиши..... 18

Худойқулов Урал Каримович. Ўзбекистон Миллий университети, тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида саноатнинг бир томонлама тараққиёти: муаммо ва зиддиятлар..... 23

Васиева Дилором Ибрагимовна. Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти тарих фанлари номзоди, доцент. Олий таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш - давр талаби..... 25

Ёрматов Фахриддин Жойловович. Термиз давлат университетининг Педагогика институти тиллар факультети декани, тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбек халқининг фронт ортидаги мардонавор меҳнатлари..... 30

Инатов Мурот Ниятович. Ислом Каримов номидаги ТошДТУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти. XX аср 20-йилларида ўзбекистонда демографик вазиятнинг айрим жиҳатлари..... 34

Ботирова Ҳалима Эшмаматовна. “ТҚҲММИ”, МТУ” Гуманитар фанлар” кафедраси в.б.доцент, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd). Мустақиллик йиллари жанубий вилоятларда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига малакали тиббий хизматни йўлга қўйиш..... 40

Усаров Сирожиддин Раҳматуллаевич. Самарқанд давлат университети ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Ўзбекистон республикасининг Осиё – Тинч океани минтақаси давлатлари билан савдо – иқтисодий алоқалари тарихи (Индонезия, Малайзия ва Сингапур мисолида)... 44

Хосиятов Хуршид Отақулович. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, в.б. доцент, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейларининг нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан алоқалари 51

Эргашева Сайёра Абдусоатовна. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси. 1950-80 йиллардаги Сурхондарё вилояти ҳунармандчилик артеллари ва уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти 56

Аннаева Зарифа Мусурманкуловна. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси. Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлиги шароитида экологик муовазантнинг бузилиши 64

Холманова Феруза Ураловна. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси. Пахта тозалаш саноатида янги сифатий ўзгаришлар ва уларнинг натижалари 67

Буранов Абдулҳаким Холлиевич. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси. Ёшларнинг ижтимоий-маънавий кифасидаги ўзгаришлар..... 72

Rajabova Sabohat Bobirovna. Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedراسи o‘qituvchisi. Mustaqillik yillarida ayollarning ijtimoiy mavqeyining ortib borishi (Surxondaryo viloyati misolida) 75

Буриев Завқиддин. Навоий Давлат Кончилик институти тадқиқотчиси. Россия империясининг Каспийорти вилоятига аҳолини кўчириш сиёсати тарихшунослиги ҳақида 80

Холбоева Дилноза Мамюсуповна. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси. Сурхондарё вилояти совхозларида пахтачиликни ривожлантириш тадбирлари ва унинг натижалари 89

Қаюмов Алишер Тожиевич. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси. Чингизхонни Хоразмшоҳлар давлатига қарши сиёсий режалари ва унинг мақсадлари 95

ЭТНОГРАФИЯ

Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди. Сурхон воҳаси аҳолиси миллий таомларининг анъанавий стереотиплари..... 102

Дўстназарова Мавжуд Эломонвна. Термиз давлат университети Фуқаролик кафедраси катта ўқитувчиси. Сурхон – Шеробод воҳасида миллий тўйларда никоҳ билан боғлиқ маросимлар 109

Эшмўминов Озодбек Зиёдулла ўғли. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси тадқиқотчиси. Сурхондарё воҳасида аҳоли миграцияси ва демографик жараёнлар (1925-1941 йиллар)..... 112

Қосимов Абдусаттор Чориевич. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси тадқиқотчиси. Сурхондарё округида қўйчилик ривожлантириш соҳасидаги изланишлар ва самардорлик: натижалар ва муаммолар..... 116

Ҳайдаров Одил Эргашевич. Термиз давлат университети эркин тадқиқотчиси. Ўзбек халқининг деҳқончилик таквими тарихига бир назар 120

Жўраев Феруз Рустам ўғли. Термиз давлат университети Ижтимоий фанлар факультети тадқиқотчиси. Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти – маънавий меросимиз сифатида..... 123

ФАЛСАФА

Рамиль Камилевич Адыгамов. Кандидат исторических наук, старший научный сотрудник отдела истории религий и общественной мысли Института истории им. Ш. Марджани АН РТ (ул. Батурина, 7А, Казань, Российская Федерация); доцент кафедры ICESCO Международной исламской академии Узбекистана. Накшбандийские наставники татарских богословов конца XVIII – XIX вв. в средней Азии 127

Норали БЕРДИЕВ. Кандидат философских наук, доцент Термезского государственного университета. Концепции эстетического..... 133

Шоимов Алишер Раҳматуллаевич. Термиз давлат университети Фалсафа кафедраси ўқитувчиси. Янгиланаётган Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш омиллари	140
Нуриев Санжар Махмудович. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси. Ёш авлод тарбиясида имом ал-бухорий ҳадисларининг аҳамияти.....	146
Раҳманов А.Э. Миллий давлатчилик суверенитети тушунчасининг ижтимоий-фалсафий моҳияти	150

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

Махматқулов Жасур Исроил ўғли. Қашқадарё вилояти ИИБ Жиноят қидирув вакили. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги гиёҳвандликка қарши кураш ишида тутган ўрни	155
Bo‘riyev Odil Qobilovich. Termiz davlat universiteti Yuridik fakulteti innatsion va texnologiyalarni qo‘llab quvvatlash hamda ilmiy ishlar bo‘yicha dekan maslahatchisi. Inson qadrini ulug‘lash	158

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ**

**SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER**

Илм келажасгимиз равнақидир

**СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKHANDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION**

Илмий мақолалар журнали

№-2 2022

«СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР» ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Журнал тахририятига тақдим этилаётган мақолага 1) муаллиф(лар) ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати; 2) эксперт ҳайъати далолатномаси 2 нусхада; 3) мақола ёзилган фан йўналиши бўйича фан доктори имзолаган (имзо тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) тақриз-тавсия илова қилинади (Изоҳ: Бу талаб четдан келадиган мақолалар учун).

2. Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилиши мумкин.

3. Қайси тилда ёзилишидан қатъи назар, мақолага уч тилда - ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияси ҳамда таянч сўз ва иборалар (калит сўзлар) илова қилинади.

4. Мақола журнал тахририятига «Microsoft Word» дастурида («Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир ярим интервалда) терилган ҳолда икки нусхада, электрон варианты (флешка ёки СБда) билан топширилади.

5. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8- 10 саҳифадан, илмий хабарларнинг ҳажми 4-5 саҳифадан ошмаслиги талаб этилади. Мақоланинг бир нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланади.

6. Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғланиш мумкин бўлган манзил (уй вахизматтелефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.

7. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Рангли расм, жадвал ва диаграммалари мавжуд мақолалар фақат истисно тарзида, қўшимча ҳаражатларни муаллифлар ҳисобидан қоплаш шarti билангина қабул қилиниши мумкин. Формулалар матнга махсус компьютердастурларида киритилиши керак.

8. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳи тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги кўчирмадан сўнг иқтибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб рақами ва саҳифаси квадрат қавс ичида берилади. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, манбанинг тўлиқ номи, нашр кўрсаткичи (шаҳар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа номери кўрсатилади.

9. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар тахририят томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

10. Тахририятга тақдим қилинган мақола энг аввал муаллифлик нуқтаи назаридан текширилади. Матнда плагиат аниқланган тақдирда мақолани кўриб чиқиш тўхтатилади. Тахририят плагиат ҳолати аниқланган мақолалар юзасидан муаллиф фаолият юритаётган муассасага кўчириб олинган манбаларни илова қилган ҳолда ахборот юбориши мумкин. Плагиатга йўл қўйган муаллифларнинг мақолалари кейинги уч йил давомида қабул қилинмайди.

11. Муаллифлик жиҳатидан текширувдан ўтган мақола тахририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилади. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътирозлар бўйича муаллифга қайта ишлаш учун тақдим этилади. Мақола нусхалари муаллифларга қайтарилмайди.

12. Ижобий тақриз олган мақола тахририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал тахририяти мақола матнини қисқартириш ва унга тахририй ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

13. Профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим қилинган мақолалар муайян йўналишлар бўйича тахририят аъзоларининг ёки фан докторларининг тақриз-тавсияси (тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) асосида қабул қилинади.